



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институт



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ

www.soliqvahayot.uz



**“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ
ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

Таҳририят кенгаши раиси: и.ф.д. Юсупов Кахрамон Ахмедович

Бош муҳаррир: и.ф.д. проф. Курбанов Зият Ниязович

Таҳририят аъзолари:

и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич (Россия Федерацияси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна (Россия Федерацияси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович

т.ф.д.доц. Акбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.н. доц. Эргашев Зафар Тоштургунович

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Ҳотамов Комил Раббимович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. проф. Худойкулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. проф. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. проф. Уразов Комил Бахрамович

и.ф.д. доц. Исаев Фахриддин Икромович

Маъсул муҳаррир: Назаров Абдукарим Кушарович

Веб администратор: Қуйлиев Улуғбек Рашидович



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

www.soliqvahayot.uz



Kudbiyev D.	<i>Soliq auditining takomillashtirish masalalari</i>	5
Ermatov A.A. Qudbiyev N.T.	<i>IFRS talablariga muvofiq konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarning ahamiyati</i>	11
Pardayev A.X. Pardayeva Z.A. Sharipova Sh.A.	<i>O'zbekiston Respublikasida chakana bank xizmatlari va uni rivojlantirish istiqbollari</i>	19
Suvonov B.B.	<i>Xo'jalik yurituvchi subyektlarda mehnat samaradorligining iqtisodiy mohiyati va uni oshirish yo'nalishlari</i>	25
Абдурахманов К.А.	<i>Бюджетлаштириш ва бюджет назоратининг назарий масалалари</i>	32
Алимова Н.К.	<i>Меҳмонхона фаолиятида даромадлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш</i>	41
Артиков К.А.	<i>Олий таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобининг асосий принциплари ва хусусиятлари</i>	56
Атамуратов А.Р.	<i>Организационно-экономический механизм устойчивого развития предприятий электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан</i>	63
Джалилов Р.Ҳ.	<i>Солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш масалалари</i>	70
Зайниев Ф.Н.	<i>Аҳоли даромадлари тенгсизлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш</i>	78
Исаев Ф.И.	<i>Солиқ ҳисоботи маълумотларини солиқ таҳлили сифатини оширишга таъсири</i>	88
Исломова Д.С.	<i>Корея тематик туризм қишлоқларидан Қашқадарё вилоятида фойдаланиш имкониятлари</i>	96
Исманов И.Н. Мўйдинов Э.Дж.	<i>Тижорат сир шароитида аудитни ташкил қилиш</i>	103



Курбанов Д.Р.	<i>Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортишнинг аҳамияти</i>	111
Курбонбекова М.Т.	<i>Давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир этувчи омилларнинг SVAR модели</i>	118
Махмудов А.З.	<i>Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан тартибга солишнинг солиқ механизми самарадорлиги таҳлили</i>	131
Мукимова Ў.Т.	<i>Савдо хизматларини самарадорлигини оширишда электрон тижорат усулларидан фойдаланиш имкониятлари</i>	143
Мусабеков У.Ж.	<i>Ўзбекистон Республикасида инвестицион имиджни шакллантириш муаммолари</i>	151
Носиров И.А.	<i>Экологический менеджмент использование природных ресурсов - важные задачи человеческого общества</i>	157
Нурматов Ш.Р.	<i>Замонавий солиққа тортиш назариясида солиқ имтиёзларининг илмий назарий талқини</i>	165
Ойматова Г.М.	<i>Ўзбекистонда иқтисодиётга солиқ юкини камайтиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари</i>	174
Сабиров М.М.	<i>Ахборот технологиялари ва уларнинг корхонадаги роли</i>	183
Сатторов А.Ҳ.	<i>Осиё мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ўрганиш тажрибаси</i>	190
Туловов Э.Т.	<i>Қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари</i>	201
Турабов Б.Т.	<i>Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомига риоя қилиш таҳлили</i>	208



SOLIQ AUDITINING TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

i.f.d., professor, Kudbiyev D.
Farg'ona politexnika instituti

Annotatsiya. Maqola soliq auditining ayrim jihatlarini ko'rib chiqishga bag'ishlangan. Ushbu masala, bir tomondan, buxgalteriya hisobotlarini shakllantirish va tayyorlashda qonun hujjatlariga rioya etilishini tekshirish doirasida tahlil qilingan buxgalteriya hisobotlarini auditorlik tekshiruvidan o'tkazishga, boshqa tomondan tadbirkorlik subyektlari va nazorat qiluvchi organlarga soliq qonunchiligiga rioya etilishi to'g'risida auditorlik hisobotlarini taqdim etishga imkon beradi.

Kalit so'zlar: soliq auditi, buxgalteriya hisobi, tegishli xizmat, metodologiya, hisobot berish, qonunchilik, ma'lumotlar.

Аннотация. Статья посвящена рассмотрению некоторых аспектов налогового аудита. Данный вопрос позволяет, с одной стороны, проводить аудит анализируемой бухгалтерской отчетности в рамках проверки соблюдения законодательства при формировании и составлении бухгалтерской отчетности, а с другой стороны, предоставлять субъектам хозяйствования и контролирующим органам аудиторские отчеты о соблюдении налогового законодательства.

Ключевые слова: налоговый аудит, бухгалтерский учет, сопутствующие услуги, методология, отчетность, законодательство, информация.

Abstract. The article is devoted to the consideration of some aspects of tax audit. This issue allows, on the one hand, to audit the analyzed accounting statements as part of the verification of compliance with legislation in the formation and preparation of accounting statements, and on the other hand, to provide business entities and regulatory authorities with audit reports on compliance with tax legislation.

Keywords: tax audit, accounting, related services, methodology, reporting, legislation, information.

1. Kirish.

Respublikamizning bozor iqtisodiyoti sharoitiga o'tish munosabati bilan yangi iqtisodiy munosabatlarni barpo etish zaruriyati tug'iladi. Shu boisdan ham auditorlik faoliyati xalqaro standartlar talabi darajasida tashkil qilishni talab etadi. Ushbu maqsadga erishish yo'lida milliy va xalqaro audit tizimida audit, auditorlik faoliyati va soliqlar auditi kabi terminlarni bir biridan ajratib olishimiz maqsadga muvofiq bo'lar edi. "Audit" tushunchasi lotincha so'z bo'lib, "auditing" — aynan tarjimasi "u eshityapti", "eshituvchi" degan ma'nolarni bildiradi. Hozirgi kunda "Audit", "Auditorlik faoliyati" va "Soliq auditi" kabi terminlarning mavjud bo'lishi, ayrim chalkashliklarni keltirib chiqarmoqda.

"Audit" - bu avvalambor moliyaviy hisobot auditi nazarda tutiladi.

“Auditorlik faoliyati”- bu moliyaviy hisobot auditi bilan birgalikda auditorlik xizmatlarini o‘z ichiga oladi.

“Soliq auditi” — bu xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan soliqlar, majburiy to‘lovlar va byudjetdan tashqari fondlarga to‘lovlarni to‘g‘ri hisoblanishi, o‘z vaqtida va to‘liq byudjetga to‘lanishi, qonunchilikka rioya qilinishini mustaqil tekshirish hamda soliqlar bo‘yicha xizmatlar ko‘rsatishdir.

2. Adabiyotlar sharhi.

M.M.To‘laxodjayevaning (1996) “O‘zbekiston Respublikasida moliyaviy nazorat tizimi” nomli kitobida moliyaviy hisobot auditiga quyidagicha ta’rif berilgan: “Mustaqil malakali mutaxassislar tomonidan korxonaning moliyaviy hisobotini yoki u bilan bog‘liq moliyaviy axborotni ushbu hisobot yoki axborotning qonun va boshqa me‘yori hujjatlarga muvofiqlik darajasi to‘g‘risida xulosa chiqarish maqsadida tadqiq etilishidir”.

Respublikamiz iqtisodchi olimi B.Isroilov (2006) “Soliq auditi – qonunchilik normalari bilan belgilangan soliq va soliqlarga tenglashtirilgan to‘lovlar intizomi hamda nazorati soliq nazorati organlari zimmasiga yuklatilgan majburiyatlar ijrosini nazorat qilish maqsadida, vakolatli organlar yoki mulkdorlar tomonidan amaldagi qonunchilikda belgilangan tartib va muddatlarda soliq to‘lovchilarda o‘tkaziladigan tekshiruvdir” deb tariflagan. Yana bir Respublikamiz iqtisodchi olimi Z.Qurbonovning (2008) fikricha, “soliq auditiga maxsus auditorlik topshirig‘i yoki auditning maxsus yo‘nalishi sifatida qarash kerak” deb e’tirof etgan.

Shu bilan birga rus iqtisodchi olimlari fikrlarini ham e’tirof etish mumkin misol uchun J.A.Morozova (2007) “Soliq auditi-bu ichki audit tizimidagi alohida yo‘nalishdir u murakkab, tematik va tarkibiy soliq auditi kabi tushunchalarni ajratib turadi” deb e’tirof etgan.

Rus iqtisodchi olimlari L.V.Popova va L.N. Nikulina (2009) “Soliq auditi-bu buxgalteriya hisobi va soliq hisobi holatini, shuningdek tashkilotning soliq va yig‘imlar bo‘yicha hisob-kitoblarini mustaqil tekshirish, bu soliq tavakkalchiligini va biznesga soliq yukini kamaytirish uchun zaxiralarni aniqlash uchun mijozning soliq to‘lovlarini tekshirish” deb tariflagan.

Shuningdek rus iqtisodchi olimlari A.A.Savin, A.A.Savina (2009) “Soliq auditi murakkab va ko‘p vaqt talab qiladigan jarayon bo‘lib, soliqlar va yig‘imlar to‘g‘risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini, soliqlar va yig‘imlarni hisoblashning to‘g‘riligi, to‘lashning to‘liqligi va o‘z vaqtida bajarilishini, shuningdek aniqlangan qoidabuzarliklarni bartaraf etishni nazorat qilishni o‘z ichiga oladi” deb e’tirof etgan.

Rus iqtisodchi olimlari M.A.Oleynik, Yu.N.Shol (2021) “Soliq auditi-bu auditorlik topshirig‘ining bajarilishi, uning bajarilishi davomida tashkilotlarning buxgalteriya hisobi va soliq hisobotlari tekshiriladi va tekshirish natijalari asosida auditorlik tashkilotining harakatlaridan foydalangan holda qonun hujjatlarida belgilangan normalarning ishonchliligi va muvofiqligi to‘g‘risida fikr bildiriladi” deb atagan.

O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonunining (2021) 3-moddasi auditorlik faoliyatiga “auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazish va turdosh xizmatlar ko‘rsatish bo‘yicha auditorlik faoliyatini amalga oshiruvchi tijorat tashkiloti” deb ta’riflangan. O‘zbekistonda auditorlik faoliyati mustaqil yuridik shaxs huquqiga ega auditorlik tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi. Qonunga ko‘ra, auditorlik tashkiloti auditorlik faoliyatini amalga oshirish litsenziyasiga ega bo‘lgan yuridik shaxsdir.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qaroriga (2021) muvofiq “Soliq auditi — soliq to‘lovchining (soliq agentining) muayyan davrdagi moliya va soliq hisobotlarining soliq to‘g‘risidagi qonunchilikka barcha jihatlaridan muvofiqligi va haqqoniyligini, soliq solish maqsadlarida buxgalteriya hisobi va soliq solish maqsadlarida hisobga olishda soliq majburiyatlarining to‘g‘ri shakllantirilishi va aks ettirilishini soliq

organi tomonidan o'tkaziladigan o'rganish orqali soliqlarni to'g'ri hisoblash va to'lashning to'g'riligini tekshirishdir".

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolani yozishda quyidagi metod va usullar qo'llanildi: soha olimlarining o'rganilayotgan mavzu yuzasida bildirgan fikr va qarashlarining tizimli va qiyosiy tahlil etib, axborotni qayta ishlash amalga oshirildi.

4. Tahlil va natijalar.

Soliqlar auditining maqsadi – korxona to'laydigan soliqlarning to'g'ri hisoblanganligi, ular bo'yicha imtiyozlarning to'g'ri qo'llanilganligini aniqlashdan iborat. Xo'jalik yurituvchi subyektlarning soliq hisoboti me'yoriy hujjatlarga muvofiqligini aniqlash, xulosa ishonchligi yuzasidan hisobot tayyorlash hamda amaldagi qonunchilik, auditorlik faoliyatini me'yoriy tartibga soluvchi tizim, auditor va mijoz o'rtasidagi o'zaro shartnoma majburiyatlari bilan belgilanadigan boshqa soliqlar yuzasidan aniq masalani yechishdan iboratdir.

Soliqlar auditining asosiy vazifalari – bu bilvosita soliqlarni hisoblash va to'lash, soliq imtiyozlaridan foydalanishning asoslarini aniqlash, soliq hisobotlarining to'g'ri tuzilganligini tekshirish, soliq hisobini to'g'ri tashkil etish va unda soliq muomalalarini aks ettirish jarayonlarini to'g'ri tashkil qilish hisoblanadi.

Soliq auditi moliyaviy hisobot auditining alohida bir ko'rinishi sifatida shakllanish sari intilmoqda. Soliqlar auditi majburiy moliyaviy hisobotlar auditining bir qismi sifatida auditorlik tashkilotlari tomonidan o'tkazilishi hozirgi kunda alohida ko'zga tashlanmoqda. Bunga albatta korxonalarining rahbarlari tashabbuslari bilan auditorlardan soliq hisobi va hisoboti tekshirilish talab qilinadi. Ammo, moliyaviy hisobot auditi mijoz korxonaning soliq majburiyatlarining to'liq ko'lamini tekshirish imkoniyatini qamrab ololmaydi. Shuning uchun, mijoz korxona soliq riskini kamaytirish, soliq hisobini to'g'ri va samarali yo'lga qo'yishda soliq hisobini to'liq tekshirishi maqsadida alohida soliq auditini o'tkazish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ko'pchilik majburiy auditorlik tekshiruvidan o'tishi lozim bo'lgan korxonalar auditorlar tomonidan o'tkaziladigan audit tekshiruv shartnomasida soliq auditi bo'yicha masalalarni kiritishni talab qilishadi.

Odatda ushbu qo'shimcha masalalar auditning narxini auditorlik tashkiloti tomonidan audit tekshiruv narxini oshirishga sabab bo'ladi. Agarda mijoz korxona haqiqatdan ham soliq risklarini kamaytirish maqsadi bo'lsa, u holda korxona o'zida to'liq soliq auditi o'tkazishi maqsadga muvofiq bo'ladi deb hisoblaymiz. Auditorlik tashkilotlari tomonidan soliq auditi moliyaviy hisobot auditiga qaraganda yoppasiga tekshirilishi lozim. Darhaqiqat, soliq auditi moliyaviy hisobot auditiga qaraganda tekshirish ko'lami kamroq va shuning uchun soliq auditida yoppasiga tekshirish metodidan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Asosan soliq auditidan xalqaro bozorda o'z iqtisodiy faoliyatini olib borayotgan yirik kompaniyalar jahon bo'ylab foydalanishmoqda. Ushbu kompaniyalarning oborotlari juda katta bo'lib, buning natijasida soliq majburiyatlari ko'p va davlatdan davlatga ajralib turadi. Kompaniyalar soliq majburiyatlarini kamaytirish, soliq penyalari va shtraflarning oldini olish maqsadida soliq auditidan foydalanish birinchi navbatda samaralidir.

Soliqlar auditining metodlari soliq organlarining tekshiruv metodlariga o'xshash. Agar soliq tekshiruvdan oldin soliq auditi o'tkazilgan bo'lsa, soliq risklarining kamayishiga va xatolarning oldini olishga erishiladi. Moliyaviy tahlilning asosiy axborot bazasi buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlaridir (D.Kudbiev va boshqalar, 2022).

Soliqlar auditi ishlarini kuchaytirish va samarali bo'lishi uchun, avvalambor, ushbu tekshirishni olib boruvchi auditorlarning malakasini ish sifatini oshirish orqali soliq

auditining maqsad va vazifalariga erishish mumkin. Soliq auditini o'tkazishda auditorlardan quyidagilar talab qilinadi:

1. Auditorlar yetarli tayyorgarlik va tajribaga ega bo'lishlik. Auditor oldiga qo'yilgan vazifani bajarish uchun yetarli darajada tajribaga, buxgalteriya hisobi, soliq hisobi, byudjet boshqa xo'jalik faoliyatining tashkiliy tuzilmasi bo'yicha malakaviy darajaga ega bo'lishi kerak. Shu bilan birga o'z kasbi bo'yicha doimo bilim darajasining yuqori bo'lishiga intilishi zarur;

2. Soliq auditini o'tkazishning amallarini belgilash. O'tkazilgan soliq audit jarayonida u, avvalambor, amallarni to'g'ri belgilangan bo'lishi kerak. Bundan tashqari, katta texnik ish hajmini yordamchilar bajarishi sababli, ular ustidan yetarli darajada nazorat o'rnatilishi shart;

3. Xolislik. Albatta, ijtimoiy adolat sharoitida xolislik bo'lmasa hech qanday soliq auditini tekshirishning keragi bo'lmaydi, kasbiy axloq kodeksida xolislikning zarurligi haqida to'xtab o'tilgan;

4. Yetarli darajada isbotlar va ma'lumotlar yig'ish. Har qanday baholash isbotlar va ma'lumotlarga asoslanadi. Asoslar qanchalik ko'p bo'lsa, baho shu darajada kafolatlanadi, baholashni o'tkazish uslubiyatida, asosan, auditorning tajribasi va professional mulohazasi muhim ahamiyat kasb etadi;

5. Auditorning zaruriy kasbiy sinchkovlikka ega bo'lishi. Auditor bajarayotgan ishning sifati uchun doimo javobgardir. Zarur sinchkovlik bu soliqlarni to'liq ko'zdan kechirish, vazifalarning taqsimlanganligi va bajarilayotganligi, soliq majburiyatlari bilan bog'liq bo'lgan hujjatlarining haqqoniyligidan iboratdir;

6. Texnik tayyorgarlik. Auditor soliqlar auditini o'tkazishda yetarli texnik tayyorgarlik va tajribaga ega bo'lishi ham kerak. Auditorlik faoliyatini takomillashtirishning asosiy usullaridan biri bu auditni avtomatlashtirishdir. Avtomatlashtirilgan audit, barcha sohalar singari, auditorni qulay, oson va tezkor qiladi (N.T.Qudbiyev, 2021).

7. Jami xodimlar o'z ishlarini kompyuterlarida bajarishi uchun mahoratini oshirishi kerak bahoni belgilash. Bahoni belgilash soliqlar audit jarayonida o'zgarib borishi mumkin va ichki nazorat tizimiga auditor belgilagan bahoning o'zgarishi auditorning professional mulohazasi va to'plagan dalillariga bog'liq.

Mamlakatimizda amalda bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq "ichki audit – bu ijro etuvchi organlar va bo'linmalar ishini nazorat qilish va baholash bo'yicha korxonaning tarkibiy bo'linmasining O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga, ta'sis hujjatlariga va ichki hujjatlarga rioya etilishini tekshirish va monitoring qilish, ularning buxgalteriya va moliyaviy hisobotlarda aks ettirilishining to'liqligi va ishonchligini ta'minlashga qaratilgan faoliyatdir (A.A.Ermatov, 2021).

Auditorlar soliq organlari kabi soliq bo'yicha mavjud xatolarni aniqlash imkoniyatiga egadirlar. Bular albatta auditorlarning yuqoridagi talablarga javob berishi bilan bog'liqdir. Auditor soliq xodimiga nisbatan jarima qo'llamaydi, balki mavjud xatoni aniqlab korxona rahbariyatiga taqdim etadi. Bunda albatta piniya va shtraflarning oldini olishga sabab bo'ladi.

Soliq organlari xodimlarining maqsadi korxonada mavjud xatolarni aniqlash va tegishli penya va shtraflarni qo'yish bo'lsa, auditorlar soliq auditini o'tkazishda korxonadagi mavjud soliq bo'yicha xatolarni aniqlash va soliq organlari tekshiruviga qadar xatoni qonun doirasida to'g'rilash yuzasidan o'z maslahatlarini berishdan iboratdir.

Agarda auditor mijoz korxonaning soliq hisobidan xatoliklarni aniqlab, o'z takliflarining bajarilishi ustidan hech qanday talablarni auditorlar qo'ya olmaydilar. Ammo auditorlar ushbu xatoliklar qanday miqdordagi shtraf va peniyalarga olib kelishini, soliq organi xodimlari tomonidan qanday choralar qo'llanilishi mumkinligi yuzasidan auditor o'z ko'rsatmalarini berishi maqsadga muvofiqdir.

5. Xulosa va takliflar.

Soliqlar auditida byudjet bilan olib boriladigan hisob-kitoblar auditor jiddiy e'tibor berish lozim bo'lgan murakkab obyekt hisoblanadi. Birinchidan, byudjetga to'lanadigan soliqlarning noto'g'ri hisoblanganligi va to'langanligi uchun korxonaga nisbatan moliyaviy jazo choralari qo'llanilishining oldini olishga yordam beradi. Bu esa uning moliyaviy ahvoriga sezilarli darajada ta'sir qiladi. Ikkinchidan, hisob-kitoblarning to'g'riligini tasdiqlovchi auditorlik xulosalari soliq inspeksiyasi tomonidan qabul qilinishi ayrim hollarda shubha ostiga olinib, qabul qilinmasligi ham mumkin. So'ngi holatda soliq organi taqdim qilingan auditorlik xulosasini qaytadan tekshirib chiqishga haqlidir.

Agar auditor xulosasi davlat byudjeti manfaatlariga zid, amaldagi qonunchilikka va me'yoriy hujjatlarga rioya qilinmasdan, sifatsiz tuzilganligi aniqlansa, amaldagi sanksiyalar kuchga kiradi. Bunday xollarda auditor yoki auditorlik firmasi auditorlik faoliyati bilan shug'ullanishga huquq beradigan litsenziyadan mahrum qilinishi mumkin. Soliqlar to'lanishini tekshirishdan oldin soliqqa tortiladigan obyekt bo'yicha ko'rsatkichlarning to'g'riligi, soliqqa tortiladigan baza va soliq stavkalariga rioya qilinishi, tekshirilishi kerak.

Auditor bilvosita soliqlar bo'yicha byudjet bilan hisob-kitoblarni tekshirishda malakali maslahatchi va ushbu hisob-kitoblar to'liq hamda o'z vaqtida bo'lishi uchun xayrxoh bo'lmog'i lozim. Byudjet bilan hisob-kitoblarda korxona buxgalterlari tomonidan yo'l qo'yilgan xatolarni ko'rsatish bilan auditor ushbu korxonaga soliq inspeksiyasi tomonidan qo'llaniladigan moliyaviy jazo choralari bilan bog'lik bo'lgan zararlardan qutilib qolishga yordam beradi.

Shuning uchun u bilvosita soliqlarga doir hisob-kitoblarning to'g'riligi va ularning O'zbekiston Respublikasidagi mavjud qonunchilikka muvofiq o'z vaqtida o'tkazib berilishini sinchiklab tekshirishi lozim. Soliqlar bo'yicha qarzarlar yuridik shaxslarning byudjet oldidagi majburiyati bo'lib hisoblanadi va odatda, ma'lum sanada to'lanadi. Soliq qonunchiligidagi tez-tez o'zgarishi va me'yoriy hujjatlar ayrim qoidalaridagi ziddiyatlar bilvosita soliqlarga doir hisob-kitoblarda tasodifiy xatolarni keltirib chiqarishi mumkin. Bilvosita soliqlar bo'yicha qarzarlar sinchiklab tekshiruvdan o'tkazilganida quyidagi xatolar aniqlanishi mumkin:

- soliqlarni hisob-kitob qilishda buxgalteriya hisobi tamoyillari, qonun hujjatlari va yo'riqnomalarning noto'g'ri qo'llanishi;

- soliq stavkalarining noto'g'ri qo'llanilishi;
- soliqqa tortiladigan bazaning noto'g'ri aniqlanishi;
- penya va jarimalarning noaniq hisobga olinishi.

Buxgalteriya hisobotini baholashga quyidagilar ta'sir ko'rsatadi:

- soliqqa tortish bo'yicha imtiyoz olish uchun xato axborotlarni taqdim etish;
- soliq organlariga taqdim qilinadigan ma'lumotlarning buzib ko'rsatilishi yoki yashirilishi;

- byudjetga qarzdorliklarni aniqlashda, soliqqa tortishdan ozod etilganlar sifatida soliqqa tortishda hisobga olinadigan daromadlarni noto'g'ri turkumlash yoki hisob-kitob qilish;

- soliqqa tortish bo'yicha imtiyoz olish uchun bosh va shu'ba korxonalar o'rtasidagi hisob-kitoblar bo'yicha hisobda qalbaki muomalalarni aks ettirish.

Har bir bilvosita soliqqa oid qonunchilik hujjatida soliq stavkalarini qo'llash, soliq solinadigan bazani aniqlash, soliqlarni to'lash muddatlari, hisobotlarni tayyorlash va hokazo talablar aks ettiriladi. Bilvosita soliq majburiyatlarining noto'g'ri aniqlanishi katta moliyaviy yo'qotishlar keltirib chiqarishini hisobga olib, auditorlar ushbu uchastkada tekshiruvlarni tashkil etish va o'tkazish texnologiyasiga alohida e'tibor berishlari lozim. Tekshiruvlarni muvaffaqiyatli o'tkazish uchun quyidagilarni amalga oshirish zarur:

- byudjet bilan hisob-kitoblarni tekshirishga yuqori malakali mutaxassislarni jalb qilish;

- xodimlarni soliqqa tortish masalalariga oid tezkor axborotlar va me'yoriy hujjatlar bilan ta'minlash;
- auditorlar oddiy kundalik muammolar ustida takroran ishlamasliklari uchun, korxona ichida soliqqa tortishning dolzarb masalalariga doir axborotlar va ishlanmalarni almashishni tashkil etish;
- mijoz tomonidan taqdim qilinadigan, soliqqa tortish masalalariga doir yozma axborotlar sifatini samarali nazorat qilish;
- korxona ichida soliq bo'yicha maslahat berish texnologiyasini barpo qilish va byudjet bilan hisob-kitoblarni tekshirish natijalari bo'yicha rasmiylashtirilishi lozim bo'lgan ishchi hujjatlarining maxsus shakllarini ishlab chiqish.

Bilvosita soliq bo'yicha byudjet bilan hisob-kitoblarni tekshirishda auditorlik amallariga shaklan rioya qilinishigagina tayanish mumkin emas. Shuning uchun bilvosita soliq bo'yicha byudjet bilan hisob-kitoblar ahvoli to'g'risida yakuniy xulosani auditorlar guruhining rahbari qilishi kerak. U bilvosita soliqlar bo'yicha aniqlangan barcha tafovutlarni va ularning soliqqa tortiladigan bazaning shakllanishiga ta'sirini baholash imkoniga ega bo'ladi.

Adabiyotlar:

Isroilov B.I. (2006) "Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida soliqlar hisobi va tahlilining nazariy va metodologik asoslari" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasi. 186-b.

Kudbiyev, D., Qudbiyev, N.T., & Imomova, Z.T. (2022) Moliyaviy hisobotlardan moliyaviy menejmentda foydalanish masallalari. Scientific progress, 3(4), 1030-1037.

To'lxodjayeva M.M. (1996) "O'zbekiston Respublikasida moliyaviy nazorat tizimi", T.: Iqtisodiyot va huquq dunyosi, buxgalter kutubxonasi serialining 9-soni.

Qonun (2021) O'zbekiston Respublikasining "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi O'RQ-677-son.

Qaror (2021) O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Soliq xavfini boshqarish, soliq xavfi mavjud soliq to'lovchilarni (soliq agentlarini) aniqlash va soliq tekshiruvlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida"gi 1-son.

Qurbonov Z.N. (2008) "Soliq hisobi va auditining metodologik muammolari" Monografiya "Fan va texnologiya" nashriyoti, Toshkent.: 102-b.

Кудбиев, Н.Т. (2021). Актуальность Организации Аудиторской Деятельности На Основе Компьютерных Технологий. Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 1(6), 424-431.

Морозова Ж.А. (2007) Налоговый аудит: практическое руководство. М.: ООО ИИА "Налог Инфо": ООО "Статус-Кво 97", 240 с.

Олейник М.А., & Шоль Ю.Н. (2021). Налоговый аудит как средство снижения налоговых рисков. Естественно-гуманитарные исследования, (4 (36)), 318-323. doi: 10.24412/2309-4788-2021-11319

Попова Л.В., Никулина Л.Н. (2009) Аудит налогообложения: учеб. пособие. М.: Дело и Сервис, 192 с.

Савин А.А., Савина А.А. (2008) Аудит налогообложения: учеб. пособие. М.: Вузовский учебник, 381 с.

Эрматов, А.А. (2019). Важность аудита в управлении риском предприятия в период перехода к цифровой экономике. Проблемы современной науки и образования, (12-1 (145)), 45-51.



IFRS TALABLARIGA MUVOFIQ KONSOLIDATSIYALASHGAN MOLIVAVIY HISOBOTLARNING AHAMIYATI

dotsent, PhD Ermatov A.A., Qudbiyev N.T.
Farg'ona Politexnika Instituti

Annotatsiya: Maqolada kompaniyalar tomonidan IFRS talablariga muvofiq, konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni tuzish, Bosh kompaniya va uning sho'ralarining aktivlari, majburiyatlari, kapitali, daromadlari, xarajatlari va pul oqimlari yagona iqtisodiy faoliyat subyekti sifatida taqdim etilishi bilan bog'lik masalalar ko'rib chiqilgan, shu bilan birgalikda konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni shakllantirish tamoyillari va usullari, va qaysi jihatlariga alohida urg'u berish zarurati, hamda sabablari tahlil qilingan va o'rganilgan. Ushu maqolada IFRS talablariga muvofiq konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni tuzish masalalari bilan shug'ullanayotgan foydalanuvchilarga foydali bo'lishi mumkin.

Kalit so'zlar: Konsolidatsiyalangan hisobot, to'liq konsolidatsiya, mutanosib konsolidatsiya, gudvill.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы, связанные с формированием компаниями консолидированной финансовой отчетности в соответствии с требованиями МСФО, представлением активов, обязательств, капитала, доходов, расходов и денежных потоков материнской компании и ее дочерних компаний в качестве единого субъекта хозяйственной деятельности, а также рассмотрены принципы и методы формирования консолидированной финансовой отчетности, и какие аспекты необходимо выделить в ней, и причины были проанализированы и изучены. Данная статья будет полезна пользователям, занимающимся вопросами составления консолидированной финансовой отчетности в соответствии с требованиями МСФО.

Ключевые слова: Консолидированная отчетность, полная консолидация, пропорциональная консолидация, гудвил.

Abstract: The article discusses issues related to the formation of consolidated financial statements by companies in accordance with the requirements of IFRS, the presentation of assets, liabilities, capital, income, expenses and cash flows of the parent company and its subsidiaries as a single business entity, as well as the principles and methods of forming consolidated financial statements, and what aspects need to be highlighted in it, and the reasons have been analyzed and studied. This article will be useful to users dealing with the preparation of consolidated financial statements in accordance with the requirements of IFRS.

Keywords: Consolidated financial statements, full consolidation, proportional consolidation, goodwill.

1. Kirish.

O'zbekistonda konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni tuzish zarurati yirik korporatsiyalarni tashkil etish jarayoni bilan bir vaqtda paydo bo'ldi. Tadbirkorlar ko'pincha bir yirik tashkilot o'rniga bir nechta kichik, qonuniy mustaqil, lekin ayni paytda iqtisodiy jihatdan bir-biriga bog'liq bo'lgan kompaniyalarni biznesni olib borishi, ularning vujudga kelishi mumkin bo'lgan xavfni kamaytirish, soliqlarni tejash va h.k. yirik kompaniyalarni bo'lish yoki bir nechta qonuniy mustaqil tashkilotlarni birlashtirish undaydi va bu orqali korporatsiyalar tashkil etiladi.

1998 yilda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan 8-sonli BHMS "Shuba xo'jalik jamiyatlariga sarmoyalarni hisobga olish va konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlar"ni (1998) ro'yxatdan o'tkazdi. Shubhasiz, konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shakllantirish biznesni rivojlantirish va uning kengayishi bilan emas, balki investorlar tomonidan investitsiya qilingan yangi kompaniyalarning birgalikdagi faoliyatining moliyaviy natijalari bo'yicha so'rovlar bilan belgilandi. Ular sarmoyani investitsiyalashning keyingi yo'nalishlarini aniqlash, shuningdek, moliyaviy investitsiyalar bilan bog'liq xatarlarni tahlil qilish uchun ob'ektiv ma'lumotlarga muhtoj edilar.

2. Adabiyotlar sharhi.

Bugungi kunga kelib ko'pgina o'zbek va xorijiy iqtisodchilari tomonidan o'z ilmiy izlanishlarida konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shakllantirish va uning biznesni rivojlantirish, kengayishi bilan bog'liqligi to'g'risida nazariy va amaliy jihatlarini tahlil qilishgan, ular orasida o'zbek iqtisodchi olimlaridan Sh.T.Ergasheva va boshq. (2019), A.A.Karimov, N.M. Imamova (2020), D.E.Norbekov va boshq. (2019), rus iqtisodchi olimlaridan L.I.Kulikova va boshq. (2018) masalaning ko'proq nazariy jihatini yondashib MHXS bo'yicha moliyaviy hisobotni muvofiqlashtirish masalarini I.N.Ismanov (2021), Sh.I.Ilxamov (2017), M.Q.Pardayev (2011), K.B.Urazova, M.E.Pulatov (2021) E.D.Alimardonov va boshq. (2022), T.V.Pashenko, (2021), N.Yu.Titova, (2018) yo'nalishiga ko'proq e'tibor qaratishgan.

Shuningdek xorijiy iqtisodchilaridan o'z ilmiy izlanishlarini konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shakllantirishning tahlil qilishning nazariy va amaliy jihatlariga bag'ishladilar, ulardan R.Libbi va boshq. (2016) moliyaviy hisobotlarni nazariy konseptual asoslarini xamda aktivlar, majburiyatlar va xususiy kapitalni tan olish, baholash hamda moliyaviy hisobotlarda aks ettirishning metodologik masalalari, M.M.Lane, W.Berkshire (2021) moliyaviy instrumentlar va qo'shimcha moliyaviy hisobot masalasini tadqiq etganlar. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotiga bergan ta'riflarini ko'rib chiqsak.

O'zbekiston Respublikasi 8-son BHMS "Shuba xo'jalik jamiyatlariga sarmoyalarni hisobga olish va konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlar"da: "Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlar — hisobot sanasidagi moliyaviy ahvolni va xo'jalik yurituvchi jamiyatlar guruhining hisobot davri uchun moliyaviy natijalarni aks ettiruvchi ko'rsatkichlar tizimi".

Xalqaro moliyaviy hisobot standarti (IFRS) 10 "konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot"da: "Bosh tashkilot va uning filiallarining aktivlari, majburiyatlari, kapitali, daromadlari, xarajatlari va pul oqimlari yagona iqtisodiy faoliyat subyekti sifatida taqdim etiladigan guruhning moliyaviy hisoboti."

A.A.Karimov, N.M.Imamova (2020): "Bosh tashkilot o'xshash operatsiyalar hamda o'xshash vaziyatlardagi boshqa hodisalar uchun yagona hisob siyosati yordamida jamlangan (konsolidatsiyalashgan) moliyaviy hisobotlarni tayyorlashi lozim".

Sh.T.Ergasheva (2021): "Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot-guruhning moliyaviy hisobotlari, shu jumladan, bosh-kompaniya tomonidan nazorat qilinadigan barcha filiallar".

N.Yu.Titova (2018) “Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot- bosh-tashkilot va uning shuba tashkilotlarining aktivlari, majburiyatlari, kapitali, daromadlari, xarajatlari va pul oqimlari yagona xo‘jalik yurituvchi subyektga tegishli bo‘lgan guruhning moliyaviy hisoboti”.

Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot (CFR) — bu kompaniyalar guruhining mulkiy va moliyaviy holati, uning faoliyatining iqtisodiy natijalari va kelajakdagi rivojlanish istiqbollari to‘g‘risida ishonchli ma‘lumotlarni o‘z ichiga olgan hisobot turi¹

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolani yozishda quyidagi metod va usullar qo‘llanildi: tizim tahlillari, detallar, raqamli texnologiyalardan foydalanish orqali buxgalteriya hisobini samaradorligi oshirish bo‘yicha faktor tahlil.

4. Tahlil va natijalar.

Konsolidatsiya nazariyasidagi asosiy tushunchasi bu birnecha kompaniyalar guruhi tuzilmasidan iborat bo‘lishidir. Tarkib muayyan biznes yoki faoliyat turlari, yo‘nalishlari yagona yirik kengaytirilgan kompaniyaga birlashishidir, lekin ularning har biri qonuniy ravishda mustaqilligini saqlab qoladi. Shu bilan birga, har bir kompaniyaning huquqiy mustaqilligi ularning iqtisodiy mustaqilligini anglatmaydi. Masalan, agar bitta kompaniya (bosh kompaniya) boshqa kompaniyaning aksiyalariga yetarli miqdorda egalik qilib uning direktorlarini olib tashlash yoki tayinlash to‘g‘risida aksiyadorlar yig‘ilishida ko‘pchilik ovozga ega bo‘lishi mumkin va bu masala ijobiy hal bo‘ladi, demak, ikkinchi kompaniyaga (shuba korxonasiga) nisbatan har qanday qarorlar qabul qilinishi mumkinligi shu joyda ko‘rinadi. Bu bosh kompaniyaga shuba korxonasini to‘liq nazorat qilish imkoniyatini beradi. Bosh kompaniya va uning barcha shuba korxonalari birgalikda bosh kompaniya nazorati ostida guruh tuzadilar.

Xalqaro standartlarga muvofiq konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot quyidagi tamoyillarga asoslanishi kerak.

1. To‘liqlik tamoyili. Barcha aktivlar, majburiyatlar, kelgusi davrlarning xarajatlari, konsolidatsiyalangan guruhning kelgusi davrlarining daromadlari, bosh kompaniyaning ulushidan qat‘i nazar, to‘liq qabul qilinadi.

2. Xolislik tamoyili. Bosh kompaniya va uning shubalar yagona moliyaviy va iqtisodiy birlik sifatida qaralganligi sababli, tenglik konsolidatsiyalangan tashkilotlar aksiyalarining balans qiymati, shuningdek ushbu tashkilotlar faoliyatining moliyaviy natijalari va zaxiralari bilan belgilanadi.

3. Adolatli va ishonchli baholash tamoyili. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot aniq va tushunarli shaklda taqdim yetilishi, shuningdek guruhga kiritilgan va umuman ko‘rib chiqilgan tashkilotlarning aktivlari, majburiyatlari, moliyaviy holati, foydasi va zarari to‘g‘risida aniq va ishonchli tasavvur berishi kerak.

4. Konsolidatsiya va baholash usullaridan foydalanishdagi izchillik prinsipi va ishlaydigan tashkilot prinsipi. Konsolidatsiya usullari uzoq vaqt davomida qo‘llanilishi kerak, agar tashkilot ishlayotgan bo‘lsa, ya‘ni yaqin kelajakda o‘z faoliyatini to‘xtatish niyatida bo‘lmasa. Chetga chiqish alohida holatlarda joizdir va ular tegishli asos bilan hisobotga ilova qilingan holda oshkor qilinishi kerak. Ushbu tamoyillar konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni tayyorlash shakllari va usullariga nisbatan qo‘llaniladi.

5. Moddiylik tamoyili. Ushbu tamoyil kompaniyaning moliyaviy-xo‘jalik faoliyati to‘g‘risidagi qarorni qabul qilish yoki o‘zgartirishga ta‘sir qilishi mumkin bo‘lgan hollarni oshkor qilishini ta‘minlaydi.

¹ <https://assistentus.ru/buhuchet/konsolidirovannaya-finansovaya-otchetnost/>

6. Yagona baholash usullari. Birlashtirilgan kompaniyaning aktivlari, majburiyatlari, kechiktirilgan xarajatlari, foydasi va xarajatlari to'liq hisobga olinishi kerak. Ularning guruhga tegishli tashkilotlarning joriy buxgalteriya hisobi va hisobotida qanday taqdim etilishi muhim emas, chunki bosh kompaniya taqiq qo'ymaydi va buxgalteriya yondashuvlarini tanlamaydi. Konsolidatsiya qilishda bosh kompaniya va filiallarning aktivlari va majburiyatlari bosh kompaniya tomonidan qo'llaniladigan yagona metodologiyaga muvofiq baholanishi muhimdir. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shakllantirishda bosh kompaniya rioya qiladigan qonun hujjatlariga muvofiq baholash usullari qo'llanilishi kerak.

7. Shakllantirishning yagona sana. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot bosh kompaniyaning balans sanasida tayyorlanishi kerak. Shuba korxonalarining hisobot ko'rsatkichlari ham konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobot sanasidan boshlab qayta hisoblanishi kerak.

Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot xalqaro standartlarga muvofiq asoslanadigan yuqorida muhokama qilingan prinsiplarning aksariyati konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni tayyorlashni tartibga soluvchi O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 28.12.1998 yilda ro'yxatdan o'tgan, ro'yxat 580 raqamli "Shuba xo'jalik jamiyatlariga sarmoyalarni hisobga olish va konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlar" to'g'risidagi 8-sonli BHMSda o'z aksini topgan.

Guruhning konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarini shakllantirish bosh kompaniya va filiallarning bayonotlarida mavjud bo'lgan ma'lumotlarning kombinatsiyasiga asoslanadi. Lekin aktivlar, majburiyatlar, kapital, daromad va xarajatlarning va shunga o'xshash obyektlar aniq algoritmini tuzish mumkin emas, chunki jarayon maxsus hisob-kitoblarni o'z ichiga oladi. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni tayyorlashda IFRS 27 "Konsolidatsiyalashgan va alohida moliyaviy hisobot" va IFRS 28 "Assotsiatsiyalashgan korxonalarda investitsiyalar" qo'llaniladi.

Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shakllantirishdagi eng keng tarqalgan qadamlar qatoriga quyidagilar kiradi:

- guruh ichidagi operatsiyalarni yo'q qilish (chiqarib tashlash);
- yaxlit gudvillni hisoblash;
- to'plangan kapitalni hisoblash;
- ozchilik huquqlarini hisoblash;
- hisobotlarni bevosita shakllantirish.
- guruh ichidagi operatsiyalarni yo'q qilish (chiqarib tashlash).

Bir guruhga kiruvchi bir nechta korxonalarining konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotini yagona korxona kabi tuzadi. Binobarin, konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotda guruh ichidagi operatsiyalarni tavsiflovchi ko'rsatkichlar, ya'ni guruh elementlarining bir-biri bilan aloqasi bo'lmasligi kerak.

Oddiy moliyaviy hisobotlar bilan o'xshashlik mavjud: u kompaniyaning tashqi muhit bilan munosabatlarini tavsiflaydi, ammo kompaniya ichida joylashgan bo'linmalar o'rtasidagi munosabatlarni emas.

Guruh ichidagi bitimning, shartnomaning eng tipik namunasi-bu guruh korxonalaridan biri tomonidan tovarlarni o'sha guruhning boshqa korxonasiga sotishidir. Sotish shartnomasi ishtirokchilarining har birining moliyaviy hisobotida (balans va foyda va zararlar to'g'risidagi hisobotda) aks ettiriladi va bu ikki mustaqil tashkilot o'rtasidagi munosabatlarning iqtisodiy mohiyatini to'g'ri tavsiflaydi. Ammo agar siz umuman guruh nuqtayi nazaridan qarasangiz, ikkala korxona ham guruh ichida joylashgan bo'lib chiqadi va shuning uchun guruh nuqtayi nazaridan hech qanday o'zgarish amalga oshmadi, zaxiralarni bir bo'linmadan boshqasiga oddiy o'tkazish ro'y berdi xolos. Bundan kelib chiqadiki, shartnomaning yuqorida aytib o'tilgan barcha oqibatlari konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotdan chiqarib tashlanishi kerak, ammo shu bilan birga har bir alohida

tashkilotning hisobotlarida saqlanishi kerak. Ushbu jarayon guruh ichidagi operatsiyalarni yo'q qilish (chiqarib tashlash) deb ataladi.

Guruh elementlari o'rtasidagi barcha qarz munosabatlari yo'q qilinishi kerak: axir, "yagona tashkilot" nuqtayi nazaridan, bir bo'linmaning boshqasiga qarzi umuman korxonaning talablari va majburiyatlariga ta'sir qilmasligi kerak.

Yaxlit gudvillni hisoblash. Umuman olganda, gudvill — bu nomoddiy aktiv bo'lib, u bir kompaniyani boshqasiga sotib olishi bilan bog'liq. Xususan, gudvill — bu sotib olishda sotib olingan barcha aktivlar va bu jarayonda olingan majburiyatlarning sof adolatli qiymati yig'indisidan yuqori bo'lgan sotib olish narxining bir qismi. Kompaniyaning brend nomi, mustahkam mijozlar bazasi, yaxshi mijozlar bilan munosabatlar, yaxshi ishchilar bilan munosabatlar va xususiy texnologiya qiymati yaxshi niyat mavjud bo'lishining ba'zi sabablarini anglatadi.

Gudvillning mohiyati kompaniyaning qo'shimcha iqtisodiy salohiyatini baholashdan iborat-bu yoki boshqa sabablarga ko'ra kompaniya o'zining sof aktivlaridan foydalanishdan "odatiy" foydadan tashqari qo'shimcha iqtisodiy foyda olish imkoniyatiga ega bo'lganda. Gudvillning paydo bo'lishining sabablari turli hil bo'lishi mumkin: samarali marketing tizimi, yuqori malakali menejment guruhining mavjudligi, yuqori malakali xodimlar, qulay geografik joylashuv, barqaror mijozlar bazasi va boshqalar. Bularning barchasi kompaniyaning reytingini oshiradi, shuning uchun gudvill ko'pincha O'zbekistonda ishbilarmonlik obro'si deb ataladi.

Kompaniyaning sotib olish miqdori sof aktivlarning adolatli qiymatidan kam bo'lsa, gudvill nafaqat ijobiy, balki salbiy ham bo'lishi mumkin.

Kompaniyaning bozor qiymati va uning sof aktivlarini adolatli baholash har qanday korxona uchun, hatto u hech qachon sotilishga qo'yilmagan yoki sotilmagan bo'lsa ham aniqlanishi mumkin. Bunday holda, taxmin qilish mumkin bo'lgan ichki xayrixohlik olinadi, ammo moliyaviy hisobotlarda aks ettirish odatiy emas, chunki hisob-kitoblar uchun asos gipotezaga asoslangan. Biroq, agar kompaniya savdosi amalga oshirilsa, va sof aktivlar bozor qiymatidan oshiq summada to'langan bo'lsa, unda bu holatda gudvill haqiqatga aylanadi. Bunda gudvill sotib olingan deyiladi, va guruh jamlama moliyaviy jadvallarida aks etadi (lekin u bosh yoki shuba hisobotlarida ko'rsatilmaydi). Sotib olingan gudvil amortizatsiya qilinadi (odatda to'g'ri chiziqli asosda) va konsolidatsiyalangan balansda alohida satr sifatida ko'rsatiladi.

To'plangan kapitalni hisoblash. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotga bosh kompaniyaning kapitali to'liq kiradi. Sho'ba korxonaga kelsak, uni hisobotga to'liq kiritish noto'g'ri bo'ladi. Axir, uning ba'zilar, ya'ni sotib olish paytida mavjud bo'lgan narsa, aslida, konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotga kiritilgan — sof aktivlarning qiymati orqali, uning asosida gudvil hisoblangan. Shuning uchun, ikki marta hisoblashni oldini olish uchun konsolidatsiyalangan balansda faqat sotib olish sanasidan keyin shakllangan to'plangan foyda va faqat bosh kompaniyaga tegishli qism bo'lishi kerak.

Konsolidatsiya paytida balansda yangi aktiv paydo bo'ladi-sotib olish paytida hisoblab chiqiladigan va qayta baholanishi mumkin bo'lgan gudvil, shuning uchun to'plangan kapitalning konsolidatsiyalangan miqdori sotib olish sanasi va hisobot sanasi o'rtasidagi davr uchun gudvilni qayta baholash miqdoriga kamayadi.

Shuning uchun, jamlama kapital hisoblash quyidagicha: bosh kompaniya kapitali (to'liq) + foyda keltiruvchi shuba korxonalar ulushi olish kundan keyin -qayta hisoblangan gudvil.

Ozchilik huquqlarini hisoblash. Aytaylik, bosh jamiyat o'z shuba korxonasining ovoz beruvchi aksiyalarining 80 foiziga egalik qiladi, ya'ni bosh jamiyat shuba korxonaga 80% egalik qiladi, ammo bu egalik ulushi bosh kompaniyaga shuba korxonasining barcha aktivlari va majburiyatlari ustidan to'liq (100%) nazorat qilish imkonini beradi. Va bu shuni anglatadiki, ma'lum miqdordagi aksiyalarga ega bo'lgan bosh kompaniya hujjatlarga

muvofig mulkdan yuqori bo'lgan miqdordagi konsolidatsiyalangan aksiyalarni nazorat qiladi. Boshqacha qilib aytganda, u o'ziga tegishli bo'lmagan ma'lum miqdordagi aksiyalarni nazorat qiladi.

Bunday holda, tarkibning shakldan ustunligi prinsipi aniq. Xususan, ushbu tamoyil iqtisodiy nazorat munosabatlarining (tarkibining) mulkchilik munosabatlaridan (shakldan) ustunligini ta'minlaydi va shuning uchun bu birlashtirilgan balans aktivida ko'rsatilishi kerak bo'lgan shuba xaziralarining butun miqdoridir. Shu bilan birga, guruh tomonidan nazorat qilinadigan, ammo shuba korxona aksiyadorlariga tegishli bo'lgan "xorijiy" mulk ham balansda aks ettirilishi kerak: u passivda ko'rsatiladi va ozchilik ulushi deb ataladi. Shunday qilib, konsolidatsiyalangan balans majburiyatida ko'rsatilgan ozchilik ulushi filialning sof aktiv qiymatini aksiyadorlarning egalik ulushiga ko'paytirish orqali hisoblanadi.

Ozchilik ulushini taqsimlash, shuningdek, konsolidatsiyalangan daromadlar to'g'risidagi hisobotni shakllantirish paytida sodir bo'ladi. Bunday holda, birinchi navbatda, soliqqa tortilgandan keyin konsolidatsiyalangan foyda hisoblab chiqiladi, so'ngra (hisobotning alohida qismida) ushbu foydaning qaysi qismi bosh kompaniyaga va qaysi biri aksiyadorlarga tegishli ekanligi ko'rsatiladi.

Hisobotlarni bevosita shakllantirish. Konsolidatsiyalangan hisobot quyidagi konsolidatsiyalangan hisobotlarni shakllantirishni o'z ichiga oladi: daromad va zararlar, pul oqimi, kapital harakati, konsolidatsiyalangan guruhning majburiy standartlari, ochiq valyuta pozitsiyalari. Shuningdek, ishtirokchilarning tarkibi to'g'risidagi hisobot, balans va konsolidatsiyalangan hisobotlarga tushuntirish yozuvlari. Konsolidatsiyalashgan jamlama hisobotda barcha guruh tarkibidagi ishtirokchilar o'rnidan qat'i nazar, barcha bosh tashkilotlar majburiy tartibda hisobotlarni taqdim etishlari shart.

Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga muvofiq konsolidatsiyaning quyidagi asosiy usullarini ajratish mumkin: to'liq konsolidatsiya, mutanosib konsolidatsiya va kapital usuli.

To'liq konsolidatsiya eng keng tarqalgan usuldir. U "yagona korxona" tushunchasiga asoslanadi: xolding (guruh) bitta yuridik shaxs sifatida qaraladi, chunki aktivlar, majburiyatlar, daromadlar va xarajatlar butun guruh tomonidan nazorat qilinadi. Bu usul bilan, jamlama moliyaviy hisobotlar ko'rsatkichlari kabi ichki guruh operatsiyalari (o'zaro qarzlari va hisob-kitoblar), natijalarini bundan mustasno, barcha filiallari hisobot ko'rsatkichlari sarhisob qilib olinadi: debitorlik va kreditorlik qarzlari; kreditlar va moliyaviy investitsiyalar; ustav kapitali.

Mutanosib konsolidatsiya qo'shma faoliyat to'g'risidagi hisobotni birlashtirish uchun ishlatiladi (IFRSda "birgalikda boshqariladigan kompaniyalar" atamasi qo'llaniladi), aktivlar, majburiyatlar, daromadlar va xarajatlar konsolidatsiyalangan hisobotlarga bunday korxonalar ustidan nazorat ulushiga mutanosib ravishda kiritilgan. Bu mutanosib konsolidatsiya deb ataladi. Usulning mohiyati juda oddiy: bir tomondan, investor aktivlarning ulushiga ega, boshqa tomondan, u o'z ulushi miqdorida majburiyatlar uchun ham javobgardir.

Kapital usuli investorning investitsiya obyektining sof aktivlaridagi ulushi balansda alohida satr sifatida aks ettirilishini, ozchilik ulushi balansda aks ettirilmasligini taxmin qiladi. Bu bog'liq kompaniyalar hisobot mustahkamlash uchun ishlatiladi.

Konsolidatsiya guruh kompaniyalarining o'zaro operatsiyalarini takroran hisobga olishni istisno qilishni ta'minlashi kerak. Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni tayyorlashda bosh kompaniya va filiallarning hisobot ma'lumotlari bosqichma-bosqich birlashtirilib, ularni yagona tadbirkorlik subyekti sifatida taqdim etadi. Ushbu maqsadlar uchun guruh kompaniyalarining hisobot moddolari avval maqola bo'yicha umumlashtiriladi, so'ngra o'zaro investitsiyalar va bitimlar chiqarib tashlanadi.

5. Xulosa va takliflar.

Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni tahlil qilish shuni ko'rsatdiki bu hisobotning asosiy vazifasi turli toifadagi foydalanuvchilarning turli talablari javob beradigan hisobot tayyorlashdan iborat. Yirik kompaniyaning tarkibiga kiruvchi korxonaning hisobotlari umumiy faoliyatini tahlil qilish uchun to'liq va yetarli bo'la olmaydi, hatto o'z moliyaviy ahvoli to'g'risida ishonchli axborot taqdim eta olmaydi. Umumiy faoliyati natijalarini aniqlash hamda uning moliyaviy holatini baholash uchun konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotga muvofiq koeffitsiyentlar tahlilini amalga oshirish va hisoblash kerak. Tashqi foydalanuvchi asosli, shaffof, aniq axborotni faqat moliyaviy koeffitsiyentlar foydalangan holda umumiy hisobot shakllariga qo'shimchalar va tushuntirishlarda kompaniyalar guruhining moliyaviy natijalari va moliyaviy holatini baholash mumkin. Shu munosabat bilan koeffitsiyentlar tarkibini aniqlash kerak, unga ko'ra kelajakda alohida korxonaning ham, umuman guruhning ham moliyaviy holati dinamikasini baholash mumkin. Qabul qilingan boshqaruv qarorlarining o'z vaqtida va maqsadga muvofiqligi guruh boshqaruvining samaradorligiga ta'sir qiladi. Ushbu muammoni hal qilishda guruhning konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarini tahlil qilish muhim rol o'ynaydi.

Tahlil natijalari asosida kompaniyani rivojlantirish strategiyasi va taktikasi ishlab chiqiladi, to'g'ri boshqaruv qarorlari qabul qilinadi, ularning bajarilishi nazorat qilinadi va guruhning moliyaviy holatini yaxshilash zaxiralari aniqlanadi.

Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni tahlil qilishning o'ziga xos xususiyatlari tahlil alohida korxona ma'lumotlariga ko'ra emas, balki turli xil faoliyat turlari bilan shug'ullanadigan va turli xil kapital tuzilmalarga ega bo'lgan kompaniyalarning butun guruhi uchun amalga oshirilishi bilan bog'liq. Balansni tahlil qilib, korxonalarni guruhga birlashtirish uchun asos bo'lib xizmat qilgan konsolidatsiyaning qaysi turidan foydalanilganligini aniqlashtirish, shuningdek guruh a'zolarining o'zaro munosabatlari va o'zaro ta'sirini o'rnatish kerak. Konsolidatsiyalashgan balansning tahlili bosh va shuba korxonalar balansining tahlili bilan bir vaqtda amalga oshiriladi, chunki tahlil yo'nalishlaridan biri bu kompaniyadagi kapital va mulk tarkibini aniqlashdir.

Moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobotni tahlil qilib, guruhning moliyaviy natijalarida shuba korxonalarning ulushini aniqlash kerak. Ushbu maqsadlar uchun shuba korxonalarning foydasi (zarari) dagi ozchilik ulushi hisoblab chiqiladi va natijada bosh kompaniyaga tegishli bo'lgan sof foyda shakllanadi. Birlashish, qoida tariqasida, kompaniyalar qiymatini oshirishi sababli, bu haqda ma'lumot moliyaviy natijalarning konsolidatsiyalangan hisobotida taqdim etilishi kerak. Bundan tashqari, tushuntirishlar ko'pincha aksiyalarning joriy rentabelligining o'sishi prognozini beradi, ya'ni har bir aksiya uchun sof foyda.

Adabiyotlar:

Ilxamov, S. H. (2017) Development of auditing methods in accordance with international criteria and standards. International journal of advance research and innovative ideas in education, ISSN (O)-2395-4396. Vol-3. Issue-1, (3789), 1199.

Alimardonov E.D. (2022) Xalqaro moliya munosabatlari. Darslik. – T.: «Nihol print» OK, 516 b.

ACCA (2016) Applied Knowledge ACCA Diploma in Accounting and Business (RQF Level 4) Financial Accounting (FA/FFA) Study Text P.2 KAPLAN PUBLISHING UK Molly Millar's Lane Wokingham Berkshire © Kaplan Financial Limited, 2021 9th ed. — McGraw-Hill Education, 864 p. — ISBN 978-1259222139.

Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. (2019) "Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari". O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 227 b.

Kudbiev, D., Qudbiyev, N.T., & Imomova, Z.T. (2022). Moliyaviy Hisobotlardan Moliyaviy Menejmentda Foydalanish Masallari. Scientific progress, 3(4), 1030-1037.

Karimov A.A., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Imamova N.M. (2020) "Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari" / Darslik – T.: "MOLIYA", 310 b.

Norbekov D.E., To'rayev A.N., Rahmonov Sh.Sh. (2019) Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari: O'quv qo'llanma; – T.: "Iqtisod-Moliya", 332 b.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining Standarti (1998) yilda ro'yxatdan o'tgan, ro'yxat raqami 580.

Shokiraliyevich G.I. (2022). Moliyaviy hisobotlarni mxhs bo'yicha transformatsiyasining zarurati, mohiyati va dolzarbligi //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. C. 339-344.

Tohirovich, Q.N. (2021) International financial accounting standards in Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 328-333.

Urazov K.B., Pulatov M.E. (2020) Buxgalteriya hisobi. Darsdik. - T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 558 bet.

Исманов, И. Н. (2021) Консолидациялашган ҳисобот тузиш ва тақдим этишнинг моҳияти ва мақсади цель подготовки и представления объединенного отчета purpose and purpose of preparing and presenting a consolidated report. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, 151.

Кулжанов О.М., Кулибоев А.Ш. (2022) Международный бухгалтерский учёт. (Учебник) - Т.: СП «Nihol print», 236 с.

Куликова Л.И., Ветошкина Е.Ю., Ивановская А.В., Тухватуллин Р.Ш., Хамидуллина Г.И. (2018) Международные стандарты финансовой отчетности: учеб.-метод. пособие/ Казань: Казан ун-та, 99 с.

Пардаев М.Қ., Хасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пўлатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холиқулов А.Н. (2011) Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: ТДИУ ва СамИСИ, - 239 бет.

Пашенко Т. В. (2021) Международные стандарты аудита [Электронный ресурс]: учебно-наглядное пособие / Пермский государственный национальный исследовательский университет. – Электронные данные. – Пермь, 138 с.

Титова Н.Ю. (2018) Консолидированная отчетность организаций: учебное пособие /– Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 140 с.

Эргашева Ш.Т. (2021) "Международные стандарты финансового отчетности". Учебник. –Т.: ТГЭУ, 305 стр.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA CHAKANA BANK XIZMATLARI VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

i.f.d., prof., Pardayev A.X., dots. Pardayeva Z.A., Sharipova Sh.A.
Toshkent Moliya Instituti

Annotatsiya: Maqolada chakana bank xizmatlari, ularning joriy holati, O'zbekiston Respublikasida chakana bank xizmatlari bozorini takomillashtirishga doir amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar hamda ularning oldingi yillarga nisbatan o'zgarish tendensiyalari taqqoslama tahlil qilingan. Maqolada o'tgan va joriy yillar tahlil etilib, muammolar aniqlangan va ushbu muammolarni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: chakana bank xizmatlari, depozitlar, elektron to'lov, omonatlar, plastik kartalar, kredit kartalar, pul o'tkazmalari, foiz, foyda, to'lov tizimi.

Аннотация: Данная статья посвящена развитию рынка розничных банковских услуг в Республики Узбекистан, в котором рассматривается практическая значимость розничных банковских услуг, а также анализируется текущее состояние и пути его улучшения. В статье анализируются прошлые и текущие годы, выявляются проблемы и даются рекомендации по их решению.

Ключевые слова: розничные банковские услуги, депозиты, электронный платеж, депозиты, пластиковые карты, кредитные карты, денежные переводы, проценты, прибыль, платежная система.

Annotation: This article is about a market of retail banking services in Uzbekistan and development of this market. It covered the practical significance of retail banking services, analyzes the current state and ways to improve it. The article analyzes past and current years, identifies problems and provides recommendations for addressing them.

Key words: retail banking services, deposits, electronic payment, deposits, plastic cards, credit cards, money transfers, interest, profit, payment system.

1. Kirish.

So'ngi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning bosh maqsadi - respublikamizda bozor munosabatlari tamoyillarini to'liq qaror topdirishdan iborat hisoblanadi. Bunga erishish uchun avvalambor mamlakatda tovar-pul munosabatlarini samarali yo'lga qo'yish imkonini beruvchi naqd pulsiz hisob-kitoblarni tashkil etish va rivojlangan to'lov tizimini barpo etish lozim. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan buyon milliy to'lov tizimida izchil islohotlar olib borilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yilning 23 fevraldagi PQ-3620-sonli "Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" Qarorida mamlakatimiz bank tizimini yanada rivojlantirish, aholi va xorijiy

investorlarni bank tizimiga bo'lgan ishonchini yanada mustahkamlash, bank xizmatlari iste'molchilarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishni ta'minlash, bank xizmatlarini yangi turlarini joriy etish lozimligi ta'kidlandi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yilning 19 sentyabrdagi PQ-3945-sonli "Milliy to'lov tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" Qarorida chakana to'lov xizmatlarini ko'rsatish uchun bank tariflari banklar xarajatlari qoplanishini ta'minlash va raqobatga ko'maklashish uchun ma'muriy aralashuvlarsiz xalqaro tajribaga muvofiq o'rnatilishi belgilab berildi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Mamlakat milliy to'lov tizimi, chakana bank xizmatlari va uni rivojlantirish masalalari bo'yicha bir qator iqtisodchi olimlar o'z ilmiy ishlarida tadqiq etganlar. D.N.Vladislavlevning (2005) «bankning chakana xizmatlari - tijorat banklarining jismoniy va kichik biznes tashkilotlari uchun ko'rsatadigan xizmatlari yig'indisi» deb ta'rif bergan.

I.O.Spitsin va O.Ya.Spitsinlarning (1993) «Bankning chakana yoki iste'mol xizmatlari bozori shaxsiy ehtiyojlar uchun bank xizmatlarini sotib oluvchi iste'molchilarni o'z ichiga oladi» deb ta'rif bergan.

E.A.Vinokurovaning (2011) «Chakana bank xizmatlari bu - bir nechta bir-biriga bog'liq bo'lgan chakana bank operatsiyalari bo'lib, uning natijasida mijozning ehtiyojini qondirish uchun pul mablag'lari harakati yuzaga keladi. Chakana bank mahsulotlarini jismoniy shaxslarga taqdim etiladigan tartibga solingan va standartlashtirilgan chakana bank xizmatlari to'plami hisoblanadi» deb ta'rif bergan.

N.V.Keshenkovaning (2013) «Chakana bank xizmatlarini standartlashtirilgan, bank operatsiyasi orqali tashkil etiladigan, bank mijozlarini ommaviy tarzda maxsus bank tovarlari va mahsulotlari bilan ta'minlash jarayonini yuridik jihatdan rasmiylashtirish jarayoni» deb ta'rif bergan.

A.S.Goncharuk (2018) tomonidan "Chakana bank xizmatlari- bu aholiga tijorat bilan bog'liq bo'lmagan shaxsiy, oilaviy ehtiyojlarini qondirish uchun standartlashtirilgan bank mahsulotlariga asoslangan xizmatdir" degan mualliflik ta'rifi olg'a surilgan.

Hindistonlik iqtisodchilar A.Jamal va K.Naserning (2002) "Mijozlar ehtiyojini qondirish va chakana bank xizmatlari" nomli maqolasida chakana bank xizmatlariga quyidagicha ta'rif berilgan: "Chakana bank xizmati- bu tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslar uchun ko'plab bank xizmatlarini yetkazib berish demakdir".

Yuqorida keltirilgan fikrlardan xulosa qilish mumkinki, chakana bank xizmatlari- bu jismoniy shaxslarning aniq bir bank xizmatlariga bo'lgan shaxsiy yoki oilaviy ehtiyoj va talablarini qondirish uchun tijorat banklari tomonidan taklif etiladigan, tijorat faoliyatiga yo'naltirilmaydigan bank xizmatlari yig'indisidir.

To'lov tizimini 3 qismga ajratish mumkin:

1. Banklararo to'lov tizimi;
2. Banklarning ichki to'lov tizimi;
3. Chakana to'lov tizimi.

Chakana bank xizmatlari, iste'molchilar uchun ushbu tarmoqni rivojlanishi, taklif qilinayotgan xizmatlar sifatini oshirish va xizmatlar ko'lamini kengaytirish bilan asoslanadi.

3. Tahlil va natijalar.

Iqtisodiyotda chakana to'lov tizimlarining tashkiliy qismlari naqd pulli, kartali (terminal, infokiosk va bankomatlar yordamida), mobil va internet tizimli (elektron pullar asosida) hamda to'lov operatori va agentlarining hisob-kitob tizimlaridan (masalan, "Paynet" tizimi) tashkil topgan.

Chakana to'lov tizimlarining o'ziga xos xususiyati quyidagilarda ifodalanadi:

- Mayda summali va ko'p sonli to'lovlar;
- Aholi ishtirokidagi hisob-kitoblarning amalga oshirilishini ko'zda tutadi;
- Chakana elektron to'lov tizimlarida netting kliring to'lov tizimidan foydalaniladi.


Chakana bank xizmatlari bozorini tahlil qilish jarayonida banklarda valyuta oldi-sotdi operatsiyalari bilan bir qatorda aholining bo'sh pul mablag'larini bankka jalb etish bilan bog'liq chakana bank xizmatlarining rivojlanish tendensiyasiga ega ekanligini ko'rish mumkin.

Hozirda "Mikrokreditbank" ATB tizimida aholiga chakana xizmat turlarini ko'paytirish, xizmat ko'rsatish sifatini oshirish maqsadida muntazam ishlar olib borilmoqda. Bank doimiy ravishda jismoniy shaxslarning ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda yangi omonat turlarini ishlab chiqmoqda, tezkor pul o'tkazmalari, milliy va xorijiy valyutadagi plastik kartochkalar, chakana kreditlar bo'yicha xizmatlarni taqdim etib kelmoqda.

Bozor talablaridan kelib chiqqan holda "Mikrokreditbank" ATB chakana mijozlarga ularning bankdagi jamg'armalarini saqlab qolish va ko'paytirish uchun qulay bo'lgan, omonat shartlarini tezkorlik bilan qayta ko'rib chiqadi va taklif etadi. Bank tomonidan aholiga qulay va jozibador shartlarda "Stimul-2", "Yangi uy poydevori", "Foydali sarmoya" hamda "Ommabop" nomli omonat turlari joriy etildi. Shuningdek, aholiga qulayliklar yaratish maqsadida mobile ilova orqali 5 ta yangi "Online sarmoya", "Online ommabop" nomli masofaviy omonat turlari joriy etildi.

"Mikrokreditbank" ATB tomonidan 2019 yil davomida jismoniy shaxslarga jami 962,6 mlrd.so'm miqdorida kredit ajratilgan bo'lib, shundan iste'mol kreditlariga 401,0 mlrd.so'm, aholi bandligini ta'minlash uchun 207,0 mlrd.so'm, avtokreditlarga 195,4 mlrd.so'm, ipoteka kreditlari uchun 80,2 mlrd.so'm, mikroqarz uchun 44,0 mlrd.so'm hamda 22,5 mlrd.so'm ta'lim kreditlari uchun ajratilgan.

Respublikamizda chakana bank xizmatlarini rivojlantirishga qaratilgan marketing strategiyasini shakllantirish, bunda mijozlarning chakana bank xizmatlariga bo'lgan talablarini to'liq hisobga olish, chakana bank xizmatlari bozorini bank raqobat ustunligidan kelib chiqib muvofiq segmentlash muammolarini ilmiy jihatdan hal etish muhim dolzarblik kasb etadi.



1-rasm. 2019 yilda "Mikrokreditbank" ATB tomonidan jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlarning sohalar bo'yicha taqsimlanishi (N.R.Ikramova, 2014).

Bugungi kunda chakana bank xizmatlarining eng ko'p ishlatiladigan turlaridan biri - bu plastik karta xizmatlaridir. Plastik kartalarning aholiga va banklarga o'z qulayliklari mavjud. Shu jumladan, O'zbekiston Respublikasi hududida kobeydj karta- UzCard va UnionPay to'lov tizimlarining hamkorlikdagi kartasi bo'lib, undan har ikkala to'lov tizimining infrastrukturasi foydalanish mumkin. Kobeydj karta milliy valyutadagi (so'm) yagona hisobraqamga bog'langan bo'lib, so'mni AQSH dollariga bir zumda avtomatik ravishda konvertatsiya qilinishi evaziga uning saqlovchisiga dunyoning 170 ta davlat va mintaqalarida tovar va xizmatlar uchun to'lovlarni amalga oshirish imkoniyatini yaratadi.

Bank tizimi rivojlangan davlatlardan biri Kanada tajribasini oladigan bo'lsak, ushbu davlatda kredit kartalarning asosan 3 turi "Classic", "Gold" va "Platinum" kartalari keng tarqalgan. "Gold" va "Platinum" kartalari katta limitga ega bo'lib, karta egasiga qo'shimcha moliyaviy imkoniyatlar beradi. Ushbu kartalar doimiy mustahkam daromadga ega bo'lgan shaxslarga beriladi.

Respublikamizda bankdan tashqari pul aylanmasini qisqartirish, aholining bo'sh pul mablag'ini bank depozitlariga jalb qilish, shuningdek, plastik kartalar orqali naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimini rivojlantirish yo'liga o'tilib, tovar va xizmatlar uchun bank to'lov kartalari orqali hisob-kitob qilish keng ommalashdi. Xususan, 2021-yil 1-dekabr holatiga ko'ra, 5 642 593 ta bank plastik kartalari muomalada bo'lgan.

1-jadval

Yevropadagi ayrim davlatlarning chakana to'lov tizimlari faoliyatini tashkil qilish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlar

Davlat nomi	YalMga nisbatan (%)	Chakana to'lov vositalari		
		Naqd pullar (%)	Debit va boshqa karta (%)	Kredit karta (%)
Belgiya	0,74	0,58	0,11	0,04
Gollandiya	0,65	0,48	0,17	0,17
Norvegiya	0,49	0,15	0,23	0,23
Shvetsiya	0,40	0,22	0,15	0,03

Jadvaldagi statistik raqamlar shuni ko'rsatmoqdaki, naqd pul muomalasini tashkil qilish bilan bog'liq xarajat hajmi boshqa chakana naqd pulsiz to'lov vositalari yordamida tashkil qilinadigan pul muomalasi xarajatiga nisbatan juda yuqori.

Hozirda tijorat banklari pul o'tkazmalari bozorida samarali faoliyat yuritib kelmoqda. Bugungi kunda pulni 3 yo'l bilan jo'natish mumkin. Bular:

1. Xalqaro pul o'tkazmalari tizimi orqali ("UNI Stream", "Money Gram", "Zolotaya korona");
2. Xalqaro SWIFT tizimi orqali;
3. Pochta xizmati orqali.

Mijozlarga, ("UNI Stream", "Money Gram", "Золотая корона" kabi bir nechta xalqaro pul o'tkazmalari taklif etilmoqda. Misol tariqasida olib ko'radigan bo'lsak, "Money Gram"- bu tezkor xalqaro pul o'tkazmalari tizimi hisoblanadi. "Money Gram" dunyoning 190 ta mamlakatining 227 000ta punktida mijozlarga hisobvaraqlar ochmasdan xalqaro pul o'tkazmalarini amalga oshiruvchi tizimdir. Bu tizim xizmat ko'rsatuvchi punktlar soni va dunyo bo'yicha xizmat ko'rsatish darajasi bo'yicha 2-o'rinni egallaydi.

O'zbekiston Respublikasida "Money Gram" xalqaro pul o'tkazmalari tizimida quyidagi tijorat banklari faoliyat ko'rsatadi:

- "Ipak Yo'li" AITB;
- "Hamkorbank" ATB;
- "Invest Finance Bank" ATB;

- ATB “Qishloqqurilishbank”.

Bank mijozlariga masofadan turib xizmat ko'rsatishni amalga oshirish uchun foydalanuvchi telekommunikatsiya tizimlarining modernizatsiyalashuvi Dialog banking bank faoliyatini tashkil etishning yangi konsepsiyasini paydo bo'lishiga olib keldi. Mazkur konsepsiyaga binoan ko'p funksional axborot avtomatlari xodimlarni mashaqqatli mehnatdan xalos etadi, xodimlarning o'zlari esa mijozlar bilan yaqin munosabatdagi intellektual xizmat ko'rsatishga yo'naltiriladilar.

O'z-o'ziga xizmat ko'rsatish zonalarini yaratilishi bank operatsion zali mutaxassislarining ish hajmi keskin darajada kamayishiga, shu bilan birgalikda ijrochilar sonining ham qisqarishiga olib keladi. Bundan tashqari, maxsus bank uskunolari bilan jihozlangan hamda avtomatlashtirilgan qurilmalarni ko'payishi ham tashkil etilib borilmoqda. Ushbu o'rnatilgan avtomatlashgan qurilmalar aholiga 24 soat davomida bozor hududlari, aholi gavjum joylarda tunu kun xizmat qilishi ham aynan chakana bank xizmatlarini bevosita bank orqali amalga oshiradigan bank operatsiyalarini hajmini kamayishini ta'minlab bermoqda.

2-jadval

O'zbekistonda bank plastik kartochkalari, bankomat va infokiosklar, to'lov terminallari soni

Turlari	2018 yil	2019 yil	2020 yil	2021 yil	2022 yil
Chiqarilgan bank kartochkalari soni (ming dona)	19226	17686	20547	25776	27106
Bank kartochkalari orqali yillik tranzaksiyalar hajmi	52972,0	63713,5	71020,0	81000,0	111137,0
To'lov terminallari soni	235712	244913	392361	438410	433384
Infokiosk va bankomatlar soni	5632	6859	9203	11800	12940

Jadval ma'lumotlariga ko'ra, 2022 yilning 1 yanvar holatiga respublikamiz bo'yicha muomalaga chiqarilgan plastik kartochkalari soni 27106 mln. donani tashkil etmoqda. So'ngi besh yillikda bank kartalari soni keskin o'sishiga erishildi. Muomalaga chiqarilgan plastik kartochkalari sonini o'sishi hisobiga, bank kartochkalari orqali tranzaksiyalarni hajmini so'ngi besh yilda sezilarli darajada oshganini ko'rish mumkin. Bundan shunday xulosa qilish mumkinki banklar tomonidan plastik kartochkalarni ishlab chiqarish amaliyoti kengayib, masofaviy bank xizmatlari kengayotganligini ko'rsatadi. 2022 yil 1 yanvar holatiga jami o'rnatilgan bankomat va infokioskalar soni 12940 donani tashkil etmoqda. Bu ko'rsatkich 2018 yil holati bilan solishtirilganda, 7308 donaga ortganini ko'rishimiz mumkin.

4. Xulosa va takliflar.

Bugungi kunda tijorat banklari oldida chakana bank xizmatlari ommabopligini oshirish va ushbu bank xizmatlarini yanada takomillashtirish asosiy vazifa hisoblanadi. Ushbu maqsadga erishishda bank faoliyatida quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirishi lozim:

1. Bank plastik kartochkalari foydalanuvchilarining mablag'lari but saqlanishini va to'lov xavfsizligini ta'minlash zarur. Bunda tijorat banklari mijozlarning mablag'lari but saqlanishini ta'minlash uchun ularga ma'qul bo'lgan xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha xizmatlarni taklif qilishlari kerak. Jumladan, mijoz bank plastik kartochkasini olganda unga ochilgan bank hisobvarag'iga qo'shimcha ravishda yana bir hisobvaraqlar ochish lozim. Unda

kunlik foydalanish uchun mablag'larni asosiy hisobvaraqa, qolgan qismini ikkinchi hisobvaraqa saqlash imkoniyatiga ega bo'lgan mijoz mablag'larining but saqlanishiga erishadi, bank esa qo'shimcha resurslarga ega bo'ladi. Ushbu amaliyotdan ko'pchilik rivojlangan davlatlardagi tijorat banklarida foydalaniladi.

2. Tijorat banklari tomonidan chakana bank xizmatlarini yetkazib berish jarayonini bir standartga kiritish va avtomatlashtirish. Shuningdek, chakana bank xizmatlari turlarini kengaytirish va ularning sifat darajasini oshirish.

3. Terminallar uchun Visa, Mastercard, Union Pay xalqaro tizimlari kartalaridan ichki bozorda to'lovlarni amalga oshirilishini ta'minlash.

4. Virtual plastik kartochkalarni joriy etishni tashkil etish.

Xulosa sifatida ta'kidlash mumkinki, bank kartalarining muomalasini rivojlanishi, skoring kredit tizimini joriy etish imkoniyatlari, "Internet-banking", "SMS-banking" kabi xizmatlarni asta-sekinlik bilan rivojlanib borishi, pul o'tkazmalari, elektron to'lov kabi xizmatlarni takomillashtirishi respublikamizda chakana bank xizmatlarini rivojlantirish istiqbollarini belgilaydi.

Adabiyotlar:

Jamal, Ahmad and Naser, Kamal (2002) Customer satisfaction and retail banking: an assessment of some of the key antecedents of customer satisfaction in retail banking. Page 146-160 www.scopus.com.

Ikramova N.R. (2014) "O'zbekistonda chakana bank xizmatlari: xorij tajribasi va rivojlanish istiqbollari". "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1.

Qaror (2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3620-son

Qaror (2019) O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Milliy to'lov tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3945-son

Владиславлев Д.Н. (2005) «Энциклопедия банковского маркетинга», Ось-89, 82 стр.

Винокурова Е.А. (2011) Методическое обеспечение анализа кризисных состояний розничного бизнеса коммерческого банка: автореферат дис. канд. экон. наук: 08.00.12/ Йошкар-Ола. - 20 с.

Гончарук С.А. (2018) Институциональные аспекты развития сегмента розничных банковских услуг: дис.канд.экон.наук: 08.00.10/Сев.-Осет.гос.ун-т им.К.Л.Хетагурова-Шахты, 183 с.

Кешенкова Н.В. (2013) Развитие розничных банковских услуг в условиях формирования инновационной экономики: автореферат дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Моек. гос. ун-т экономики, статистики и информатики - Москва, 27 с.

Спицын И.О, Спицын Я.О. (1993) «Маркетинг в банке» - М: 32 стр.



XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA MEHNAT SAMARADORLIGINING IQTISODIY MOHIYATI VA UNI OSHIRISH YO'NALISHLARI

Suvonov B.B.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Annotatsiya: Ushbu maqolada xo'jalik yurituvchi subyektlarda mehnat samaradorligi ko'rsatkichlarini oshirish bo'yicha takliflar va muammolar haqida so'z boradi. Zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida tashkilotning rivojlanishi va raqobatbardoshligi bevosita mehnat samaradorligiga bog'liq. Mehnat samaradorligi qanchalik ko'p bo'lsa, vaqt birligida shuncha ko'p mahsulot yaratiladi va natijada korxonaning umumiy mahsuloti oshadi. Demak, mehnat unumdorligini oshirish har qanday korxonaning eng muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Bozor iqtisodiyoti, mehnat, mehnat samaradorligi, mehnat taqsimoti, norma vaqt, mehnatni ratsionalizatsiya qilish, ishlab chiqarish normasi.

Аннотация: В данной статье говорится о предложениях и проблемах повышения показателей эффективности труда в хозяйствующих субъектах. В условиях современной рыночной экономики развитие и конкурентоспособность организации напрямую зависят от производительности труда. Чем больше производительность труда, тем больше продукции создается в единицу времени и, как следствие, увеличивается общий выпуск продукции предприятия. Поэтому повышение производительности труда является одной из важнейших задач любого предприятия.

Ключевые слова: Рыночная экономика, труд, эффективность труда, разделение труда, норма рабочего времени, рационализация труда, норма производства.

Annotation: This article talks about proposals and problems for increasing labor efficiency indicators in economic entities. In the conditions of the modern market economy, the development and competitiveness of the organization directly depends on labor efficiency. The greater the labor efficiency, the more products are created per unit of time, and as a result, the total output of the enterprise increases. Therefore, increasing labor productivity is one of the most important tasks of any enterprise.

Keywords: Market economy, labor, labor efficiency, division of labor, standard time, labor rationalization, production standard.

1. Kirish.

Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning muvaffaqiyatli iqtisodiy faoliyatini ta'minlash uchun zarur bo'lgan eng muhim vositalardan biri mehnat samaradorligini oshirishdir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonaning iqtisodiy, texnik va ijtimoiy rivojlanishining

barqarorligini boshqarish elementi sifatida mehnat samaradorligini oshirish muhim rol o'ynaydi. Mehnat resurslaridan samarali foydalanish va korxonaning iqtisodiy natijalari o'rtasidagi bog'liqlikning mavjudligi mehnat xarajatlari ulushini muntazam ravishda kamaytirishni nazarda tutadi, bu esa mehnat samaradorligini oshirish bo'yicha ishlarning ahamiyatini oshiradi. Korxonaning yuqori samaradorlik natijalariga erishish mehnat jarayoni samaradorligini oshirish uchun zaxiralarni aniqlash, mehnat samaradorligini oshirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish va amalga oshirishni nazarda tutadi.

Xo'jalik sub'ektlarida mahsulot ishlab chiqarish (ish, xizmatlar) xajmining oshishiga, mahsulot tannarxining pasayishiga, foyda miqdorining oshishiga hamda boshqa bir kator texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarining yaxshilanishi korxonaning mehnat resurslari bilan ta'minlanish darajasiga bog'liq. Mehnat ko'rsatkichlarining bajarilish darajasi mashina va jixozlardan maksimal foydalanishga, ishlab chiqarishni bir maromda amalga oshirilishiga va mehnat unumdorligining o'sishiga ta'sir ko'rsatadi. Bugungi kunda respublikamizda ro'y berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar mavjud mehnat resurslaridan samarali foydalanishni taqozo etmoqda.

2. Adabiyotlar sharhi.

E.M.Babosovning (2012) ta'kidlashicha, "mehnati samaradorligi" toifasiga mehnatning ijtimoiy jihatlari, xususan, mehnat sharoitlarini yaxshilash, uning xavfsizligini oshirish, ishning ilg'or usullari va usullarini qo'llash, shuningdek, mehnat va dam olish rejimiga rioya qilish kiradi.

Ushbu yondashuv ushbu toifadagi bir qator yangi vazifalarni o'z ichiga oladi va tegishli kontseptual asoslarni talab qiladi. Shunday qilib, mehnat samaradorligini tahlil qilish munosib mehnat standartlarini talab qiladi degan xulosaga kelish mumkin.

Mehnati samaradorligi shaxsning shaxsiy o'sishiga asoslanadi va hayot va mehnat sifati bilan bevosita bog'liq bo'lib, busiz barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni ta'minlashning iloji yo'q.

Har bir shaxsning qoniqishi hayot sifatiga bog'liq bo'lib, buning muhim tarkibiy qism shu shaxsning ish sifati hisoblanadi. M.Todaroning (1980) mehnat unumdorligining pastligi va turmush darajasining pastligi bir-birini mustahkamlovchi sifatlar ekanligini isbotlovchi tadqiqotlari bu tushunchalarning o'zaro bog'liqligini tasdiqlaydi.

Shunday qilib, mehnat samaradorligi mehnat unumdorligi va mehnat sifati ko'rsatkichlari yig'indisini belgilaydigan integral dinamik ko'rsatkich sifatida tushuniladi. Mehnat samaradorligining o'sishi mehnat sifatini va natijada hayot sifatini oshirishni ta'minlaydi va mehnat faoliyati uchun kuchli motiv bo'lib xizmat qiladi (A.G.Voytov, 2012).

Mehnati samaradorligi quyidagi ko'rsatkichlar bilan belgilanadi: mehnat unumdorligi, ish haqi xarajatlari darajasi, ish haqining o'sish sur'atlarining mahsulot ishlab chiqarishning o'sish sur'atlariga nisbati va mehnat unumdorligining o'sish sur'atlari (A.Ya.Kibanov, 2014).

A.D.Vyvarets, L.V.Distergeftning (2000) keltirishicha samaradorlik "Umumiy ma'noda har qanday jarayonning, faoliyatning har qanday turining samaradorligi maqsadga erishish darajasini tavsiflaydi". Bu holat mehnat samaradorligida ham o'z natijasini beradi.

Ammo S.Fisher, R.Dornbusch (2000) o'zlarining iqtisodga oid klassik ishlarida, "ishlab chiqarish usuli texnologik jihatdan samarali hisoblanadi, agar ma'lum hajmdagi mahsulot ishlab chiqarish uchun kamroq mablag' sarflanadigan boshqa usul bo'lmasa, ishlab chiqarishda mehnat eng yuqori samara beradigan omil hisoblanadi.

Bir qator ekspertlarning fikricha, mehnat samaradorligini baholash uzoq va katta mehnat talab etadigan jarayon bo'lib, u bir qancha iqtisodiy va ijtimoiy ko'rsatkichlarni o'z ichiga oladi¹.

¹ <https://www.hr-director.ru/article/66289-qqq-16-m8-31-08-2016-effektivnost-raboty-personala>

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqot ishini bajarishda kuzatish, ma'lumotlarni to'plash, umumlashtirish, guruhlash, taqqoslash, monagrafik kuzatish usullaridan foydalanilgan.


4. Tahlil va natijalar.

Ishlab chiqarish dinamikasi mehnat taqsimotining o'zgarishi, mehnat vazifalari va funktsiyalari doirasining kengayishi bilan tavsiflanadi. Tashkilotning mehnat resurslari korxona samarali faoliyatining ajralmas qismiga aylanadi, chunki ishlab chiqarish dasturini amalga oshirish va tashkilotning moliyaviy holati bevosita mehnat resurslaridan samarali foydalanishga bog'liq. Muayyan tashkilotning mehnat resurslarini o'rganishda mehnatdan foydalanish holati va samaradorligini aniqlash va tahlil qilish usullaridan to'g'ri foydalanish kerak. Mehnat faoliyati samaradorligi moddiy yoki nomoddiy ne'matlar ishlab chiqarish hajmi va bunga sarflangan mehnat resurslari yig'indisining nisbatini aks ettiradi. Mehnat unumdorligining o'sishi mehnat xarajatlarini oshirmasdan ishlab chiqarilgan mahsulotlarning o'sishi bilan belgilanadi. Mehnat samaradorligini oshirish deganda odamlarning iqtisodiy faoliyatini doimiy ravishda takomillashtirish, bir xil yoki kamroq xarajat evaziga ko'proq foyda keltirishi tushuniladi.

Zamonaviy sharoitda xodimlarni boshqarishning yangi uslubiy matritsasini izlash va korxonaning mehnat resurslarini boshqarish yondashuvlarining mavjud kamchiliklarini bartaraf etishga qodir bo'lgan ish faoliyatini boshqarishning tubdan yangi konseptsiyasini ishlab chiqish eng dolzarb muammodir. Mehnat jarayonining samaradorligi muammosi munosib mehnatning asosi sifatida ko'rib chiqilishi kerak. Shuni ta'kidlash kerakki, mehnat samaradorligi toifasi uning unumdorligini an'anaviy asoslashdan ancha kengroqdir.

Vaqtini bevosita o'lchash usuli mehnat jarayonini to'liq o'rganish, uning davomiyligini o'lchash va ishonchli natijalarni olish imkonini beradi.

Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar xodimlarining ish samaradorligi zamonaviy dunyoda barqaror raqobatbardosh pozitsiyalarni ta'minlashga bevosita ta'sir qiladi. Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar xodimlarining ish samaradorligini oshirish quyidagi yo'nalishlarda amalga oshirilishi mumkin (1-rasm).



1-rasm. Tashkilot xodimlarining samaradorligini oshirish yo'nalishlari

Mehnat jarayonini takomillashtirish – bu mehnat jarayonining tarkibiy qismlari: operatsiyalar, texnikalar, mehnat harakatlari, harakatlarning funktsiyalari va amalga oshirish ketma-ketligi. Operatsiyalar soni va bajarish ketma-ketligining haqiqiylikini, shuningdek, operatsiyalarni o'z vaqtida birlashtirish imkoniyatini aniqlashga alohida e'tibor beriladi.

Mehnat samaradorligi – bu tizim tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot va ushbu mahsulotni ishlab chiqarish xarajatlari o'rtasidagi nisbat. Tizim mehnat (inson resurslari), er va kapital (jismoniy va moliyaviy aktivlar), energiya, materiallar va axborot ko'rinishidagi kirishlarni o'z ichiga oladi. Bu resurslar mahsulot (tovar va xizmatlar)ga aylanadi. Shunday qilib, mehnat samaradorligi – ma'lum bir davrda ma'lum bir tizim tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot miqdorining ushbu mahsulotni yaratish yoki ishlab chiqarish uchun sarflangan resurslar miqdoriga nisbati.

Tegishli davrlar uchun ko'rsatkichlarni taqqoslash mehnat samaradorligi ko'rsatkichining o'zgarish dinamikasini aniqlash imkonini beradi. Haqiqiy natijani o'tgan mehnat xarajatlari va uning alohida tarkibiy qismlariga bog'lash o'tgan mehnatdan foydalanishning oqilonaligi to'g'risida xulosa chiqarish imkonini beradi.

Agar real mehnat xarajatlari ishlatilsa, u holda faoliyat natijasi pul shaklida (ish haqi) real mehnat xarajatlariga taalluqlidir va tegishli davrlar va tarkibiy bo'linmalar uchun olingan ko'rsatkichlar bir-biri bilan taqqoslanadi, shundan so'ng xulosalar chiqariladi.

Ushbu turdagi tahlilning asosiy vazifasi korxona faoliyatini baholash va mehnat samaradorligini oshirish uchun zaxiralarni aniqlashdan iborat.

Ma'lumki, mahsulotlarni chiqarish bevosita ishlab chiqarish ishchilari tomonidan amalga oshiriladi, boshqa toifadagi xodimlar ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish va saqlash bilan shug'ullanadi. Shu munosabat bilan, bir ishchiga to'g'ri keladigan mehnat samaradorligi darajasi ishlab chiqarish ishchisining mahsulotiga, shuningdek, boshqa xodimlarning korxona xodimlarining umumiy sonidagi ulushiga bog'liq (nosanoat xodimlaridan tashqari). Mehnat unumdorligini hisoblashning ushbu tartibi ishlab chiqarish ishchilarining ulushini oshirish va boshqa xodimlarni qisqartirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishni rag'batlantiradi. Bunday tahlil mehnat rejasining bajarilishi to'g'risidagi hisobotlarga muvofiq amalga oshiriladi.

Samaradorlik mehnat vazifalarini bajarish, vaqt va pul kabi resurslarni minimal sarflagan holda belgilangan maqsadlarga erishish qobiliyatidir. Ko'pincha, xodimlarning ishlashi faqat miqdoriy jihatdan o'lchanadi – masalan, ishchi ma'lum bir vaqt ichida qancha mahsulot ishlab chiqargan. Ammo bu mezonlardan faqat bittasi. Samaradorlikni har tomonlama ko'rib chiqish kerak. Quyidagilarni e'tiborga olish muhim:

➤ **Natijaviylik**

Inson mehnati ma'lum bir natija beradi. Misol uchun, savdo menejerining natijasi bitimning bajarilishidir. Agar u mahsulotning chiroyli taqdimotlarini tayyorlasa-yu, lekin oyiga 10 ta tranzaksiyani bajarmasa, u samarali emas.

➤ **Mahsuldorlik**

Xodim ish vazifalarini eng qisqa vaqt ichida belgilangan muddatlarni buzmasdan bajaradi. Shu bilan birga, ish sifati yuqoriligicha qoladi. Masalan, samarali xodim kerakli miqdordagi hisobotlarni bir haftada emas, balki 1 kunda tayyorlaydi.

➤ **Tejamkorlik**

Xodim maqsadga minimal moddiy va inson resurslari bilan erishadi. Misol uchun, ofis menejeri, hamkasblarning yordamisiz, minimal byudjet bilan qiziqarli korporativ bayramni tashkil qildi.

➤ **Ratsionallik**

Mehnat vazifalarini bajarishda inson kerakli natijalarga erishish uchun tasdiqlangan va optimal usullardan foydalanadi. Masalan, kiyim-kechak do'konidagi ratsional sotuvchi butun reklama byudjetini bitta mahsulotni reklama qilish uchun sarflamaydi, balki katalogdagi barcha lavozimlarga moliyani to'g'ri taqsimlaydi.

➤ **Funksionallik**

Xodimning barcha harakatlari kompaniyaning maqsad va vazifalariga aniq mos keladi. U umumiy strategiya doirasidagi funktsiyalarning bir qismini bajaradi. Do'kondagi

maslahatchi etkazib beruvchilar bilan muzokaralar olib bormaydi, u o'z vazifalarini bajaradi – u mijozlarga xizmat qiladi.

Mehnat jarayonini takomillashtirish bo'yicha ishlarning asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat:

- 1) operatsiyalar sonining qisqarishi;
- 2) vaqt bo'yicha operatsiyalarni birlashtirish;
- 3) murakkab mehnat usullarini oddiyoqlari bilan almashtirish, ularni optimallashtirish va ratsionalizatsiya qilish;
- 4) barcha asosiy operatsiyalar ulushini oshirish;
- 5) mashina operatsiyalari ulushining ortishi.

Ish usullarini takomillashtirish – bu korxonada qo'llaniladigan ish uslublari va usullarini takomillashtirish hisobiga mehnat unumdorligini oshirishdir. Ishning texnika va usullarini takomillashtirish ikki yo'nalishda amalga oshirilishi mumkin: mehnatni ratsionalizatsiya qilish va ilg'or tajribani joriy etish.

Mehnatni ratsionalizatsiya qilish – yangi, ilgari ishlatilmagan mehnat usullarini yaratish.

Ilg'or tajribalarni joriy etish – korxonalarda ilgari qo'llanilgan ishning ilg'or usullari va usullarini aniqlash va ularni xodimlar o'rtasida tarqatish.

Korxonada xodimlar sonini hisoblash uchun dastlabki ma'lumotlar:

1. Balanslar:
 - ish vaqti balansi;
 - ishchi kuchi balansi (ehtiyot - mavjudlik);
 - ish balansi.
2. Mehnat standartlari:
 - vaqt normalari;
 - ishlab chiqarish standartlari;
 - xizmat ko'rsatish standartlari;
 - aholi normalari;
 - standartlashtirilgan vazifalar.

Norma vaqt (Норма времени) – xodim yoki tegishli malakaga ega bo'lgan xodimlar guruhi tomonidan ish birligini ma'lum bir sifat darajasida va tashkiliy-texnik sharoitlarda bajarish uchun ish vaqtini sarflash normasi.

Dona-hisoblash ($t_{d.-h.}$) va dona-vaqti ($t_{d.-v.}$) normalari mavjud. Dona-hisoblash ($t_{d.-h.}$) vaqtining normasi quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$t_{d.-h.} = t_{d.-v.} + \frac{t_{tay.-e.}}{t_{ay}}$$

$t_{tay.-e.}$ – ehtiyot qismlar partiyasi uchun tayyorgarlik-yakuniy vaqt, yoki

$$t_{d.-h.} = t_{as.} + t_{qo'sh.} + t_{joy.} + t_{dam.} + t_{tan.}$$

Bu yerda, $t_{as.}$ – asosiy vaqt,

$t_{qo'sh.}$ – qo'shimcha vaqt, $t_{as.} + t_{qo'sh.} = t_{op.}$ – operatsion vaqt,

$t_{joy.}$ – ish joyida xizmat ko'rsatish vaqti (tashkiliy xizmat vaqti $t_{tash.}$ + texnik xizmat ko'rsatish vaqti $t_{tex.}$),

$t_{dam.}$ – dam olish vaqti va shaxsiy ehtiyojlar,

$t_{tan.}$ – tiklab bo'lmaydigan tanaffuslar vaqti.

Norma vaqt bo'yicha ishlaydigan xodimlar soni ($X_{ish.}$), ya'ni vaqt normasida (T_i) i -toifadagi mahsulotni ishlab chiqarishning mehnat samaradorligi normasiga ko'ra, quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

$$X_{ish.} = \frac{\sum_{i=1}^n N_i \cdot T_i}{F \cdot K_{ish. n.}}$$

N_i – i turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish bo'yicha yillik dastur (soati (smena, kun, oy)ga i turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish hajmi)

T_i – i turdagi mahsulotni ishlab chiqarish vaqti normasi

F – smena (smenalar) davomiyligini hisobga olgan holda bitta xodimning mumkin bo'lgan yillik maksimal ish vaqti fondi

$K_{ish. n.}$ – Ishlab chiqarish normasi koeffitsienti

Ishlab chiqarish normasi – bu ma'lum tashkiliy-texnik sharoitlarda xodim yoki tegishli malakaga ega bo'lgan xodimlar guruhi ish vaqti (soat, smena) birligiga bajarishi kerak bo'lgan ishning belgilangan miqdori.

Ishlab chiqarish normasi orqali ishlaydigan xodimlar soni ($X_{ish.}$) quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi:

$$X_{ish.} = \frac{\sum_{i=1}^n N_i}{\sum_{i=1}^n N_x * K_{ish. n.}}$$

N_i – i turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish bo'yicha yillik dastur (soati (smena, kun, oy)ga i turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish hajmi)

N_x – tegishli davr uchun bir xodimga to'g'ri keladigan i turdagi mahsulot ishlab chiqarish normasi

$K_{ish. n.}$ – Ishlab chiqarish normasi koeffitsienti

Mehnat samaradorligini tahlil qilishda shuni yodda tutish kerakki, mehnat samaradorligi va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga quyidagilar yordam beradi:

- mahsulotlarning murakkabligini kamaytirish;
- korxonaning mehnat resurslaridan oqilona foydalanish;
- yordamchi ishlarda ishlaydigan xodimlar sonini qisqartirish;
- ish vaqti fondidan foydalanishni takomillashtirish;
- ish vaqtining yo'qotishlari va samarasiz xarajatlarini bartaraf etish;
- kadrlar almashinuvini kamaytirish va mehnat intizomini mustahkamlash.

5. Xulosa va takliflar.

Xo'jalik yurituvchi subyektlarda mehnat samaradorligi mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish jarayonida quyidagi xulosalarga keldik:

1. Mehnat samaradorligini tahlil qilishga birinchi darajali ahamiyat berish kerak, chunki bu mahsulot ishlab chiqarish hajmini oshirishning asosiy omili, intensivlashtirish va ishlab chiqarish samaradorligining asosiy ko'rsatkichidir. Ma'lumki, mehnat samaradorligi natijalar va mehnat xarajatlarining nisbati bilan tavsiflanadi va har qanday ijtimoiy foydali faoliyat samaradorligining eng muhim ko'rsatkichidir. Mehnat samaradorligi eng muhim mehnat ko'rsatkichi bo'lib, uning darajasi va dinamikasiga ishlab chiqarish samaradorligining barcha asosiy ko'rsatkichlari va barcha mehnat ko'rsatkichlari bog'liq: ishlab chiqarish, xodimlar soni, ish haqi va boshqalar. Mehnat samaradorligining oshishi ishlab chiqarish hajmining oshishi va uning tannarxining pasayishida hal qiluvchi omil hisoblanadi.

2. Bozor iqtisodiyoti sharoitida mehnat samaradorligini tahlil qilishda jamoa faoliyatining yakuniy natijasiga uchta element: mehnat qurollari, mehnat ob'ekti va shaxs ta'sir qiladi, deb taxmin qilinadi. Shuning uchun uchala elementning qiymatini va har birining qiymatini foyda uchun, ya'ni mehnat samaradorligini (nisbiy ko'rinishda) ishlab chiqarishning real natijasi (pulda) real ishlab chiqarish xarajatlariga (pul ko'rinishida) nisbati sifatida hisoblash kerak.

3. Hozirgi vaqtda mehnat dunyosida sezilarli o'zgarishlar ro'y bermoqda, ular mehnat faoliyati tabiatiga ham, mehnat bozorining mavjudligiga ham tegishli. Mehnat samaradorligini oshirish va mehnatdan qoniqishni oshirish vazifalari murakkab dinamik xususiyatga ega va ular bir xil darajada ko'rib chiqilishi kerak, chunki bu jihatlar o'rtasida yuzaga keladigan qarama-qarshiliklarni hal qilish va murossalarga yechimlar topishning maxsus mexanizmini talab qiladi.

Adabiyotlar:

Bardina, I. V., Kek-Mandzhieva, Z. V. (2015). Indicators for evaluating the effectiveness of wage costs // Bulletin of the State University of Management. No. 13. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pokazateli-otsenki-effektivnosti-zatrat-na-zarabotnuyu-platu> (date of access: 01/02/2023)

Ivanova, R. (2020). A methodology for analysis of labor cost-based rate of return of the industrial enterprise. knowledge - International Journal, 40(1), 63–69. Retrieved from <https://ikm.mk/ojs/index.php/kij/article/view/958>

Todaro M.P. (1980) Internal Migration in Developing Countries: A Survey/Richard A. Easterlin, ed.//Population and Economic Change in Developing Countries — University of Chicago Press, p.361-402

Бабосов Е.М. (2012) Управление персоналом: учебное пособие / Е.М. Бабосов, Э.Г. Вайнилович, Е.С. Бабосова. – М.: ТетраСистем, 288 с.

Войтов А.Г. (2012) Эффективность труда и хозяйственной деятельности. Методология измерения и оценки / А.Г. Войтов. – М.: Дашков и К, 232 с.

Выварец А.Д., Дистергефт Л.В. (2000) Эффективность производства: теория, методология и методика оценки // Сборник научных статей. Екатеринбург: УГТУ, 511 с.

Дорнбуш Р., Фишер С. (2000) Экономика. М.: Дело, 1170 с.

Кибанов А.Я. (2014) Кадровая политика и стратегия управления персоналом / А.Я. Кибанов, Л.В. Ивановская. – М.: Проспект, 60 с.



БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Абдурахманов К.А.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази*

Аннотация: Мақолада бюджет ташкилотларини молиялаштириш ва маблағларни мақсадли сарфланиши назорати самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилган. Шунингдек, “бюджет ташкилотлари”, “бюджетлаштириш” ва “бюджет назорати” тушунчалари ўрганилиб, уларнинг иқтисодий моҳияти кўриб чиқилган ҳамда тадқиқот доирасида хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бюджет ташкилотлари, молиялаштириш, бюджетлаштириш, бюджет назорати, молия.

Аннотация: В статье исследуется взаимосвязь между финансированием бюджетных организаций и эффективностью контроля за целевым использованием средств. Также были изучены понятия «бюджетные организации», «бюджетирование» и «бюджетный контроль», рассмотрена их экономическая сущность и сформулированы выводы в рамках исследования.

Ключевые слова: бюджетные организации, финансирование, бюджетирование, бюджетный контроль, финансы.

Abstract: The article examines the interrelationship between the financing of budget organizations and the effectiveness of control over the targeted use of funds. Also, the concepts of "budget organizations", "budgeting" and "budget control" were studied, their economic essence was considered, and conclusions were formed within the framework of the research.

Key words: budget organizations, financing, budgeting, budget control, finance.

1. Кириш.

Бюджет ташкилотлари ҳар қандай иқтисодий тизимда ва ҳар қандай бошқарув моделида ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий муносабатларнинг муҳим субъектлари ҳисобланади. Улар таълим, соғлиқни сақлаш, илмий тадқиқотлар, ижтимоий ҳимоя, маданият, давлат бошқаруви каби қатор ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжларни қондиришни таъминлашга мўлжалланган. Бюджет ташкилотлари давлатимизда фаолият юритаётган энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Булар давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан таъминланадиган муассасалар, ташкилотлардир. Мамлакатда яратилган молиявий ресурсларнинг ярмидан кўпи давлат бюджети тизимида сафарбар этилган. Бу маблағлар асосан бюджет ташкилотларининг ҳисоб-китобларига сарфланади. Бу бюджет

ташкilotлари молиясининг мамлакат иқтисодиётидаги катта аҳамиятини белгилайди. Сўнгги йилларда бюджет назорати ташкilotнинг молиявий фаолияти билан боғлиқлигини аниқлаш учун тез-тез текшириш ўтказишга асосланади. Ҳозирги вақтда кўплаб ташкilotларнинг мавжудлигини фақат уларнинг молиявий кўрсаткичлари нуқтаи назаридан оқлаш мумкин. Шунинг учун бундай ташкilotлар учун уларнинг молиявий кўрсаткичларини яхшилайдиган ҳар қандай нарсa фойдалидир.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотимизни бюджет ташкilotларини молиялаштириш ва маблағларни мақсадли сарфланиши назорати самарадорлиги бўйича олиб боришни режалаганмиз.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ушбу тадқиқот доирасида биз тушунишимиз керак бўлган тушунчалар: “бюджет ташкilotлари”, “бюджетлаштириш”, “бюджет ташкilotларини молиялаштириш” ва “бюджет назорати”дир. Ушбу тушунчаларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш, тадқиқотимиз олдига қўйган масалани ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, Анесси-Пессина ва бошқалар (2012) фикрича: “Бюджет - бу аниқ вақтдан олдин тузилган ташкilot фаолиятининг молиявий ва миқдорий ҳисоботи. У менежерлар ва сиёсатчиларга ўзлари жавобгар бўлган стратегик қарорларни қабул қилишда ёрдам бериш учун молиявий маълумотлар билан таъминлайди”.

С.Т.Хорнгрен ва бошқалар (2012) талқинича: “Кўпгина даромадли компанияларда бюджет аслида муваффақиятнинг калитидир”.

С.Спонем ва С.Ламберт (2016) фикрича: “Бюджетлар кўпчилик ташкilotларнинг ажралмас қисми бўлиб, турли бошқарув функцияларини бажаради. Бюджетлар кўпчилик ташкilotларнинг ажралмас қисми бўлиб, режалаштириш, бошқариш, назорат қилиш ва қарорлар қабул қилишнинг асосий бошқарув функцияларини қўллаб-қувватлайди”.

А.Боурмистров ва К.Каарбоэ (2013) фикрича: “Ҳар қандай йирик ташкilotда, хусусан, давлат секторида қарама-қарши сиёсат мақсадлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси турли хил манба таъсирига эга бўлиб, капитал ёки даромад оқибатларига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, самарали бюджетлаштириш жараёни муқобил сиёсат мақсадларининг барча молиявий оқибатларини баҳолашга имкон бериши керак, бу эса сиёсатчиларга уларни баҳолаш ва харажатларни мавжуд ресурслар билан солиштириш имконини беради”.

“Бюджет муассасаси, шунингдек, асосий фаолият турлари бўлмаган бошқа фаолият турларини, фақат ўзи яратилган мақсадларга эришишга хизмат қиладиган ва кўрсатилган мақсадларга мос келадиган даражада, агар унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бундай фаолият мавжуд бўлса, амалга оширишга ҳақлидир” (В.Д.Грибов, 2014).

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (2021) 4-моддасида “Давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкilot бюджет ташкilotидир” деб таърифланган.

Ж.Бэтте (1970) ўз тадқиқотларида “Бюджетлаштириш молиявий муваффақият учун жуда муҳимдир. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз янги корхоналар ўртасидаги фарқларни ўрганиш доимий равишда бюджетларни пухта ишлаб чиқадиган ва уларга риоя қиладиган корхоналар омон қолиш ва муваффақиятга эришиш имкониятларини оширишини аниқлайди. Бюджетлаштириш - бу бюджетларни тузиш ва кейинчалик уларга иложи борица қатъий риоя қилиш жараёни” – деб таъкидлаган.

С.Т.Хорнгрен ва бошқалар (2012) бюджетларни моҳиятини қуйидагича изоҳлашган: “Бюджетларни тавсифлаш учун ишлатиладиган атамалар компаниялар орасида фарқ қилади. Баъзи компаниялар бюджетлаштиришни мақсадли деб аташади ва кўп компаниялар бюджетни фойда режаси деб аташади”.

“Самарали бюджет тузиш тўғри ташкилий тузилишга боғлиқ. Бундай тузилмада фаолиятнинг барча босқичлари учун ваколат ва жавобгарлик аниқ белгиланган. Тадқиқот ва таҳлилларга асосланган бюджетлар компаниянинг ўсиши ва рентабеллигига ҳисса қўшадиган реал мақсадларга олиб келиши керак. Бундан ташқари, бюджет дастурининг самарадорлиги тўғридан-тўғри бошқарувнинг барча даражалари томонидан қабул қилиниши билан боғлиқ” (Претабх, 2010).

Бюджетлаштириш компаниянинг стратегияси билан бирлаштирилганда энг фойдали ҳисобланади. Ташкилий мақсадлар, стратегиялар ва узоқ муддатли режалар ишлаб чиқилгандан сўнг, компаниялар бюджетларни тайёрлайдилар. Бюджетни ишлаб чиқишда менежментнинг ҳар бир даражаси иштирок этишга таклиф қилиниши керак. Бюджетлар, эҳтимол, энг кўп қўлланиладиган бошқарув қурилмаларидир. Бюджет назорати турли функцияларни тўғри режалаштириш ва мувофиқлаштириш, турли хил капитал ва даромадлар харажатларини тўғри назорат қилиш ва ресурслардан максимал даражада фойдаланиш орқали ташкилотнинг фойдасини максимал даражада оширишга қаратилган фаолиятдир (Претабх, 2010).

Бюджет назорати - бу товар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча жиҳатларини режалаштириш ва назорат қилиш воситаси сифатида бюджетдан фойдаланадиган тизим. Бу тўғри, чунки биз хижолат бўлмаслик учун раҳбарият кузатиши керак бўлган келишмовчиликлар соҳасини аниқлаш учун даромадлар ва харажатларнинг тафовути таҳлилини тайёрлаймиз, чунки ҳар қандай салбий тафовутлар корпоратив мақсадларга эриша олмасликка олиб келади ва натижада манфаатдор томонлар билан келишмовчиликка олиб келади (Ж.Баттй, 1982).

Бюджет назоратини тўғри режалаштиришни амалга ошириш орқали фирма бюджетдан ажратилган маблағлар асосида харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини яхшилашга қодир. Бу харажатларни камайтиришга ёрдам беради ва мақсадларга эришиш, шунинг учун ташкилий самарадорликни оширади. Бюджет тузиш орқали менежерлар ўз саъй-ҳаракатларини ташкилотнинг мақсадлари унинг қисмлари мақсадларига мос келиши учун мувофиқлаштирадилар. Назорат бюджетларда белгиланган мақсадларга эришишни кафолатлайди (Г.А.Чурчилл, 2001).

Бюджет назорати - бу харажатлар режасини ишлаб чиқиш ва уни ёки харажатлар схемаларини йўлда қолиш учун тузатиш зарурлигини аниқлаш учун вақти-вақти билан ушбу режа билан ҳақиқий харажатларни солиштириш жараёни. Бу жараён харажатларни назорат қилиш ва турли молиявий мақсадларга эришиш учун зарур. Ташкилотлар ўзларининг харажатларини бошқаришда кўп жиҳатдан бюджет назоратига таянадилар ва бу усул давлат ва хусусий сектор томонидан ҳам қўлланилади (А.С.Дунк, 2009).

Л.Н.Фонжонг (2007) томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар бюджет назорати ва молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги ижобий боғлиқликни кўрсатади ва менежерларни бюджетлаштириш жараёнига жалб қилиш ва бизнеснинг мақсад ва вазифаларига эришишда ёрдам бериш учун менежерларни рағбатлантириш орқали яхши мотивацион таъсир кўрсатади.

Айтиш мумкинки, бюджет назорати ташкилотнинг молиявий кўрсаткичларида имтиёзларни амалга оширишга олиб келадиган асосий воситалардан биридир. Бюджет назорати бюджетни тайёрлаш, ҳақиқий ютуқларни қайд этиш, реал ва бюджет кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва текшириш ва бюджет

кўрсаткичларига самарали эришиш учун тегишли тузатиш чораларини кўришни ўз ичига олади (Ф.К.Кинюа, 2015).

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада анализ, синтез, индукция, дедукция ва илмий мушоҳада усуллари кенг қўлланилиб, ушбу усуллар воситасида таҳлилий амаллар бажарилган ҳамда хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Бизга маълумки, халқаро амалиётда давлатлар харажатларга устуворликларини аниқлашга ёрдам бериш ва фискал натижаларга таъсир қилиш учун турли бюджет амалиётларини қўллайди. Бироқ барча бюджет амалиётлари исталган фискал мақсадларга эриша олмайди ва баъзи амалиётлар уларнинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини бузиши мумкин.

Ҳар бир бюджет циклида ҳукуматлар харажатларнинг устувор йўналишлари ва солиқ ставкалари тўғрисида қарор қабул қилади ва уларнинг ҳар бири фискал натижаларга таъсир қилувчи турли амалиёт ва қоидаларни қабул қилади. Давлатлар иқтисодий таназзул даврида фискал чекловларни ва барқарорликни таъминлаш воситалари сифатида балансланган бюджет талабларини, бюджетни барқарорлаштириш жамғармаларини ва бошқа бюджет институтларини қабул қилдилар. Шунингдек, улар бюджетлаштириш циклидан, даромадларни ҳисоблаш усулларида, қарз лимитлари ва бюджетлаштиришнинг асосий кўрсаткичларидан харажатларни режалаштириш ва устуворликларини белгилаш воситалари сифатида фойдаланганлар. Бироқ барча бюджет амалиётлари исталган фискал мақсадларга эриша олмайди ва баъзи амалиётлар давлатларнинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини бузиши мумкин.

Бугунги кунда бюджет ташкилотларини молиялаштириш ва маблағларнинг сарфланиши натижаси қанчалик самарадорлигини аниқлаш масаласи жуда долзарб бўлиб, бюджет харажатларининг самарасиз ошишини олдини олишга хизмат қилади. Агар маблағлар бесамар сарфланса, албатта, бюджет профицитига салбий таъсир кўрсатиб, кўплаб иқтисодий зиёнларга сабаб бўлиши ва тескари дефицитга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир қилинган сарф харажатларни тўғри таҳлил қилиш ва унинг даромад ва харажатлар мутаносиблигини аниқлаштириб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу бўйича ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларнинг айримларини келтириб ўтамиз, сўнгра ҳукумат даражасида Ўзбекистон Республикасининг бюджети даромадлари ва харажатларини таққослаб, унинг жорий ҳолатини таҳлил қиламиз.

Е.С.Сергушина (2016) бу борада ўз тадқиқотида қуйидагиларни баён қилган: “Бюджет ташкилотларининг молиявий таҳлили уни бошқа турдаги ташкилотлар таҳлилидан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларга эга. Бюджет ташкилотларининг молиявий таҳлилига таъсир қилувчи асосий омиллар:

- молиялаштириш манбаларини ажратиш. Бюджет ташкилотлари, қоида тариқасида, ҳам бюджет, ҳам бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларига эга. Шу муносабат билан харажатларни молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш керак. Шунингдек, таҳлил аниқ таҳлилни амалга ошириш учун бошқа кўрсаткичлар тўпламидан фойдаланади;

- бюджет муассасасининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган кўрсаткичлар мажмуи. Кўпгина иқтисодий кўрсаткичлар, масалан, фойда, рентабеллик ёки молиявий барқарорлик бюджет ташкилотларига тааллуқли эмас;

- бюджет ташкилотларида мулкдор мақомининг йўқлиги. Бюджет ташкилотининг барча мулки, қоида тариқасида, давлат мулки ҳисобланади. Бинобарин, мулкни сотиш амалга оширилмайди ва таҳлилда ликвидлик кўрсаткичларидан фойдаланиш мантиқий маънога эга эмас”.

А.Ю.Антипов (2012) эса, “Бюджет муассасаларининг молиявий таҳлили амалга оширилганда бир қатор афзалликларга эга:

- молиявий таҳлил ташкилотдаги бюджет ҳисоби маълумотларини доимий назорат қилиш имконини беради;

- молиявий таҳлил бухгалтерия ҳисоби регистрлари маълумотларидаги, шунингдек, ҳисоб-китоблар корреспонденциясидаги хато ва ноаниқликларни аниқлаш имконини беради;

- тизимли таҳлил фойдаланилмаётган заҳираларни, шунингдек, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради;

- бюджет молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш бошқарув сиёсатини шакллантириш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни шакллантириш имконини беради”.

Ҳар қандай таҳлил сингари, бюджет ташкилотларининг молиявий таҳлили ташкилотларда амалга оширилганда бир қатор камчиликларга эга:

- молиявий таҳлилни амалга ошириш учун таҳлилни бевосита амалга оширадиган ходимларнинг муайян малакаси ва тайёргарлиги талаб қилинади;

- бюджет ташкилотида молиявий таҳлил жараёнининг мураккаблиги;

- нотўғри бошқарув қарорларига олиб келиши мумкин бўлган ҳисоб-китоблардаги мумкин бўлган хатолар;

- ҳар бир соҳа бўйича самарали таҳлил методологиясининг йўқлиги. Қоида тариқасида, маълум бир бюджет муассасасида таҳлил ўтказиш жараёнида тузатилган универсал усуллар қўлланилади (М.Ф.Тяпкина, И.О.Власова, 2015).

Бюджет муассасасининг даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш келгуси молиявий йил учун бюджет режасини тузатиш учун харажатлар ёки даромадлар кўрсаткичларининг ўсиши ёки камайишини батафсил кузатиш имконини беради. Шунингдек, ушбу таҳлил ҳисобот йилидаги бошқарув қарорлари бюджет ташкилотининг якуний молиявий натижасига қандай таъсир қилганлигини тушунишга имкон беради (М.Р.Цомаева, Ф.А.Каирова, 2014).

Таҳлил объектлари сифатида таҳлил қилинаётган тармоқнинг ҳар қандай иқтисодий кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Бюджет ташкилотини яратиш мақсадлари ва бажариладиган функцияларга қараб, муассасаларнинг иқтисодий фаолиятини ноишлаб чиқариш соҳаси соҳалари контекстида таҳлил қилиш зарурати туғилади. Буларга: мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим ва олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, маданият, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалар киради (Д.А.Панков ва бошқалар, 2003). Юқоридаги ташкилотларнинг ҳар бирининг хўжалик фаолияти бюджет ташкилоти фаолиятини таҳлил қилиш объекти ҳисобланади (О.В.Сидоренко, 2004).

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари болалар сони, гуруҳлар сони, мактабгача таълим муассасасига борадиган кунлар (болалар-кунлар), гуруҳларнинг бандлиги ва ўринлар сони (А.В.Тараскина, И.В.Чирикова, 2010).

Бошқа бюджет ташкилотлари учун бошқа иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилиш учун хос бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, молиялаштириш таҳлилининг ўтказишдан олдин, бу соҳани ва бюджет муассасасининг ўзига хос хусусиятларини диққат билан ўрганиш керак. Таҳлилнинг аниқлиги ва ишончилиги тўғри танланган иқтисодий кўрсаткичларга ва танланган таҳлил методологиясига боғлиқ бўлади.

Энди олимларни бюджет ташкилотларида молиявий ҳолатни таҳлил қилиш тўғрисидаги фикрларини биз мамлакатимиз яхлит давлат бюджети ҳолатида таҳлил қилсакда, жорий ҳолатни бир-бирига ўзаро таққосласак.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 2018 - 2022 йил ижроси таҳлили¹, млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
ЖАМИ	79 099,1	112165,4	132938,0	164 799	202043
Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930	64 447
Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290	71 390
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036	23 913
Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	-	-	-	-
Бошқа даромадлар	7 971,1	14 380,7	20 045,8	26 542	42 293

1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 2018 - 2022 йил ижроси таҳлил қилинган бўлиб, бюджет даромадлари ўсиш тенденциясига эга. Бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқ тушумлари ташкил этиб, 5 йил адвомида ўсиш кескин ўзгарган, яъни 2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиш, деярли 3 баробарни ташкил этмоқда.

2-жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг 2018 - 2022 йил ижроси таҳлил қилинган бўлиб, эътиборлиси давлат бюджети харажатлари ўсиш тенденциясига эга. 2005 йилдан буён Ўзбекистон Республикасида профицит ҳолатида бўлган бўлса, 2018 йилдан кейин харажатлар даромадлардан кескин ошиб, дефицит вужудга келаётганлигини кўришимиз мумкин. Кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиб кўрайлик, харажатларнинг ошиши қайсинда юқори эканлиги ва сабабларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Аввало, жами харажатлар 2018 йилда 79 736,1 млрд.сўм, 2019 йилда 118 008,7 млрд.сўм, 2020 йилда 143 921,0 млрд.сўм, 2021 йилда 188 257,1 млрд.сўм, 2022 йилда 236 578,5 млрд.сўмни ташкил этган ва салбий дефицит мос равишда -637 млрд.сўм, -5 843,3 млрд.сўм, -10 983 млрд.сўм, -23 458,1 млрд.сўм ва -34 535,5 млрд.сўмни ташкил этиб, олдинги дефецитга нисбатан ҳам кўрсаткичлари салбий томонга ўзгараётганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга ижтимоий харажатлар 2018 йилда 42 883,3 млрд.сўм, 2019 йилда 63 542,4 млрд.сўм, 2020 йилда 74 229,0 млрд.сўм, 2021 йилда 92 013,6 млрд.сўм, 2022 йилда 117 722,4 млрд.сўмни ташкил этганлигини алоҳида тўкидлаш лозим, яъни ижтимоий харажатлар 2018 йилга нисбатан 2022 йилда деярли 3 баробарга ортган.

Яна эътиборли жиҳат 2019 йилдан бошлаб Давлат бюджети харажатлари таркибига янги кўрсаткич, яъни давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари ҳам қўшилиб, 2019-2022 йилларда умумий ҳисобда 8 494 млрд.сўмни ташкил этганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

¹ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2018-2022 йиллардаги бюджет параметрларидан фойдаланилиб, муаллиф томонидан шакллантирилди.

2-жадвал.
**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг
2018 - 2022 йил ижроси таҳлилі², млрд.сўм**

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
ЖАМИ (Харажатлар)	79 736,1	118 008,7	143 921,0	188 257,1	236 578,5
Ижтимоий харажатлар	42 883,3	63 542,4	74 229,0	92 013,6	117 722,4
Иқтисодиёт харажатлари	8 461,8	18 485,2	16 064,6	21 169,7	33 859,0
Инвестиция харажатларини молиялаштириш	5 396,4	7 048,5	18 885,0	29 900,1	27 695,9
Давлат бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари	3 052,7	5 315	7 798,2	9 329	12 786,6
Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	613,3	701,1	816,6	1 037,1	965,4
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	604,1	985,4	1 506,2	1 401,8	
Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари	17,8	37,8	47,5	95,6	103,5
Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари		1 089,2	1 638,1	2 238,2	3 528,5
Бошқа харажатлар	18 706,6	20 804,1	22 935,9	31 072,1	38 008,8
ЖАМИ (Даромадлар)	79 099,1	112 165,4	132 938,0	164 799	202 043
Профицит (+) ёки дефицит (-)	-637	-5 843,3	-10 983	- 23 458,1	- 34 535,5

Юқорида кўриб чиққанemizдек, давлат бюджетида харажатлар сўнгги 5 йил давомида мутассил ўсиб бормоқда. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги ва уларнинг асосини аниқлаштириш каби масалалар бор экан, давлат бюджети молиялаштириш ва маблағларни мақсадли сарфланиши ўстидан назорат ўрнатиш зарурати ошиб бораверади. Давлат бюджети маблағларини доимий равишда назоратини амалга оширмас эканмиз, бюджет харажатларининг самарали ёки самарасиз аҳамиятини аниқлаштирмас эканмиз маблағларни мақсадли сарфланиши самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаштира олмаймиз.

² Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2018-2022 йиллардаги бюджет параметрларидан фойдаланилиб, муаллиф томонидан шакллантирилди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Давлатга қарашли ташкилотларда бюджетлаштириш ва бюджет назорати ва уларнинг корпоратив мақсадларни аниқлаш ва фойда олишдаги ролини тизимли кўриб чиққач, бюджетлаштириш ва бюджет назорати ҳар қандай ташкилот учун ажралмас восита эканлиги тўғрисида хулоса қилиш зарур. Бюджет ва бюджет назорати билан боғлиқ масалалар ҳар қандай ташкилот (айниқса, давлатга қарашли ташкилотлар) томонидан пухта режалаштирилса ва амалга оширилса, бу харажатларнинг пасайишига ва даромадларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида фойдани максимал даражада оширишга олиб келади. Бюджетлаштириш ва бюджет назорати ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишини таъминлайди.

Бинобарин, бюджетлаштириш ва бюджет назорати бошқарув самарадорлиги ва юқори маҳсулдорликни оширишга ёрдам беради; бюджет ташкилотлари бюджет ижроси бўйича малака ошириб, доимий равишда ўқитилиши керак. Бу уларга бюджетнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш муҳимлигини тушунишга имкон беради ва бу йўқотишларни минималлаштиради.

Адабиётлар:

Anessi-Pessina et al. (2012). Public sector budgeting in European accounting and public management journals: a review Presented at 7th International Conference on Accounting, Auditing & Management in Public Sector Reforms, Rome.

Batty, J. (1970), Corporate Planning and Budgeting Control, London, MacDonald and Evans Ltd

Batty, J. (1982), Accounting for managers, 2nd edition, London, Heinemann Publishers.

Bourmistrov, A and Kaarboe, K. (2013). From comfort to stretch zones, a field study of two multinational companies applying beyond budgeting ideas Manage.

Churchill, G.A. (2001), Marketing Research: Methodological Foundations. Fort Worth: The Dryden Press.

Dunk, A. S. (2009). Budget Emphasis, Budgetary Participation and Managerial Performance: A Note Accounting, Organization and Society, Vol.14, No.4.

Fonjong, L.N. (2007), The Challenges of No PBO governmental Organizations in Anglophone Cameroon. New York: Nova Science Publishers, Inc

Hornigren, C. T. Forster, G. & Dater, D. (2012). Cost Accounting: A managerial Emphasis, San Francisco, Simon and Schuster co

Kinyua, F.K. (2015), The Relationship between Budgetary Control and Financial Performance of the Insurance Companies in Kenya (Master's Thesis, School of Business, University of Nairobi).

Preetabh (2010), Advantage of Budgetary Control. Retrieved from: <http://expertscolumn.com/content/advantages-budgetary-control>.

Spone, S., & Lambert, C. (2016). Exploring differences in budget characteristics, roles and satisfaction: A configurational approach. Management Accounting Research, 30, 47-61. doi: 10.1016/j.mar.2015.11.003

Антипов А.Ю. (2012) Структура бюджета муниципального образования. М.: Лаборатория книги, 127 с

Грибов В.Д. (2014) Экономика организации (предприятия): учебник 6-е изд. – Москва. 416 с.

Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни

Панков Д.А., Головкова Е.А., Пашковская Л.В. (2003) Анализ хозяйственной деятельности бюджетных организаций: учеб. пособие / М.: Новое знание, 409 с.

Сергушина Е.С. (2016) Направления совершенствования бухгалтерской отчетности и анализа ее показателей / Е.С. Сергушина, А.А. Малыйкина // Новая наука: Стратегии и векторы развития. № 4. – С. 188–190.

Сидоренко О.В. (2004) Методические направления комплексного экономического анализа хозяйственной деятельности предприятий // Экономический анализ: теория и практика. № 18. С. 37–39.

Тараскина А.В., Чирикова И.В. (2010) Развитие методики анализа деятельности бюджетных учреждений как инструмент повышения эффективности управления государственными финансами // Экономический анализ: теория и практика. № 28. С. 23–33.

Тяпкина М.Ф., Власова И.О. (2015) Потенциал предприятия: подходы к определению и оценке // Вестник ИрГСХА. № 66. С. 154–160.

Цомаева М.Р., Каирова Ф.А. (2014) Анализ эффективности расходования бюджетных средств в общеобразовательных организациях Республики Северная Осетия. [Электронный ресурс] // Электронный журнал «Евразийский Союз Ученых»: официал. сайт. – Режим доступа: <https://elibrary.ru/item.asp?id=27642236>



МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТИДА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Алимова Н.К.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Ушбу мақолада меҳмонхона фаолиятида даромадлар халқаро стандартларга мувофиқ тушумлар ва бошқа даромадларга таснифланган, тушумлар ва бошқа даромадларнинг таркиби келтирилган. Меҳмонхона хизматлари бўйича тушумларни тан олишнинг бешта босқичи, тушумларни маълум бир вақт momentiда ҳамда вақт давомида тан олиш ҳамда чегирмалар тақдим қилинган ҳолларда тушумни энг эҳтимолли миқдор методи асосида баҳолашнинг услубий тартиби ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишида тушумларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида счётлар тавсия қилинган, шунингдек ушбу счётларни қўллаш бўйича ишланмалар таклиф этилган. Таклиф қилинган тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши меҳмонхона фаолиятида МҲХСларини жадал жорий этиш имкониятини беради.

Калит сўзлар: даромадлар, тушум, бошқа даромадлар, энг эҳтимолли миқдор методи, бажарилишларга оид мажбуриятлар, шартномаларни идентификация қилиш, меҳмонхона хизматлари.

Аннотация: В данной статье по международным стандартам доходы от гостиничной деятельности классифицируются на выручки и прочие доходы, представлен состав выручки и прочих доходов. Разработан методический порядок признания выручки за гостиничные услуги по пяти этапам, а также признание выручки в определенный момент времени и во времени, оценки выручки на основе метода наиболее вероятной суммы в случаях предоставления скидок. В исследовательской работе были рекомендованы счета для целей отражения доходов в бухгалтерском учёте, а также предложены разработки по применению этих счетов. Практическое применение предложенных рекомендаций дает возможность ускоренно внедрить МСФО в гостиничную деятельность.

Ключевые слова: доход, выручка, прочие доход, метод наиболее вероятной суммы, обязательства к исполнению, идентификация договоров, гостиничные услуги.

Annotation: In this article, according to international standards, income from hotel activities is classified into revenue and other income, the composition of revenue and other income is presented. developed a methodical procedure for recognizing revenue for hotel services in five stages, as well as recognizing revenue at a certain point in time and over time, estimating revenue based on the most probable amount method in cases of discounts. In the research work, accounts were recommended for the purpose of reflecting income in accounting, and developments were proposed for the use of these accounts. The practical

application of the proposed recommendations makes it possible to accelerate the implementation of IFRS in the hotel business.

Key words: *income, revenue, other income, most probable amount method, performance obligations, identify the contract(s), hotel services.*

1. Кириш.

Туризм ва меҳмонхона хизматлари соҳасини жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг энг муҳим омили сифатида қаралмоқда. “2022 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони жами 5,2 миллион, жумладан қўшни давлатдан 4364,8 минг (83,4%), қолган МДҲ давлатларидан 606,4 минг (11,6%), узоқ хорижий давлатлардан 261,6 минг (5%) нафар кишини ташкил этган. 2023 йили 7 миллион нафар кишига етиши прогноз қилинган.”¹ Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ички туристлардан ташқари 7 миллион нафар хорижий туристларга юқори меҳмонхона хизматларини жаҳон стандартлари асосида кўрсатишни тақозо этади. Бу эса туризм хизматлари, жумладан меҳмонхона хизматлари даромадларининг кескин ошишига олиб келади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, меҳмонхона хизматларидан олинаётган даромадлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш давр талабидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича халқаро стандартларни жадал жорий қилиш, жумладан “бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш” вазифаси юклатилган. Ушбу қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир соҳа ва тармоқларда, жумладан туризм ва меҳмонхона хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ўта долзарб масала ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартининг моҳияти ва мазмунини чуқур тадқиқ қилиб, даромадларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришнинг методологиясини такомиллаштириш, услубий тартиб-қоидаларни белгилаш ҳамда бухгалтерия ёзувларини таклиф этиш тадқиқот ишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Соҳага доир адабиётларда ишлаб чиқариш корхоналарида даромадларни тан олиш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш методологияси масалалари етарли даражада тадқиқ қилинган. Лекин, меҳмонхона хўжаликларида даромадлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш масалалари тўлиқ ўрганилмаган. Бу борада ўқув қўлланмалар яратилган бўлсада, меҳмонхона хўжаликларида даромадларни шартномалар асосида босқичма-босқич тан олиш, чегирмалар тақдим қилиш, мижозлар билан ҳисоб-китоблар, кўп қиррали фаолият олиб борадиган меҳмонхоналарда даромадларни умумлаштириш ва МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ҳисоботларда акс эттириш масалалари ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган. Шу боис, меҳмонхона хўжаликларида даромадлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

А.Нурмагамбетова, С.Баимуханова ва бошқалар (2020) “мамлакатнинг катта туристик имкониятларга эга бўлишига қарамасдан сервис соҳасида дунё иқтисодиётида кичик сегментга эга эканлиги, уни ошириш учун нафақат хизматлар сифати, персоналнинг малакаси ва компетенциясини яхшилаш, балки харажатлар

¹ <https://uzbektourism.uz/news/view?id=2608>

ҳисобини мувофиқлаштириш ҳам муҳим омил” эканлигини қайд этишади. Соҳага доир тадқиқот ишларида даромадлар ҳисобини жавобгарлик марказлари бўйича ташкил этиш таклифлари асосланган, жумладан, Қозоғистонлик олимлар М.К.Успамбаева, А.Ерназаров (2015) “даромадлар ва харажатлар марказлари бўйича бошқарув ҳисоботи жорий қилиш” лозимлигини таъкидлашади.

Шунингдек, Г.А.Кубаткина (2012) ўзининг диссертациясида “даромадлар марказлари (номер фонди, қўшимча хизматлар бўйича бўлимлар, жойларни ижарага олиш), харажатлар марказларини (маъмурият, маркетинг бўлими, техник хизмат, кадрлар бўлими, бухгалтерия) қамраб олувчи бошқарув ҳисобидаги ахборотларни йиғиш, умумлаштириш ҳамда ҳисоботларни тузиш учун меҳмонхона бизнесида жавобгарлик марказлари таркиби асосланган” илмий янгилиги эътироф этилган. Даромадларни таснифлашни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда ушбу таснифни келтириш аҳамият касб этади “даромадлар ташкилотнинг фаолият йўналишлари, хусусияти, олиниш шартлари кўра а) операцион фаолиятдан олинган даромадлар ва б) бошқа келиб тушишлар. Операцион фаолиятдан олинган даромадлар маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум ҳисобланади. У асосий фаолиятдан олинган даромаддир. Бошқа келиб тушишларга операцион бўлмаган фаолиятдан (реализациядан ташқари) олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар киради.”

К.Б.Уразов ва бошқалар (2020) даромадларга қуйидагича таърифни келтиришади: “туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромади – бу маҳаллий ва хорижий мижозларга турли сайёҳлик ва меҳмонхона хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ҳамда шу каби турли сервис хизматларининг пулдаги ифодасидир.”

М.Б.Калоновнинг (2019) “даромад тушунчаси турли соҳаларда, ҳисоб юритишда ҳам, жумладан, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисобида ҳам турлича талқин қилинганлиги боис, бу тушунчанинг таърифини бир хил мазмунда шакллантириш мураккаб ҳисобланади. Шу боис, даромадларни қайси мақсадда ўрганилаётганлиги ёки ҳисобга олинаётганлигига қараб уларни туркумларга бўлиш, баҳо бериш лозим” деган фикрига қўшиламиз.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) концептуал асосларининг 4.29-моддасида “Даромадларнинг таърифи ўз ичига тушумни ҳам, шунингдек бошқа даромадларни ҳам олади. Тушумлар ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва турли номлардаги, хусусан “сотишдан тушум”, “хизматлар учун рағбатлантиришлар”, “фоизлар”, “дивидендлар”, “роялти” ва “ижара тўловлари”ни ўз ичига олади.”² - деб таъриф берилган. Бундан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар даромадларни иккита тоифага ажратади. Бу тушумлар ва бошқа даромадлар.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.


4. Таҳлил ва натижалар.

МҲҲСларига мувофиқ даромадлар ҳисобини ташкил этишда энг муҳим масалалардан бири бу даромадларни таснифлаш, тан олиш ва баҳолаш масалаларидир. Бу ўринда М.Б.Калоновнинг (2019) “Корхона даромадларини шаклланиш манбаларидан келиб чиқиб “Фаолият билан боғлиқ даромадлар” ва

²

https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predi_sloviya_-_kopiya.pdf

“Бошқа даромадлар ва тушумлар”га бўлиб бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш таклифи илгари сурилган” фикрини келтириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тасниф МҲХСларида келтирилган қоидаларга мувофиқ келади. Мамлакатимизда даромадлар ҳисобини юритишда асосий норматив-ҳуқуқий “Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида”ги Низом ва 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” стандарти ҳисобланади. Низомга мувофиқ корхоналар даромадларига қуйидагилар кириши қайд қилинган “хизматларни сотишдан соф тушум; асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; фавқулотдаги даромадлар”. Ушбу таснифдан кўриниб турибдики, миллий стандартдаги таркиб халқаро стандартга тўлиқ мувофиқ келмайди. “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар” номланишини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Уни “асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган даромадлар” ёки “бошқа даромадлар” деб номлаш мақсадга мувофиқ.




1-расм. МҲХСларига мувофиқ даромадларнинг таснифи.

К.Б.Уразов ва бошқалар (2020) “туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромадлари уларни фаолият турлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

туризм фаолиятдан олинган даромадлар; меҳмонхона хизматларидан олинган даромадлар; савдо фаолиятдан олинган даромадлар; инвестиция фаолиятдан олинган даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; бошқа умумлашган фаолиятдан олинган даромадлар”. Ушбу келтирилган таснифланишни ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотимиз давомида даромадларнинг халқаро стандартларга мувофиқ таснифий асосларини келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, меҳмонхона хўжалигининг асосий даромади бу меҳмонхона хизматларидан олинган тушумлар ҳисобланади. Меҳмонхона хизматларининг муҳим хусусияти у хизмат кўрсатилаётган жойда амалга оширилади, хизмат кўрсатиш бир вақт momentiда амалга оширилмасдан, маълум бир вақт давомида амалга оширилиб борилади ҳамда хизмат кўрсатилиши жараёни билан истеъмол жараёни бирга амалга оширилади, яъни вақт жиҳатидан мувофиқ келади. Меҳмонхона хўжаликлари тушумларини ҳисобга олишда улар томонидан кўрсатилаётган хизматларни тан олиш ва улардан олинган даромадларни тушумлар гуруҳига киритиш муҳим аҳамият касб этади. Меҳмонхона хизматлари мижозларга яшаш учун хона-номер тақдим қилиш, номерларни брон қилиш хизматларидан ташқари бошқа хизматларни тақдим қилади. Ушбу хизматларнинг барчаси асосий фаолиятдан олинган даромад сифатида эътироф этади. Уларни асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар деб эътироф этиш халқаро стандартлар талабларига зиддир. Меҳмонхона хўжаликлари қуйидаги комплекс хизматларни кўрсатади (2-расм).



2-расм. Меҳмонхона хизматларининг алоҳида бажарилишларга оид мажбуриятлар сифатида тавсифи.

Маҳсулотлар (иш ва хизматлар)ни сотишдан тушган тушумни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш тартиби 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ амалга оширилади. Юқорида акс эттирилган хизматлар турлари меҳмонхона хўжаликларида алоҳида бажарилишларга оид мажбуриятлар деб қаралиши мумкин. Бажарилишларга оид мажбуриятлар тушунчаси, тан олиш мезонлари 15-сон МҲХСда (2022) келтирилган. Ушбу стандартга мувофиқ “бажарилишларга оид мажбуриятлар – харидорлар билан шартномада харидорга узатиш бўйича берилган ваъда: (а) товар ёки хизматлар (ёки товар ёки хизматлар пакети), қайсики фарқланадиган ҳисобланади; (б) бир қатор фарқланувчи товар ёки хизматлар, лекин амалий томондан бир хил ва харидорга бир хил суммада узатилади.”

Ушбу стандартда тушумларни тан олишнинг бешта босқичи қайд этилган (3-расм):



3-расм. 15-сон МҲХСга мувофиқ тушумни тан олиш босқичлари.

“Meros Boutique hotel” МЧЖ меҳмонхонаси 2021 йил 1 декабрь ойида “Регистон” МЧЖ туристик фирмаси билан шартнома тузди. Шартноманинг суммаси 450 825 000 сўм. Шартномага мувофиқ меҳмонхона туристик фирма турпакетига мувофиқ меҳмонларга 250 450 000 сўмга меҳмонхона хизматларини ҳамда 2021 декабрь ва 2022 йил январ ойлари 200 375 000 сўмга кечки овқатланиш бўйича ресторан хизматларини кўрсатади.

Талаб этилади: 15-сон МҲХСига мувофиқ тушумни тан олиш. Юқоридаги бешта босқичда тушумни тан олиш тартибини кўриб чиқамиз.

1-босқич. Тушумни тан олиш харидорлар билан тузилган ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги барча мезонлар бир вақтнинг ўзида бажарилганда амалга оширилади: “Томонлар шартномани имзолайди ва шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олади; ташкилот узатиладиган товарлар ёки хизматларга нисбатан ҳар бир томоннинг ҳуқуқларини идентификация қилиши мумкин; ташкилот товар ва хизматлар учун тўлов шартлари идентификация қилиши мумкин; шартнома тижорат мазмунга эга бўлади; ташкилот томонидан қомламани олади, яъни, узатилган товар ёки хизматларга алмаштириш бўйича ҳуқуқни қўлга киритиши эҳтимол ҳисобланади” (МҲХС, 2022). Юқоридаги тузилган шартнома ўрганилганда маълум бўлдики, шартнома 15-сон

МХХСда қўйилган барча мезонларга жавоб беради. Унга мувофиқ меҳмонхона хона-номер тақдим қилиш ва ресторан хизматларини кўрсатади.

2-босқич. Мазкур босқичда шартномада мавжуд бўлган бажарилишларга оид мажбуриятлар идентификация қилинади. Бажарилишларга оид мажбуриятлар – бу фарқланадиган товар ва хизматларни харидорга узатиш бўйича ваъда. Бажарилишларга оид мажбуриятларни тан олиш учун: (а) товарлар ёки хизматлар (ёки товарлар ёки хизматлар пакети) фарқланувчи бўлиши; ҳамда (б) бир қанча фарқ қиладиган товарлар ёки хизматлар амалий жиҳатдан бир хил ва харидорга бир хил схемада узатилиши талаб этилади. Ушбу мезондан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу шартномада фарқланадиган иккита бажарилишларга оид мажбуриятлар мавжуд: 1. Меҳмонхона хона-номер хизматларини кўрсатиш; ва 2. Ресторан хизматини кўрсатиш.

3-босқич. Операция нархи – бу қоплама суммаси бўлиб, ташкилот унга бўлган ҳуқуқни ваъда қилинган товар ёки хизматларни узатиш орқали алмаштириш натижасида қўлга киритади. 15-сон МХХСнинг (2022) 48-бандига мувофиқ ташкилот операция нархини белгилашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши талаб этилади: ўзгарувчан қоплама; молиялаштиришнинг салмоқли компоненти; пул бўлмаган қопламалар; харидорга тўланиши керак бўлган қопламалар. Юқоридаги мисолда операция умумий нархи 450 825 000 сўм қилиб белгиланган. 15-сон МХХСда қайд қилинган омиллар юзага келмаган. Шу боис, операция нархини белгилашда ўрганиладиган омиллар мавжуд эмас.

4-босқич. Операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш амалга оширилади. Операциянинг умумий нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлашда энг мақбул ёндашув сифатида мустақил-ажратилган ҳолдаги сотишдаги баҳосига нисбати олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мустақил-ажратилган ҳолда сотиш баҳоси – бу ташкилот ушбу ўхшаш ҳолатларда ва шу тоифадаги харидорларга товар ва хизматларни алоҳида сотган ҳоллардаги кузатиладиган нархидир. Компания ҳар қандай ҳолатда буни баҳолай олиши керак. Товар ва хизматлар пакети сотилган тақдирда тақдим қилинган чегирма операциянинг барча компонентида тақсимланиши талаб этилади. Агарда ушбу компонент алоҳида сотилган тақдирда мунтазам равишда беглиланган миқдордаги чегирма асосида сотилса, чегирма операциянинг битта компонентида ҳам тақсимланиши мумкин. Юқоридаги мисолимизда, шартноманинг умумий нархи 450 825 000 сўмга тенг. Ушбу суммани меҳмонхона хона-номер хизматларига 250 450 000 сўм ва ресторан хизматларига 200 375 000 сўмга тақсимлаймиз.

5-босқич. 15-сон МХХСнинг 31-бандига мувофиқ “ташкилот ваъда қилинган товар ва хизматлар (активлар)ни узатиш йўли билан бажарилишларга оид мажбуриятларни бажарган тақдирда тушумни тан олиши шарт”. Шартноманинг амал қилиниши олдидан компания ҳар бир бажарилишларга оид мажбуриятларга нисбатан иккита ҳолатдан қайси бири асосида тушум тан олиш тартибини белгилаши талаб этилади: бажарилишларга оид мажбуриятларни маълум бир вақт моментида бажариш; бажарилишларга оид мажбуриятларни вақт даври давомида бажариш.

Агар мажбуриятлар маълум бир вақт моментида бажарилса, ташкилот томонидан харидорнинг ваъда қилинган активлар устидан назоратни қўлга киритиш вақти моменти аниқлаши лозим. Назорат деганда, бошқа ташкилотлар томонидан активдан наф олинишини чегаралаш тушунилади. Назоратни узатиш мезонларига қуйидагилар киради: ташкилотда актив учун тўлов олиш бўйича жорий ҳуқуқи юзага келади; харидорда активга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжуд бўлади; ташкилот активга нисбатан жисмоний эгалик қилишни узатади; харидорда

активни эғалик қилишда салмоқли риси ва нафлари юзага келади; харидор активни қабул қилади.



4-расм. Товар ёки хизматларни сотишдан олинган тушумни аниқ бир вақт моментидан тан олиш.

15-сон МҲХСнинг 35-бандига мувофиқ ташкилот товар ва хизматларга нисбатан назоратни давр давомида узатса, яъни бажарилишларга оид мажбуриятларни вақт давомида бажариб борса, қуйидаги шартлардан биронтаси бажарилган тақдирда давр давомида тушумни тан олади: харидор ташкилот томонидан кўрсатилган бажарилишларга оид мажбуриятларни бажариши давомида нафларни олади ва истеъмол қилади; ташкилот томонидан ўзининг бажарилишларга оид мажбуриятларни бажариши жараёнида актив яратилади ёки актив яхшиланади, харидор ушбу активга нисбатан назоратни активни яратиш ва яхшилаш давомида қўлга киритиб боради; ташкилот томонидан ўзининг мажбуриятини бажариши ташкилотнинг мувобил мақсадлаир учун активларни яратишга олиб келмайди ва бу ҳолатларда ушбу вақтда ташкилот шартномада кўрсатилган ишларни бир қисмини бажаргани учун ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояси таъминланган тўлов олиш ҳуқуқига эга бўлади.


Юқоридаги мисолимизда 2021 йилнинг декабрь ойида меҳмонхона хизмати амалга оширилгани учун шу ойда тўлиқ тан олинади, яъни 250 450 000 сўм тушумга киради. Лекин, ресторан хизматлари 2021 йил декабрь ва 2022 йил январь ойида амалга оширилгани учун 2021 йил декабрь ойида $\frac{200\,375\,000}{2} = 100\,187\,500$ сўмни ташкил этади. У ҳолда меҳмонхона мажмуасининг 2021 йил декабрь ойидаги тушум суммаси $250\,450\,000 + 100\,187\,500 = 350\,637\,500$ сўмни ташкил этади.

15-сон стандарт ўзгарувчан қопламани баҳолашнинг “энг эҳтимолли миқдор” методини қўллашни кўзда тутати. Энг эҳтимолли миқдор методи кутилатган тушумни бўлиши мумкин бўлган энг эҳтимолли миқдори асосида баҳолайди.

Самарқанд шаҳридаги “Meros Boutique hotel” МЧЖ меҳмонхонаси ўзининг доимий мижозларини ушбу меҳмонхонада кўпроқ қолишини рағбатлантириш мақсадида чегирма тизимини жорий қилди. Меҳмонхонанинг оддий номерда бир кунлик яшаш учун тўлов 250 000 сўм қилиб белгиланган. Агар мижоз бир йил давомида ушбу меҳмонхонада 15 кунгача қолса, унга чегирма тақдим этилмайди. Агар 16 кундан 25 кунгача қолса яшаш учун номер нархи 200 000 минг сўм, 25 кундан ортиқ қолса 180 000 сўм қилиб белгилади.

Доимий мижозларга белиганган тартибидан маълумки, яшаш учун меҳмонхона хизмати нархининг белгиланиши мижознинг келгусида қанча кун меҳмонхонада

қолишига, яъни белгиланган чегирма тақдим этилиши мижознинг келгусидаги меҳмонхонада яшаши ёки яшамаслигига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай ҳолларда, ноаниқлик мавжуд деб ҳисобланиб, уни юқори эҳтимол методи асосида баҳолаш талаб этилади. Баҳолаш жараёнига баҳолаш бўйича мутахассислар, жумладан маркетинг бўлими, мижозлар билан ишлаш бўлими, бухгалтерия ходимлари жалб қилиниши мумкин.



5-расм. Товар ёки хизматларни сотишдан олинган тушумни бажарилишларга оид мажбуриятларни вақт даври давомида бажариши асосида тан олиш.

Мутахассисларнинг баҳолаш хулосаси бўйича мижоз 10%лик эҳтимол билан 15 кунгача қолади, 25%лик эҳтимол билан 16-25 кунгача қолади, 65%лик эҳтимол билан бир йилда 25 кундан ортиқ қолади. Масалан, 2021 йил январь ойда мижоз 7 кун қолди. У ҳолда, меҳмонхона хизматлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ тан олинган тушум суммасини аниқлаймиз (2-жадвал):

2-жадвал

“Meros Boutique hotel” МЧЖ меҳмонханаси бўйича доимий мижознинг 2022 йил январь ойида 7 кун меҳмонхона хизматлари бўйича “энг эҳтимолли миқдор” усулида тушумни баҳолаш натижалари³

Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда тушум	Эҳтимол фоизлари	Суммаси
1. 7 кун x 250 000 сўм = 1750 000 сўм	10%	175 000
2. 7 кун x 200 000 сўм = 1400 000 сўм	25%	350 000
3. 7 кун x 180 000 сўм = 1260 000 сўм	65%	819 000
Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда тан олинган тушум суммаси		1 344 000 сўм

³Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

2-жадвалда акс эттирилган жараёнларни бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз. Халқаро стандартларда тайёр маҳсулот, товар, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар тушум деб номланган. Бугунги кунда халқаро стандартларга ўтиш ҳамда миллий счётлар режасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича вазифаларнинг қўйилиши муносабати билан шартномалар бўйича тушумларни тан олиш мақсадида алоҳида счётларни таклиф этамиз (3-жадвал):

3-жадвал

Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тушумларни ҳисобга олувчи счётлар⁴

Асосий счётлар	Асосий счёт таркибида очиладиган счётлар
9030 “Харидорлар билан шартномалар бўйича меҳмонхона хизматларни сотишдан тушум”	9031 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона-номер тақдим қилиш хизматларидан тушумлар”
	9032 “Харидорлар билан шартномалар бўйича ресторан ва бошқа умумий овқатланиш хизматларидан тушумлар”
	9033 “Харидорлар билан шартномалар бўйича маиший хизматлардан тушган тушумлар”
	9034 “Харидорлар билан шартномалар бўйича савдо хизматлари (сувенер, озиқ-овқат, савдо автомат, гул савдоси)дан тушумлар”
	9034 “Харидорлар билан шартномалар бўйича бошқа бажарилишларга оид мажбуриятларга доир хизматларидан тушумлар”
9050 “Харидорлар билан шартномалар бўйича тақдим қилинган чегирмалар”	9051 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумларга чегирмалар”
	9052 “Харидорлар билан шартномалар бўйича ресторан ва бошқа умумий овқатланиш хизматларидан тушумларга чегирмалар”
	9053 “Харидорлар билан шартномалар бўйича маиший хизматлардан тушган тушумларга чегирмалар”
	9054 “Харидорлар билан шартномалар бўйича савдо хизматлари (сувенер, озиқ-овқат, савдо автомат, гул савдоси)дан тушумларга чегирмалар”

Ушбу счётлар ёрдамида юқоридаги мисоллар асосида бухгалтерия ёзувларини келтирамиз.

Д-т 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”....1 750 000

К-т 9031 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумлар”...1 344 000

⁴Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

К-т 9051 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумларга чегирмалар”... 406 000

Асос: Шартномага мувофиқ хизматларни сотиш қийматидаги суммаси 1 750 000 сўм, эҳтимолни ҳисобга олиш методи асосида ҳисобланган тушум суммаси 1 344 000 сўмни ташкил қилган. Сотиш қиймати ҳамда эҳтимолни ҳисобга олиш методи асосида ҳисобланган тушум ўртасидаги фарқ (1750000 – 1344000 = 406000 сўм) баҳоланган чегирма суммасини тавсифлайди.

2021 йил 31 декабрь ҳолати бўйича миқдор 28 кун қолгани маълум бўлди. Бу шуни англатадики, миқдор 25 кундан ортиқ қолгани учун 180 минг сўмлик нарх белгиланади. Энди, олдинги ҳисоб-китобларга тўғирлашлар киритиш талаб этилади.

2021 йил 31 декабрь ойигача миқдор 28 кун қолгани маълум бўлди. Хизмат кўрсатиш нархида ўзгаришлар юз берган эмас. 2021 йил 31 декабрь ойигача тушум ва тақдим қилинган чегирмалар суммалари энг эҳтимолли миқдор усули асосида баҳолаш натижалари қуйидагича бўлган (4-жадвал):

4-жадвал

**“Meros Boutique hotel” МЧЖ меҳмонханаси бўйича доимий миқдорнинг
2022 йил январь ойида 22 кун меҳмонхона хизматлари бўйича “энг эҳтимолли
миқдор” усулида тушумни баҳолаш натижалари⁵**

Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда тушум	Эҳтимол фоизлари	Суммаси
1. 28 кун х 250 000 сўм = 7 000 000 сўм	10%	700 000
2. 28 кун х 200 000 сўм = 5 600 000 сўм	25%	1 400 000
3. 28 кун х 180 000 сўм = 5 040 000 сўм	65%	3 276 000
Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда тан олинадиган тушум суммаси		5 376 000 сўм

4010-счётида 7 000 000 сўм, 9031-счётида 5 376 000 сўм, 9050-счётда 1 624 000 сўм тўпланган. Ҳақиқатда эришилган натижалар бўйича коррективировка киритиш талаб этилади. Юқоридаги амалий юз берган операция бўйича миқдор 2022 йил 31 декабрь ҳолатида 28 кун қолгани маълум бўлган. У ҳолда чегирмасиз ялпи тушум суммаси 7 000 000 сўм (28 кун х 250 000 сўм). 28 кун қолгани учун миқдорга 180 000 сўмлик чегирмали нарх қўлланилади. У ҳолда миқдордан талаб қилинадиган сумма 5 040 000 сўм (28 х 180 000 сўм). Ўртадаги фарқ жами тақдим қилинадиган чегирма суммаси бўлади 1 960 000 сўм бўлади (7 000 000 сўм - 5 040 000 сўм). Меҳмонхона 31 декабрь ҳолатига қадар 1 624 000 сўм чегирма тақдим қилган. Ўртадаги фарқ суммаси 336 000 сўмга (1 960 000 сўм – 1 624 000 сўм) қуйидаги тўғирловчи бухгалтерия ёзувларини таклиф этамиз:

Д-т 9031 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумлар”...336 000 сўм

К-т 9051 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумларга чегирмалар”... 336 000 сўм

Асос: Эҳтимолли баҳолаш методи асосида аниқланган тақдим қилинган чегирма билан ҳақиқатда йил сўнгида тақдим қилиниши лозим бўлган чегирма суммаси ўртасидаги фарқ суммаси 336 000 сўмни ташкил этади (1 960 000 сўм – 1 624 000 сўм).

Д-т 9051 “Харидорлар билан шартномалар бўйича яшаш учун хона тақдим қилиш хизматларидан тушумлар чегирмалар”... 1 960 000 сўм

К-т 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”.1 960 000 сўм

⁵Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Асос: (9051-счётининг кредити бўйича оборот суммаси $1\,624\,000 + 336\,000 = 1\,960\,000$ сўм)

Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бошқа даромадларни ҳисобга олиш ва уларни ҳисоботларда очиқлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шу боис, асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган даромадлар, яъни бошқа даромадлар учун счётлар режасида қуйидаги счётларни очишни таклиф этамиз (5-жадвал):

5-жадвал

Меҳмонхона хўжаликларида асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган боғлиқ бўлмаган тушумларни ҳисобга олувчи счётлар⁶

Асосий счётлар	Асосий счёт таркибида очиладиган счётлар
9310 “Жорий бўлмаган активларни тасарруф қилишдан олинган фойда”	9331 “Асосий воситаларни тасарруф қилишдан олинган фойда”
	9331 “Номоддий активларни тасарруф қилишдан олинган фойда”
	9332 “Инвестициявий мулкларни тасарруф этишдан олинган фойда”
9320 “Ундирилган жарималар, пеня, неустойкалар, кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда”	9321 “Ундирилган жарима, пеня ва неустойкалар”
	9332 “Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда”
9330 “Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар ва ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси”	9331 “Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар”
	9332 “Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси”
9340 “Валюта маблағларини қайта баҳолашдан олинган фойда”	

Ушбу тадқиқотлар натижасида, бизнинг фикримизча счётлар режасида кўзда тутилган 9350 “Оператив ижара даромадлари”, 9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлари даромадлари”, 9380 “Бошқа операцион даромадлар” халқаро стандартлардаги бошқа даромадларни тан олиш мезонларига мувофиқ келмайди. Бу даромадлар мазмун жиҳатидан корхоналарнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни бошқа даромадлар эмас. Ушбу даромадлар мазмунан асосий фаолияти билан боғлиқ даромадлардир, яъни тушумлар гуруҳига кирувчи даромадлардир. Чунки, бу даромадлар аниқ режалаштирилган, мақсадли фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган тушумлардир.

Даромадларнинг ҳисоби билан боғлиқ жараёнларни бухгалтерия счётларида акс эттириш тартибини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз (6-жадвал).

Ушбу ишланма бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ушбу бухгалтерия ёзувлари меҳмонхонанинг мижозларга номер-хона тақдим қилишдан олинган даромадларини тушум сифатида тан олишнинг халқаро мезонларига асосланади.

⁶Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

6-жадвал
Меҳмонхона фаолиятида тушумларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби (Ҳисобот, 2022)

Молиявий-иқтисодий операцияларнинг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
1. Мижозларга шартнома асосида номер-хона хизматлари тақдим қилинганлиги бўйича тушум тан олиниши (ҚҚСсиз)	4010	9031	5 376 000
2. Мижозга энг юқори эҳтимолли метод бўйича баҳолаш асосида чегирма тақдим қилинганди	4010	9051	1 624 000
3. Эҳтимолли баҳолаш методи асосида аниқланган тақдим қилинган чегирма билан ҳақиқатда йил сўнгида тақдим қилиниши лозим бўлган чегирма суммаси ўртасидаги фарқ суммаси (1 960 000 сўм - 1 624 000 сўм)	9031	9051	336 000
4. 9051 – счётнинг кредит оборотидаги сумма 4010 – счётга ўтказилганда (1 624 000 + 336 000)	9051	4010	1 960 000
5. Шартномага мувофиқ мижоздан аванс тўловлари келиб тушди	5110	6310	4 150 000
6. Ўтказилган аванс суммаси мижозларга кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларга ўтказилди	6310	4010	4 150 000
7. Мижоздан кўрсатилган меҳмонхона номер-хона хизмати учун қолган сумма келиб тушди (5376000 + 1624000 - 1960000 - 4150000)	5110	4010	890 000
8. Мижозларга меҳмонхона хизматларини кўрсатишдан олинган соф тушум молиявий натижалар счётига ўтказилганди (5 376 000 - 336 000)	9031	9910	5 040 000

Иккинчидан, ишланмада доимий мижозларга чегирмалар тақдим қилинган тақдирда тушум суммасини энг эҳтимолли метод асосида баҳолаш натижалари акс эттирилган. Бу ўз навбатида йил давомида тақдим қилинадиган чегирмалар суммаларини бир текис ҳисобга олиш имкониятини беради. Учинчидан, меҳмонхона хизматларини кўрсатишдан олинган соф тушум якуний молиявий натижаларга ўтказилмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм ва меҳмонхона фаолияти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётида туризм ва меҳмонхона фаолияти сегментида мавқеини ошириш учун нафақат меҳмонхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати, персоналнинг билим кўникмалари ва малакаларини ошириш, шунинг билан бир қаторда бухгалтерия ҳисобини ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу тадқиқот ишида халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб даромадларни иккита категорияга таснифлаш таклиф этилди: тушумлар ва бошқа даромадлар. Тушумлар ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади, улар олдиндан режалаштирилади ҳамда мувофиқлаштирилади. Уларга сотишдан тушум, хизматлар учун рағбатлантиришлар, фоизлар, дивидендлар,

роялти ва ижара тўловлари киради. Бошқа даромадларга эса жорий бўлмаган активларни тасарруф қилишдан олинган фойда; ундирилган жарималар, пеня, неустойкалар, кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда; қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар ва ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси; валюта маблағларини қайта баҳолашдан олинган фойдалар киради.

Меҳмонхона хизматларининг турлари белгилаб берилиб, уларни халқаро стандартларга мувофиқ бешта босқичида тан олишнинг услуги тартиби белгилаб берилди. Ушбу босқичлар: шартномаларни идентификация қилиш; шартномага муфовиқ алоҳида бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш; операция нархини аниқлаш; операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш; тушни тан олиш. Товар ёки хизматларни сотишдан олинган тушумни аниқ бир вақт momentiда тан олиш ҳамда товар ёки хизматларни сотишдан олинган тушумни бажарилишларга оид мажбуриятларни вақт даври давомида бажариши асосида тан олиш услубий тартиби меҳмонхона корхоналари мисолида кўрсатиб берилди.

Доимий мижозларга чегирмалар тақдим қилинган тақдирда “энг эҳтимолли миқдор” усулида тушумни баҳолаш услубий тартиб қоидалари тақлиф қилинди. Халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда тушумлар ва бошқа даромадларни акс эттириш мақсадида счётлар режасига 9030 “Харидорлар билан шартномалар бўйича меҳмонхона хизматларни сотишдан тушум”, 9050 “Харидорлар билан шартномалар бўйича тақдим қилинган чегирмалар”, 9310 “Жорий бўлмаган активларни тасарруф қилишдан олинган фойда”, 9320 “Ундирилган жарималар, пеня, неустойкалар, кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда”, 9330 “Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар ва ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси”, 9340 “Валюта маблағларини қайта баҳолашдан олинган фойда” счётларига ўзгартиришлар киритиш ва уларни юритиш тартиби тавсия этилди. Ушбу тартиб қоидаларнинг амалиётга қўлланилиши меҳмонхона хўжаликларида даромадларни ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

Azhar Nurmagambetova, Karlygash, Sariya Baimukhanova, Ryszard Kurbanova, Anar Kidirmaganbetova (2020) Improvement of accounting in the hotel business in the transition to a digital economy.

Калонов М.Б. (2019) Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). DSc автореферати. Т. 14-б.

Кубаткина, Галина Анатольевна (2012) Совершенствование управленческого учета в гостиничном бизнесе тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, кандидат экономических наук. // <https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-upravlencheskogo-ucheta-v-gostinichnom-biznese>.

МХХС (2022) 15сон МХХС. “Харидорлар билоан шартномалар бўйича тушумлар” Атамалар талқини қисмида. [https://nrm.uz/contentf?doc=579919_\(ifrs\)_15_vyruchka_po_dogovoram_s_pokupatelyami&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=579919_(ifrs)_15_vyruchka_po_dogovoram_s_pokupatelyami&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).

Уразов К.Б., Худойбердиев Н.У., Тулаев М.С., Салохидинов С.А., Ибрагимова И.Р. (2020) Туризм ва меҳмонхона хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва молия. Ўқув қўлланма. Т. “Iqtisodiyot”. 330-б.

Успамбаева М.К., Ерназаров А. (2015) Бухгалтерский учет гостиничный бизнес туризм управленческий учет экономика Казахстана новая индустриализация

как драйвер экономического роста в Казахстане в условиях глобализации.
<https://articlekz.com/article/21161>.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сон.

Ҳисобот (2022) “Meros Boutique hotel” МЧЖ меҳмонхонасининг 2022 ҳисобот йили маълумотлари.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Артиков К.А.

Тошкент молия институти

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларини асосий принциплари ва хусусиятлари, жумладан олий таълим муассасаларида молиявий маблағлар манбаларидан самарали фойдаланиш ўрганилган.

Калит сўзлар: бюджет ташкилотлари, давлат сектори, тўлов-контракт маблағлари, принциплари, хусусиятлари, бухгалтерия ҳисоби, шартномалар, активлар, мажбуриятлар, харажатлар ҳисоби, ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

Аннотация. В статье рассматриваются основные принципы и характеристики источников финансирования высших учебных заведений, в том числе эффективное использование источников финансовых ресурсов в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: бюджетные организации, государственный сектор, платежно-договорные фонды, принципы, признаки, учет, договоры, активы, пассивы, хозрасчет, фонды развития.

Abstract. The article examines the main principles and characteristics of the sources of financing higher education institutions, including the effective use of sources of financial resources in higher education institutions.

Key words: budget organizations, public sector, payment-contract funds, principles, characteristics, accounting, contracts, assets, liabilities, cost accounting, development fund funds.

1. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ҳамда ҳаётга тадбиқ этилаётган изчил ислохотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замонга мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан ғоят аҳамиятлидир. Жумладан, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, давлат молиясини бошқаришда "...иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, энг аввало, иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир" (Қонун, 2016).

Бюджет ижросига оид тизимли норматив-ҳуқуқий база яратилди. Давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий этилиши орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши таъминланди.

Юқорида норматив ҳужжатларда ҳамда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг иқтисодчи олимлари ўзларининг илмий асарлари ва илмий назарияларида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, хулоса қилган ҳолда ўзимизнинг илмий қарашимиз бўйича айтишимиз мумкинки, бюджет ташкилот (муассаса)лари давлат функцияларини ижро этувчи, давлат томонидан узлуксиз назорат қилинадиган ҳамда даромадлар ва харажатлар сметалари асосида давлат бюджетидан молиялаштириладиган институционал бирликлардир.

Давлат сектори тузилмаси кўп тармоқли бўлиб, унда бюджет ташкилотлари алоҳида ўринга эга. Бюджет ташкилотлари асосан давлатнинг аниқ бир функциясини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бюджет маблағлари ҳисобига сақлаб туриладиган (соғлиқни сақлаш, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда қоидабузарлик ва жиноятларга қарши курашувчи органлар, муҳофаа соҳаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар ва бошқа кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик бўлган) институционал бирликлардир.

Бюджет ташкилотлари давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан ҳамда фаолият турига мос иш ва хизматлар кўрсатишдан, хомийлик, вақтинчалик бўш бино ва иншоотларни ижараси, ҳамда бошқа қонунчилик билан тақиқланмаган бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари ҳисобига фаолияти маблағ билан таъминланади ва улар ҳисобига белгиланган тартибда харажатлар амалга оширилади.

Ўз навбатида айтиш мумкинки, ташкилот ихтиёридаги маблағлар, хўжалик жараёнлари ва уларнинг таъсири остидаги ташкилот маблағлари ва маблағ манбаларининг таркиби, тузилиши ва ҳаракатини ўз вақтида кузатиб бориш бевосита бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик жараёнларини узлуксизлигини таъминлашда зарурий ахборотларни тўплаш учун энг асосий омиллардан бири саналади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодиёт фанлари номзоди М.Остонақуловнинг (2011) илмий талқинига кўра “Бюджет ташкилоти – бу зиммасига юклатилаган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган давлат ташкилотидир”. Ўз навбатида С.У.Меҳмонов (2013) ҳам қуйидагича таъриф келтириб ўтган “Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилаган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти”.

Қонун, қонуности ҳужжатларда ва мамлакатимиз, шунингдек хорижий давлатларнинг иқтисодчи олимлари томонидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” жумласига нисбатан берилган таърифларни ўрганиб чиқдик. Мамлакатимиз олимларидан С.У.Меҳмонов (2018) “Ҳозирги кунда бюджет тизими таркиби бўлган бюджет ташкилотлари ҳисобини бюджет ҳисоби деб юритилиши бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ҳужжатларида ҳам белгилаб берилган” – деб таъкидлаган, аммо қайси жумладан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги борасида аниқ бир илмий қарашни илгари сурмаган.

Ш.В.Ғаниев (2008), ўз илмий ишида “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидагича умумийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

бюджет ташкилотлари фаолиятида қўлланилаётган счётлар режасининг умумий қоидалари унинг тизимлилиги ва барқарорлилигини таъминлаш лозим, бюджет муассасаларида дастлабки ҳужжатларнинг намуналарини давлат тилида, альбом шаклида нашр этиш лозим” - деб таъкидлаб ўтган.

Молия тизимининг самарали фаолият юритишида давлат бюджети ҳамда молиявий назорати муҳим ҳисобланиб, унга мамлакатимизнинг етук иқтисодчи, назарийётчи олимлари Ш.Ш.Шодмонов (2013) ҳамда иқтисодиёт фанлари доктори томонидан шундай таъриф берилган: “Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлиши давлат бюджети молия тизимининг асосий бўлини бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджети – давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш маблағларининг йиллик режасидир” - деб изоҳ беришган.

М.М.Тўлаходжаева (1998) эса ўзининг илмий ишларида давлат молия тизимида “Молиявий назорат - бу бажаришнинг қутилган натижаларини белгилаш, таҳлил қилиш, ўлчаш йўли билан олинган маълумотларни баҳолаш ва ўзгартирувчи таъсир ёки ҳаракатларни ишлаб чиқиш жараёнида бир бутун бўлиб ҳаракатланувчи назорат субъектлари, объектлари, шакллари, турлари, методлари ҳамда воситалари йиғиндисидир - деб илмий фикр билдирган.

Р.Д.Дўсмуратов (2013) ўз асарларида “Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш деганда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ишончли ва ўз вақтида ахборотлар олиш ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари ва тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш мақсадида – ҳисоб жараёнининг шарт-шароитлар тизими ва улар элементларининг тузилиши тушунилади” – деб келтирилган.

К.Б.Уразов (2007) ҳам ўз асарларида “Йирик қурилиш ташкилотларида бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари ҳажми катта бўлганлиги учун бухгалтерия таркиби алоҳида бўлимлардан, масалан, моддий бойликлар ҳисоби бўлими, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби бўлими, қурилиш ишлари ҳисоби бўлими, молиявий ҳисоб-китоблар бўлими ва бошқалардан ташкил топади” – деб изоҳ берилган.

Шунингдек, А.А.Каримов (2004) ўз асарларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга қуйидагича “Ҳар бир корхонада ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлаётган хўжалик муомалаларини узлуксиз кузатиш, кузатиш натижаларини сон кўрсаткичларида ифодалаш, кейин уларни ёппасига махсус ҳужжатларда акс эттиришни таъминлаш лозим.” таъриф келтириб ўтилган.

Шундай экан, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, уларни миқдор жиҳатдан ифодалаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш, назорат ва таҳлил қилиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар олишда асосан ҳисоб тизимига мурожаат қилинади.

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада илмий билишнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, статистик, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил усуллардан фойдаланилди. Чунки таққослаш асосида баҳолаш учун қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир рақам, назорат ва прогноз худди шундай кўрсаткич билан таққослагандагина аҳамиятли ҳисобланади. Таққослаш натижасида ишлаб чиқариш харажатларини тизимли назорат қилиш ва ҳар томонлама баҳолаш имкони бўлади.

4. Таҳлил ва натижалар.

Олимларнинг илмий қарашлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий жиҳатдан ўрганиб чиққан ҳолда “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби” эмас аксинча “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” деб талқин этиш ўринли

деган хулосага келдик. Ушбу ёндашувни илмий ҳамда амалий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин.

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида ташкилот ихтиёридаги маблағлар, хўжалик жараёнлари, уларнинг таъсири остидаги ташкилот маблағлари ва маблағ манбаларининг таркиби, тузилиши ва ҳаракатига оид содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда ташкилотнинг сметалари ижроси натижаси аниқланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий талабларидан бири ҳар бир хўжалик операциялари бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришдир(1-расм).



1-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан ҳойдаланувчилар.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

қонунчилик талабалари асосида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш;
хўжалик операцияларини қонунийлигини ва ўз вақтида тўғри ҳужжатлаштириш устидан бошланғич ва жорий назоратни ташкил этиш;

ташкилот учун ажратилган бюджет маблағларидан ва уларни белгиланган мақсадларига тўғри ва тежаб сарфланиши устидан жорий назоратни олиб бориш;

ташкилот пул маблағлари ва моддий бойликларининг бутлиги устидан назорат олиб бориш мақсадида ҳодимлар орасида ташкилотнинг мол-мулкига моддий жавобгарликни ташкил этиш ва белгилаш;

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ қийматликлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

ташкилот молиявий активлари, ҳисоб-китоблари ва моддий бойликларини инвентаризациядан ўтказиш ҳамда улар натижаларини ўз вақтида тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;

молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва қонунчиликда белгиланган муддатларда топшириш;

бухгалтерия ҳисоби хизмати фаолиятига тааллуқли қонун, низом, йўриқнома, услубий кўрсатмалар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида ҳисобни юритиш;

бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари, даромадлар ва харажатлар сметалари ва улар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳамда бошқа ҳужжатларни ташкилотда сақланишини ташкил этиш ва ўрнатилган тартибда архивга топшириш;

бухгалтерия ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ҳисоб сиёсатини норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.


Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг бошқа тармоқ ҳисоб турларига нисбатан бир қатор ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятлари мавжуд, аввало барча жараён бюджет ижроси жараёнини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Бунда даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича ҳўжалик муомалаларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш, бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш, самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.



2-расм. Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир” (Қонун, 2016)

– деб белгиланган. Ўз навбатида бюджет ташкилотлари ҳам бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ушбу асосий принципларга амал қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бюджет ижросига оид қонунчилигига кўра бюджет ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларини мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида принцип ва тамойилларга ҳам амал қилади (3-расм).



3-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида фойдаланувчиларни ишончли, ўз вақтида молиявий ахборотлар билан таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботлар шакллантирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилардан иборат: Баланс (1-шакл), харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот, жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот, номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, шунингдек йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади.

Агарда, ташкилот қонунчиликка мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини амалга оширса, у ҳолда ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни тақдим қиладилар.

Тадқиқотлар натижасига кўра, илмий изланишлар олиб борилган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ташкилий-услугий таъминотини такомиллаштиришга оид масалаларга умумий жиҳатдан тўхталиб ўтилган ҳамда тадқиқот объекти сифатида алоҳида эътибор қаратилмаган. Бироқ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.К.Ибрагимов томонидан билдирилган

илмий фикр ва қарашларда бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этиш жараёнини ўзида акс эттирувчи таърифни қўришимиз мумкин. Аммо ушбу таърифда фақат харажатлар сметасига урғу берилган.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш деганда - ташкилот (муассаса)нинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида шунингдек, бюджет ижросига оид бухгалтерия маълумотларини шакллантириш, улар бўйича фойдаланувчи (ички, ташқи)ларни узлуксиз равишда ишончли ахборотлар билан таъминлаш ҳамда даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси устидан доимий назоратни олиб борилишини тушунишимиз мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар.

Мазкур мақолада қуйидаги хулосаларга келинди:

- Давлат сектори тузилмаси кўп тармоқли бўлиб, унда бюджет ташкилотлари алоҳида ўринга эга. Бюджет ташкилотлари асосан давлатнинг аниқ бир функциясини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бюджет маблағлари ҳисобига сақлаб туриладиган институционал бирликлардир деб қараш мумкин.

- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мазмунини ёритиб бера оладиган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди, яъни “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби – ташкилотга даромадлар ва харажатлар сметалари доирасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда уларнинг ташкил топиш манбааларининг ҳаракати ва ҳолатини ўрганиш, назорат қилиш, бошқариш мақсадида бюджет ижросига оид ахборотларни шакллантириш тизимидир.

Адабиётлар:

БҲМС (2016) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» (АБ 09.09.2016 й. 475-1-сон билан рўйхатга олинган.)

Дўсмуратов Р.Д. (2013) Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” 372 б. (476 бет).

Каримов А.А. (2004) Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: “Шарқ”. 44-бет. (565 бет).

Меҳмонов С.У (2013) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби”. Дарслик.- Тошкент, “Sano-standart”, 5-бет. (456 бет).

Меҳмонов С.У. (2018) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш”: и.ф.д. дисс. автореф. 15-бет. (76 бет). – Т.

Остонакулов М. (2011) Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Янги аср авлоди, 3 бет, (480 б).

Тўлаходжаева М.М. (1998) “Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан” автореф. дисс. д.э.н. – Москва. 1998. 7 с.

Уразов К.Б. (2007) “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари”. Дарслик. – Т.: 2007 йил, 15-бет.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, ЎРҚ-404-сон қонуни.

Ғаниев Ш.В. (2008) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). и.ф.н. дисс. автореф.–Т.: 2008. Ўз.Р. БМА. 8 б.

Шодмонов Ш.Ш. (2013) «Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича дарслик.



ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Атамуратов А.Р.

Ташкентского государственного технического университета

Аннотация: В данной научной статье проанализированы основные показатели топливно-энергетического комплекса Узбекистана, а также исследованы направления развития топливно-энергетического комплекса в соответствии с Энергетической стратегией Узбекистана до 2030 года.

Ключевые слова: топливно-энергетический комплекс, устойчивое развитие, управление устойчивым развитием энергосистемы, нефть, энергетика, технологии.

Abstract: This scientific article analyzes the main indicators of the fuel and energy complex of Uzbekistan, and also explores the directions for the development of the fuel and energy complex in accordance with the Energy Strategy of Uzbekistan until 2030.

Keywords: fuel and energy complex, sustainable development, energy system sustainable development management, oil, energy, technologies.

1. Введение.

На новом этапе экономического и социального развития Узбекистана особое внимание уделяется устойчивому развитию предприятий топливно-энергетического комплекса. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017—2021 годах определены приоритетные задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода его на качественно новый уровень, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики» (Указ, 2017). Поэтому одним из основных направлений совершенствования предприятий топливно-энергетического комплекса в современных условиях является улучшение механизмов обеспечения их устойчивого развития, способствующих рациональному распределению их ресурсного потенциала, росту уровня инновационной активности и повышению конкурентоспособности отраслевой продукции.

2. Литературный обзор.

По мнению В.Д.Андреанова (2016), некоторые показатели экономического роста не совсем точно и в полной мере отражают возможности достижения стабильности.

В.Д.Андрианов (2016) считает, что для достижения определенной цели необходимо определить стратегические цели, основные задачи и обеспечить их адаптацию к социально-экономическому устойчивому развитию промышленных предприятий страны.

Е.Н.Кучерова (2016) выделяла устойчивость промышленного предприятия как совокупность показателей производственной, управленческой, экологической, маркетинговой, социально-экономической устойчивости.

Достижения в области технологий и падение цен означают, что сетевые батареи, которые могут хранить все большее количество энергии, растут рекордными темпами. На сегодняшний день крупнейшей в мире системой хранения энергии на батареях является хранилище энергии Moss Landing Energy Storage Facility в Калифорнии, США, где в январе 2021 года была введена в эксплуатацию первая литий-ионная батарея мощностью 300 МВт, состоящая из 4500 сложенных друг на друга батарей. Другие аккумуляторные энергосистемы общего пользования планируются в таких странах, как Австралия, Германия, Япония, Великобритания, Литва и Чили¹.

По данным Х.И.Акара (2003), теоретически запасенная тепловая энергия на поверхности на глубине 0-10 км составляет 245 10⁶ ЭДж (экзаджоулей) для высокотемпературных областей и 181 10⁶ ЭДж для низкотемпературных областей. Если бы использовалось 0,1% этой энергии, геотермальная энергия составила бы более 0,4 10⁶ ЭДж. Учитывая текущее потребление энергии в мире, это эквивалентно потребности в энергии на 1000 лет. Подтвержденная геотермальная энергия составляет 50 ЭДж, и, по оценкам, в настоящее время потребляется 0,5 ЭДж этой энергии. Сегодня геотермальная энергия обеспечивает 0,2% от общей потребности в энергии в мире. Но этот показатель сильно различается в разных странах.

Ю.З.Сан (2003) и, по мнению соавторов, использование тепловых электростанций может иметь катастрофические последствия для человечества. По этой причине необходимо использовать возобновляемую солнечную и ветровую энергию.

3. Методология исследования.

В статье обобщены методы, основанные на мнениях и анализе специалистов. Проведен углубленный анализ с использованием методов анализа и синтеза.

4. Анализ и результаты.

Устойчивое развитие топливно-энергетического комплекса остается приоритетным направлением политики нашего государства. Топливо-энергетический комплекс Республики Узбекистан представляет собой крупнейшее в Центральной Азии объединение предприятий добычи, переработки, транспортировки нефти, природного газа, угля, производства и распределения электрической и тепловой энергии. Узбекистан богат минерально-сырьевыми ресурсами (Х.Сайдахмедов, 2001)- некоторые данные приведены в табл. 1.

Энергетическая стратегия Республики Узбекистан до 2030 года предполагает создание устойчивой системы обеспечения энергетической безопасности, учитывая территориальную структуру производства и потребления ТЭР (Постановление, 2018). В решении всех задач основное место отводится топливно-энергетическому комплексу. Устойчивое развитие энергетики государства складывается из устойчивого развития отраслей и предприятий энергетики.

¹ pumped-batteries-thermal-mechanical/

Таблица 1.

Ценность разведанных в недрах запасов минерального сырья и оценка минерально-сырьевого потенциала Республики Узбекистан²

Виды минерального сырья	Ценность разведанных запасов минерального сырья		Оценка минерально-сырьевого потенциала	
	млрд.долл. США	% от общей ценности	млрд. долл. США	% от общей ценности
Всего в Республике Узбекистан в том числе:	1025	100	3540	100
Нефть, газ, конденсат	295	28,8	1164	32,9
Уголь	105	10,2	110	3,1
Цветные, редкие, радиоактивные и черные металлы	154	15,2	713	20,2
Керамическое и стекольное сырье	66	6,4	89	2,5
Флюсовое, огнеупорное и другие горнорудное сырье	155	15,1	194	5,5
Сырье для производства минеральных удобрений	42	4,1	95	2,6
Сырье для химической промышленности	62	6,0	468	13,2
Строительные материалы	146	14,2	707	20

Исходя из вышеизложенного отметим, что основная задача наших исследований состоит в том, чтобы рассматривая систему как совокупность взаимосвязанных элементов, найти законы, объясняющие поведение системы, её функционирование и развитие. Сущность функционирования ТЭК сводится к движению информации, энергии, материалов, связанному с переработкой входных значений (информация, финансовые средства, материальные ресурсы) и получении на выходе желаемых результатов (энергетические ресурсы, услуги, прибыль, информация). Для анализа функционирования ТЭК выделим в его составе подсистемы, отвечающие за определенный вид деятельности (энергопотребление, производство электроэнергии, энергоснабжение).

Выделим следующие элементы подсистемы:

—социальный (представляет комплекс отношений между людьми и является организационным проявлением системы);

—производственно-технический (представляет материальные средства: технологии, машины, оборудование, материалы, инструменты, энергию);

—информационный (представляет информационные потоки, базы данных и их взаимосвязи);

—финансово-экономический (представляет экономические и финансовые ресурсы).

Для устойчивого развития ТЭК, как системой необходимо выполнение следующих условий:

1. Управляемость – если с помощью входного воздействия имеется возможность управлять выходными сигналами, то система управляема [10].

2. Контролируемость – все параметры системы, характеризующие её состояние, должны быть измеримыми.

² Построено автором на основе данных Госкомстата Республики Узбекистан

3. Равновесность – система должна обеспечивать динамическое равновесие. Таким образом, наши исследования в области энергетической устойчивости показали, что ТЭК – сложная кибернетическая система с большим количеством подсистем и контуров управления. Сложность системы проявляется в большом количестве составляющих её элементов имеющих разнообразную природу, больших объемах циркулирующей информации, многообразии форм связей, многокритериальности (Л.А.Мелентьев, 1982).

Внутренняя среда ТЭК формируется финансовыми средствами, технологиями, производственными мощностями, организацией процесса производства и транспортировки ТЭР, инфраструктурой и другими параметрами.

Внешняя среда ТЭК – состояние экономики страны и региона, нормативно-правовые акты, налоговые органы, заказы и т.д. Воздействия внешней среды могут быть возмущающего и управляющего характера. К управляющим воздействиям относятся: доктрины и стратегии энергетической безопасности, нормативно-правовая база, природные ресурсы, инвестиции, инновации.

К возмущающим воздействиям относятся: изменение налогового законодательства, рост цен на энергоресурсы, экономические кризисы, ужесточение экологических нормативов, природные катастрофы, воздействия других видов экономической деятельности.

Внешняя среда создаёт ограничения для функционирования ТЭК: ограниченный запас природных ресурсов; количественные ограничения на возможности технологий; определенный уровень инвестиций.

К внутренним воздействиям на систему относят разбалансированность её элементов, обострение противоречий в развитии. Цель устойчивого развития системы отражает запросы потребителей, которые необходимо удовлетворять в процессе своего развития. На все ресурсы имеются определенные ограничения, сдерживающие прогрессивные развитие. На ход развития влияют внешние и внутренние воздействия. Для достижения цели устойчивого развития необходима система показателей и критерии их оценки.

Если система находится в устойчивом состоянии, то её реакция на дестабилизирующие воздействия может быть следующей:

- 1) адаптация;
- 2) упреждение возможных изменений;
- 3) погашение негативных воздействий.

Если система неустойчива, то результатом дестабилизирующих воздействий может быть застой, стагнация, деградация, регресс-развитие по нисходящей линии, развал системы. Устойчивость ТЭК представляет собой переход системы из одного состояния в другое, характеризующееся новыми свойствами и характеристиками системы, соответствующим тенденциям нового времени. Устойчивость заключается в том, что после перехода из одного состояния в другое параметры состояния системы при этом как минимум не ухудшаются т.е. находятся в границах устойчивости. Для экономической системы главное условие устойчивости – это обеспечение ресурсами в нужный момент времени в необходимом количестве и на приемлемых условиях. Ресурсы могут привлекаться в форме материальных потоков, технологий, кадрового потенциала, финансовых средств.

Диагностика эффективности системы управления устойчивым развитием предприятий энергетической промышленности должна осуществляться на основе интегрированной системы целевых количественных и качественных показателей, обеспечивающих в своей совокупности синергетическую характеристику процессов функционирования производства, регулируемых внутренними факторами.

Усовершенствованный организационно-экономический механизм (рис. 1) базируется на методологии устойчивого развития. Состоит из двух основных подсистем, таких как организационно-аналитический комплекс и экономический комплекс. Данный механизм позволяет определить основные аспекты устойчивости на предприятиях ТЭК на среднесрочную и долгосрочную перспективу. Эта система базируется на использовании трех блоков показателей – объемных индикаторов, показателях инвестиционной деятельности и параметрах финансовой устойчивости. Она позволяет в процессе оценки устойчивости развития предприятия оценивать динамику и тенденции развития, характеризовать структуру и направления инвестиций и их эффективность, анализировать состояние капитала предприятия, его использование и адекватность его структуры процессам устойчивого инновационного развития, давать качественную оценку конечного результата деятельности предприятий.




Рисунок 1. Организационно-экономический механизм устойчивого развития предприятий ТЭК

На базе этого подхода в предложенной нами методике представлены как известные показатели, широко используемые практикой, так и новые предлагаемые впервые исходя из необходимости отражения ряда современных экономических процессов, включая обусловленные законодательством Республики Узбекистан.

Оценка основных факторов и показателей состояния энергетики осуществляется на основе использования системы индикаторов энергетической безопасности, характеризующих уровень, состав и глубину угроз.

Энергетическая стратегия ставит задачу долгосрочного обеспечения энергетической независимости и безопасности, повышения энергетической эффективности, и снижения воздействия энергетики на окружающую среду. Для решения этих задач требуется разработка и внедрение новых технологий, основанных на научных достижениях, обеспечивающих более безопасную, экологически чистую энергетику.

На долю отраслей ТЭК за последнее десятилетие приходится более 23 % в формировании ВВП Республики Узбекистан (рис. 2.).




Рисунок 2. Динамика изменения доли отраслей ТЭК в формировании ВВП Республики Узбекистан³

Вместе с тем экономика Узбекистана является очень энергоемкой по международным стандартам. Индекс ВВП на единицу энергопотребления (в постоянных ценах 2019 года ППС в долл. США за 1 кг нефтяного эквивалента) для Узбекистана в 2020 году был равен 1,5 долл. США за кг нефтяного эквивалента. Для сравнения аналогичный показатель в том же году для России – 3, Туркменистана – 1,7, США – 5,9, Швейцарии – 10,6, Сингапура – 12,5, Индонезии – 4,3. Это обусловлено использованием технологически устаревшего оборудования, высокой долей топливно-энергетических ресурсов в экспорте страны, сравнительно низкими ценами на электроэнергию и некоторые виды топлива, неадекватная система учета производства и потребления электроэнергии и энергетических ресурсов и др.⁴

5. Заключение.

В настоящее время в энергетической отрасли Узбекистана внедряется ряд мероприятий, направленных на дальнейшую цифровизацию топливно-энергетического комплекса, в том числе:

- принята к реализации комплексная программа цифровизации электроэнергетики на 2019-2021 годы, целью которой определена автоматизация процессов планирования ресурсов предприятия (ERP) и диспетчерского контроля и сбора данных (SCADA);

- реализуется проект «Внедрение автоматизированной системы учета и контроля электроэнергии (АСКУЭ)», в результате чего до конца 2020 г. к автоматизированной системе контроля и учета электроэнергии было подключено порядка 5,5 млн. потребителей.

Таким образом можно сказать, что тенденции экономического развития, спрос на энергоресурсы будет значительно возрастать, что требует дальнейшего совершенствования методов управления устойчивым развитием предприятий топливно-энергетической промышленности Республики Узбекистан. Вся совокупность методов управления на данных предприятиях в наиболее общем виде подразделяется на три большие группы - экономические, организационные (административные) и воспитательные (социально-психологические). А при сложившейся организационной статике и динамике реализация стратегических целей управления устойчивым развитием на предприятиях ТЭК в современных условиях на первый план выходят экономические методы управления.

³ Построено автором на основе данных Госкомстата Республики Узбекистан

⁴ Национальный доклад по Республике Узбекистан составлен в рамках проекта Европейской экономической комиссии ООН "Повышение синергетического эффекта национальных программ стран-членов СНГ по энергоэффективности и энергосбережению для повышения их энергетической безопасности". Автор: Джамшид Абдусаламов ГАК«Узбекэнерго».

Литература:

Указ (2017) Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Андрианов В.Д. (2016) Российская социально-экономическая система: реалии и векторы развития (2-е издание, переработанное и дополненное): монография / Р.С.Гринберг, М.А.Абрамова, В.Д.Андрианов, Н.Ю.Ахапкин, А.Н.Барковский, В.Н.Бобков, С.Н.Бобылев, Е.М.Бухвальд, В.Г.Варнавский, и др.. – Москва: Сер. Научная мысль, 460 с.

Кучерова Е.Н. (2016) Структурирование проблем устойчивого развития машиностроительного предприятия: Учебное пособие / Е.Н.Кучерова, К.С.Бармашов, – Вязьма: РИЦ ВФ ГОУ МГИУ, 90с.

Acar H.I. (2003) A review geothermal energy in Turkey. Energy Sources, Part A: Recovery, Utilization and Environmental Effects 25, 1083–1088.

Sun Y.Z., Zhang H.J., Du Z.C., Li Q.X. and Li Z.X., (2003) Organic pollution of street dust in the Handan City, China. Bulletin of Environmental Contamination and Toxicology 70(3), 422–429.

Сайдахмедов Х. (2001) Комплексное использование минерально-сырьевых и вторичных ресурсов. //Экономический вестник Узбекистана, №1-2.

Постановление (2018) Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 от 20.10.2018 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года».

Мелентьев, Л.А. (1982) Оптимизация развития управления больших систем энергетики: учеб. пособие / Л.А. Мелентьев. – М.: Высшая школа, 319 с.



СОЛИҚ ТИЗИМИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Джалилов Р.Ҳ.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация. Ушбу илмий мақолада қўшилган қиймат солиғи, унинг республикамиз ва хорижий мамлакатлар солиқ тизимидаги ўрни, ривожланиш босқичлари келтирилган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича ягона ставканинг қабул қилиниши зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: солиқ, қиймат, билвосита солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, истеъмолчи, ҳисобварақ-фактура, ҳисобот даври.

Аннотация. В данной научной статье представлен налог на добавленную стоимость, его место в налоговой системе нашей республики и зарубежных стран, этапы его развития. Он основан на необходимости принятия единой ставки налога на добавленную стоимость.

Ключевые слова: налог, стоимость, косвенные налоги, налог на добавленную стоимость, потребитель, счет-фактура, отчетный период.

Abstract. This scientific article presents the value added tax, its place in the tax system of our republic and foreign countries, the stages of its development. It is based on the need to adopt a single rate of value added tax.

Key words: tax, value, indirect taxes, value added tax, consumer, invoice, reporting period.

1. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас (Мурожаатнома, 2022).

Кўпгина мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи давлат солиқ даромадларининг 12 фоиздан 30 фоизгача бўлган даромад қисмини қоплайди, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача 5-10 фоизини ташкил қилади.

Қўшилган қиймат солиғи илк бор Ўзбекистонда 1991 йилда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни орқали жорий этилган. Мазкур солиққа бугунги кунга қадар қатор аҳамиятли ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, товар (иш, хизматлар) реализация қилиш жойи тушунчаси киритилган, товар (иш, хизматлар) етказиб берувчиларга тўлаб берилган ҚҚС суммасини касса усулида аниқлашдан уни ҳисобга олиш усулига ўтилган, объект, база тушунчалари такомиллаштирилган ва ҳоказо.

Қўшилган қиймат солиғи - бу билвосита солиқларнинг бир тури бўлиб, товар, иш, хизматларни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир поғонасида яратиладиган товар, иш, хизматлар қийматининг бир қисмини бюджетга ўтказиш орқали тўланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотнинг муаммосига бағишланган илмий ишларнинг таҳлили шунинг кўрсатдики, ушбу мавзунинг хорижий олимлари ва бошқалар тадқиқ этилган.

Жаҳонда қўшилган қийматни солиққа тортиш методикасининг такомиллаштиришга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, “қўшилган қиймат солиғининг оптимал ставкаси 15-20 фоизни ташкил қилиши, ставка пасайтирилиши бюджет тушумлари етишмовчилигига олиб келиши, юқори ставканинг жорий қилиниши бизнесни яширишга олиб келиши исботланган (KPMG, Лондон), ҚҚСдан қочиш иқтисодий ўсишга, макроиқтисодий барқарорликка таъсир этиши исботланган (Georgia State University, АҚШ), Тадбиркорлик субъектларининг асосий солиқ харажатлари қўшилган қиймат солиғига тўғри келиши асосланган (Nevin Economic Research Institute, Ирландия), Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг икки фоизли пунктга пасайтирилиши ЯИМнинг 0,56 фоиз ўсишига олиб келиши асосланган (UNDP) (А.Б.Абдуллаев, 2020).

И.М.Борниқовани (2018) ёзишича ҚҚС биринчи марта 1954-йил 10-апрелда Францияда жорий қилинган. Унинг ихтироси жаноб Морис Лоретга тегишли. Ҳозирги вақтда ҚҚС 137 мамлакатда қўлланилади (И.М.Борниқова, 2018).

Мамлакатимиз иқтисодчилари ҚҚСнинг ижобий ва салбий томонлари бўйича ўзларининг фикрларини билдиришган. Жумладан, М.Комиловнинг (2020) (2020) ёзишича, бугунги кунда дунёнинг 140 га яқин давлатларида қўшилган қиймат солиғи муваффақиятли қўлланилиб келмоқда.

В.Г.Пансковнинг (2015) фикрича, “ҳозирда ҚҚС 160 дан ортиқ мамлакатларда амал қилади. Қўшилган қиймат солиғининг асосий афзалликлари қиймат бетарафлик, ошқоралик, ишонч ва ўзини ҳимоя қилиш тамойили сифатида шакллантирилиши мумкин”[6].

Жаҳондаги айрим мамлакатларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича қўллаб келаётган ставкалари турлича. Айрим давлатларда қўлланилаётган ҚҚС ставкаси энг юқори солиқ ставка Венгрия давлатида 27 фоиз ва Швецияда 25 фоиз бўлса, энг паст солиқ ставкаси эса Сингапур ва Саудия Арабистонида 5 фоиз миқдорида белгиланган (М.М.Комилов, 2020).

М.И.Алимарданов ва Б.Н.Абдуллаевларни (2015) таъкидлашича, “Қўшилган қиймат солиғининг бир неча ижобий томонлари мавжуд, аввало унинг корхоналар молиявий ҳолатига боғлиқ эмаслиги, яъни нейтраллиги уни юқори даражада ундириш имконини беради. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳар бир босқичида ундирилганлиги учун бюджетга узлуксиз даромадлар келишини таъминлайди. Шунга қарамай, ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғи корхоналар молиявий аҳволига анча оғир таъсир кўрсатмоқда. Чунки хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларда молиявий имкониятларнинг пастлиги сабабли қўшилган қиймат солиғи ставкаси улар учун жуда юқорилиги уларда фойдага эга бўлиш имкониятини чегаралайди”.

Б.Тошмурадова (2021) ҚҚС борасида муаммоларга тўхталган: “Солиқ

концепцияси асосида киритилган янгиликлар солиқ тизимини маълумдаражада такомиллаштирганига қарамай амалиётда уларни қўллаш борасида муаммолар, ноаниқликлар, шунингдек, солиқ органлари мутухассислари ва тадбиркорлар томонидан айрим қонунчилик қоидаларига қарама-қарши муносабатлар ҳам юзага келмоқда. Баъзи ҳолларда эса солиқ тизимининг айрим тамойилларининг бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Солиқ тўловчилар ва иқтисодчи мутахассислар томонидан кўп мунозараларга сабаб бўлаётган қўшилган қиймат солиғи ҳам шулар жумласидандир”.

И.М.Ниязметов бошқаларнинг (2021) фикрича, ўзининг асл моҳиятига кўра ҚҚС аслида унчалик мураккаб солиқ эмас. Айниқса, тобора ривожланиб бораётган рақамли технологиялар шароитда ва бугунги кунда кенг тарқалган инвойс (ҳисоб-фактура) усулига асосланган занжирсимон ҚҚС механизмида бюджетга тўланадиган солиқ реализация қилинган товар (хизмат)ларга нисбатан ҳисобланган ҚҚС суммаси билан мол етказиб берувчиларга тўланган (кирим қилинган) ҚҚС суммаси ўртасидаги (мусбат) фарқ сифатида осон ҳисоблаб чиқилади. Бироқ, реал ҳаётда ҚҚС механизмига турли хил имтиёзлар ва истисноларнинг қўлланилиши уни амалда мураккаблашувига олиб келган. Солиқнинг пасайтирилган (шу жумладан, нолли) ставкаларидан фойдаланиш эса ҳисобкитобларда ҚҚС манфий тафовути юзага келиши ва унинг давлат томонидан қопланиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши сабаб бўлган.

Бугунги кунда республикадаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшилган қиймат солиғи бўйича занжирда узулишлар мавжудлиги, имтиёзлар кўплиги, давлат аҳамиятга молик товарлар нархлари тартибга солиниши ва турли солиқ режимлари мавжудлиги товарлар (хизматлар) нархига ўз таъсирини ўтказмоқда.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларида фойдаланилди. 2017-2021 йилларда республикада қўшилган қиймат солиғи бўйича занжири яратилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ва солиқ имтиёзлари, давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятга молик товарларга (хизматларга) қўшилган қиймат солиғининг таъсири таҳлил қилинди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Қўшилган қиймат солиғи - ишлаб чиқариш ва тақсимлашдан тортиб истеъмолчига, сотишгача бўлган жараёнда ҳар бир циклдан олинadиган билвосита кўп поғанали солиқдир. Унинг объекти қўшилган қиймат, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар бажарувчи томонидан янги буюм ёки хизматни бажариш учун сотиб олинган хом ашё, материаллар ёки маҳсулотлар қийматига қўшилган қиймат ҳисобланади. Ушбу солиқ маҳсулот нархининг барча унсурларини чеклайди ва ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга ундайди.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар жараёнида давлат саноат ва савдо сармояси айланиши суръатлари ҳақида маълумот олади, бу эса макроиқтисодий тартибга солинишини енгиллаштиради. Бундан ташқари, давлат товарнинг аҳоли - солиқнинг мазкур турининг ягона ва охириги тўловчисига сотилишига қадар даромад олиш имконига эга бўлади. Жаҳон амалиёти қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг деярли бир хил тизимини назарда тутди. Тўловчи ҳаридордан сотилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун солиқ суммаси ва етказиб берувчи томонидан моддий ресурслар, ёқилғи, ишлар учун тўланган ва улар қиймати ишлаб чиқариш ва айланма ҳаражатларга киритилган солиқ суммаси орасидаги фарқни тўлайди. Тўланиши керак бўлган солиқ манфий

бўлиб чиқса, яъни бу солиқ кўпайиб кетса, қолдиқ бўлажак тўловлар ҳисобига киритилади ёки ривожланган мамлакатларда қабул қилинганидек, бюджетдан бошқа суммалар ҳисобига қопланади. Қўшилган қиймат солиғига асосланган солиқ тўлаш тизими солиқларни қисмларга ажратиб олиш имконини беради, чунки фирманинг барча сотувларидан солиқ олинади, бироқ оралиқдаги ҳаридлар учун тўланган солиқлар кейинчалик умумий суммадан қопланади. “Солиқ кредити” сифатида таниш бўлган бу усул солиқ тизимига ўзини-ўзи тартибга солиш имконини беради, бу эса солиқлар олиш тартибини яхшилайдди.

Қўшилган қиймат солиғининг асосий афзаллиги шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида тўланган солиқ миқдорини ҳисоблаш мумкин. Бу мисол учун, экспорт учун солиқ чегирмаларини ҳисоблаш ва экспорт субсидиялари берилишида бузилишларнинг олдини олиш имконини беради. Бундан ташқари бундай кўп босқичли солиқлардан фойдаланиш ягона фирма тузилмаси ёки корхоналар уюшмаси доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда солиқ суммасини камайтиради ва шу тариқа фирмаларнинг вертикал интеграциясига туртки бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари:

- солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;
- норезидентлардан, яъни хорижий давлатлар компанияларидан иш ва хизматларни импорт қилаётган юридик шахслар;
- товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар;
- ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган ягона солиқ тўлови тўловчи юридик шахслар;
- оддий ширкат шартномаси бўйича солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) юридик шахс;
- қурилиш ташкилотлари – қурилиш ишларини молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга ошириладиган объектлар бўйича.

2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 млрд. сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган тадбиркорлик субъектлари қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиш белгиланди (Фармон, 2018).

1998 йилдан бошлаб маҳсулот (иш, хизматлар) жўнатилиши товарларнинг реализация қилинган деб ҳисобланади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида корхоналар ва аҳоли даромадларининг жуда паст даражада бўлиши натижасида, давлат кўпроқ эгри солиқларни оширишга мажбур бўлмоқда. Лекин давлат ўз харажатларини қоплаш учун юқори даражага кўтариши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Унинг маълум даражада иқтисодий асосланган, корхоналар молиявий ҳолатини ва аҳоли турмуши моддий даражасини нормал ҳолатда таъминлайдиган чегараси бўлиши лозим. Жисмоний шахслар даромад солиғи ундирилишда (тўғри солиқ) солиқ тўловчининг даромади даражаси, тўлов қобиляти ва бошқа эътиборга олинади. Қўшилган қиймат солиғида эса бундай ҳолатлар эътиборга олинмайди. Товарларни эҳтиёжини қондириш учун сотиб олган аҳоли бу солиқни тўлайверади.

Ҳисобга олинандиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Ҳисобга олинандиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинандиган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади. Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат

солиғи тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида фойдаланиш учун олинган товарлар юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғи ўзининг ўрни бўйича бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, республика ва корхоналар иқтисодига таъсири, нархлар пропорциясини аниқлашда улардан ўтиб кетди. Қўшилган қиймат солиғи қўлланила бошланган вақтдан ҳозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон давлати бюджетининг асосий манбаларидан бирига айланди. Ўтган даврлар ичида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда амал қилган 30 фоиздан 1997 йилга келиб 18 фоизгача туширилди ва 1998 йилдан бошлаб 20 фоиз қилиб белгиланиб, ушбу ставка 2019 йилнинг 1 октябрь ойигача сақланиб қолинди. 2019 йил 1 октябрдан (Фармон, 2019) 15 фоиз, 2023 йилнинг январидан (Қонун, 2022) эса 12 фоизлик ставкага туширилди. Ҳозирги вақтда амалиётда “ноллик” ставка ҳам қўлланилмоқда.

1-жадвал

Дунё мамлакатларида қўшилган қиймат солиғи ставкаларининг ҳолати

Қитъа	ҚҚСнинг ўртача фоиз ставкаси	Юқори фоиз ставкаси	Паст фоиз ставкаси
Европа	19,98	27,00	3,00
Америка	16,33	23,00	10,00
Осиё	10,47	15,00	5,00
Африка	11,75	15,00	6,00
Австралия	10,00	10,00	10,00

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қўшилган қиймат солиғининг энг юқори ставкаси ўрнатилган давлатлар Европа қитъасидаги Венгрия давлати (27 %), Дания, Норвегия, Швеция давлатларида (25 %) ҳиссасига тўғри келса, энг паст ставка Жерси ороли (3 %)га тегишли.

Марказий осие давлатларидан Тожикистон Республикаси ва Туркменистон Республикаларида қўшилган қиймат солиғи 15 фоизлик ставкада, қолган қўшни давлатларда 12 фоизни ташкил этади.

Умуман солиқлар ва мажбурий тўловлар ставкаларини пасайтирилиши, уларни ундириш механизмларининг такомиллашиши амалдаги солиқ юкининг камайишига ва бюджетга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ягона солиқ тўлови тўлайдиган кичик корхона ва микрофирмаларни солиққа тортиш жараёнида қўшилган қиймат солиғини қўллаш, ҳисоблаш ва ундириш тартибидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган кичик корхоналарнинг ихтиёрий равишда ҚҚС тўлашга ўтишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

ҚҚСни тўлашга ўтиш учун юридик шахслар ҳисобот даври (чораги) бошланишидан камида бир ой аввал, янги ташкил этилган юридик шахслар эса – фаолият кўрсата бошлагунга қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Сўнгги йиллардаги солиқ сиёсатининг таҳлили давлат бюджетининг даромадлари таркибида эгри солиқлар улушининг анча ўсаётганини ҳамда тўғри солиқлар салмоғининг камаётганини кўрсатмоқда.

2-жадвал

Республикада қўшилган қиймат солиғининг эгри солиқлар таркибидаги ўрни

Кўрсаткичлар		2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) - жами		49681,00	79099,00	112165,40	132938,00	164680,30
1.	Бевосита солиқлар	11539,40	15656,20	31676,80	45206,90	58930,40
2.	Билвосита солиқлар	26133,20	41280,40	46427,20	46428,40	56290,50
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	14685,80	27876,50	33809,80	31177,40	38439,00
3.	ҚҚСининг билвосита солиқлардаги улуши	56,20	67,53	72,82	67,15	68,29
4.	ҚҚСининг жами даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз)даги улуши	29,56	35,24	30,14	23,45	23,34

Жадвалдан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солиғининг жами эгри солиқлардаги улуши ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2017 йилда жами эгри солиқлар даромадларидаги улушида 56,20 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 67,53 фоизни ташкил этган, 2019 йилда эса 72,82 фоизни ташкил этган, 2020 йилда 67,15 фоизни, 2021 йилда эса 68,29 фоизни ёки ўтган 2020 йилга нисбатан 1,14 пунктга ўсган. Қўшилган қиймат солиғининг жами даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз)даги улуши аксинча охириги йилларда доимий равишда пасайиш тенденция кузатилган. 2018 йилда 35,24 фоизни ташкил этган, 2019 йилда эса 30,14 фоизни ташкил этган, 2020 йилда 23,45 фоизни, 2021 йилда эса 23,34 фоизни ташкил қилган.

2023 йил 1 февраль ҳолатига ҚҚС тўловчилар сони 173,4 мингтага етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,1 фоизга (22,7 мингта) ўсди.

Ўсиш кўрсаткичлари энг юқори соҳалар – ТОП-3:


- ахборот ва алоқа хизматлари – 49,3 фоиз (мингта);
- транспорт – 44,1 фоиз (1,7 мингта);
- хизмат кўрсатиш – 26,6 фоиз (3,4 мингта).

Ўсиш кўрсаткичлари энг паст соҳалар – ТОП-3:

- қишлоқ хўжалиги – 5,4 фоиз (2,3 мингта);
- қурилиш – 7,8 фоиз (1,5 мингта);
- савдо – 15,4 фоиз (7,1 мингта).

Ҳозирда ҚҚС тўловчиларнинг ярмидан ортиғи қуйидаги соҳаларда фаолият юритмоқда:

- савдо – 30,8 фоиз (53,5 мингта);
- қишлоқ хўжалиги – 26,5 фоиз (45,9 мингта).



1-расм. ҚҚС тўловчилар тўғрисида маълумот

5. Хулоса ва таклифлар.

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш механизми ички ва айниқса ташқи солиққа тортишда - мўлжалланган жойига қараб халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғи бўйича ягона ставканинг қабул қилиниши ҳисоб ва ҳисоб-китоб жараёнларини анча соддалаштирди. Бундан ташқари, ҳисобварақ фактуралар тизимининг жорий этилиши солиқ ҳисоби ва ҳисоблаб чиқарилиши устидан назоратга автоматик тус берди. Бироқ бунда асосий муаммо - қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш муаммоси ҳал этилмай қолмоқда. Бундан солиққа тортишнинг асосий тамойилларидан бири - адолатлилик тамойили бузилмоқда, чунки ушбу солиқни тўламайдиганлардан маҳсулот сотиб олувчи, мазкур солиқ тўловчиларининг солиқ юки ортмоқда. Шу тариқа қўшилган қиймат солиғини бирхиллаштириш ва соддалаштириш масаласида келгусида унга доир барча имтиёз ва истисноларни бекор қилиш асосий йўналиш тусига эга бўлади. Мазкур солиқ давлатга жуда қулай ва “арзон” тушади. Чунки корхона ва ташкилотлар фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар товарлар сотилиши билан бюджетга келиб тушади, яъни бюджет даромадларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

Абдуллаев А.Б. (2020) Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020.69 бет.

Алимарданов М.И., Абдуллаев Б.Н. (2015) Қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь.

Бортникова И.М. (2018) Налоги и налогообложение: учебное пособие / сост.: Донской ГАУ. – Персиановский : Донской ГАУ, 202 с.

Джалилов Р.Х. (2022) Нормативно-правовая база по порядку организации камерального контроля в Республике Узбекистан и ее значение. Экономика и социум. №103

Комилов М.М. (2020) Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилидир. Иқтисодиётда инновациялар - Инновации в экономике - Innovations in economy №5.

Мурожаатнома (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 декабр 2022 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.

Ниязметов И.М., Сафаров У.А., Раджапов Х.Ж. (2021) Қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштириш. Логистика ва иқтисодиёт. 2-сон.

Пансков В.Г. (2015) Изменение порядка зачисления средств НДС: введение НДС-счетов / В.Г. Пансков // Вестник АКСОР. № 3 (35). – С. 17-18

Ташмурадова Б.Э. (2021) Қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш ва ҳисоблаш хусусиятлари. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, май-июн.

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2018) "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сон.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон (ПФ-5837-сон, 26.09.2019 й.).

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг "2023 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-813-сон Қонуни, 30.12.2022 й.



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЕНГСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ

Зайниев Ф.Н.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Даромадларни тақсимлашда тенгсизлик муаммосини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжудлигига қарамай, уй хўжаликлари даромадларини табақалаш омилларининг тизимли типологияси, шунингдек, ушбу омиллар ва аҳоли даромадлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни муносабатларни миқдорий баҳолаш етарли даражада мавжуд эмасдир.

Калит сўзлар: даромадларнинг табақаланиши, дисперсияни таҳлил қилиш, ижтимоий-демографик кўрсаткичлар, эконометрик модел, истеъмолдаги тенгсизлик, аҳоли даромадлари даражаси, қашшоқликни аниқлаш.

Аннотация: Несмотря на наличие большого количества научных работ, посвященных изучению проблемы неравенства в распределении доходов, отсутствует систематизированная типология факторов стратификации доходов домохозяйств, а также количественная оценка взаимосвязи между этими факторами и уровень доходов населения.

Ключевые слова: стратификация доходов, дисперсионный анализ, социально-демографические показатели, эконометрическая модель, неравенство потребления, уровень доходов населения, определение бедности.

Abstract: Despite the presence of a large number of scientific papers devoted to the study of the problem of inequality in income distribution, there is no systematized typology of household income stratification factors, as well as a quantitative assessment of the relationship between these factors and the level of income of the population.

Key words: income stratification, analysis of variance, socio-demographic indicators, econometric model, consumption inequality, population income level, definition of poverty.

1. Кириш.

Иқтисодиёт фанида аҳоли даромадлари ва уларнинг моддий фаровонлиги ва ҳатто кўпинча мамлакат ёки минтақанинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ аниқланади. Аҳолининг даромадлари жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулотни ҳудудлар, гуруҳлар, уй хўжаликлари, оилалар ва фуқаролар ўртасида шакллантириш, тақсимлаш, тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни тавсифлайди. Даромадларни табақалаштириш масалаларини ўрганишда мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги табиий-географик фарқлар, одамларнинг туғма қобилиятлари, улар катта даражада ўзгариши мумкин, шунингдек, таълим, иш тажрибаси шаклида олинган компетенциялар каби ва бошқа фаолият турлари

муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, даромад келтирадиган фаолият учун турли даражадаги мотивацияга эга бўлиши мумкин, улар илгари олинган ёки мерос қилиб олинган мулкдан даромад олишлари мумкин. Даромадлар тенгсизлигини ҳисобга олганда, вазиятларнинг қулай комбинациясини истисно қилиш ҳам мумкин эмас. Аҳолининг турли гуруҳлари даромадларидаги тафовутнинг муқаррарлигини тан олган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва умуман жамиятнинг меҳнат салоҳиятини, хусусан, шахснинг меҳнат салоҳиятини ривожлантириш учун бу фарқнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъкидлаб, аҳолининг даромадлари бўйича ҳаддан ташқари табақаланишининг салбий таъсири инкор этилмаган. Бошқа томондан, бундай фарқлаш ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин ва кўп жиҳатдан бу натижалар устун бўладиган табақаланиш даражасига боғлиқ, гарчи бу ерда бошқа омиллар ҳам роль ўйнаши мумкин (Т.В.Сабетова, Г.Н.Егорова, 2018).

2. Адабиётлар шарҳи.

Замонавий иқтисодиётда аҳоли даромадлар тенгсизлиги илмий тадқиқотларнинг энг муҳим мавзуларидан бирига айланди ва бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида аҳоли даромадлар тенгсизлигининг сабаблари, ўзаро таъсирлари ва оқибатларини кенг тадқиқ қилишган, жумладан, иқтисодий ўсиш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлик ўлчови сифатида кенг қўлланилади ва тараққиёт ва бошқа ҳодисаларнинг иқтисодий ўсишга таъсири макроиқтисодиётнинг муҳим муаммосидир. Ўтган бир неча ўн йилликлар ичида, даромад тенгсизлик дунё бўйлаб сезиларли даражада ортиб бормоқда. Сиёсатчилар томонидан инқирозлар даврида ижобий натижаларга эришиш учун даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга катта қизиқиш билдирилган (Т.Piketty, A.Goldhammer, 2015). Шунга қарамай, даромадлар тенгсизлиги иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган каналларни тушунтиришда турли мунозаралар ноаниқ прогнозлар билан кўплаб назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Масалан, A.Alesina ва R.Perottiларнинг (1996) таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги ҳукуматлар томонидан қайта тақсимлаш сиёсати ва аҳолининг бой қатлами учун юқори даромад солиғи орқали киритилган номутаносибликлар туфайли иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилади. Acemoglu фикрича эса, давлат бюрократияси ва самарасиз институтлари иқтисодий ўсишга таъсир қилади ва бу муаммо даромадлар тенгсизлигини ошириш орқали кучаяди.

Бундан ташқари O.Galor, H.Zang (1997), P.Aghion ва бошқаларнинг (1999) таъкидлашича, аҳоли даромадлари тенгсизлиги иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, номукамал капитал бозорлари туфайли аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун таълимга киришга тўсқинлик қилади ва мамлакатда инсон капиталининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, даромадлар тенгсизлиги ижтимоий муаммоларнинг ўсиши туфайли сиёсий беқарорликка олиб келади ва шунинг учун иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади, чунки инвестициялар учун рағбатлантиришлар бўлмайдиган (A.Alesina, R.Perotti, 1996). Бироқ, бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича, даромадлар тенгсизлиги ўсишга ҳисса қўшади, чунки у аҳолининг бой қатламларида жамғаришни оширади ва бу йирик ҳажмдаги инвестицияларни амалга оширишни таъминлайди. Шунингдек, O.Galor ва D.Tsiddon (1997), R.Foellmi ва M.Zweimullerларнинг (2008) таъкидлашича, даромад тенгсизлиги Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ва технологияларни ривожланишига ёрдам беради ва бу иқтисодий ўсишга олиб келади.

Даромадлар тенгсизлиги ва ўлим бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти бир нечта шарҳ мақолаларида муҳокама қилинганидек, жамият ва

индивидуал даражаларга қаратилган. Иқтисодчи олимлар томонидан даромадлар тенгсизлиги ва ўлим ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишда учта сабабга кўра аҳоли даражасида қуйидагиларга эътибор қаратилган: биринчидан, аҳоли даражасида соғлиқни сақлаш ҳолатидаги фарқларни тушунишдан манфаатдорлик; даромадлар тенгсизлиги алоҳида шасга эмас балки барча аҳолига таълуқлидир; учинчидан чунки аҳоли даражасидаги ёндашув бизга ижтимоий ва экологик сабабларни ҳисобга олишга имкон беради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, даромадлар тенгсизлиги ортиши ҳар иккала жинс учун ҳам туғилиш ва 15 ёшгача бўлган ўлимни ўсишига олиб келиши мумкин. Мазкур боғлиқлик аёлларда туғилгандан 15 ёшгача бўлганларда, бу боғлиқлик эркакларда эса 50 ёшгача давом этади. Бироқ ривожланган мамлакатларда туғилишда 50 ёшгача бўлган ўлимнинг умр кўриш давомидаги ҳиссаси нисбатан кичик бўлгани учун даромадлар тенгсизлигининг умр кўриш давомийлигига таъсирини аниқлашни имкони бўлмаган. Бироқ, бу натижалар болалар ҳамда ёш ва ўрта ёшдаги эркакларнинг соғлиғи ва ўлимига даромадлар тенгсизлигининг таъсирини мавжудлигини кўрсатади ва даромадлар тенгсизлигини камайтирадиган қайта тақсимлаш сиёсати орқали ушбу аҳоли ўртасидаги ўлимни камайтириши мумкинлигини кўрсатади (R.Torre, M.Myrskylä, 2011).

Вақт ўтиши билан ўлим барқарор равишда пасайиб борди, аммо 1970-йиллардан бошлаб саноати ривожланган мамлакатларда даромадлар тенгсизлиги барқарор равишда ошиб борган (S.V.Subramanian, I.Kawachi, 2004). Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига ўртача даромад ўртача умр кўришнинг фақат кичик бир қисмини тушунтирганлиги сабабли (S.H.Preston, 1975), даромад тақсмоти бой мамлакатлар ўртасидаги ўлим даражасидаги фарқларни тушунтириши мумкин, деб тахмин қилинган (G.B.Rodgers, 1979). Мазкур даромадлари тенгсизлиги ва соғлиқни сақлаш ўртасидаги боғлиқлик гипотезаси аҳоли даромадлари тенгсизлиги ичида бойлардан камбағалларга ўтишни камайтириш аҳоли даражасида соғлиғини яхшилайдиган фикрга асосланади, чунки нисбатан паст даромад даражасида соғлиқни чегаравий ўсиши юқори даромад даражасидаги чегарвий соғлиқдан кўра юқори бўлади.

3. Тадқиқот методологияси.

Кўплаб тадқиқотлар камбағалликни камайтириш учун кенг кўламли ижтимоий кўрсаткичларни ўз ичига олувчи комплекс ёндашувга асосланган стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини тасдиқлади. Ўрганилаётган масалани комплекс ҳал этиш учун қашшоқликни қисқартириш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишга қаратилган ягона концепцияга эга бўлиш муҳимдир. Халқаро амалиётда турли давлатлардаги турмуш даражасини солиштириш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: истеъмол нархлари индекси; аҳоли жон бошига ЯИМ; чақалоқлар ўлим даражаси; туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари; ўртача умр кўриш. Аҳолининг даромадлари даражаси ва таркибини ўрганиш учун даромадларни турдаги жиҳатларда тавсифловчи ва оз сонли кўрсаткичлар гуруҳларини ўз ичига олган кўрсаткичлар тизими қўлланилади (З.Р.Мерджанова, 2018). Унинг моҳияти шундан иборатки, даромад йил бошида мавжуд активларни камайтирмаган ҳолда йил давомида истеъмол ва жамғарма учун ишлатилиши мумкин бўлган максимал миқдордир. Турмуш даражаси кўрсаткичлари тизимида минимум яшаш даражаси, минимум истемол бюджети, минимал иш ҳақи миқдори, истемол савати каби ижтимоий стандартлар муҳим рол ўйнайди.

Шу таъкидлаш лозимки, бугунги кунда даромад даражаси инсон ривожланишининг ягона ва характерли шарти ҳисобланмаслиги умумий қабул қилинган. Мувофиқ ҳаётни таъминлаш учун инсонга катта миқдордаги фаравонлик

керак, бунинг натижасида аҳолининг зарур яшаш даражасига эришилади. Бундан ташқари, турмуш даражаси нафақат ушбу имтиёзлардан фойдаланиш орқали, балки уларни олиш имконияти орқали ҳам баҳоланади. Уй хўжаликларининг фаровонлиги даражаси муайян иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳудудий омиллар таъсирида бўлади. Шунинг учун кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда яшаш минимуми миқдори; банд аҳолининг пул даромадлари миқдори; озиқ-овқат сифати; уй-жой шароитлари; таълим имкониятларининг мавжудлиги; жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий ёрдам тизими ҳисобга олиш муҳимдир (Е.В.Лаптева ва бошқалар, 2020).

Бундан ташқари, олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижасида ривожланган мамлакатларда даромадлар тенгсизлиги болалар ва катталар ўлимига муҳим таъсир кўрсатиши, лекин кексалик ёшидагиларни ўлим даражасига статистик таъсирга эга эмаслиги аниқланган (Roberta Torre, Mikko Myrskylä, 2011).

4. Таҳлил ва натижалар.

Аҳолининг даромадлари бўйича кузатилаётган табақаланиш даражасининг бундай табақаланишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларига таъсирини кўриб чиқамиз (1-расм). Умумий олганда, аҳоли даромадлари дифференциялашуви ва даромадлар тенгсизлиги даражасига таъсир этувчи омилларни ўрганишда мамлакатларнинг табиий-географик фарқланиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, олинadиган даромадлар таркиби, илм-фан ривожланиш ва таълим даражаси, аҳоли ёши таркибидаги фарқланиш ва бошқалар муҳим ҳисобланади. Шунингдек, аҳоли даромадлари тенгсизлигини сабабларини кенг тадқиқотлар учун яширин иқтисодиёт билан боғлиқ статистик маълумотлар тўлиқ акс эттириш муаммоси чекловларни келтириб чиқаришини ҳам таъкидлаш лозим.

Фикримизча, адолатли равишда жамиятда даромадларнинг табақаланиши корхона ва ташкилотларда ходимларга тўланадиган иш ҳақларидаги фарқлари бажарадиган бир хил рағбатлантириш функциясини бажариши мумкин.




1-расм. Даромадларни турли даражада фарқланиш сабаблари ва оқибатлари (Т.В.Сабетова, Г.Н.Егорова, 2018).

Албатта, даромадлар табақаланишининг қайси даражаси аҳолини бепарқликка олиб келишини ва қайси бири адолациз рақобатга олиб келишини аниқ аниқлаш жуда қийин, айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича “нормал” табақаланиш оралиғини Жини индексининг ўлчами сифатида 0,250 дан 0,400 гача баҳолаш мумкин (2-расм).

Эгри чизиқнинг шакли тасодифан танланмаган бўлиб, тавсия этилган оралиқнинг ҳар икки томонида ҳалокатли оқибатлар дарҳол пайдо бўлмайди, лекин маълум бир дақиқадан бошлаб улар экспонент равишда ўсиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, даромадларнинг табақаланиши чуқур ижтимоий оқибатларга олиб келади (Т.В.Сабетова, Г.Н.Егорова, 2018).

Иш ҳақи кўринишидаги даромадлари ҳар бир инсон ҳаётида муҳим рол ўйнайди, чунки улар унинг эҳтиёжларини қондиришнинг бевосита манбаидир. Иш ҳақи барча уй хўжаликлари даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади, аммо кўпинча иш ҳақи миқдори уларнинг яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжларини ҳам тўлиқ қондира олмайди. Уй хўжаликларининг даромадлари бир қатор омиллар таъсирида ўзгариши мумкин ва бу омилларга ижтимоий-сиёсий, касбий, демографик, мақом, иқтисодий, географик ва бошқалар киради (Г.В.Гисматулин, 2018).



2-расм. Аҳоли даромадлари бўйича табақаланишининг рағбатлантирувчи функцияси (Т.В.Сабетова, Г.Н.Егорова, 2018)

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аҳоли даромадларининг табақаланиш даражасига таъсир этувчи аниқ омиллар таркибини аниқлашнинг ягона методи мавжуд эмас. Бироқ иқтисодчи олимлар томонидан турли омиллар ва аҳоли даромадлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликни баҳолаш учун эконометрик моделлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда.

Иқтисодчи олимлар томонидан уй хўжаликлари даромадларининг табақаланишига таъсир даражасига кўра қуйидаги омиллар гуруҳлари ажратилган: шахсий омиллар (инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари, таълим, касбий ва малака даражаси; тадбиркорлик қобилиятининг мавжудлиги; мотивация ва меҳнатсеварлик; мулк объектларига эгалик қилиш, уй хўжалигининг жинси, ёши ва миқдорий таркиби); микро-даражали омиллар (инсон меҳнат фаолияти

оқибатида: корхона, муассаса ёки ташкилот тегишли бўлган фаолият тури, мулкчилик тури, хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, товар ва ресурс бозорларидаги ўрни, технология билан жиҳозланиш даражаси, жойлашган жойи; корпоратив маданият даражаси); макро-даражали омиллар (давлат иқтисодиёти билан боғлиқ: иқтисодий салоҳият, миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги, ялпи миллий даромад, мамлакатнинг нарх сиёсати, солиқ тизими, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий шериклик институтларини ривожлантириш) (В.М.Булавинец, А.И.Заклекта, 2017).

Загидуллина томонидан эса даромадлар тенгсизлиги омилларини уларнинг таъсир қилиш хусусиятидан келиб чиқиб, эндоген ижобий таъсир этувчи, меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, малака оширишга, шахсий такомиллаштиришга моддий манфаатдорликни шакллантирувчи омиллар ва экзоген салбий таъсир кўрсатувчи, ишсизлик ва инфляция даражаси, яширин иқтисодиёт ўсиш миқёси, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, даромадларни тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарасизлиги каби омилларга ажратилган (И.Ф.Загидуллина, 2011).

Стукаленко аҳоли даромадлари табақаланишига мазмунига қараб таъсир этувчи қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтган: ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг хусусиятлари (бозор тузилиши; ҳудудий омиллар; аҳолининг иқтисодий имкониятларнинг ўзгарувчан спектрига нотекис мослашиши; иқтисодиётни институционал ташкил этиш; демографик омиллар; жамиятнинг этник ва ахлоқий нормалари; солиққа тортиш тизими); индивидуал характер хусусиятлари (ирсий омиллар; тўпланган инсон капитали; оила типи; норасмий муносабатлар); табиатнинг кутилмаган хусусиятлари (тасодифийлик; ижтимоий, сиёсий ва табиий зарбалар). Фикримизча, аҳоли даромадлари тенгсизлигига таъсир этувчи омилларини бир хилдаги хусусиятлари асосида таснифлаш мураккаб масала ҳисобланиб, уй хўжаликлари даромадларини табақалаш омилларини аниқлашга тизимли ёндашувни талаб қилинади.

Жумладан, аҳоли даромадлари тенгсизлигига ижтимоий-демографик кўрсаткичлар, ресурслар билан таъминланганлик, иқтисодий самарадорлик ва турмуш даражаси кўрсаткичлари таъсирини эмпирик баҳолаш натижаларида аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромадга мустақил ўзгарувчилар жон бошига чакана савдо айланмаси, аҳоли жон бошига шахсий хизматлар ҳажми, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, яшаш минимуми каби кўрсаткичлар орасидаги бевосита ва жуда кучли чизиқли боғланиш мавжудлиги аниқланган.

Шуни таъкидлаш керакки, энг катта миқдорий боғлиқлик аҳолининг жон бошига ўртача даромадлари кўрсаткичи ва яшаш минимуми қиймати ўртасида кузатилган (И.А.Карпухно, Д.А.Гучмазова, 2021). Лаптева ва бошқалар томонидан аҳоли даромадига таъсир этувчи омилларни корреляцион-регрессион таҳлилини амалга оширишда боғлиқ ўзгарувчи (Y) сифатда аҳоли пул даромадларининг ўсиш суръати ва мустақил ўзгарувчилар (X) сифатида V-аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръати (%), Z-банд аҳоли сонининг ўсиш суръати (%), P-яшаш минимумининг ўсиш суръати (%), I-асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (%), S-аҳоли жон бошига пул даромадлари даражасининг ўсиш суръати (%), C-мувозанатли молиявий натижа даражасининг ўсиш суръати (%) ва N-ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръати (%) олинган (Е.В.Лаптева ва бошқалар, 2020).

Регрессия таҳлили натижасида ўртача яшаш минимумининг 1%га ошиши аҳолининг пул даромадлари миқдорини 0,5%га, ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%га кўпайиши эса аҳолининг пул даромадлари миқдорини 0,35%га ўсишига олиб келиши мумкинлиги аниқланган. Амалга оширилган регрессион таҳлилда республика бўйича 2001-2020 йиллар давомида аҳоли жон бошига

даромадлар миқдорига таъсир этувчи омиллар (Y - боғлиқ ўзгарувчи) ва (X_n - мустақил ўзгарувчилар) ЯИМ ҳажми, кам таъминланган оилалар улуши, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, ойлик ўртача пенсия миқдори, ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори олинган.

1-жадвал

**Аҳоли жон бошига даромадлари миқдорига омиллар таъсирининг
корреляцион матрицаси**

	Y	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5
Y -аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг. сўм	1					
X_1 - ЯИМ ҳажми, млрд.сўмда	0.99415	1				
X_2 - кам таъминланган оилалар улуши, %да	-0.86912	-0.81752	1			
X_3 - энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, минг сўмда	0.99642	0.98593	-0.8899	1		
X_4 - ойлик ўртача пенсия миқдори, минг сўмда	0.99466	0.98111	0.9049	0.99913	1	
X_5 - ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори, минг сўмда	0.99421	0.99399	0.8497	0.99099	0.98884	1

Самарали кўрсаткич ва фойдаланилган омиллар ўртасида яқин боғлиқлик аниқланган деган хулосага келиш мумкин. Шундай қилиб, аҳоли жон бошига умумий даромадлар (Y) билан ЯИМ ҳажми ($r_1=0,9942$), яшаш минимуми ўртасида ($r_3=0,9964$), ойлик ўртача пенсия миқдори ($r_4=0,9947$) ва ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори ($r_5=0,9942$) узвий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, кам таъминланган оилалар улуши салбий боғлиқлиги мавжуд (1-жадвал).

2-жадвал

Регрессион таҳлил моделини натижалари

Кўп корреляция коэффиценти R	0.999323636
Детерминация коэффиценти R^2	0.99864773
тузатилган детерминация коэффиценти R^2	0.998164777
Стандарт хатолик	163.0793186
Кузатувлар	20

Кўп корреляция коэффиценти $R=0.999323636$ боғлиқ ўзгарувчи (аҳоли жон бошига умумий даромадлар) ва мустақил ўзгарувчилар (ЯИМ ҳажми, кам таъминланган оилалар улуши, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, ойлик ўртача пенсия миқдори, ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори) ўртасидаги кучли статистик боғлиқликни тавсифлайди. Кўп корреляция коэффицентининг 1 га яқинлиги кўрсаткичлар ўртасидаги тўғридан-тўғри ва жуда кучли чизиқли боғлиқни англатади. Детерминация коэффиценти $R^2=0.99864773$ индикаторнинг қийматини 1га интилиши, боғлиқликлар

адекватлигини, Аҳоли жон бошига даромадларнинг 93,9% ўзгариши танланган мустақил ўзгарувчиларнинг ўзгариши билан изоҳланади (2-жадвал).

3-жадвал

Дисперсион таҳлил натижалари					
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	Муҳимлик <i>F</i>
Регрессия	5	274963342.2	54992668.45	2067.792794	1.46966E-19
Қолдиқ	14	372328.098	26594.86415		
Жами	19	275335670.3			

Дисперсияни таҳлил қилиш натижаларига кўра, модел муҳим ва статистик маълумотларга адекват деган хулосага келди, чунки Фишернинг адекватлик мезони ($F_{\text{ҳисобланган}}=2067.7928$) Фишер мезонининг жадвал қийматидан (1,4) катта (3-жадвал). $\alpha=0,05$ аҳамиятлилик даражасидаги F -мезонининг ҳақиқий қиймати унинг критик қийматидан каттароқдир. Шунинг учун, мумкин 0,95 эҳтимоллик билан боғлиқ ўзгарувчи ва олинган мустақил ўзгарувчилар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини билдиради. Шундай қилиб, 100 та ҳолатдан 95 тасида, аҳолининг жон бошига даромадлари ҳажми танланган кўрсаткичларга боғлиқ, шунинг учун эконометрик модел ишончли ҳисобланади.

4-жадвал

Модел параметрларининг нуқтали баҳолаш			
	Коэффициентла <i>p</i>	<i>t</i> - статистика	<i>P</i> - муҳимлик даражаси
Ҳ- кесишмаси	1203.345865	1.388537928	0.186670558
Х1- ЯИМ ҳажми, млрд.сўмда	0.014709383	5.58692408	6.70022E-05
Х2- кам таъминланган оилалар улуши	-43.04967119	-1.302397771	0.213799341
Х3- энг кам ойлик иш ҳақи миқдори	1.693856306	0.088054929	0.931080179
Х4- ойлик ўртача пенсия миқдори	4.860978354	0.70951356	0.489654788
Х5- ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори	-0.724527937	-1.097017039	0.29114508

4-жадвалга мувофиқ, эконометрик моделни кураимиз:
 $y=1203.345+0.0147x_1+0.0147x_3+0.0147x_4-0.0147x_2-0.0147x_5$

Регрессион тенгламадан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига даромадлар суммасини ошишига ЯИМ ҳажми, энг кам ойлик иш ҳақи ва ойлик ўртача пенсия миқдорларини ўсиши ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, кам таъминланган оилалар улуши ва ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори ижобий таъсирга эга эмас. Ҳисобланган номинал ўртача иш ҳақи миқдори ижобий таъсирга эга эмаслиги тармоқлар кесимида ўртача иш ҳақи миқдоридаги юқори даражада дифференциялашувдир, масалан 2020 йилда республика бўйича ўртача ҳисобланган номинал иш ҳақи миқдори 2600,5 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, ўртача юқори миқдори 2682,3 минг сўмдан 5746,4 минг сўмгача оралиқда, ўртачадан паст бўлган миқдори эса 1784,7 минг сўмдан 2572,9 минг сўмгача оралиқдадир.

Бундан кўриниб турибдики, аҳоли даромадлари таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни улушини юқорилиги ҳисобга ҳолда

даромад солиғи ставкасини табақалаштириш ва солиқ солинмайдиган иш ҳақи миқдорини белгиланиши, ўз навбатида даромадларни қайта тақсимлаш самарали фискал механизми сифатида даромадлар тенгсизлиги камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг улушини ортишида энг характерли бўлган омиллар, аҳоли пул даромадлари ўртача даражасининг пасайиши, даромад тақсимоотидаги тенгсизликнинг кучайиши, қамбағалликнинг доимий ўсиши (яшаш минимуми, айниқса бозор шароитида), аҳолининг турли тоифалари учун истеъмол нархларининг ўсишини қоплашнинг самарасиз механизми, аҳолининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мустақил мослашуви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Аҳолининг пул даромадлари аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлиги хусусиятларининг элементлари ва уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни- деган хулосага келишимиз мумкин. Бинобарин, давлатнинг асосий вазифаси аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатдаги ижтимоий аҳволни ва давлатнинг институт сифатидаги фаолиятини аҳоли фаровонлигини ошириш ва яхшилаш жараёнида иштирок этиши билан баҳоланади. Тенгсизликни юзага келиши аҳоли даромадларини асосан учта манбадан олиши билан боғлиқ: иш ҳақи, мулкӣ даромадлар, ижтимоий нафақалар кўринишидаги даромадлар, чунки бу манбаларнинг оилалар учун аҳамияти турлича баҳоланади.

Шу муносабат билан аҳоли даромадлари даражасига кўра уларни қуйидаги ижтимоий гуруҳларга бўлиш мумкин: пул даромадларининг асосий манбаи мол-мулк бўлган аҳоли қатлами; иш ҳақи асосий даромад манбаи бўлган аҳоли қатлами; ягона даромад манбаи ижтимоий тўловлар ва нафақалар бўлган аҳоли қатлами (Т.М.Малева, 2016).

Истеъмолдаги тенгсизлик аллақачон даромадлар тенгсизлигининг натижасидир. Шу билан бирга, бу турдаги тенгсизликлар жамғарма ва олинган кредитларга қараб фарқ қилиши мумкин. Қашшоқлик даражасини баҳолаш учун миқдорӣ ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Бу жаҳон амалиётида қашшоқликни аниқлашнинг бир қанча услубий ёндашувларини ишлаб чиқишга сабаб бўлди: мутлақ, нисбий, субъектив. Бироқ, реал вазиятни ҳақиқатда акс эттирувчи усул аниқланмаган, шунинг учун қамбағалликни аниқлаш методологиясининг номукамаллиги унинг аниқ ҳолатини аниқлашга имкон бермайди (Е.В.Лаптева ва бошқалар, 2020).

Фикримизча, аҳоли даромадлари тенгсизлиги ва индивидуал саломатлик ўртасида чуқур муносабатлар боғлиқлиги тўлиқ кўрсатиб берилмаган бўлсада, эмпирик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, нисбатан даромадлар тенг тақсимланган жамиятларда даромадлар нотекис тақсимланган жамиятларга қараганда чақалоқлар, болалар ва ўсмирлар ўлими даражаси пастроқлиги аниқланган.

Бундан ташқари, даромад тақсимооти аёлларга қараганда ёш эркеклар ўлими билан кўпроқ боғлиқ, бу қизиқарли ва долзарб гендер фарқи бўлиб, кейинги аҳоли даромадлари тенгсизлиги доирасидаги илмӣ тадқиқотлар учун муҳим масалалардан ҳисобланади. Аҳоли саломатлигининг ишлаб чиқариш самарадорлиги жамиятнинг барқарорлиги учун муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, даромадлар тенгсизлигини камайтиришга қаратилган қайта тақсимлаш сиёсати аҳоли саломатлигини яхшилашдан ташқари, жамиятда умумий бошқа қўшимча ижобий таъсирларга олиб келиши мумкин.

Адабиётлар:

Aghion, P., Caroli, E., and García-Peñalosa, C. (1999) Inequality and Economic Growth: The Perspective of the New Growth Theories. *Journal of Economic Literature* Vol.37(4), 1615-1660.

Alesina, A. and Perotti, R. (1996) Income distribution, political instability, and investment. *European Economic Review*, 81, 5, pp. 1170-89.

Galor, O., and Tsiddon, D. (1997) Technological Progress, Mobility, and Economic Growth. *The American Economic Review*, 87(3), 363-382. Retrieved May 16, 2020, from www.jstor.org/stable/2951350;

Foellmi, R., and Oechslin, M. (2008) Why progressive redistribution can hurt the poor. *Journal of Public Economics*, 92(3-4), 738-747.

Galor, O. and Zang, H. (1997) Fertility, income distribution, and economic growth: theory and cross-country evidence. *Japan and the World Economy*, 9, 2, pp. 197-229;

Piketty, T., and Goldhammer, A. (2015) *The Economics of Inequality*. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from www.jstor.org/stable/j.ctvjnrnk.

Preston, S.H. (1975) "The Changing Relation between Mortality and Level of Economic Development." *Population Studies* 29(2): 231-248.

Rodgers, G.B. (1979) "Income and Inequality as Determinants of Mortality: An International Cross-Section Analysis." *Population Studies* 33(2): 343-351.

Roberta Torre, Mikko Myrskylä (2011) Income inequality and population health: a panel data analysis on 21 developed countries. MPIDR WORKING PAPER WP 2011-006 FEBRUARY 2011. <http://www.demogr.mpg.de>.

Subramanian, S.V. and I. Kawachi. (2004) "Income Inequality and Health: What Have We Learned So Far?" *Epidemiol Rev* 26(1): 78-91.

Булавинець В.М., Заклекта А.И. (2017) Неравенство доходов населения: факторы и современное состояние // *Эффективная экономика*. № 11. С. 23-31.

Гисматулин Г.В. (2018) Статистика доходов и расходов населения по РФ. «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» №1(17).

Загидуллина И.Ф. (2011) Факторы, тенденции и особенности дифференциации доходов в современной России: автореф. дис. канд. экон. наук: (08.00.01) Москва, 30 с.

Карпучно И.А., Гучмазова Д.А. (2021) Эконометрическая модель выявления факторов дифференциации доходов населения. *Статистика и экономика*. Т. 18. № 4. С.58.

Лаптева Е.В., Огородникова Е.П., Портнова Л.В. (2020) Оценка факторов, влияющих на денежные доходы российского населения. *Электронный научный журнал «Век качества» Online scientific journal «Age of Quality»* № 2 ISSN 2500-1841. <http://www.agequal.ru>

Мерджанова З.Р. (2018) Система показателей уровня жизни и доходов населения. <https://www.elibrary.ru>.

Малева Т.М. (2016) 2014-2015 годы: экономический кризис – социальное измерение /под ред. Т.М. Малевой. - М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 112 с. - (Научные доклады: социальная политика).

Сабетова Т.В., Егорова Г.Н. (2018) Анализ факторов, формирующих наблюдаемую дифференциацию доходов населения России. *Вестник ВГУИТ/Proceedings of VSUET*, Т. 80, № 2.



СОЛИҚ ҲИСОБОТИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ СОЛИҚ ТАҲЛИЛИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИРИ

и.ф.д. (DSc), доцент Исаев Ф.И.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодий ривожлантиришининг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

Аннотация: Мақолада барча солиқ тўловчилар томонидан тайёрланадиган солиққа оид ахборотларнинг аҳамияти ўрганилган. Шундай ахборот манбаларидан бири солиқ идораларига топшириладиган солиқ ҳисоботлари бўлиб, уларнинг солиқ таҳлилидаги аҳамияти муҳокама қилинган ҳамда мавзу якунида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: ҳисобот, молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоботи.

Аннотация: В статье рассматривается важность налоговой информации, подготавливаемой всеми налогоплательщиками. Одним из таких источников информации являются налоговые отчеты, представляемые в налоговые органы, обсуждается их значение в налоговом анализе и в конце темы формулируется вывод.

Ключевые слова: отчет, финансовый отчет, налоговый отчет.

Abstract: The article examines the importance of tax information prepared by all taxpayers. One of such sources of information is tax reports submitted to tax authorities, their importance in tax analysis is discussed and a conclusion is drawn at the end of the topic.

Keywords: report, financial report, tax report.

1. Кириш.

Глобал бизнес жадал ривожланмоқда ва бутун дунё бўйлаб кўплаб ташкилотлар тартибга солувчи ўзгаришлар ва молиявий ҳисоботда ошкораликка бўлган эҳтиёж ортиб бораётган қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Солиқ ҳисоби ёки солиқ шаффофлиги каби сўнгги глобал тенденциялар барча соҳаларда, шу жумладан, солиқларда ҳам молиявий назоратнинг аҳамиятини ошириб бормоқда.

Албатта, бундай масалаларда муаммоларни бартараф этишнинг ечими солиқ таҳлилини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Бугунги куна эса солиқ таҳлилида асосий муаммолардан бири, бу – унинг ахборот таъминоти тизимини шакллантиришдир. Иқтисодий таҳлил, шу жумладан, солиқ таҳлили натижаларининг самарадорлиги ахборот таъминотининг тўлиқлиги билан белгиланади. Солиқ таҳлилларини амалга оширишни ахборот манбаларисиз тасаввур қилиш қийин. Аввало, солиқ таҳлили учун барча фаолият тўғрисидаги керакли ва етарли миқдордаги ахборотларни тўплаш лозим.

2. Адабиётлар шарҳи.

Л.В.Усатованинг (2008) фикрича, солиқ таҳлили натижасининг самарадорлиги сифатли ахборот таъминотига боғлиқ. Солиқ таҳлилининг ахборот базасига нафақат молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини киритади, балки солиқ ҳисоби ва ҳисоботи, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан фойдаланишни ҳам асослайди.

Т.В.Балабанова (2012) фикрича, ноаниқлик шароитида ягона ахборот майдонида тўпланган ва фойдаланиладиган ахборот сифати жуда катта аҳамиятга эга. Ахборотнинг сифати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасининг кўплаб хусусиятларидан бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби маълумотларини турли гуруҳларидан фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжини қондириш қобилиятини аниқлайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия тизимидаги ахборот оқимларининг ҳаракатланиши бизга унинг фаолияти хусусиятларини ошкор этиш имконини беради. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ахборот таъминоти тизими корхонанинг бухгалтерия ҳисоби тизимида шаклланади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахбороти ҳисобланади.

Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, баъзан солиқ таҳлилни ўтказишдан олинган натижалар фақат давлат солиқ органларига эмас, балки хўжалик юритувчи субъект фаолияти учун ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки солиқ таҳлилидан молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили натижалари каби бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Бу эса бошқарув самарадорлигини оширишдаги аҳамияти жиҳатидан, солиқ таҳлиliga бўлган талабни ҳам ошириб боради.

Гудков А.А. (2014) ўз тадқиқотида “Солиқ таҳлилни ахборот билан таъминлаш молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоби тизимларида шакллантирилган. Бу, биринчи навбатда, солиқ таҳлиlining молиявий менежмент, бухгалтерия ҳисоби, харажатларни бошқариш каби бошқарув тизимлари билан узвий боғлиқлигини аниқлайди”-деб ҳисоблаган.

Солиқ таҳлили корхонани молиявий таҳлиlining таркибий қисмидир ва хўжалик юритувчи субъектнинг даромадлари, харажатлари ва фойдаларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади (Дедкова, Е.Г. 2010).

Солиқни таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиб, даромадлар ва харажатларни бошқариш, солиқларнинг ташкилотнинг асосий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш мумкин (Попова, Л.В. 2011).

Солиқ таҳлиlining ахборот базасини шакллантириш жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан тавсифланади, уларнинг орасида таҳлил мавзусини тайёрлаш даражаси алоҳида ўрин тутаяди, шунингдек, ахборот оқимларини техник ва ташкилий қўллаб-қувватлайди. Агар солиқ таҳлилида тўлиқ ва аниқ ахборот ҳужжатларига эга бўлсак, бу ишнинг самарадорлигини ошишга хизмат қилади. Тадқиқотимизнинг мақсади солиқ таҳлиlining ахборот таъминоти ва унинг асосини аниқлаштириб олишдан иборат.

Ахборот тизими зарур маълумотларни нафақат бошқарув ходимлари ва эгалари, балки ташқи фойдаланувчилар учун ҳам тақдим этишга мўлжалланган.

Ф.Н.Филинанинг (2014) таъкидлашича: “Солиққа тортиш параметрларини бошқариш жараёнини ахборот билан таъминлаш бу таҳлилий процедураларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ресурслари ва уларни ташкил этиш усулларининг комбинациясидир. Иқтисодий ахборотнинг субъектлари солиққа тортиш жараёнининг иштирокчилари бўлиб, улар аналитик ахборотга нисбатан ижрочи ва фойдаланувчи сифатида ишлайди. Ахборотдан фойдаланувчилар доираси чекланган, унга фақат солиқ солиш иштирокчилари киради. Ички фойдаланувчилар - бу менежерлар ва ходимлар, ташқи фойдаланувчилар - солиқ солиш билан боғлиқ

маълумотларга, яъни солиқ бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботлари тўғрисидаги маълумотларга, дастлабки ҳужжатларга ва бошқаларга қизиқишади”.

Е.В.Егорованинг (2015) фикрича, солиқ таҳлили ахборот таъминоти маълумотлар тизимининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- 1) солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботлари тўғрисидаги маълумотлар;
- 2) бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари;
- 3) статистика ҳисоби ва ҳисоботининг маълумотлари;

4) қўшимча ҳисоб маълумотлари: Россия Федерациясининг Солиқ кодекси (Солиқ кодекси), солиқ тўғрисидаги Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг қонунлари, солиқ тўғрисидаги маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, солиқларга доир оммага тақдим этиладиган статистик маълумотлар, ташкилотнинг бухгалтерия сиёсати, фикрларни сўраш маълумотлари ва бошқалар.

Юқорида Е.В.Егорованинг (2015) ахборот таъминотида барча ҳисобот шакллари алоҳида эътироф этилмоқда ва қонунчиликка оид маълумотлар бир қаторда жамлаб берилган.

Назорат қилувчи орган фаолиятини ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

- солиқ тўловчилар ва солиқ агентларидан;
- ижро этувчи ҳокимият органларидан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан;
- банклар ва бошқа молия институтларидан - солиқ тўловчининг ҳисобварақларида пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар;
- бошқа давлатларнинг ҳокимият органлари, халқаро ташкилотлар ёки норезидентлардан;
- солиқ назоратининг оқибатлари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ нашр этилади (В.Кхотуменко ва бошқар, 2015).

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани шакллантиришда солиқ таҳлилининг (иқтисодий таҳлил) методикасида мавжуд бўлган методлардан фойдаланилган. Жумладан, анализ, синтез, индукция, дедукция ва илмий абстракция методларига таянилган ҳолда тадқиқот олиб борилган ва якуни бўйича хулоса шакллантирилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ ахборот технологиялари даврида катта маълумотлар таҳлиliga асосланган солиқ текширувлари аллақачон кенг тарқалган бўлиб, ҳисобот беришдан келиб чиқадиган текширувлар одатда камроқ бўлади. Аммо баъзи фирмаларнинг фикрига кўра, солиқ ҳисоботи билан боғлиқ текширувлар частотаси ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Бизнинг фикримизча эса, солиқ таҳлилининг ахборот таъминотини шакллантиришда қуйида 1-расмда келтирилган кетма-кетлик асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

1-расмда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қисмида бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимининг ҳуқуқий-меъёрий асоси келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қисмида бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимининг ҳуқуқий-меъёрий асоси келтирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида мамлакатимизда амал қилаётган солиқлар ва йиғимларга тўловларнинг солиққа

тортиш объекти, базасини аниқлаш тартиблари келтирилган ҳамда солиқ турлари бўйича имтиёزلарни қўлланиши кўрсатилган. Булардан биз солиқ таҳлилини ўтказишда бевосита фойдаланамиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” ва “Божхона кодекси”да ҳам солиқлар билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришнинг нормалари ўз аксини топган.



1-расм. Солиқ таҳлиlining ахборот таъминоти тизими¹

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда (2016) бухгалтерия ҳисобининг объектлари, шу жумладан, солиқлар бўйича мажбуриятлар акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида мамлакатимизда солиққа тортиш тизими билан боғлиқ ўзгаришлар, тартиблар, қоидалар, берилаётган имтиёзлар белгилаб берилади.

Қарор ва фармонларда келтирилган нормалар, маълумотлар макро ва микродаражада ўтказилаётган солиқ таҳлилини ўтказишда кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Солиқ, божхона ва статистика органларининг маълумотлари солиқ юкини ҳисоблаш ва таҳлил қилишда, солиқлар ва йиғимлар бўйича тушумлари таркибини, уларнинг динамикасини ўрганиш ва таҳлил қилишда, режалаштириш ва прогноз қилишда асос ҳисобланади.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига келадиган бўлсак, ҳисоб регистрлари, бош китоб ва молиявий ҳисоботнинг барча шаклларидаги маълумотлар ҳўжалик юритувчи субъектларда солиқ таҳлилини ўтказишда ҳамда солиқ харажатларини камайтириш бўйича заҳираларни аниқлашда асосий маълумотлар манбаи сифатида ишлатилади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдики, солиқ таҳлилини ўтказишда кўпинча молиявий ҳисоботнинг 1-шакли “Бухгалтерия баланси” ва 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”лар маълумотлар манбаи сифатида келтирилади. Жумладан, А.М.Васильев (2012) қуйидагиларни қайд этган: “Солиқ

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таҳлилининг ахборот таъминоти тизими қуйидагиларни ўз ичига олади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари:

- 1). Бухгалтерия баланси (ф 1).
 - 2). Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (ф 2).
- Бошқарув ҳисоботи.
Солиқ ҳисоботи”.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуннинг (2016) “22-модда. Молиявий ҳисобот” – Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар”лардаги барча маълумотлардан солиқ таҳлилини ўтказишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув ҳисобининг маълумотларидан таннархни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасига, шунингдек, фойда солиғининг солиққа тортиш базасига таъсирини аниқлашда фойдаланилади.


Одатда тадқиқотимиз давомида шунга амин бўлмоқдамизки, солиқ таҳлилининг энг муҳим ахборот таъминоти хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботлари ҳисобланиб, бухгалтерия ҳисоботлари ичидан солиқ тўловлари тўғрисида энг керакли маълумот берувчи ҳужжат бу - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўлиб, унинг бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотнома қисмида барча солиқ тўловлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятига эгамиз, яъни хўжалик юритувчи субъект ҳақидаги дастлабки маълумотни ҳам айти шу ҳужжатга асослаб олиш имконияти мавжуд. Чунки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш имконияти солиқ ҳисоботларига нисбатан қўлай ҳамда унга эга бўлиш имконияти очиклиги билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ таҳлилининг ахборот таъминотида муҳим турувчи ҳужжатлардан яна бири бу - солиқ ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўлиб, улар солиқ таҳлилини ўтказишда асосий манбадир. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020-03-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221) тасдиқланди. Солиқ турлари бўйича солиқ ҳисобот шаклларидаги мавжуд маълумотлар солиқлар бўйича таҳлил ўтказишда кенг ишлатилади.

Солиқ таҳлили учун муҳим бўлган бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ва ҳисоботига оид ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Яъни синтез ва дедукция усуллари таянган ҳолда маълумотлар умумлаштирилиб, мамлакат бюджет солиқ сиёсатининг жорий ҳолатини баҳолаш имкониятига эгамиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотномаси ҳамда солиқ ҳисоботи шакллари таҳлил ўтказилаётган субъект тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда хўжалик юритувчи субъект фаолияти асосида таҳлил

ўтказишда унинг муҳим ахборот манбаларини солиқ таҳлилининг ахборот манбалари шакллантирганмиз.



2-расм. Солиқ таҳлилининг ахборот манбалари²

2-расмда келтирилган бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари солиқ таҳлили учун энг муҳим ахборот манба ҳисобланиб, камерал солиқ текшируви ҳам шу манбаларга асосланган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилади. Дарҳақиқат, солиқ текширувларининг ҳар қандай шаклда ўтказилишидан қатъий назар, улар таянадиган ахборот манбаида биз томонимиздан келтириб ўтилган солиқ таҳлилининг ахборот манбаининг ўрни катта ҳисобланади. Юқоридаги манбаларда акс эттирилган маълумотларга асосан солиқ таҳлилининг ахборот таъминоти шаклланади ва шуларга асосан таҳлил жараёнлари амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, юқоридаги ахборот таъминотидаги маълумотлар асосида ўтказилган солиқ таҳлили билан самарадорликка эришиш мумкин.

Шунингдек, халқаро амалиётда солиқ текшируварини ўтказишда бошқа ҳисобот манбалари ҳам кенг ўрганилган. Яъни:

- Ички ходимлар томонидан ҳисобот. Бундай тез-тез учрайдиган ҳисобот тури кўпинча норози ички ходимларнинг лавозимга кўтарилиш ёки иш жойларини ўзгартиришдан норозиликлари туфайли солиқ қонунчилиги бузилиши тўғрисида маълумотларга эга бўлган органларга хабар беришлари билан қўзғатилади.

- Мукофотлар учун профессионал маълумот берувчилар томонидан хабар қилинган ҳисобот. Солиқ қонунбузарликлари тўғрисида хабар берганлик учун солиқ тўловчиларни мукофотлаш бўйича вақтинчалик чора-тадбирлар натижасида маълумотлар етказиб берилиши мумкин.

- Рақобатчилар томонидан хабар қилинган. Рақобатчилар одатда рақибларини обрўсизлантириш ёки уни йўқ қилиш учун ўзлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича маълумотлар.

- Иқтисодий низолар сабаб бўлган ҳисобот. Агар иқтисодий низони оддий ва оқилона йўллар билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, солиқ ҳисоботи ёрдам ва қасос воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- Ҳиссий низолар сабаб бўлган ҳисобот. Мисол тариқасида, турмуш ўртоғи ҳиссий жанжал туфайли эри ва унинг компаниясини ҳақиқий номидан солиқ тўлашдан бўйин товлаганликда айблаб, солиқ идораларига ҳам мурожаат қилиши халқаро амалиётда кўп ўчраб туради.

- Акциядорлар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли ҳисобот бериш. Бу ҳам бир бирини обрўсизлантириш мақсадида ёки рақибини касодга ўчратишнинг қасддан қилинган шакли сифатида кўплаб ўчраб турадиган ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, корхоналар ўзларининг кундалик бошқарувида солиқ ҳисоботини келтириб чиқариши мумкин бўлган масалалар бўйича эҳтиёт чораларини кўришлари керак, масалан, ахборотни изоляция қилиш механизмини ўрнатиш, низоларни тўғри ҳал қилиш механизми ва маълумотларни ошкор қилиш механизмини нотўғри ҳал қилишнинг олдини олиш учун ички ходимлар ёки иқтисодий низоларни қўзғатмаслик лозим. Шунинг учун маълумот имкон қадар назорат қилинадиган диапазонда сақланиши мумкин, бу эса маълумотларнинг сизиб чиқиши хавфини сезиларли даражада камайтиради. Шунингдек, ташқи томонлар билан низоларда низонинг ўзида солиқ камчиликлари бор-йўқлиги тўғри кўриб чиқиши керак, акс ҳолда у бошқа томон томонидан солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун осонликча воситага айланиши мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тақдим этишда юзага келиши мумкин бўлган потенциал хавфлардан хабардор бўлиши керак. Солиқ ҳисоботидаги маълумотларнинг аксарияти жуда аниқ бўлиб, ҳисобот берилган корхоналар асосан текширувдан сўнг солиқни қайтаришлари керак бўладиги, бунинг натижасида акциядорлар ва корхоналарга мунтазам солиқ текширувларидан кўра кўпроқ солиқ таъсири доирасида бўлишига олиб келади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида биз солиқ таҳлили учун солиққа оид ҳисоботларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг натижаси хусусида тадқиқот олиб бордик. Шу сабабли, солиқ ҳисоботини тақдим этишдан келиб чиқадиган солиқ рискларини олдини олиш ёки камайтириш учун профилактика чораларини вақтида кўрилиши оқилона чора-тадбир ҳисобланади.

Аввало, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар (ёки солиқ тўловчилар) ўз ички бошқарувларида солиқ таҳлиliga оид мутахассисларни жалб этиши ёки ташқи маслаҳатчиларни ёллаши орқали солиқ қонунчилигини яхшилаш лозим бўлади. Тадқиқотимиз давомида ўрганишлар олиб бориши шуни кўрсатмоқдаки, солиқ таҳлили бўйича ишларни тўғри ташкил этилиши хатто Ғарб мамлакатлари учун ҳам ўта муҳим сиёсат ҳисобланиб, бунинг учун алоҳида солиқ текширувига оид хизмат кўрсатувчи марказлар мавжуд.

Солиқ ҳисоботи хавфининг олдини олиш учун корхоналар ҳар томонлама солиқ мажбуриятларини ўтказишлари керак. Баъзиларнинг тажрибасига кўра, ички молия ходимлари кўпинча ўз корхоналарининг солиқ қонунчилигига мувофиқлигини нотўғри баҳолайдилар, чунки улар фақат молиявий нуқтаи назардан риоя қилишни тушунишга одатланган. Корхонада солиқ бўйича мутахассис бўлмаган ҳолда, улар солиқ нуқтаи назаридан риоя қилишни тушунишни эътиборсиз қолдирадилар. Солиқ ҳисоботи ва текшируви хавфини камайтириш учун профессионал ички солиқ экспертларини жалб қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя этилишини ихтисослаштирилган текширишларни ўтказиш учун ташқи ташкилотларни жалб қилиш ва солиқ қонунчилигига риоя қилишни яхшилаш учун солиқ маслаҳатчиларни жалб қилиш идеал ечимлардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

Khomutenko V., Lutsenko I., Khomutenko A. (2015) Administration of Taxes, Fees, Payments. Atlant, Odessa, Available at: <http://dspace.oneu.edu.ua/jspui/handle/123456789/3150>

Балабанова, Т.В. (2012) Управленческий анализ как элемент управленческой учетной системы, его роль в информационном обеспечении менеджмента / Т.В. Балабанова // Вестник ГиЭТ. №3.

Васильев А.М. (2012) Налоговый анализ в системе прогнозирующих и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н., Орел-Ст. 13

Гудков А.А. (2014) "Сущность и роль налогового анализа в системе управления налогообложением". [Международный экономический форум 2014](#).

Дедкова, Е.Г. (2010) Информационное обеспечение анализа налоговых затрат [Текст] / Е.Г.Дедкова // Управленческий учет. №8. – С. 49-56.

Егорова Е.В. (2015) Налоговый анализ в организациях. диссертации на соискание ученой степени к.э.н., М: 28 стр.

Попова, Л.В. (2011) Налоговый анализ: учебное пособие для высшего профессионального образования / Л.В. Попова, Н.Г. Варакса, Е.Г. Дедкова. – Орел: ФГОУ ВПО «Госуниверситет – УНПК», 165 с.

Филина, Ф.Н. (2014) Налоги и налогообложение в Российской Федерации: учеб. пособие / Ф. Н. Филина. М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, С. 197.

Усатова Л.В. (2008) Формирование управленческой и налоговой составляющей учетно-аналитической системы расходов в условиях неопределенности в период трансформации международных стандартов финансовой отчетности. Автореферат д.э.н., Орел. Ст 15.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун 2016 йил 13 апрель.



КОРЕЯ ТЕМАТИК ТУРИЗМ ҚИШЛОҚЛАРИДАН ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Исломова Д.С.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Корея тематик туризм қишлоқлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва ташкил этилишидан мақсад тадқиқ этилган бўлиб, тадқиқот натижасида Корея тематик туризм қишлоқларидан Қашқадарё вилоятида фойдаланиш имкониятлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: туристик жозибадорлик, туризм қишлоқлари, Қашқадарё, қишлоқ хўжалик, тарихий қишлоқ, туристик оқим.

Аннотация: В данной научной статье рассматриваются корейские тематические туристические деревни, их особенности и цели их организации. В результате исследования представлены предложения и рекомендации по возможностям использования корейских тематических туристических деревень в Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: туристическая привлекательность, туристические поселки, Кашкадарья, сельское хозяйство, исторический поселок, туристический поток.

Abstract: This scientific article examines Korean thematic tourism villages, their specific aspects and the purpose of their organization. As a result of the research, proposals and recommendations on the possibilities of using Korean thematic tourism villages in Kashkadarya region are presented.

Key words: tourist attraction, tourism villages, Kashkadarya, agriculture, historical village, tourist flow.

1. Кириш.

Глобаллашув даврига келиб туризм ҳам рақобатбардошликнинг асосий омилларидан бирига айланди. Мамлакатлар туристик жозибадорликни ошириш мақсадида маркетингнинг турли воситаларидан фойдаланиш билан бирга хорижлик сайёҳларни жалб қилишнинг турли усуллари қўлламоқда. Худди шундай Корея Республикасида ҳам туристик оқимнинг асосий қисмини ўзига жалб қилаётган тематик туризм қишлоқлари машхур.

Мамлакат бўйлаб 873 дан ортиқ тематик туризм қишлоқлари мавжуд бўлиб, улар тарихий, экологик, қишлоқ хўжалиги ва турли анъаналарни кўрсатиб берувчи қишлоқлар шаклида ташкил этилган. Фаолият турлари мавсумга қараб ўзгаради.

Баҳорда ташриф буюрувчилар чиройли гулларга қойил қоладилар, ёзда сузадилар, кузда ҳосил йиғадилар, қишда эса конкида учадилар¹.

Ҳукумат томонидан бундай қишлоқларни ташкил этишдан мақсад мамлакатнинг чекка қишлоқларига ҳам сайёҳларни жалб қилиш, бу орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлиги ошириш бўлган. Шунингдек, бундай қишлоқлар мамлакатнинг чекка ҳудудларида инфтузилма ва транспорт-логистика тизимининг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақоланинг мақсади ҳам Корея тематик туризм қишлоқларини Ўзбекистон, хусусан Қашқадарё вилоятида қўллаш имкониятларини ўрганишдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Корея туризм ташкилоти Корея тўлқинини “корейсларнинг чет элдаги машҳур маданиятининг севимли ҳодисаси” деб таърифлайди (Х.Сонг, С.Вит, 2003). Корейс тўлқини маданий ҳодисалар ва иқтисодий ҳодисаларнинг кўп қиррали хусусиятига эга ва шунинг учун ўзининг турли қарашлари туфайли турли йўллар билан таърифланади. В.Х.Лининг (2011) фикрича, Кореяда туризмнинг ривожланиб бораётгани ҳам мамлакат иқтисодий мўжизасининг бир ҳодисасидир. Ҳақиқатдан ҳам, “Корея тўлқини”нинг асосини унинг маданияти ва ушбу маданиятга қизиқувчилар сонининг ортиб бораётганлиги ташкил этади. Туризм қишлоқлари эса Корея маданиятини кўрсатиб берувчи асосий воситадир.

Г.Р.Чо ва бошқа олимлар (2009) томонидан 121 та туристик қишлоқда ўтказилган сўровномага мувофиқ, ҳудудда туристик қишлоқларнинг жалб қилиниши натижасида қишлоқ аҳолиси орасида қишлоқ хўжалиги мутахассисликларидан ташқари бошқа соҳалар билан қизиқувчиларнинг улуши ортган. Аёлларнинг туризмга ва умуман, иқтисодий соҳаларга жалб қилиниш даражаси ўсган.

Вон-Жо Жунг ва бошқалар (2014) томонидан келтирилишича, балиқчилик қишлоғи балиқчилик саноатининг марказий базасига айланиб бормоқда ва у туризмнинг ривожланишига катта рол ўйнайди. Муваффақиятли ҳолатларга асосланган кўрсатмалар, шунингдек, балиқчи қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мақсадлари ва йўналишлари бўйича асосий омиллар қуйидагилардан иборат.

- 1) Ердан фойдаланиш режалари,
- 2) Туристик ресурсларни ривожлантириш,
- 3) Кўринишлар учун режалар,
- 4) Ресурсларни муҳофаза қилиш режалари,
- 5) Операцион ва маркетинг режалари.

Ё.Ли ва Д.Б.Уивер (2014) томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Бутлер туристик ҳудуди ҳаётий цикли моделини Корея адабий қишлоғи ва гипер дестинацияга қўллаш меҳмон ва мезбоннинг жуда юқори нисбати ва алоқалари, аҳолининг нисбатан паст даражадаги норозилиги ва жозибадорликдаги ўзгаришлар ўртасидаги аниқ қарама-қаршилиқлар ҳам резидентларнинг, ҳам ташриф буюрувчиларнинг топофилиясини ва спекулятив равишда бир ҳил маданий контекстнинг таъсирини акс эттиради.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда Корея тематик туризм қишлоқларининг ҳудуд учун фойдали жиҳатларини ўрганиш учун илмий абстракциялаш, дедукция усулларида, Корея

¹ <https://www.businesswire.com/news/home/20161121005401/en/Unique-Journey-in-South-Korea-Korea-Rural-Tourism>

тематик туризм қишлоқлари тажрибасини Қашқадарё вилоятида тадбиқ этиш йўналишларини тадқиқ этиш учун анализ ва синтез усулларида фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Корея Республикасининг тематик туристик қишлоқлари

Жанубий Корея турли хил ханок қишлоқлари билан фахрланади. Сўнгги пайтларда Ханок қишлоғи янги сайёҳлик маскани сифатида тобора оммалашиб бормоқда, бу ерда меҳмонлар замонавий ханок меъморчилигидан кўра анъанавий корейс ёғоч уйларида иборат эски қишлоқни кўришлари мумкин.

Сеулнинг қоқ марказида жойлашган, кўп қаватли бинолар билан гавжум Букчон Ханок қишлоғи ва Намсангол Ханок қишлоғи ташриф буюрувчиларга ўтмиш ва ҳозирги замоннинг уйғунлигини ҳис қилиш имконини беради. Жанубий Кореядаги энг катта ханок ҳудуди бўлган Чонжу Ханок қишлоғи замонавийлаштирилган ханок архитектураси билан уйғунлашган 625 га яқин анъанавий плиткали томли уйлardan иборат. Ушбу қишлоқ нафақат диққатга сазовор жойларни томоша қилиш учун маданий маҳсулот бўлгани учун, балки сайёҳлар чой маросими ва ханжа тайёрлаш дастури каби анъанавий тажрибаларни бошдан кечирадиган жой бўлиб хизмат қилгани учун ҳам ишқибозлар учун энг машҳур жойлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, Чунгчеонгнам-до шаҳрида жойлашган Гонгжу Ханок қишлоғи, Гангнеунг Ожукхон Ханок қишлоғи ва Жеолланам-додаги Еонам Гурим Ханок қишлоғи Жеонжу Ханок қишлоғи каби катта эмас, лекин улар ташриф буюрувчиларга Корея маданиятидан баҳраманд бўлишлари учун етарлича имкониятни таклиф этади.

Гангвон-до, Гангнеунг шаҳрида жойлашган Сеонгеожанг уйи, Жосеон сулоласи даврида одатий юқори синф қароргоҳи бўлган, шунингдек, ташриф буюрувчиларга Ханок қишлоғида бўлмаса ҳам, анъанавий корейс уйлари кўриш имконини беради. Бу 300 йиллик анъанавий уйда ҳали ҳам авлодлар яшайди².

Жанубий Кореянинг иккита йўналиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) 2021-йил учун энг яхши сайёҳлик қишлоқлари рўйхатига киритилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) томонидан тузилган рўйхат қишлоқларни маданий ва табиий бойликлари, анъанавий маданиятни тарғиб қилганликлари учун тақдирлайди. Кореянинг иккита объекти Бинафша орол ва Унгок қишлоғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг эътирофига сазовор бўлди. UNWTO энг яхши туристик қишлоқлар рўйхатининг мавзуси “Туризм қишлоқ тараққиёти ва интеграциясининг ҳаракатлантирувчи кучи” эди.

Бинафша орол Мокпо-си, Жеолла-нам-до соҳилидаги ороллар занжирининг бир қисмидир. Банвол ва Бакжи ороллари минтақада туризмни ривожлантириш мақсадида бинафша рангга бўялган. Оролнинг лаванта ва кўк қўнғироқ каби табиий бинафша ранг флорасидан илҳомланган маҳаллий ҳукумат 2018 йилда минглаб биноларни бинафша рангга бўяшни буюрди.

Бинафшаранг томлар, телефон кабиналари, жамоат ҳожатхоналари ва меҳмонхона интерерларидан ташқари яна 40 минг лаванта буталари экилган. Лаванда майдонлари бинафша ранг мавзусини илҳомлантирганлиги сабабли, орол энг яхши сайёҳлик қишлоқлари лигаси учун ажойиб номзоддир. Бундан ташқари, туризмни рағбатлантиришнинг бошқа ҳаракатлари экологик муаммоларни кучайтирадиган кенг кўламли қурилиш лойиҳаларини ўз ичига олган бўлса, Бинафша орол лойиҳаси экологик тоза амалиётлардан фойдаланган³.

² <https://www.koreanculture.org/korea-information-tourism>

³ <https://koreabyme.com/two-korean-villages-on-uns-global-best-tourism-villages-2021/>

Минсеок қишлоғи (Корея халқ қишлоғи) - Жанубий Кореянинг Геонгги провинциясидаги Сеул метрополитан ҳудудидаги сунъий йўлдош шаҳар бўлган Ёнгин шаҳридаги жонли музей типидagi туристик диққатга сазовор жой. У биринчи марта 1974 йил 3 октябрда очилган. Корея халқ қишлоғи Жанубий Кореянинг энг йирик кўнгилочар боғи - Эверланд яқинида жойлашган корейслар ва чет элликлар учун машҳур сайёҳлик масканидир.

Қишлоқ табиий муҳитда яратилган бўлиб, тахминан 245 гектарни эгаллайди. Бу ерда кеч Жосеон сулоласини эслатувчи 260 дан ортиқ анъанавий уйларни топиш мумкин. Корейс фолклор қишлоғининг мақсади анъанавий корейс ҳаёти ва маданияти элементларини намоиш этишдир. Боғда бир нечта бўлимлар, жумладан, турли минтақалардаги турли ижтимоий табақаларнинг (деҳқонлар, ер эгалари, янгбанлар) анъанавий уйларининг кўплаб нусхалари жой олган (М.Андерсон, 2004).

Қашқадарё вилоятининг туристик салоҳияти

Қашқадарё вилоятида тарихий обидалар сони асосан Шаҳрисабз, Қарши ва Китоб туманларида кўп учрайди. Шаҳрисабз шаҳри ЮНЕСКО бутун жаҳон маданий мерослигига киритилган⁴. Қашқадарё вилоятида ўзининг узоқ ўтмишига эга эканлиги сабаб тарихий обидалар сони ва илмий янгилиги турфа хилликни ташкил этади. Қашқадарё вилоятида тарихий обидалар сони ҳудудлар кесимида турлича ҳисобланади.

Қарши шаҳар — Археологик ёдгорликлар 28 та, Архитектура ёдгорликлари 25 та, монументал санъат ёдгорликлари 6 та, диққатга сазовор жойлар 1 та.

Шаҳрисабз тумани — Археологик ёдгорликлар 138 та, Архитектура ёдгорликлари 22 та, монументал санъат ёдгорликлари 5 та.

Яккабоғ тумани — Археологик ёдгорликлар 195 та, Архитектура ёдгорликлари 38 та, монументал санъат ёдгорликлари 2 та, диққатга сазовор жойлар 2 та.

Китоб тумани — Археологик ёдгорликлар 281 та, Архитектура ёдгорликлари 16 та, монументал санъат ёдгорликлари 3 та, диққатга сазовор жойлар 5 та.

Ўзгор тумани — Археологик ёдгорликлар 94 та, Архитектура ёдгорликлари 9 та, монументал санъат ёдгорликлари 3 та, диққатга сазовор жойлар 3 та.

Косон тумани — Археологик ёдгорликлар 76 та, Архитектура ёдгорликлари 11 та, монументал санъат ёдгорликлари 4 та, диққатга сазовор жойлар 1 та.

Чироқчи тумани — Археологик ёдгорликлар 58 та, Архитектура ёдгорликлари 16 та, монументал санъат ёдгорликлари 3 та, диққатга сазовор жойлар 2 та.

Шаҳрисабз шаҳри — Археологик ёдгорликлар 29 та, Архитектура ёдгорликлари 28 та, монументал санъат ёдгорликлари 5 та.

Қарши тумани — Археологик ёдгорликлар 58 та, Архитектура ёдгорликлари 29 та, монументал санъат ёдгорликлари 28 та, диққатга сазовор жойлар 5 та.

Касби тумани — Археологик ёдгорликлар 79 та, Архитектура ёдгорликлари 11 та, монументал санъат ёдгорликлари 2 та, диққатга сазовор жойлар 2 та.

Нишон тумани — Археологик ёдгорликлар 3 та, Архитектура ёдгорликлари 1 та, диққатга сазовор жойлар 3 та.

Миришкор тумани — Археологик ёдгорликлар 9 та, Архитектура ёдгорликлари 6 та, монументал санъат ёдгорликлари 2 та, диққатга сазовор жойлар 1 та.

Муборак тумани — Археологик ёдгорликлар 2 та, Архитектура ёдгорликлари 3 та, монументал санъат ёдгорликлари 2 та, диққатга сазовор жойлар 1 та.

Қашқадарё вилоятида рекреацион жиҳатдан шифобахш булоқлари, дам олиш масканлари, санаториялар, соҳил ҳудудлар мавжуд.

Шифобахш булоқлар асосан вилоятнинг тоғ олди ва тоғли қисмларида кўп учрайди. Ҳозирда вилоят ҳудудида 20 га яқин шифобахш булоқлар мавжуд. Улардан

⁴ <https://uzbekistan.travel/uz/r/qashqadaryo-viloyati/>

Зеварди, Майманок, Қарлиқ, Ўрта булоқ, Муборак, Хўжахайрон булоқлари халқ хўжалигида муҳим саналади. Булоқларда гидрокарбанат натрий, бром, ёд, бром оксиди, сульфат натрий, водород сулфит каби кимёвий элементлар мавжуд.

Мироқи шаҳарчаси

Шаҳрисабз туманидаги курорт, рекреацион ресурсларга эга бўлган шаҳарча ҳисобланади. Мироқи шаҳарчаси денгиз сатҳидан 980 метр баландликда жойлашган бўлиб, 1986-йилда шаҳарча мақомини олган. Шаҳарча туризм ва рекреация учун хизмат кўрсатиш негизидан пайдо бўлган шаҳарча ҳисобланади. Шаҳарча ҳудудида санатория, маҳаллий ишлаб чиқариш, савдо мажмуалари, саноат корхоналари ва оромгоҳлар мавжуд. Республика бўйлаб келган маҳаллий сайёҳларга асосан апрелдан сентябр ойигача хизмат кўрсатади.

Кўл қишлоғи

Шаҳрисабз туманининг баланд тоғ минтақа ҳудудларида жойлашган қишлоқ саналади. Кўл қишлоғига олиб боровчи йўл жуда узоқ ҳисобланади ва йўл асосан қоятошлар, чуқур даралар оралаб ўтилади. Кўл қишлоғида 1500 га яқин аҳоли истеъжомат қилади. Аҳолининг асосий турмуш фаолияти эса маҳаллий деҳқончилик, чорвачилик ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Кўл қишлоғига ёғингарчилик миқдори юқори, қиш жуда совуқ ва ёз нисбатан салқин бўлади. Йил давомида фақатгина 4 ой давомида қуёш нур сочиб туради қолган вақтларда эса ёмғир ва қор ёғади. Қишлоқга олиб боровчи йўллар асосан бир тамонлама ҳаракатланувчи йўллар саналади. Қишлоқ ҳудудида этнография ва экотуризм объектлари мавжуд.

Ғилон қишлоғи

Ҳисор тоғ этакларида жойлашган қишлоқ ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланиди. Қишлоқ ҳудудида бир қанча экотуризм объектлари, рекреацион шифобахш сувлари мавжуд. Қишлоқ шунингдек сайёҳларга хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилган, ҳудудда 6 та оилавий меҳмонхоналар мавжуд. Қишлоқда қиш нисбатан узоқ давом этиши сабаб сайёҳлик мавсумийлик хусусиятига эга⁵.

Қишлоқнинг шаклланиши ва номи билан боғлиқ ўзига хос тарихи мавжуд.

5. Хулоса ва таклифлар.

Корея тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ этиш имкониятлари

Тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди:

Кореянинг тарихи, маданияти ва анаъаналари ўзбекларникига жуду ўхшаш. Шунингдек, Корейс туризм қишлоқлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ва туристик йўналишлар ҳам мамлакатимиз туризм бозори имкониятлари жуда яқин;


Кореяда туристик қишлоқларни ташкил этишдан мақсад аҳолининг ўзини-ўзи банд қилишини таъминлаш ва қишлоқларда инфратузилмани ривожлантиришда. Аҳоли сони 3,5 млн кишидан ортиқни ташкил этаётган Қашқадарё вилояти учун ҳам янги иш жойларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда ҳам, Корея Республикасининг тематик туристик қишлоқларини ташкил этиш тажрибасини Қашқадарё вилоятида қўллаш самарали бўлиши мумкин. У қуйидаги механизм асосида амалга ошади:

Қашқадарё вилояти ранг-баранг табиати ва эко муҳитига эга. Бир туманнинг оби-ҳавоси иккинчисиникидан фарқланади. Шу сабабдан ҳам бу ерда тарихий, экологик тоза ва қишлоқ хўжалиги туризм қишлоқларини ташкил этиш мумкин.

Жумладан, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларида археологик ёдгорликлар сони бошқа туманларга қараганда кўпроқ. Бу ерда Амир Темур ёки Бахши

⁵ <https://www.trt.net.tr/uzbek/dasturlar/2020/08/25/1234567890-1478747>

фестивалларини ўтказиш, бу орқали тарихий ёдгорликлар билан сайёҳларни таништириш мумкин.



1-расм. Тематик туристик қишлоқларни ташкил этиш йўналишлари⁶

Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари табиати ўзига хос тоза ва енгил. Бу ерда кундузлари иссиқ, кучқурунлари нисбатан салқин бўлади. Бундан ташқари тоғлар, кичик дарё ёки булоқлари ва ўзига хос флора олами кўпчилик сайёҳларни ўзига жалб қилади. Шу сабабли ҳам экологик тоза қишлоқларни ушбу туманларда ташкил қилиш мумкин. Экологик тоза қишлоқларда тонг саҳарда эчки ёки от сутини истеъмол қилиш, ёзда дарё ёки булоқ сувида чўмилиш, тонг салқинида тоғга чиқиш каби хизматларни таклиф қилиш мумкин.

Касби, Нишон, Ғузор ва Миришкор туманларининг вилоят қишлоқ хўжалигида улуши катта. Бу ерда чорвачилик ва деҳқончилик яхши ривожланган. Шу сабабли ҳам Касби, Нишон, Ғузор ва Миришкор туманларида агро қишлоқларни ташкил этиш самарали бўлиши мумкин. Масалан, қўйларнинг кўпайиш даври бўлган март-август ойлари сайёҳлар учун жозибадор давр. Бу даврда улар қўйларнинг болалашини кўриши, янги туғилган қўзичоқни кўлида ушлаши мумкин. Шунингдек, ушбу туманларда кўпқариларни ташкил этиш ҳам сайёҳларни қизиқтирадиган мавзулардан бири.

Аслини олганда, Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳам Корейдан кам эмас. Фақат ушбу салоҳиятни кўрсата олиш, маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш керак. Шу мақсадда интернет глобал тармоғи асосий ёрдамчи ҳисобланади. Масалан, Корея тематик туристик қишлоқлар деб изланса, интернетдан 10 000 га яқин турли мақола, янгилик ва ҳаволарни топиш мумкин. Ушбу усулни Ўзбекистонда ҳам қўлласса, яъни Қашқадарёнинг табиати, ундаги туристик қишлоқларнинг имкониятлари акс этган расм, видео ва мақолалар кўпайса, сайёҳлар сони ортади.

Бундан ташқари Қашқадарё вилояти ранг-баранг табиати ва эко муҳитини кўрсатишда хорижий ва маҳаллий блогерлар ҳам катта ҳисса қўшиши мумкин.

Ушбу ахборот асрида сайёҳларни инновацион янгиликлардан кўра, тоза ҳаво ва табиат қўйни кўпроқ жалб қилади. Шу сабабли ҳам Корея тематик туризм қишлоқларини Қашқадарёда қўллаш яхши натижа бериш эҳтимоли юқори.

Адабиётлар:

Cho, G.R. (2009) Philippines Univ. Los Banos, College, Laguna. "Community participation in the village-based rural tourism projects in South Korea". <https://agris.fao.org/agris-search/search.do?recordID=PH2008001005>

⁶ расм муаллиф ишланмаси

Lee, W.H. (2011) A research on policy direction for Voluntourism, Korea Culture & Tourism Institute.

Jung, Won-Jo, Lee, Han-Seok and Lee, Myung-Kwon (2014) "A Study on Guidelines of Tourism Development in Korea and Japan," Journal of Navigation and Port Research. 한국항해항만학회, 38(3), pp. 277-289. doi: 10.5394/KINPR.2014.38.3.277.

Song H., Witt, S.F. (2003) Tourism forecasting: Accuracy of alternative econometric models. International Journal of Forecasting, 19(1), 123-141.

Younghee Lee & David Weaver (2014) The Tourism Area Life Cycle in Kim Yujeong Literary Village, Korea, Asia Pacific Journal of Tourism Research, 19:2, 181-198, DOI: 10.1080/10941665.2012.735681

Андерсон М. (2004) «Корейская народная деревня - это старомодный оазис в быстро развивающемся городе» . YON - Корейское информационное агентство Yonhap.



ТИЖОРАТ СИРИ ШАРОИТИДА АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*и.ф.д., профессор, Исманов И.Н.
Фарғона Политехника Институтини,
и.ф.н., доцент Мўйдинов Э.Дж.
Тошкент молия институтини*

Аннотация. Рақамли иқтисодиётга ўтиш, ахборот технологияларини ривожланиши, ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш воситаларининг замонавий ривожланиши, корхона ва ташкилотларда тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилишнинг аҳамиятини оширишга олиб келади. Тижорат сирини бўлган маълумотларнинг тарқалиши (сизиб чиқиши) асосан ташкилий канал орқали амалга оширилади, унинг ҳимоя ҳолати доимий равишда кузатишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолатда ишнинг мақсади сифатида ташкилотдаги тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг методологиясини шакллантиришдан иборат. Ушбу методологиядан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилишни автоматлаштириш, ходимларнинг ижро интизоми даражасини баҳолаш ва объект ходимларининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларни синаш учун фойдаланиш мумкин. Мақолада тижорат сирини шароитида аудитни ташкил қилиш бўйича тизимни таҳлил қилиш, морфологик таҳлил қилиш ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди ҳамда қўлланилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт; ахборот хавфсизлиги; ахборотни ошкор қилиш; ташкилот тижорат сирини; аудиторлик маълумотлари.

Аннотация. Переход к цифровой экономике, развитие информационных технологий, современное развитие информатизации и средств передачи данных приводят к повышению важности защиты информации, составляющей коммерческую тайну на предприятиях и в организациях. Распространение (утечка) информации, составляющей коммерческую тайну, осуществляется в основном по организационному каналу, состояние ее защиты требует постоянного контроля. Исходя из этого, цель работы по делу состоит в формировании методологии организации мероприятий по аудиту информации, составляющей коммерческую тайну в организации. Данная методология может быть использована для автоматизации контроля за выполнением требований нормативных документов в области информационной безопасности, оценки уровня исполнительской дисциплины сотрудников и проверки знаний и навыков в области информационной безопасности сотрудников объекта. В статье использовались и применялись методы системного анализа, морфологического анализа и экспертной оценки для организации аудита в условиях коммерческой тайны.

Ключевые слова: цифровая экономика; информационная безопасность; раскрытие информации; коммерческая тайна организации; аудиторская информация.

Abstract. *The transition to the digital economy, the development of information technologies, the modern development of informatization and means of data transmission lead to an increase in the importance of protecting information constituting a trade secret at enterprises and organizations. The dissemination (leakage) of information constituting a trade secret is carried out mainly through an organizational channel, the state of its protection requires constant monitoring. Based on this, the purpose of the work on the case is to form a methodology for organizing audit activities of information constituting a trade secret in the organization. This methodology can be used to automate the monitoring of compliance with the requirements of regulatory documents in the field of information security, assessment of the level of executive discipline of employees and verification of knowledge and skills in the field of information security of employees of the facility. The article used and applied methods of system analysis, morphological analysis and expert evaluation for the organization of audit in the conditions of trade secrets.*

Keywords: *digital economy; information security; disclosure of information; trade secrets of the organization; audit information.*

1. Кириш.

Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг бошланиши ишлаб чиқарувчилар сонининг ортиши, тақдим қилинаётган маҳсулотлар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, одамларда меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши каби бир қатор ижобий хислатларни яратиш билан бирга айрим салбий ҳолатларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Буни жумладан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг жонланишида кўриш мумкин. Буларга, иқтисодий ҳаётимизда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш; валюта қийматликларини қонунни бузган ҳолда олиш ва ўтказиш; чет эл валютасини яшириш; сохта тадбиркорлик; сохта банкротлик; банкротликни яшириш; монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш; солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш; фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш; қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш; уни эгасининг рухсатисиз ошкор қилиш ёки ундан ғараз мақсадларда фойдаланиш каби янги жиноят турлари юзага келди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон республикаси ҳукумати ушбу жиноятларни олдини олиш ва бизнес соҳасига энди кириб келаётган тадбиркорларни номақбул ҳаракатлардан сақлаш мақсадида янги қонунлар ишлаб чиқмоқда ва ҳаракатдагиларига ўзгартиришлар киритиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни таъминлаш ва назорат қилиш идораларининг олдида турган вазифа мана шу йўналишлар билан боғлиқ қонунлар мазмунини ишбилармон доираларга етказишдан иборат. Бу соҳада аудиторлик хизмати ходимларининг имкониятлари ҳам жуда каттадир. Чунки улар компанияларнинг бизнес - режаларини тузиш; уларнинг бухгалтерия ҳисобини тиклаш, юритиш, уларга бошқа консалтинг хизматлари кўрсатиш ва молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон республикасида тадбиркорликни тартибга солувчи қонунларнинг бузилиши, мамлакат жиноят кодексида кўрсатилган иқтисодий жиноятларнинг содир бўлишини олдини олиш борасида катта имкониятларга эгадирлар.

Шуларни ҳисобга олиб мазкур мақолада тадбиркорлик ва эркин рақобатга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодий жиноят турларидан бири-компаниянинг тижорат сирини эгасининг рухсатсиз ошкора қилиш ҳолатига аудитор нуқтаи назаридан баҳо беришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тижорат сирини жуда ноёб активдир. Агар у ошкор этилса, унинг қиймати нолга тушади ёки сезиларли даражада камаяди (Д.Халл, 2019).

Масалани эътиборга лойиқ томони шундаки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ахборот ўзига хос ноёб товарга айланди ва унга нисбатан:

- ахборотнинг эгаси ким?
- ким ундан манфаатдор?
- унга эришишнинг эҳтимоли қандай?

- уни тижорат мақсадида ишлатиш мумкинми? деган саволлар нуқтаи назаридан қарашга зарурият туғилди.

Шунга кўра сир сақланиши лозим бўлган ахборотлар тўплами юзага келди.

“Тижорат сирини тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг (2014) 3-моддасига кўра тижорат сирини — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қиммати эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборотдир.

Демак, тижорат сирини - тадбиркорларни давлат ва хўжалик юритишнинг бошқа субъектлари билан бўладиган муносабатларида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги эркинликка эга бўлиш ҳуқуқидир. Аммо тегишли назорат бўлмаган тақдирда бу ҳуқуқни суистеъмол қилиш ҳоллари юз бериши ва бунинг натижасида иқтисодиётга ва фуқаролар манфаатига катта зарар етказилиши мумкин. Амалиёт қонунбузарлик йўлига кирган тадбиркорлар тижорат сирини ниқоби остида солиқлардан бош тортиш, ноқонуний валюта муомалалари, давлат кредитларини суистеъмол қилиш, хўжасизлик ҳолатларини яширишга ҳаракат қилишлари мумкинлигини тасдиқламоқда.

Шунинг учун давлатнинг қонуний ҳужжатларида "тижорат сирини" деган тушунчага аниқлик киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг 4-моддасига кўра тижорат сирини қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши;
- қонунчиликка мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очик бўлмаслиги;
- унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши;
- давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги.

Қонунга кўра тижорат сирининг мазмуни ва ҳажми унинг мулкдори томонидан белгиланади

Турли сабабларга кўра, инновацияларни ҳимоя қилиш учун тижорат сирларидан фойдаланиш амалиёти, айниқса, кичик ва ўрта корхоналар (КЎБ) орасида кенг тарқалган. Тижорат сирини механизми қуйидаги афзалликларга эга: уни ҳеч қандай чекловларсиз исталган объектга қўллаш мумкин; бу узоқ ёки қиммат процедуралар билан боғлиқ эмас; у хавфсизликнинг амалий ва ҳуқуқий жиҳатларининг энг яхши комбинациясини таъминлайди ва шартнома қоидалари ва хавфсизлик чораларини тўлдирувчи тезкор тарзда қўлланилиши мумкин (Д.Халл, 2019)..

Тижорат сири шароитида аудитни ташкил этишда тижорат сири сакловчи ахборотларни қуйидаги таснифий белгиларига кўра гуруҳлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Концептуал;
- Ташкилий;
- Технологик;
- Эксплуатацион;
- Параметрик¹.

3. Таҳлил ва натижалар.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш тижорат сири таркибига киритилиши лозим бўлган маълумотлар турларини аниқлаш имконини беради.

Хорижда тижорат сирига қуйидаги маълумотлар киритилади:

- компаниянинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;
- маркетинг ва баҳо стратегияси бўйича маълумотлар;
- тузилаётган битимларнинг шартлари ва унинг натижалари;
- маҳсулотининг техник тавсифлари ва ташқи кўриниши нуқтаи назаридан рақобатлашувчи корхона маҳсулоти кўрсаткичлари билан таққослама таҳлили маълумотлари;
- ишлаб чиқаришни маҳсулот хажми ва турлари бўйича ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари;
- компанияни сотиш ва бирлаштириш шартлари;
- компаниянинг ташкилий тузилиши;
- компания хавфсизлик тизимининг асосий элементлари (Қонун, 2022).

Компанияда ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи бўлган ходимлар доираси чекланган, шундай ҳуқуққа эга бўлганлар эса фирма сири билан боғлиқ маълумотлар билан ишлаётганликлари тўғрисида огоҳлантирилган бўлишлари лозим. Тушунмовчиликни олдини олиш мақсадида тижорат сири сифатида талқин қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар тўпламига ҳам аниқлик киритиб олиниши лозим.

Қонуннинг 5-моддасида тижорат сири ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар рўйхати келтирилган. Унга кўра қуйидаги маълумотлар тижорат сири ташкил этиши мумкин эмас:

- юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка доир ҳуқуқлар ва бу ҳуқуқлар бўйича битимлар тўғрисидаги;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардаги;
- атроф муҳитнинг ифлосланиши, ёнғин хавфсизлигининг ҳолати, санитария-эпидемиологик ва радиациявий вазият, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаронинг ва бутун аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳақидаги;
- ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликлари кўрсаткичлари, шунингдек бўш иш ўринлари бор-йўқлиги ҳақидаги;
- иш берувчиларнинг иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий тўловлар бўйича қарздорлиги тўғрисидаги;

¹ https://rt-solar.ru/products/solar_dozor/blog/2667/

- қонунчилик бузилишлари ва бундай бузилишларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисидаги;
- бошқа умум фойдаланишдаги ҳужжатлар.

Ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги бошқа қонунда белгиланган маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас.

Бу маълумотлардан компаниянинг тегишли йўналишларини қонуний тарзда текшириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар, шу жумладан аудиторлик ташкилотлари томонидан бемалол фойдаланишларида компания тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Компания у ёки бу маълумотни тижорат сири таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилиши учун авваламбор, уни ошкора қилиниши қандай салбий оқибатларга олиб келиниши ва бунинг натижасида фирма қанча зиён кўришини ўрганиб чиқиши лозим.

Тижорат сирини ошкора бўлишининг салбий оқибатлари қуйидаги кўринишларда акс этиши мумкин:

- ✓ инқирозга учрашига сабаб бўлиши;
- ✓ ҳамкорлар билан иқтисодий алоқаларнинг ёмонлашуви, узилиши;
- ✓ нафли битим тузиш имкониятидан маҳрум бўлиш;
- ✓ шартнома шартларини бажарилмай қолиши;
- ✓ бозордаги мавқеининг пасайиши;
- ✓ бозорни ўрганиш бўйича қўшимча изланишларни олиб боришнинг заруриятини юзага келиши;
- ✓ илгари қабул қилинган, лекин сирни ошкор бўлиши натижасида маълум молиявий зарарларга олиб келувчи ёки самарасиз қарорлардан воз кечиш;
- ✓ қўлга киритилган махфий маълумотларни рақобатчи компанияга рақобат курашини кескинлаштириш имконини бериши;
- ✓ рақобатчи фирма томонидан илмий-текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари учун кетадиган харажатларни камайтириш, технологиясини такомиллаштириш имконини бериши;
- ✓ компания шаънига путур етиши;
- ✓ кредитлар олиш шароитининг ёмонлашуви;
- ✓ таъминот ва усқуналар сотиб олишда қийинчиликларни юзага келиши;
- ✓ иқтисодий хавфсизлик даражасининг пасайишига олиб келиши ва бошқалар.

Компания раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича тижорат сири мақомига эга бўлган маълумотларни рақобатчилар ихтиёрига тушиб қолишидан кўриладиган зарарларни аниқлаш ва уларнинг энг муҳимларини ажратиб олиш учун корхонанинг малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиши лозим бўлади.

Экспертлар хулосаларига асосланиб фирмада ўта муҳим ва муҳим аҳамиятга эга бўлган "тижорат сири" мақомини талаб қилувчи маълумотлар гуруҳи аниқланади.

Ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар фирма раҳбарида сақланиши ва бу турдаги маълумотлардан фойдаланиш унинг назоратида бўлиниши тавсия қилинади. Иккинчи гуруҳга кирган маълумотлар фирма ходимларига ўзларига тегишли қисмида ҳавола қилинади ва улар тижорат сири билан боғлиқ маълумотлар билан ишлаётганликлари ва бу маълумотларни фирма раҳбариятининг рухсатисиз ошкора қилинишининг оқибатлари тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириладилар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида маҳсулотлар ўртасида юзага келадиган рақобат уларни эгалари ўртасидаги рақобатни келтириб чиқаради. Тижорат сири рақобат тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Зеро сирини сақлай олган томон рақобат курашида устунликка эга бўлади.

Аудиторнинг фикрига кўра амалиётда тижорат сири мақомига эга бўлган ахборотлар аксарият ҳолларда қуйидаги йўллар билан рақобатчиларга етиб бориши мумкин:

- ✓ масъулиятсиз, ўз хизмат ҳолатидан қониқмаётган ва фирма раҳбариятининг ёмон муносабати натижасида бошқа ишга ўтиб кетган ходимлар орқали;
- ✓ тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлардан фойдаланиш тартиби қатъий белгиланиб қўйилмаганлиги ортида бегоналарни бу маълумотларнинг мазмуни билан танишиши, улардан нусха кўчиришларига шароит яратилиб қолганлиги ортида;
- ✓ уларни сақлаш жойлари талабга жавоб бермаганлиги натижасида хужжатларни ўғирланиши орқали;
- ✓ ҳаддан ташқари очиқ реклама ва савдо кўргазмалари орқали;
- ✓ фирма раҳбарлари, масъул ходимларининг оммавий чиқишлар, ишчи учрашувларда йўл қўйган эҳтиётсизликлари натижасида;
- ✓ рақобатчи фирмага қарама-қарши томондан иш излаётган шахс ёки илмий иш бажараётган ёш олим ниқоби остида ўз одамини жўнатиш ёки таниш-билиш ёрдамида уни ишга жойлаштириш орқали;
- ✓ норасмий тадбирлар (дам олиш жойлари, спорт мусобақалари ёки жамоатчилик тадбирлари) ўтказиш пайтида атрофдагилар билан суҳбатда йўл қўйилган эҳтиётсизликлар натижасида.

Хорижий тажриба шуни тасдиқлайдики, ўзининг ақлий мулкани ҳимоя қилиш борасида қайғурмаган тадбиркор олиши мумкин бўлган тушумнинг 30 % гача бўлган қисмини бой бериши мумкин.

Чет эл экспертларининг ҳисобларига кўра Америка бизнесининг ишлаб чиқариш ва савдо сирларини ўғирланиши натижасида кўраётган йиллик зарари 300 млрд.доллардан ортади².

Ҳуқуқий шахсларга консалтинг хизмати кўрсатиш давомида тўпланган тажрибага асосланган аудиторнинг фикрига кўра тижорат сири мақомига эга бўлган маълумотлар билан ишлаш қуйидаги тартибда ташкил қилиниши лозим:

1. Ўз бизнесингизни махфий маълумотларни сақланиши нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқинг. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим деб ўйлаймиз:

- а) қандай маълумотларни корхонангизда махфий маълумотлар таркибига киритиш мумкин?
- б) бу маълумотлар қайси бўлимларнинг фаолияти билан боғлиқ?
- в) кимлар бу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга? Уларнинг ичида шубҳали шахслар ёки ўтмишда нопок ишларга аралашган ходимлар йўқми?
- г) махфий маълумотларни сақланиши ва уларни сақланишини назорат қилиш ҳолати қай аҳволда?
- д) сиз тўғрингизда рақобатчи фирмаларга нималар маълум?
- е) рақобатчи тадбиркорлар сиз билан суҳбатда қандай маълумотларни билиб олишга қизиқишмоқда?
- ж) ҳамкорларингиз, ўрта ва паст бўғиндаги раҳбар ходимларингиз ичида сиздан ўта ранжиган ёки иш ҳамда турмуш шароитидан нолиб юрганлар йўқми?
- з) махфий маълумотларни ошкор бўлиб қолиши бизнесингизга қанчалик таъсир кўрсатиши мумкин?

² <https://finance.bigmir.net/news/2834837-kraji-kommercheskih-tainobho-dyatsya-amerikancam-pochti-v-tret-trillion-dollarov>

Тадбиркор шундай ва шунга ўхшаш бошқа маълумотларга эга бўлгач, махфий маълумотларни аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уларни муҳофаза қилиш йўллари тўғрисида ўйлашга киришади.

2. Тижорат сири мақомига эга бўлган маълумотлар қуйидаги йўллар билан муҳофаза қилиниши мумкин:

- ✓ ошкор қилиниши фирмага жуда катта зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар (кашфиётлар, маҳсулот намуналари...)ни патентлаштириш ёки уларга муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштириб олиш;

- ✓ ходимларни ишга қабул қилишдан аввал уларнинг ўтмишини, ҳуқ

- ✓ атвори, одатлари ва камчиликларини яхшилаб ўрганиб чиқиш;

- ✓ махфий маълумотлар билан ишлайдиган ходимларни фирма;

- ✓ сирини сақлашлари лозимлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш;

- ✓ махфий ҳужжатлар сақланадиган жойни махсус назорат ва огоҳлантириш воситалари билан жиҳозлаш;

- ✓ махфий маълумотларни кодлаштириш, компьютерда сақланадиган маълумотларга эса махсус калит қўйиш;

- ✓ фирмага кириб чиқишни махсус рухсатномалар орқали амалга ошириш ва қабулга келаётган бегона шахсларни рўйхатга олиб бориш;

- ✓ махфий маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлардан олинган нусхаларни қатъий ҳисобга олиш;

- ✓ ишлатилган нусха кўчириш қоғозлари, ёзув машиналарининг яроқсиз ҳолатга келган ленталари, ёзув қоғозларининг бузилган нусхаларини ёқиб юбориш.

Булардан ташқари, ҳар бир тадбиркор ва айниқса фаолияти илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ишлари билан боғлиқ корхона раҳбарлари ўз маҳсулотларини реклама қилиш, кўргазмалар ташкил қилиш, илмий анжуманларда нутқ сўзлаш ёки турли маросимларда таниш-нотаниш шахслар билан кашфиётларнинг мазмуни, маҳсулотларнинг устунликлари, унинг нархи ва бошқа муҳим масалалар бўйича сўз юритишда эҳтиёт-сизликка йўл қўймасликлари лозим.

Кўриб чиққанemizдек, аудиторлар тадбиркорларга сир сақланиши лозим бўлган ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича маслаҳат-чи сифатида намоён бўлишлари мумкин экан. Аммо, шу билан биргаликда мижознинг махфий ҳужжатларининг мазмунини сир сақлашлик талаби аудиторларнинг ўзлари учун ҳам мажбурийдир. Бу жойда шуни айтиш лозимки, "тижорат сири" аудитор учун одатдаги тушунчадан кенгроқ маънога эга. Яъни, аудиторлар молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ёки корхоналарга консалтинг хизматлари кўрсатиш жараёнида бевосита тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлардан ташқари, рақобатчи фирмага ошкор бўлиб қолса мижозининг таъсир доирасини сусайиши, фирмаси шаънига путур етиши, ишчи доираларда унга ишончсизлик туғилиши ва фирма раҳбариятига нисбатан товламачилик қилишга асос бўлиб қолиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар билан ишлашлари мумкин.

Ўзбекистон республикасида "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг (2022) "Ахборотнинг махфийлиги принципи" номли 8- моддасига кўра, аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти ходимлари аудиторлик хизматлари кўрсатиш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни ўзига аудиторлик хизматлари кўрсатилган шахсларнинг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳамда ўзгаларга беришга ҳақли эмас, бундан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Хуффийлик тамойили аудитнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бу ҳолат аудиторлик ташкилотини мижоз билан тузадиган шартномасида ҳам ўз аксини топади. Хуффийлик тамойили шартнома муддати ичидагина эмас, балки у тугаб, мижоз билан ҳамкорлик тўхтатилгандан кейин ҳам ўз кучини йўқотмайди.

Бундан ташқари аудиторнинг ўзигина эмас, балки шу маълумотлардан хабардор бўлган унинг қўли остида ишловчи ёрдамчилари ҳам хуффийлик тамойилига қатъиян риоя қилишлари лозим.

Аудитор томонидан мижознинг маълумотларидан ўз, ёки учинчи томоннинг манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиниши хуффийлик тамойилини бузилганлигидан далолат беради ва у Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиб қилинади.

4. Хулоса ва таклифлар.

Амалиётда шундай ҳолатлар учраши мумкинки, уларни мижоз (иш берувчи) корхонанинг сири деб талқин қилиш ва аудитордан уларни ошкор қилмаслигини талаб этиши мумкин. Мисол учун, текширув жараёнида аудиторга мижозни Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим(лар) тузганлиги; валюта қийматликларини қонунга хилоф равишда олганлиги ёки ўтказганлиги; чет эл валютасини яширганлиги; сохта тадбиркорлик билан шуғулланганлиги; сохта банкротлик эълон қилганлиги; банкротликни яширганлиги; монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги; фаолият билан лицензиясиз шуғулланаётганлиги каби ҳолатлар аниқланиб қолиниши мумкин. Шундай ҳолатларда аудитор бирор-бир қарорга келиш олдидан, юқорида келтирилган ноқонуний ҳаракатлар учун Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексида жазо чоралари назарда тутилганлигини ёдга тутиши лозим. Шунинг учун бу ҳолатда аудитор аудиторлик ташкилоти раҳбариятига шу каби ноқонуний ҳаракатлар аниқланганлиги ва улар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриши лозимлигини таъкидлаб, расмий равишда мурожаат қилиши, ёки бу ҳолатлар жиддий оқибатларга олиб келган бўлса аудиторлик хизмати кўрсатишдан бош тортиши лозим.

Адабиётлар:

Джон Халл (2019) Охрана коммерческой тайны: как организациям выполнить требование, касающееся принятия «надлежащих мер». https://www.wipo.int/wipo_magazine/ru/2019/05/article_0006.html

Қонун (2014) Ўзбекистон Республикаси “Тижорат сири тўғрисида”ги 37-сон, 463-модда.

Қонун (2022) “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон республикаси қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон.



СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

и.ф.д., Курбанов Д.Р.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими

Аннотация: Мақолада асосий урғу ресурс солиқлари ҳисобланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортишга бағишланган бўлиб, мавзу доирасида хорижий иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишлари ўрганилган ҳамда хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, ресурс солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Аннотация: Основной акцент в статье сделан на налогообложении за пользование водными ресурсами, которые рассчитываются как ресурсные налоги, в рамках темы изучены исследования зарубежных экономистов и сделаны выводы.

Ключевые слова: налог, ресурсный налог, налог за пользование водными ресурсами.

Abstract: The main emphasis in the article is on taxation for the use of water resources, which are calculated as resource taxes, research works of foreign economists have been studied and conclusions have been drawn within the framework of the topic.

Key words: tax, resource tax, tax for the use of water resources.

1. Кириш

Сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролини кўрсатиб беришда, бир неча масалаларга эътибор бериш ва уларга нисбатан аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ. Биринчи навбатда, сув ёки сув ресурсларининг табиат инъоми эканлиги хусусида кетаяпти. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг айнан шундай эканлиги сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланиш мумкинлигига асос бўлолмайди. Чунки эътибор бериладиган бўлса, табиат инъоми бўлган бошқа ресурслар, жумладан, ер ва ер ости бойликларидан амалиётда текинга фойдаланилмайди¹. Бу ҳолат барча табиий ресурсларга, шу жумладан, сув ресурсларига ҳам тегишли бўлиши керак. Бунинг устига, табиат ва жамият тараққиётининг маълум бир босқичларида улардан текинга фойдаланилганлиги ҳам ҳозирги шароитда худди шундай ёндошувнинг бўлиши мумкинлигини тақозо этолмайди.

Ўринсиз бўлса-да, бу ерда яна бир ҳолатни қайд этиш лозим: айрим манбаларда “Сув – бу худонинг инояти, у Аллоҳ томонидан яратилган, ундан инсонлар ўз

¹ Бу ерда “ер ва ер ости бойликлари” ҳамда “сув ресурслари” бошқа-бошқа нарса, уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди ёки улар ўртасида баробарлик белгисини қўйиш мумкин эмас, деган фикрлар, бизнингча, асоссиздир.

хоҳишларига кўра фойдаланишлари мумкин” деб эътироф этилганлиги ҳам бу неъматга (ресурсга) нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ва, айниқса, уни увол қилиш мумкинлигини билдирмайди (Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л., 2008). Шунингдек, ўтмишда ҳеч кимнинг сувни сотиб олмаганлиги ва унинг гуноҳ ҳисобланганлиги ҳам, фикримизча, бугунги кунда масалани бошқача ҳал қилишга тўсиқ бўлолмайди.

Шу ўринда амалиётда сувдан фойдаланишнинг қуйидаги икки йўналишга эга эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак: а) сувдан фойдаланиш; б) сув истеъмол қилиш. Сувдан фойдаланиш сув ресурсларидан дарёдан ажратмасдан фойдаланишни мўлжаллайди (гидроэнергетика, балиқчилик, кемачилик, рекреация ва бошқ.). Сув истеъмоли эса, аксинча, мелиорация ва ерларнинг муайян ҳосилдорлигини яратиш, саноат маҳсулотларини чиқаришда, ниҳоят коммунал-маиший эҳтиёж ва бошқалар учун сувни танлаб олиш мақсадига эгадир. Сувни истеъмол қилиш муқаррар равишда қайтариладиган сувларни шакллантириш билан боғлиқ. Ўзбекистонда сув истеъмолининг роли жуда ошган ва сув ресурсларини ривожлантириш ва уларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари шу билан белгиланади (Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л., 2008).

2. Адабиётлар шарҳи.

Б.С.Лэнднинг (2010) ресурс солиқларига оид фикрини алоҳида қайд этиш лозим: “Қазиб олинadиган ресурсларга солиқ солишнинг таъсирини баҳолашга уриниш иккита адабиётдан олиниши керак: қазиб олувчи саноатнинг иқтисодий назарияси ва оптимал солиққа тортиш назарияси”.

Ж.Потербанинг (2010) фикрича: “Ресурсларни солиққа тортишнинг ҳар қандай тизимининг ишлаши унинг даромадларини ошириш қобилияти, ресурс қийматини пасайтирадиган хусусий инвестицияларнинг мумкин бўлган бузилишлари ва натижада таваккалчиликнинг давлат ва инвестор ўртасида тақсимланишигп боғлиқ. Ушбу омилларни адолатли баҳолаш учун солиқ тўловчилар ўз фаолиятини солиқни юмшатиш учун мослаштиришнинг кўплаб усуллари тан олиш керак.

Сув ресурсларининг фазовий ва вақтинчалик нотекис тақсимланиши, тез-тез содир бўладиган қурғоқчилик фалокати, сув айланишига халақит берадиган инсон фаолияти ва сувдан фойдаланишнинг паст самарадорлиги аста-секин Хитойнинг яшил ва барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларга айланмоқда (Ванг Й. ва бошқалар, 2019).

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ҳукумат сув ресурсларини бошқариш бўйича янги сиёсат ташаббусларини ишлаб чиқишни ўрганмоқда, сув ресурслари учун тўловларни ундиришдан сув ресурслари солиқларига ўтишга ҳаракат қилмоқда ва мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилиш солиқ тизимини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Сув маъмурияти бўлимлари ва олимлар одатда сув ресурслари солиғининг жорий лойиҳаси нафақат унинг молиявий даромадларини ҳисобга олиши керак, балки унинг ресурсларни тежаш, экологияни муҳофаза қилишдаги муҳим аҳамиятига кўпроқ эътибор қаратишлари керак, деб ҳисоблашади (Мажед А. ва бошқалар, 2023).

Бир томондан, сув ресурслари солиғи табиий ресурслардан фойдаланганлик учун самарали компенсация бўлиб, у сув ресурсларининг меҳнат қиймати, хизмат кўрсатиш қиймати ва экологик қийматига қаратилади, бошқа томондан, сув ресурслари солиғи минтақада сувга бўлган асоссиз талабни самарали равишда чеклайди. Бу сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва сув ресурсларини муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайдиган ер ости сувларидан фойдаланишни камайтиради, шу билан атроф-муҳит муҳофазасига маълум даражада ёрдам беради.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда сув ресурсларига солиқ солишнинг турли амалиётларидан сувни тежаш самараси ҳам сезиларли (Берк П. ва бошқалар, 2016), лекин у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади (Муштақ С. ва бошқалар, 2008).

Шунинг учун сувни тежаш эффекти мамлакатнинг ҳақиқий ҳолати билан бирлаштирилиши керак. Агар тажриба етишмаслиги ва сув ресурсларини самарасиз бошқариш бўлса, сув ресурслари солиғининг сиёсат таъсири қониқарсиз бўлиши мумкин (Килимани Н. ва бошқалар, 2015).

3. Таҳлил ва натижалар.

Сув ресурслари солиғини тескари тартибга солиш юқори сув истеъмол қиладиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўламини қисқартиради, сувни тежаш технологиясини жорий этишга ёрдам беради ва саноат тузилмасини оптималлаштиради. Ҳозирги сув истеъмоли кўп бўлган корхоналар одатда сув ресурсларидан унумли фойдаланмаётганлиги сабабли, сув ресурслари солиғининг ундирилиши юқори сув истеъмол қилувчи корхоналарга сезиларли таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш занжири нуқтаи назаридан қараганда, сувни кўп истеъмол қиладиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш таннархи ошгани сайин, ўз даромадларини зарар кўрмасдан ушлаб туриш учун улар маҳсулот нархини қисқа муддатда кўтариш орқали солиқ юкини қуйи оқим корхоналари ёки истеъмолчиларга ўтказадилар ва бунинг натижасида улар таъсирни қуйидаги икки ҳолатга бўлиш мумкин (Чен З.Р. ва бошқалар, 2021).

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ сув давлат мулки, Ўзбекистоннинг умуммиллий бойлиги ҳисобланади ва ундан оқилона фойдаланиш керак. Ушбу қонуннинг бу моддасида акс этган ҳолатни (талабларни) амалга оширишни сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланган ҳолда уддалашнинг иложи йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, хусусан, республикамызда суғориш манбаларидан фойдаланиш, сув ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб туриш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Айрим иқтисодчи-олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда “Истеъмолчилар томонидан ишлатилган 1 м^3 сувнинг таннархи 35,8 сўм бўлишига қарамасдан, маҳсулотлар таннархига киритилмаслиги ёки истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан текинга фойдаланиши аксарият ҳолларда турли даражадаги исрофгарчиликларга сабаб бўлмоқда” (Шохўжаева З.С., 2010). Сув ресурсларининг тақчиллиги шароитида бундай вазиятнинг вужудга келишига йўл қўйилаётганлиги ҳисобга олинadиган бўлса, масаланинг долзарблиги янада яққол намоён бўлади.

Ундан ташқари масаланинг юқоридаги мазмунда кун тартибига қўйилиши, бир томондан, сув ресурсларидан истеъмолчиларнинг пуллик фойдаланишини тақозо этса, иккинчи томондан, сув ресурсларини янги талаблар шароитида ўзига хос тарзда баҳоланишини ҳам талаб қилади. Бу икки масала бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар автоматик равишда бир-бирини тақозо этади. Бундай шароитда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролини кўрсатиш нуқтаи-назаридан сув ресурсларини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, сув ресурсларини баҳолаш масалаларида иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, сувдан фойдаланганлик учун мажбурий тўлов воситасида жорий ҳисоб тизимини кучайтириш борасида иқтисодчи олимлар, жумладан, аграр-иқтисодчи олимлар ҳам

якдил фикрни билдирмоқдалар. Шунга кўра иқтисод илмида сўнгги йилларда сув ресурслари ва улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш муаммоси юзасидан тадқиқотлар анча жонланиб қолди. Хусусан, Э.Трушин (1993) ва С.Жалоловларнинг (2000) илмий ишлари шулар жумласидандир. Бунда Э.Трушин (1993) сув ресурсларининг иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган миқдорларини аниқлаш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ўзаро тўловлар тартибини жорий этиш, сувдан хўжаликда фойдаланиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш (сувдан фойдаланишга йиллик лицензия олиш, сув хўжалигига хизмат кўрсатилиши учун ҳақ, берилаётган сув сифати учун ҳақ тўлаш) билан боғлиқ бўлган масалаларни кун тартибига қўймоқда.

Шунингдек, С.Жалолов (2000) эса ўз илмий изланишларида сув билан таъминланганликдаги ҳудудий фарқларни ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш концепциясини илгари суради. Хусусан, унинг концепциясига мувофиқ қишлоқ хўжалигида сув узатилиши баҳосини белгилаш, сув ресурслари бирлигида ҳосил бўлган миллий даромадни аниқлаш, қишлоқ хўжалигида яратилган миллий даромад ва сув узатиш баҳоларининг суммаси сифатида сув ресурсларини тўла иқтисодий жиҳатдан баҳолашни белгилаш керак.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда ва яқин келажакда Ўзбекистон учун сув ресурсларини баҳолаш меъзонлари сифатида қуйидагиларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Сув истеъмолчиларининг барчаси учун сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда, энг аввало, маҳаллий ҳудудий шароитлар ва сув истеъмолчиларининг жойлашган ўрни ҳисобга олиниши керак. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий ҳудудий шароитлар ва сув истеъмолчиларининг жойлашган ўрни турлича бўлганлиги учун, мос равишда, сув ресурсларининг баҳоси ҳам турлича бўлмоғи лозим;

2. Ҳозирги шароитда сув ресурсларининг тақчиллиги ва унинг кучайиб бораётганлиги сабабли сув ресурсларидан энг юқори самарали даражада фойдаланишга интилиш, барча жабҳаларда кам сув сарфлаб кўпроқ эҳтиёжларни қондиришга эришиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун эса зовур сувларидан ва субирригация усулларида кенг (максимал) фойдаланиш зарур;

3. Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳамда олдиндан қатъий белгиланган лимитларга таяниш, шулар асосида сув ресурсларининг ягона нархларини белгилаш керак. Қатъий белгиланган лимитлар сувдан фойдаланувчилар ва уни истеъмол қилувчиларнинг барчасига дахлдор бўлиши шарт, шу жумладан, улар Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари ва туманлари доирасида экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари турларини ҳам қамраб олиши лозим.

4. Сувдан фойдаланувчилар ва истеъмол қилувчилар томонидан белгиланган лимитдан ортиқча сув фойдаланилган ёки истеъмол қилинганда лимит доирасида ва лимитдан ортиқ ишлатилган сувнинг ҳар бир m^3 учун табақалаштирилган тўловларни жорий қилиб, уларни маълум бир юқори даражада (масалан, 1,2 дан 1,5 гача) амалга оширилишини таъминлаш. Аксинча бўлган тақдирда эса, яъни сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиб, бунинг натижасида кўзланган мақсадларга эришилса ва бир вақтнинг ўзида сув ресурсларининг тежаб-тергаб ва иқтисод режимига риоя қилиб фойдаланилиши таъминланса, фойдаланилган (истеъмол қилинган) сув ресурсларига тўланиши лозим бўлган суммаларни уларнинг оқилона ва самарали фойдаланишига пропорционал равишда, масалан, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни характерлайдиган кўрсаткичлардан бири саналган сув ресурсларининг тежаб-тергаб ёки иқтисод қилиб сарфланганлигини кўрсатувчи кўрсаткичнинг даражасига мувофиқ равишда камайтириш мақсадга мувофиқ;

5. Сув ресурсларидан(ни) фойдаланиш (истеъмол қилиш)нинг оқилона, тежамкор ва самарали замонавий техника ва технологияларини қўллаш, сувдан(ни) фойдаланиш (истеъмол қилиш) самарадорлигини оширувчи тажрибаларни қўллаб-қувватлаш, фойдаланувчи (истеъмолчи)ларнинг фаолиятининг жадаллаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда сув ресурслари учун тўловларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш зарур;

6. Сув истеъмолчиларининг барчаси учун сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда мавжуд сув ресурсларининг ер ости ва ер усти сув ресурсларига бўлиниши эътиборга олинмоғи лозим. Шунга мувофиқ равишда фойдаланувчилар (истеъмолчилар) учун ер ости сувларининг баҳоси ер усти сувларининг баҳосига нисбатан юқорироқ бўлиши керак;

7. Ва ниҳоят, сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда фойдаланувчилар (истеъмолчилар)нинг сув ресурслари билан таъминлан-ганлик даражаси² ҳам ҳисобга олинмоғи даркор. Унга кўра, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси меъёрадаги даражадан юқори бўлган ҳолда сув ресурсларининг баҳоси шунга мувофиқ равишда юқорироқ ва аксинча бўлганда эса, пастроқ бўлиши лозим.

Юқоридаги мулоҳазалардан яққол кўриниб турибдики, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишнинг асосий йўли замонавий бозор иқтисодиётининг талабларини (принципларини) инобатга олишдир. Ана шундан келиб чиқиладиган бўлса, энг аввало, қанақа шаклда бўлишидан қатъий назар сув ресурсларидан фойдаланиш, албатта, текинга амалга оширилмаслиги керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг замонавий йўли улардан фойдаланишни тўлов асосида йўлга қўйиш экан, бу ерда бу тўловнинг қандай характерга эга эканлиги ва унинг кимнинг ихтиёрига бориб тушиши муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, ҳар бир мамлакат миқёсида сув ресурсларининг давлатга тегишли эканлиги ёки унинг эгаси давлат эканлиги инобатга олинадиган бўлса, сув ресурслари учун тўловнинг давлат бюджетига (бу ерда унинг бюджет тизимининг қайси бўғинига бориб тушиши принципиаль аҳамиятга эга эмас) бориб тушиши кераклиги маълум бўлади. Бунинг устига, сув ресурслари учун тўловнинг давлат бюджетига бориб тушишининг бошқа бир сабаби ҳам бор. Бу сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловнинг мажбурий характерга эга эканлигидир. Ўз навбатида, мажбурий характерга эга бўлган ҳар қандай тўлов солиқ бўлиб, солиқ эса, одатда, давлат бюджетига тўланиши керак.

Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида фойдаланувчилардан (истеъмолчилардан) ундириладиган тўлов-нинг солиқ характерига эга бўлиши ва унинг бюджетга ундирилиши лозимлигининг тўғрилигини яна бошқа бир қуйидаги факт ҳам тасдиқлайди. Сув ва сув ресурслари сингари табиат инъоми ҳисобланган ер қаъри бойликларидан фойдаланилганда ундан фойдаланганлардан ўзига хос сифатида ҳақ ундирилади, бу ҳақ ёки тўлов солиқ характерига эга ва у ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ кўринишида бюджетга ундирилади. Бу ерда ҳар иккаласи (бири) ҳам ўзига хос тарздаги табиат инъоми ҳисобланган ва давлат мулки саналган ер қаъри бойликлари ва сув ресурсларидан фойдаланишга нисбатан ёндошув бир хил бўлмоғи ва улардан фойдаланганлик учун ҳақ (тўлов) солиқ характерига эга бўлмоғи лозим. Ана шу нарса ҳисобга олинганда, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг роли тўлиқ намоён бўлади.

² Бу ерда сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси деганда биз ҳақиқатда сарфланган сув ресурслари миқдорини меъёр асосида берилиши (фойдаланилиши) керак бўлган сув миқдорига нисбатини назарда тутаяпмиз.

Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида улардан фойдаланганлик учун тўловларнинг солиқ характериға эға бўлиши ва уларнинг бюджетға ундирилиши фойдасиға ҳал қилишнинг мақсадға мувофиқлигини кўрсатувчи яна бир омил бор. Юқорида қайд этилганидек, бу омил шундан иборатки, мамлакатимизда сув ресурсларини истеъмолчиларға етказиб бериш, суғориш манбаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган харажатлар, асосан, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалға оширилади. Шунингдек, айрим жамғармаларнинг даромадлари ҳам, бир томондан, ер солиғидан тушилмалар ёрдамида шаклланаётган бўлса, иккинчи томондан, бундай жамғармаларнинг даромадларини шакллантиришда мақсадли бюджет ассигнованиялари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, 2011 йилда юқоридаги жамғарманинг даромадлари республикаимизда 150,0 млрд. сўми ташкил этган бўлса, унинг 62,3 млрд. сўми ер солиғидан тушилмалар ва 87,7 млрд. сўми эса мақсадли бюджет ассигнованиялари ҳисобидан ташкил топган. Ҳолатнинг бундай эканлиги сув ресурсларидан фойдаланилганда тўловни кимни фойдасиға ҳал қилиш масаласиға ўзи таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳал қилувчи аҳамиятға эға бўлиши кераклигини кўрсатаяпти.

4. Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўзига хос бўлган мақсадли солиқ бўлиб, у ҳам барча солиқлар сингари икки мақсадға хизмат қилади. Унинг биринчиси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш бўлса, иккинчиси сув ресурсларидан самарали фойдаланишға рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Шундай бўлишиға қарамасдан, назаримизда, бу солиқнинг асосий мақсади давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эмас, балки сув ресурсларидан самарали фойдаланишға рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

Шу маънода, бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг иштироки иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бироқ, қандай аҳамият касб этишидан қатъий назар, ушбу солиқ ҳозирги пайтда ўз олдиға қўйилган ҳар икки вазифани муваффақиятли даражада бажараяпти деб бўлмайди. Ана шундай хулосаға унга нисбатан унинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ёки сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдаги таъсири жиҳатидан қаралганда ҳам келиш мумкин. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, ушбу солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш масаласини кун тартибига қўяди. Унинг таъсирчанлигини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш учун эса ушбу солиқнинг амал қилиш қилиш механизмини чуқурроқ таҳлил қилиб чиқиш керак.

Адабиётлар:

Berck, P.; Moe-Lange, J.; Stevens, A.; Villas-Boas, S. (2016) Measuring Consumer Responses to a Bottled Water Tax Policy. *Am. J. Agric. Econ.*, 98, 981–996

Chen, Z.R.; Yuan, Y.; Xiao, X. (2021) Analysis of the Fee-to-Tax Reform on Water Resources in China. *Front. Energy Res.* 9, 641.

Kilimani, N.; van Heerden, J.; Bohlmann, H. (2015) Water taxation and the double dividend hypothesis. *Water Resour. Econ.* 10, 68–91.

Land, B. C. (2010) "Resource Rent Taxes: A Re-appraisal," in *The Taxation of Petroleum and Minerals: Principles, Problems and Practice*, by P. Daniel, M. Keen, and C. McPherson (eds.), (London: Routledge).

Majeed, A.; Wang, Y.; Muniba; Islam, M.A. (2023) The Impact of Social Preferences on Supply Chain Performance: An Application of the Game Theory Model. *Complexity* 2023, 1–12

Mushtaq, S.; Khan, S.; Dawe, D.; Hanjra, M.A.; Hafeez, M.; Asghar, M.N. (2008) Evaluating the impact of Tax-for-Fee reform (Fei Gai Shui) on water resources and agriculture production in the Zhanghe Irrigation System, China. *Food Policy*, 33, 576–586.

Poterba, J., (2010) "The Challenge of Tax Reform and Expanding the Tax Base," *Economic and Social Review*, 41:2, pp. 133–48.

Wang, Y.; Yang, J.; Chang, J. (2019) Development of a coupled quantity-quality-environment water allocation model applying the optimization-simulation method. *J. Clean. Prod.* 213, 944–955.

Джалалов С. (2000) Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: ЭНК, 142 с.

Трушин Э. (1993) Экономические меры общего назначения // *Экономика и статистика*, №4. –С. 41-44.

Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. (2008) Сув хўжалиги менежменти. – Т.: Иқтисод-молия, Б.35-38.

Шохўжаева З.С. (2010) Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА,–Б.9.



ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ФОИЗИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ SVAR МОДЕЛИ

PhD Курбонбекова М.Т.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада очиқ бозор сиёсатида фойдаланиладиган давлат қимматли қоғозлари фойзига таъсир этувчи омилларнинг SVAR модели шакллантирилган. Эконометрик модел натижаларига кўра, пул бозоридаги фойз ставкасинг, муомаладаги пул массасининг ўсишининг, жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг, давлат қимматли қоғозлари аукцион савдосида иштирок этувчи диллерлар сонинг ҳамда инфляция даражасининг ўзгариши давлат қимматли қоғозлар фойзига таъсири кучли бўлган. Аммо, миллий валюта девальвациясининг, Марказий банк қайта молиялаш фойзининг кейинги ойдаги давлат қимматли қоғозлари фойзига таъсири статистик аҳамиятга эга бўлмаган.

Калит сўзлар: давлат қимматли қоғози, фойз ставка, монетар сиёсат, инфляция, девальвация, пул бозори, қайта молиялаш сиёсати.

Аннотация: В данной статье сформулирована SVAR-модель факторов, влияющих на долю государственных ценных бумаг, используемых в политике открытого рынка. По результатам эконометрической модели процентная ставка на денежном рынке, прирост денежной массы, объем размещаемых государственных ценных бумаг, количество дилеров, участвующих в аукционе государственных ценных бумаг, уровень инфляции имели сильное влияние на процент государственных ценных бумаг. Однако влияние девальвации национальной валюты, ставки рефинансирования ЦБ на процентную ставку государственных ценных бумаг в следующем месяце не было статистически значимым.

Ключевые слова: государственные облигации, процентная ставка, денежно-кредитная политика, инфляция, девальвация, денежный рынок, политика рефинансирования.

Abstract: In this article, the SVAR model of the factors affecting the percentage of government securities used in the open market policy is formulated. According to the results of the econometric model, the interest rate in the money market, the increase in the money supply, the volume of government securities being placed, the number of dealers participating in the auction of government securities, and the inflation rate had a strong impact on the percentage of government securities. However, the impact of the national currency devaluation, the Central Bank refinancing rate on the interest rate of government securities in the next month was not statistically significant.

Key words: government bond, interest rate, monetary policy, inflation, devaluation, money market, refinancing policy.

1. Кириш.

Марказий банклар турли иқтисодий тебранишларга қарши фоиз сиёсатидан фойдаланиш бугунги кунда асосий инструментлардан бирига айланган. Хусусан, 2008-2013 йиллардаги ипотека инқизорида, 2020 йилдаги пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишда ва 2022 йил бошланган сиёсий ва харбий зиддиятларнинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишда қайта молиялаш сиёсатидан кенг фойдаланади. 2008-2013 йиллардаги ипотека инқизорида, 2020 йилдаги пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишда марказий банклар иқтисодиётдаги инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида фоиз ставкани пасайтиришган бўлса, бугунги кундаги сиёсий ва харбий зиддиятларнинг иқтисодиётга таъсирини юмшатиш мақсадида фоиз ставкани ошириш билан жавоб бермоқда.

Очиқ бозордаги операциялар (инглизча – “Open market operations”) - жаҳон амалиётида пул муомаласини тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, мамлакатдаги пул таклифи устидан назоратнинг энг мослашувчан усули ҳисобланади. Бунда, Марказий банк ўз маблағлари ҳисобидан очиқ бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши мумкин. Очиқ бозорда амалга ошириладиган операцияларда катта миқдордаги хилма-хил қимматли қоғозлар иштирок этади.

Очиқ бозордаги операциялар иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Германия, Канада ва бошқалар)да XX асрнинг 40-йилларида давлат облигациялари бозорининг ниҳоятда кенгайиши ва уларнинг марказий банклар томонидан фаол сотиб олиниши орқали пул-кредит сиёсатининг асосий инструментига айланган бўлиб, ушбу амалиёт бугунги кунда, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар марказий банклари томонидан ҳам пул маблағларига бўлган таклифни назорат қилиш ҳамда тартибга солиб туришда энг муҳим дастакка айланди.

Очиқ бозор операцияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, марказий банк тижорат банклари ихтиёрида бўлган ортиқча ресурслар ҳажмига бозор таъсирини ўтказиши мумкин. Бу иқтисодиётга йўналтирилаётган кредит сармояларини қисқартириш ёки кенгайтиришни рағбатлантиради, шу билан бирга банкларнинг ликвидлигини пасайтириш ёки кўтариш орқали таъсир қилади. Бу таъсир марказий банк томонидан очиқ бозорда тижорат банкларидан сотиб оладиган ёки сотадиган қимматли қоғозларнинг нархини белгилаш орқали амалга оширилади.

Кредит ресурсларининг кредит бозоридан чиқиб кетишига қаратилган қатъий чеклов сиёсати билан марказий банк сотиш нархини пасайтиради ёки сотиб олиш нархини кўтаради ва шунга мувофиқ унинг бозор курсидан четланишини оширади ёки камайтиради. Агар марказий банкнинг мақсади банк тизими захираларини камайтириш бўлса, у шартнома сиёсатини олиб бориб, очиқ бозорда таклиф тарафида ҳаракат қилади. Бундай ҳолда, у ўз мақсадини амалга ошириш учун иккита имкониятга эга:

1. Қимматли қоғоз курсини эълон қилади. Бунда Марказий банк ушбу курсга эриши учун исталган миқдордаги қимматли қоғозларни таклиф қилади;

2. Маълум миқдордаги қўшимча қимматли қоғозларни таклиф қилади.

Агар марказий банкнинг мақсади банк тизими захираларини кўпайтириш бўлса, у очиқ бозорда талаб тарафида ҳаракат қилади. Бундай ҳолда, марказий банк ўз мақсадига эришиш учун иккита имкониятдан бирини танлайди:

1. Қимматли қоғоз курсини фиксирлайди. Бунда Марказий банк ушбу мақсадга эришиш учун исталган миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олади;

2. Таклиф қийматидан қатъи назар, маълум миқдордаги ликвид қимматли қоғозларни сотиб олади.

Агар марказий банк қимматли қоғозларни тижорат банкларидан сотиб олса, уларнинг марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларига маблағ ўтказиб беради ва шу тариқа банкларнинг кредитлаш имкониятини оширади. Улар пул массасига ҳисобланган реал пул кўринишидаги нақд пулсиз шаклда ва керак бўлганда нақд пулга айланадиган кредитлар беришни бошлайдилар. Агар марказий банк қимматли қоғозларни сотса, тижорат банклари ўз вакиллик ҳисобварақларидан бундай харидни қоплаб беради ва шу орқали пул эмиссияси қисқаради ва бу ўз навбатида банкларнинг иқтисодиётни кредитлаш имкониятини пасайтиради.

2. Адабиётлар шарҳи.

Марказий банкнинг иқтисодиётни мувозанат ҳолатида сақлашида бир қанча инструментлардан фойдаланади. Ушбу воситалардан асосийси бу очиқ бозор сиёсатидир. Очиқ бозор сиёсати ривожланган давлатларда, фонд бозори ривожланган бир вазиятда қулай ишлайди. Шу йўлда бир қанча олимлар томонидан марказий банк очиқ бозор сиёсати илмий томонлама ўрганилиб келинмоқда.

J.Cloune ва бошқалар (2018) каби иқтисодчилар АҚШ ва Буюк Британия иқтисодиётида монетар сиёсатидаги асосий фоиз сиёсати ўзгаришининг корхоналар инвестицион харажатларига таъсири аниқланган. Улар корхоналарани икки тоифага, яъни ёш фирмалар ва дивидент кам тўлайдиган фирмалар ҳамда кўп йиллардан бери фаолият олиб борган ва катта дивидент тўлайдиган фирмаларга бўлиб ўрганган. Таҳлил натижаларига кўра ёш фирмалар ва дивидент кам тўлайдиган фирмалар монетар сиёсатидаги қисқаришлар кузатилсада ишлиб чиқаришни кенгайтириш масадида инвестицион харажатларини камайтирмаган. Аксинча кўп йиллардан бери фаолият олиб борган ва катта дивидент тўлайдиган фирмалар эса монетар сиёсатдаги қисқаришга жуда сезувчан ҳисобланган. Яъни монетар сиёсатидаги қисқаришлар натижасида фоиз ставкаларнинг ошиши иккинчи тоифадаги фирмалар учун ташқи молиялаштириш манбаси қимматга айланса, аксинча биринчи тоифидаги фирмалар учун ташқи молиялаш манбалари уларга қараганда арзонга айланган.

C.Glocker ва P.Towbin (2012) томонидан Францияда Марказий банки мажбурий захира сиёсатининг молия бозори ва нарх барқарорлигига таъсири таҳлил қилинган. Улар нарх даражаси қаттиқ назоратга олинган, молия бозори нобарқарор бўлган кичик очиқ иқтисодиёт моделида мажбурий захира нормасининг самарадорлиги ҳамда амалдаги мажбурий захира нормасига мос оптимал фоиз ставка текширилган. Таҳлил натижаларина кўра Марказий банк мажбурий захира сиёсати мамлакатдаги нарх барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, ўша давлатда молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва нобарқарорлиги кузатилса, юқори бўлади. Уларнинг фикрича Марказий банклар томонидан мажбурий захира нобарқарор капитал оқимиға қарши молиявий барқарорлик инструменти сифатида ишлатилади. Шунингдек, мажбурий захира сиёсатидан асосий фоиз ставка нолга яқин бўлганда ёки валюта курси таргетланганда нарх барқарорлигини таъминлаш йўлида ноанъанавий инструмент сифатида фойдаланиш мумкин.

F.Mishkin (2021) пул таклифини тартибга солишда Марказий банкнинг очиқ бозор ва дисконт операциялари муҳим ўрин тутишини эътироф этади ва шу билан бирга, очиқ бозор операцияларининг бир қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлайди.

P.Benigno ва S.Nistico (2020) тадқиқотларида инфляция ва ялпи ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларнинг очиқ бозор сиёсати орқали марказий банк балансидаги йўқотишлар (зарарлар) таҳлил қилинган. Улар дастлаб умумий нейтраллик хусусиятини баён қилган ва уни қўллаб-қувватлайдиган назарий

шартларни тавсифлаган. Шу билан бирга, нейтрал бўлмаган учта натижани муҳокама қилган. Булар, биринчидан, агар давлат молия вазирлигининг ёрдами бўлмаса, балансдаги катта йўқотишлар марказий банкнинг тўлов қобилиятига путур етказиши мумкин ва уни инфляцияни сезиларли даражада ошириш орқали ҳал қилиш керак. Иккинчидан, молиявий жиҳатдан мустақил марказий банк, яъни даромад йўқотилишига қарши инфляция ҳолатини ва ликвидлик тузоғидан кечикиш стратегиясини қабул қилади. Учинчидан, агар молия вазирлиги уй хўжаликларига марказий банк зарарини қоплаш учун солиқ солишни хоҳламаса, бойликнинг хусусий секторга ўтказилиши ҳам инфляциянинг ошишига олиб келади.

C.Becker ва бошқалар (2021) тадқиқотларида пруденциал назоратга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган. Хусусан, банклар ликвидлилиги даражаси Марказий банк томонидан олиб борилаётган пруденциал назоратнинг транмиссиясига таъсири кўрилган. Марказий банкнинг инструмент сиёсатларига таъсирчан бўлган тижорат банкларида мажбурий захиранинг кредитлаш канали вужудга келганлигини аниқлашган. Тадқиқот натижалари 2008-2009 йиллардаги иқтисодий инқироз даврида ҳамда ликвидлилиги ва рентабеллиги паст бўлган давлат банклари мисолида ушбу гипотеза тасдиғини топган. Ушбу таҳлиллар ички капитал бозорлари орқали амалга ошириладиган пруденциал сиёсатнинг тижорат банкларига тақсимлаш таъсири мавжудлигини кўрсатади.

C.Chang ва бошқалар (2019) фикрича Хитой иқтисодиёти бошқа давлатлар иқтисодиётларидан катта фарқ қилади. Хитой иқтисодиётида давлатнинг ўрни юқориликча сақланиб қолмоқда. Хитой Халқ Банки макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун мажбурий захира нормасини тез-тез ўзгартириб туради. Хитойда мажбурий захира нормаси тез-тез ўзгаришининг макроиқтисодий барқарорликка таъсири C.Chang ва бошқалар (2019) томонидан икки секторли DSGE модели орқали таҳлил қилган. Давлат корхоналари деб аталадиган оғир саноат сектори давлат томонидан кафолатланган ҳамда мажбурий захираларни инобатга олган ҳолда банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Рентабеллик жиҳатдан юқори турувчи хусусий сектор эса тартиблаштирилмаган балансдан ташқари молиялаштиришга таянадилар. Юқори захира талаблари молиявий ресурсларни хусусий фирмаларга қайта тақсимлашга, ва бу эса уларнинг унумдорлигини оширишга ва аксинча давлат корхоналарининг банкротлик эҳтимолини вужудга келишига олиб келади. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун оптимал мажбурий захира талабларини мослаштириш бошқа инструментлар билан бир қаторда пул массасини мослаштиришни тўлдиради. Бизнинг фикримизча, мажбурий захира талабларини тез-тез ўзгартириб туриш, молиявий ресурсларни қайта тақсимлашни талаб қиладиган алоҳида олинган секторларга хос бўлган “шок”ларнинг таъсири юмшатиш учун самарали инструмент ҳисобланади. Аммо, захира талабларини тез-тез ўзгартириш орқали бутун иқтисодиётга ёйилган “шок”ларнинг олдини олиш учун фойдаланиш керак эмас деб ўйлаймиз.

3. Тадқиқот методологияси.

Очиқ бозор сиёсатида фойдаланиладиган давлат қимматли қоғозлар фоизига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларнинг таъсири эконометрик моделлар орқали баҳолаймиз. Ўйлаймизки, олинadиган натижаларнинг ишончлилиги даражаси янада ортади.

Шу муносабат билан давлат қимматли қоғозлари фоизига ($LnGBINR_t$) таъсир этувчи эндоген омиллар сифатида иқтисодиётдаги инфляция даражаси ўзгариши ($LnCPI_t$), миллий валютамининг девальвация даражаси ўзгариши ($LnDEV_t$), пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnMMR_t$), Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnINR_t$), тижорат банклари қисқа муддатли

кредитларининг ўртача фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnLoanRate_t$), тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақамидаги ресурсларининг ўсиши ($LnCBL_t$), муомаладаги пул массасининг ўсиши ($LnM2_t$), давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ўсиши ($LnGB_t$), давлат қимматли қоғозларининг очиқ аукционда иштирок этувчи диллер сонининг ўзгариши ($LnDiller_t$) олинган. Танланган кўрсаткичларнинг 2018M12-2022M10 давр оралиғидаги статистик маълумотлари ойлар кесимида ва ўсишда олинган. Бунда ҳам таҳлил қилинаётган статистик маълумотлар ўлчамлари турлича бўлганлиги учун барча маълумотлар натурал логарифмланган. Натижада маълумотлар бир маромда текисланади ва бир хил ўлчов бирлигига келади.

Юқоридаги статистик маълумотлар асосида қуйидаги моделни шакллантирамиз.

$$GBINR_t = \alpha_1 + \sum_{i=1}^k \beta_i GBINR_{t-i} + \sum_{i=1}^k \beta_i MMR_{t-i} + \sum_{i=1}^k \gamma_i INR_{t-i} + \sum_{i=1}^k \delta_i STLR_{t-i} + \sum_{i=1}^k \theta_i CBL_{t-i} + \sum_{i=1}^k \mu_i \Delta M2_{t-i} + \sum_{i=1}^k \mu_i \Delta GB_{t-i} + \sum_{i=1}^k \mu_i \Delta Diller_{t-i} + \varepsilon_t$$

Илмий тадқиқотда структуравий векторли авторегрессия (SVAR) моделидан ташқари индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсати инструментларининг бозор фоиз ставкаларига ҳамда бутун иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Давлат Статистика қўмитаси маълумотларидан фойланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Дунё мамлакатларида пул массасининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пул таклифини таргетлашни такомиллаштириш, инфляцион таргетлаш режимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми каналларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пул-кредит сиёсати ва бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг шаффофлигини таъминлашга муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу эса, марказий банк монетар сиёсати инструмент-ларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.


Ўзбекистон иқтисодиётида 2011 йилда давлат қимматли қоғозлар муомаласи тўхталитган эди. 2017 йилдан иқтисодиётимизда бозор қоидалари кенг ишлашга ўтказилди. Шу йўлда 2018 йил декабрь ойидан бошлаб давлат қимматли қоғозларининг муомаласи тикланди ва бугунги кунга қадар кенг олиб борилмоқда. Давлат қимматли қоғозлари муомаласининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига тўртки бўлди.

Охирги беш йилда давлат қимматли қоғозлари муомаласига насар солсак, унда икки хил хусусиятни кўришимиз мумкин. Дастлаб давлат қимматли қоғозлари муомалага чиқарилганда купон усулида мажбурият бўйича даромад ҳисобланган бўлса, бугунги кунда дисконт усулида муомалага чиқарилмоқда. Шунинг таъкидлашимиз лозимки, ривожланган давлатларда қимматли қоғозлар мажбуриятлари бўйича даромадлар дисконт усулида амалга оширилади. Иккинчи хусусият шундан иборатки, давлат қимматли қоғозларининг муддати дастлаб қисқа муддатли бўлган бўлса, кейинги вақтларда узоқ муддатли, ва хатто 10 йиллик давлат қимматли қоғозлари муомаласини ҳам кўришимиз мумкин.

Қуйида айнан очиқ бозор сиёсатида фойдаланиладиган давлат қимматли қоғозлар фоизига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларнинг таъсирини эконометрик моделлар орқали баҳолаймиз. Ўйлаймизки, олинадиган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси янада ортади.

Шу муносабат билан давлат қимматли қоғозлари фоизига ($LnGBINR_t$) таъсир этувчи эндоген омиллар сифатида иқтисодиётдаги инфляция даражаси ўзгариши ($LnCPI_t$), миллий валютамининг девальвация даражаси ўзгариши ($LnDEV_t$), пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnMMR_t$), Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnINR_t$), тижорат банклари қисқа муддатли кредитларининг ўртача фоиз ставкасининг ўзгариши ($LnLoanRate_t$), тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақамидаги ресурсларининг ўсиши ($LnCBL_t$), муомаладаги пул массасининг ўсиши ($LnM2_t$), давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ўсиши ($LnGB_t$), давлат қимматли қоғозларининг очиқ аукционда иштирок этувчи диллер сонининг ўзгариши ($LnDiller_t$) олинган. Танланган кўрсаткичларнинг 2018M12-2022M10 давр оралиғидаги статистик маълумотлари ойлар кесимида ва ўсишда олинган. Таҳлил қилинаётган статистик маълумотлар ўлчамлари турлича бўлганлиги учун барча маълумотлар натурал логарифмланган. Натижада маълумотлар бир маромда текисланади ва бир хил ўлчов бирлигига келади.

Эконометрик таҳлилнинг дастлабки босқичида бир қатор статистик ҳисоб-китобларни амалга оширдик. Булар, танланган маълумотларнинг тасвирий статистикаси- бу ерда асосан маълумотларнинг ўртача кўрсаткичлари, максимал ва минимал кўрсаткичлари, ўртачадан четлашиши (стандарт дисперцияси) каби кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, илмий ишда танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимотини ҳам таҳлил қилганмиз.



1-расм. Танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимоти¹

Маълумотларнинг нормал тақсимотини текшириш учун Жак Бера коэффицентидан фойдаланилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий банк қайта молиялаш коэффицентидан ташқари қолган танланган барча кўрсаткичлар

¹ Танланган статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

нормал тақсимотга эга. Чунки, танланган барча кўрсакичлар учун ҳисобланган Жак-Бера коэффиценти ишончли ва уларнинг эҳтимоллиги 0,05 дан кичик эканлиги аниқланди.

Танланган кўрсаткичлар ёрдамида 54 та кузатув амалга оширилди. Қуйида танланган ўн та кўрсаткичнинг тасвирий статистикасини таҳлил қиламиз.

1-жавдал

Кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси

	CPI	DEV	MMR	INR	LOANR	CBL	M2	GB	DILLER	GBINR
Mean	4.6110	4.6052	4.6171	4.6174	4.6234	4.6056	4.6053	4.6081	4.6055	4.6170
Median	4.6146	4.6052	4.6171	4.6171	4.6229	4.6052	4.6053	4.6057	4.6049	4.6167
Maximum	4.6220	4.6055	4.6201	4.6192	4.6264	4.6118	4.6061	4.6526	4.6151	4.6211
Minimum	4.6001	4.6049	4.6124	4.6167	4.6207	4.6017	4.6044	4.5968	4.5992	4.6124
Std. Dev.	0.0063	0.0001	0.0015	0.0008	0.0013	0.0021	0.0003	0.0098	0.0036	0.0017
Jarque-Bera	2.8245	21.263	4.3218	3.9499	0.5074	4.3579	0.1904	190.46	3.5427	0.5221
Probability	0.2435	0.0000	0.1152	0.1387	0.7759	0.1131	0.9091	0.0000	0.1701	0.7702
Observations	54	54	54	54	54	54	54	54	54	54

Кузатув натижаларига кўра иқтисодиётдаги инфляция даражасининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6110 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6220 га ва минимум 4,6001 га тенг бўлган. Инфляция даражасининг ўртачадан четлашиш кўрсаткич 0,0063 га тенг бўлган.

Шунингдек, миллий валюта девальвациясининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6052 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6055 га ва минимум 4,6049 га тенг бўлган. Миллий валюта девальвациясининг ўртачадан четлашиш кўрсаткич 0,0001 га тенг бўлган.

Иқтисодиётдаги фоиз ставкаларнинг хусусиятларига эътибор қаратсак, унда Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6171 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6201 га ва минимум 4,6124 га тенг бўлган. Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ўртачадан четлашиш кўрсаткич 0,0015 га тенг бўлган. Шу билан бирга пул бозоридаги фоиз ставкасининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6174 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6292 га ва минимум 4,6167 га тенг бўлган. Пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўртачадан четлашиш кўрсаткич 0,0008 га тенг бўлган. Шунингдек, тижорат банклари қисқа муддатли кредитларини ўртача фоиз ставкасининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6234 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6264 га ва минимум 4,6207 га тенг бўлган. Пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўртачадан четлашиш кўрсаткич 0,0013 га тенг бўлган. Яъни Марказий банк қайта молиялаш фоизи, пул бозоридаги фоиз ставка ҳамда тижорат банклари қисқа муддатли кредитларининг ўртача фоизи ўртасидаги хусусиятлар бир-бирига жуда яқинлигини кўришимиз мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра муомаладаги пул массаси таркибига насар солсак, унда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамдаги ресурсларининг натурал логалифланган ҳолатдаги ўртача кўрсат- кичи 4,6056 га

тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6118 га ва минимум 4,6017 га тенг бўлган. Пул бозоридаги фоиз ставканинг ўртачадан четлашиш кўрсаткичи 0,0021 га тенг бўлган. Шунингдек, кенг маънодаги пул массасининг натурал логарифмланган ҳолатдаги ўртача кўрсаткичи 4,6063 га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,6061 га ва минимум 4,6044 га тенг бўлган. Пул бозоридаги фоиз ставканинг ўртачадан четлашиш кўрсаткичи 0,0003 га тенг бўлган.

Давлат қимматли қоғозларининг ҳажми, давлат қимматли қоғозлари аукционда иштирок этувчилар сонининг стандарт дисперцияси қолган кўрсаткичлардан катталиги аниқланди.

Қуйида танланган ўн та кўрсаткичнинг бир-бири билан корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинган.

2-жадвал

Танланган кўрсаткичлар ўртасида корреляцион матрица

	CPI	DEV	MMR	INR	LOANR	CBL	M2	GB	DILLER	GBINR
CPI	1									
DEV	0.1721	1								
MMR	0.2250	0.0763	1							
INR	-0.0134	0.0652	0.6556	1						
LOANRATE	-0.3739	0.0491	0.4261	0.6536	1					
CBL	0.2535	-0.0481	0.1588	-0.0366	-0.2050	1				
M2	-0.1583	-0.2383	0.2204	0.2579	0.2827	-0.2326	1			
GB	-0.1989	-0.1737	-0.1125	-0.1354	-0.0909	-0.0397	-0.3698	1		
DILLER	-0.4565	-0.2944	0.0652	0.1049	0.2243	-0.1183	0.1158	0.4229	1	
GBINR	0.2509	-0.1042	0.4007	0.2601	-0.0298	0.0487	0.2077	-0.1537	0.0032	1

Танланган кўрсаткичлардан иқтисодиётдаги инфляция даражасининг ошиши, миллий валюта девальвация даражасининг ошиши, пул бозоридаги фоиз ставканинг ўсиши, Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ошиши, тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари фоиз ставкасининг ошиши ҳамда жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ошиши давлат қимматли қоғозлари фоизининг ошишига олиб келадиган кўрсаткичлардир. Демак, давлат қимматли қоғозлар фоиз билан иқтисодиётдаги инфляция даражаси пул бозоридаги фоиз ставка, Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкаси ҳамда давлат қимматли қоғозлари аукционда иштирок этувчилар сони мантиқан тўғри боғлиқликка эга бўлиб, улар ўртасидаги корреляция мос равишда 0,25 га, 0,40 га, 0,26 га ва 0,0032 га тенг бўлмоқда. Давлат қимматли қоғозлари фоизи билан миллий валюта девальвация даражаси, тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари фоиз ставкаси ҳамда жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ошиши мантиқан нотўғри боғлиқка эга бўлмоқда.

Қуйидаги кўрсаткичларнинг, яъни тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамидаги ресурслар ошиши, муомаладаги пул массасининг ўсиши ҳамда ҳамда давлат қимматли қоғозлари аукционда иштирок этувчилар сони ошиши аксинча, давлат қимматли қоғозлари фоизини пасайтирувчи омиллардан ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, юқоридаги кўрсаткичлар давлат қимматли қоғозлари фоизи билан мантиқан тўғри бўлмаган боғлиқлик юзага чиқмоқда.

3-жадвал

Энг кичик квадрат моделида ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: LNGBINR

Method: Least Squares

Date: 01/15/23 Time: 16:29

Sample (adjusted): 2019M02 2022M10

Included observations: 34 after adjustments

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
CPI	0.030277	0.066471	0.455500	0.6528
DEV	-2.231490	3.322035	-0.671724	0.5082
MMR	0.438912	0.297484	1.475413	0.1531
INR	0.405923	0.573341	0.707997	0.4858
LOANRATE	-0.447116	0.355147	-1.258961	0.2202
CBL	-0.068791	0.156397	-0.439848	0.6640
M2	0.399009	1.086089	0.367381	0.7166
GB	-0.022151	0.040163	-0.551534	0.5864
DILLER	0.037818	0.108409	0.348846	0.7302
C	11.32731	17.69853	0.640015	0.5282
R-squared	0.286307	Mean dependent var		4.617009
Adjusted R-squared	0.018673	S.D. dependent var		0.001779
S.E. of regression	0.001763	Akaike info criterion		-9.604149
Sum squared resid	7.46E-05	Schwarz criterion		-9.155219
Log likelihood	173.2705	Hannan-Quinn criter.		-9.451051
F-statistic	1.069770	Durbin-Watson stat		0.672231
Prob(F-statistic)	0.418736			

Давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир кўрсатувчи омилларнинг эконометрик моделларида турли моделлардан фойдаланиш мумкин. Бу авваламбор танланган кўрсаткичларнинг статистик ишланмасига боғлиқ. Биз илмий ишимизда кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлил ҳамда энг кичик квадрат усули ва SVAR моделлардан фойдаланганмиз. Таҳлилда дастлаб давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир кўрсатувчи эндоген омиллар ёрдамида энг кичик квадрат усулидан фойдаланамиз.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, энг кичик квадрат усулида танланган омиллар 95,0 фоиз аниқликда ишончли эмас экан. Яъни ушбу модел орқали эндоген омиллар сифатида танланган иқтисодиётдаги инфляция даражаси ўзгариши, миллий валютамининг девальвация даражаси ўзгариши, пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўзгариши, Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ўзгариши, тижорат банклари қисқа муддатли кредитларининг ўртача фоиз ставкасининг ўзгариши, тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақамидаги ресурсларининг ўсиши, муомаладаги пул массасининг ўсиши, давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ўсиши, давлат қимматли қоғозларининг очиқ аукционидан

иштирок этувчи диллер сонининг ўзгариши каби омилларнинг давлат қимматли қоғозлар фоизига таъсири аниқланмади.

Танланган кўрсаткичларнинг давлат қимматли қоғозларига таъсири энг кичик усул орқали аниқлай олмаганимизга сабаб ҳам ушбу моделда “лаг”дан фойдаланилмайди. Демак, таҳлилимизни бошқа моделлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, таҳлилимизнинг кейинги босқичида структуравий векторли авторегрессия (SVAR) моделидан фойдаланамиз. Чунки, ушбу моделда биз танланган кўрсаткичларнинг давлат қимматли қоғозларига таъсири аниқлашда “лаг”дан фойдаланамиз. SVAR моделдан фойдаланишда, дастлаб танланган кўрсаткичлар асосида Augmented Dickey-Fuller Test ўтказамиз. Augmented Dickey-Fuller Test модели қуйидаги кўринишда келтирамиз:

$$\begin{aligned}\Delta \ln CPI_t &= \alpha_1 + \beta_1 t + \gamma_1 \ln CPI_{t-1} + \varphi_1 \Delta \ln CPI_{t-1} + \dots + \varphi_{p-1} \Delta \ln CPI_{t-(p-1)} + \tau_t \\ \Delta \ln DEV_t &= \alpha_2 + \beta_2 t + \gamma_2 \ln DEV_{t-1} + \omega_1 \Delta \ln DEV_{t-1} + \dots + \omega_{p-1} \Delta \ln DEV_{t-(p-1)} + \theta_t \\ \Delta \ln MMR_t &= \alpha_3 + \beta_3 t + \gamma_3 \ln MMR_{t-1} + \mu_1 \Delta \ln MMR_{t-1} + \dots + \mu_{p-1} \Delta \ln MMR_{t-(p-1)} + \sigma_t \\ \Delta \ln INR_t &= \alpha_4 + \beta_4 t + \gamma_4 \ln INR_{t-1} + \varphi_1 \Delta \ln INR_{t-1} + \dots + \varphi_{p-1} \Delta \ln INR_{t-(p-1)} + \tau_t \\ \Delta \ln LoanR_t &= \alpha_5 + \beta_5 t + \gamma_5 \ln LoanR_{t-1} + \omega_1 \Delta \ln LoanR_{t-1} + \dots + \omega_{p-1} \Delta \ln LoanR_{t-(p-1)} + \theta_t \\ \Delta \ln CBL_t &= \alpha_6 + \beta_6 t + \gamma_6 \ln CBL_{t-1} + \mu_1 \Delta \ln CBL_{t-1} + \dots + \mu_{p-1} \Delta \ln CBL_{t-(p-1)} + \sigma_t \\ \Delta \ln M2_t &= \alpha_7 + \beta_7 t + \gamma_7 \ln M2_{t-1} + \varphi_1 \Delta \ln M2_{t-1} + \dots + \varphi_{p-1} \Delta \ln M2_{t-(p-1)} + \tau_t \\ \Delta \ln GB_t &= \alpha_8 + \beta_8 t + \gamma_8 \ln GB_{t-1} + \omega_1 \Delta \ln GB_{t-1} + \dots + \omega_{p-1} \Delta \ln GB_{t-(p-1)} + \theta_t \\ \Delta \ln Diller_t &= \alpha_9 + \beta_9 t + \gamma_9 \ln Diller_{t-1} + \mu_1 \Delta \ln Diller_{t-1} + \dots + \mu_{p-1} \Delta \ln Diller_{t-(p-1)} + \sigma_t \\ \Delta \ln GBINR_t &= \alpha_{10} + \beta_{10} t + \gamma_{10} \ln GBINR_{t-1} + \omega_1 \Delta \ln GBINR_{t-1} + \dots + \omega_{p-1} \Delta \ln GBINR_{t-(p-1)} + \theta_t\end{aligned}$$

Бу ерда, $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_{10}$ лар ўзгармас қиймат, $\beta_1, \beta_2, \dots, \beta_{10}$ лар вақт тренди натижасида ўзгариш коэффициентларидир.

Ушбу Augmented Dickey-Fuller Test модели орқали кўрсаткичларни бирлик илдизга текширимиз ва ушбу кўрсаткичлар стационар ёки ностационар эканлиги юзасидан хулоса қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, танланган кўрсаткичлардан миллий валюта девальвация даражасининг ошиши, тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамидаги ресурсларнинг ошиши, муомаладаги пул массасининг ошиши, жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг ошиши, давлат қимматли қоғозлари аукционидида иштирок этувчилар сони ошиши стационар ҳолатида бўлмоқда.

4-жадвал

Augmented Dickey-Fuller Test натижаси

	Кўрсаткичлар	t-Statistic	Probability	Хулоса
1	CPI	-4.885567	0.0004	I(1)
2	DEV	-4.410874	0.0014	I(0)
3	MMR	-2.046110	0.2668	I(1)
4	INR	-1.958070	0.3030	I(1)
5	LOANRATE	-2.848351	0.0636	I(1)
6	CBL	-8.100108	0.0000	I(0)
7	M2	-4.890760	0.0004	I(0)
8	GB	-6.958763	0.0000	I(0)
9	DILLER	-6.485102	0.0000	I(0)
10	GBINR	-1.683494	0.4300	I(1)

Аксинча, инфляция даражасининг ошиши, пул бозоридаги фоиз ставкасининг ўсиши, Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг ошиши, тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари фоиз ставкасининг ошиши давлат

қимматли қоғозлари фоизининг ўзгариши ностационал ҳолатида бўлмоқда. Аммо ностационар ҳолатидаги кўрсаткичларнинг давлат қимматли қоғозларига таъсири мантиқан мавжуд бўлганлиги учун SVAR моделидан фойдаланиш мумкин.

5-жадвал**SVAR модели учун оптимал “лаг” танлаш (Lag Length Criteria) усули**

Lag	LogL**	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	1683.793	NA	1.75e-58	-104.6121	-104.1540	-104.4602
1	1846.959	214.1556	4.52e-60	-108.5599	-103.5215	-106.8898
2	2067.085	151.3369*	2.49e-62*	-116.0678*	-106.4489*	-112.8794*

Таҳлилимизнинг кейинги босқичидан SVAR модел учун оптимал “лаг”ни танлаб олишимиз лозим. Бунинг учун Lag Length Criteria учулидан фойдаланамиз. Таҳлил маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнинг моделимиз учун оптимал “лаг”лар сони 2 тани ташкил этмоқда.

6-жадвал**Танланган кўрсаткичларнинг SVAR модели**

Vector Autoregression Estimates (with restrictions)

	LNGBINR		LNGBINR		LNGBINR		LNGBINR
LNCPI(-1)	-0.134608 (0.01260) [-10.6846]	LNINR(-1)	-0.738906 (0.11147) [-6.62863]	LNMB2(-1)	2.212963 (0.18166) [12.1819]	LNGBINR(-1)	0.619859 (0.06269) [9.88717]
LNCPI(-2)	-0.045999 (0.00996) [-4.61874]	LNINR(-2)	0.075622 (0.16082) [0.47023]	LNMB2(-2)	-1.587210 (0.29219) [-5.43204]	LNGBINR(-2)	-0.022800 (0.06169) [-0.36961]
LNDEV(-1)	0.314919 (0.53867) [0.58462]	LNLOANRATE(-1)	-0.120464 (0.08746) [-1.37730]	LNGB(-1)	-0.033438 (0.00733) [-4.56182]		
LNDEV(-2)	-4.479932 (0.62890) [-7.12344]	LNLOANRATE(-2)	-1.133604 (0.10311) [-10.9939]	LNGB(-2)	-0.073047 (0.00720) [-10.1395]		
LNMMR(-1)	0.071302 (0.07199) [0.99050]	LNCBL(-1)	-0.131568 (0.02854) [-4.60983]	LNDILLER(-1)	0.115889 (0.02129) [5.44353]		
LNMMR(-2)	0.317448 (0.05884) [5.39532]	LNCBL(-2)	-0.169893 (0.04207) [-4.03788]	LNDILLER(-2)	0.157448 (0.01891) [8.32547]		

Танланган “лаг” асосида шакллантирилган SVAR модел натижаларини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин. Эконометрик модел натижаларига кўра, пул бозоридаги фоиз ставкасининг, муомаладаги пул массасининг ўсишининг, жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг, давлат қимматли

қоғозлари аукцион савдосида иштирок этувчи диллерлар сонинг ҳамда инфляция даражасининг ўзгариши давлат қимматли қоғозлар фоизига таъсири кучли бўлмоқда. Аммо, миллий валюта девальвациясининг, Марказий банк қайта молиялаш фоизининг кейинги ойдаги давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсири статистик аҳамиятга эга эмас бўлмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир кўрсатувчи омиллар асосида қуйидаги гипотезаларни қурдик ва давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлилидан хулоса қилишимиз мумкин:

Модел натижаларига кўра, олдинги ойда инфляция кўрсаткичининг 1 фоизга ошиши кейинги ойда давлат қимматли қоғозлари фоизини 0,13 фоизга пасайтирмоқда. Шунингдек, икки ой олдинги инфляция даражасининг ҳам давлат қимматли қоғозлари фоизининг ўзгаришига таъсири мавжуд бўлиб, аммо бу таъсир кучсиз ҳисобланади.

Модел натижаларига кўра, олдинги ойдаги миллий валюта девальвацияси кейинги ойдаги давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсири статистик аҳамиятга эга эмас бўлмоқда. Балки, икки ой олдинги миллий валюта девальвациясининг 1 фоизга ошиши жорий ойдаги давлат қимматли қоғозлари фоизини 4,48 фоизга пасайтирмоқда.

Шунингдек, структуравий векторли авторегрессия модели натижаларига кўра, пул бозоридаги фоиз ставкасининг давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсири кучли бўлмоқда. Хусусан, пул бозоридаги фоиз ставкасининг бир фоизга ошиши икки ойдан кейинги давлат қимматли қоғозлари фоизини 0,32 фоизга ошишириш аниқланди.

Марказий банк қайта молиялаш фоизининг давлат қимматли қоғозларига таъсири тескари бўлмоқда. Жумладан, Марказий банк қайта молиялаш фоизининг бир фоизга ошиши кейинги ойда давлат қимматли қоғозлари фоизини 0,74 фоизга пасайтирмоқда. Шунингдек, тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари фоизининг бир фоизга ошиши икки ойдан кейин давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир кўрсатиб, уни 1,13 фоизга пасайтирмоқда.

Муомаладаги пул массасининг ўсиши давлат қимматли қоғозлари фоизига турлича таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамидаги ресурсларининг бир фоизга ошиши бир ойдан кейин давлат қимматли қоғозлари фоизини 0,13 фоизга икки ойлик лаг бўйича 0,16 фоизга пасайтирмоқда. Албатта ушбу боғлиқлик мантиқан тўғри боғлиқлик ҳисобланади. Аксинча, муомаладаги пул массасининг бир фоизга ўсиши кейинги ойда давлат қимматли қоғозлари фоизини ўсиши 2,12 фоизга оширган бўлса, икки ойлик таъсирга кўра уни 1,59 фоизга пасайтирмоқда. Ўйлаймизки, бир ойлик таъсир мантиқан тўғри қурилмаган. Бунга сабаб сифатида агар муомалада пул массаси оширилса, давлат қимматли қоғозларига талаб ошади ва давлат юқори фоизда эмиссия қилаётган қимматли қоғозларини таклиф қилишга ҳожат қолмайди. Шундай экан, муомаладаги пул массасининг давлат қимматли қоғозларига таъсири икки ойлик характерга эга.

Давлат қимматли қоғозларининг аукцион савдосига назар ташласак, унда жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажми билан уннинг фоизи ўртасида тескари боғлиқлик кузатишмоқда. Яъни жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари ҳажмининг бир фоизга ошиши кейинги ойда давлат қимматли қоғозлар фоизини 0,03 фоизга икки ойлик таъсирга кўра 0,07 фоизга пасайтирмоқда.

Шунингдек, давлат қимматли қоғозлари аукцион савдосида иштирок этувчи диллерлар сонинг ўзгариши ҳам давлат қимматли қоғозлари фоизига тескари таъсир қилмоқда. Хусусан, давлат қимматли қоғозлари аукцион савдосида иштирок этувчи диллерлар сонинг бир фоизга ошиши давлат қимматли қоғозлари фоизини бир ойдан кейин 0,12 фоизга икки ойлик таъсирга кўра 0,16 фоизга оширмоқда. Мантиқан олганда давлат қимматли қоғозлари аукцион савдосида иштирок этувчи диллерлар сонинг ошиши давлат қимматли қоғозлари фоизини тушириш керак. Чунки қимматли қоғозларга талабнинг ошиши унинг бозор нархини оширади (дисконт усулида жойлаштирилаётган қимматли қоғозлар учун) ва қимматли қоғозни таклиф қилувчиларга юқори фоиз ўрнатишга асос қолмайди.

Мамлакатимизда давлат қимматли қоғозлар бозорида бошқа кўрсаткичлар каби автокорреляция эффекти кучли ҳисобланади. Бу молия бозорининг етарлича ривожланмаганлиги, унда мукамал рақобат муҳитининг шаклланмаганлигидан далолат беради. Яъни давлат қимматли қоғозлари фоизига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинмагандан кейин, унинг фоизини олдинги фоизлар асосида белгилашга ўтишади. Айнан шу вазиятда тақозасида давлат қимматли қоғозлари фоизида автокорреляция эффекти кучли бўлмоқда. Хусусан, олдинги ойда давлат қимматли қоғозлари фоизининг бир фоизга ошиши кейинги ойда жойлаштирилаётган давлат қимматли қоғозлар фоизини 0,62 фоизга оширмоқда.

Адабиётлар:

Becker, C., Busch, M. O., & Tonzer, L. (2021). Macroprudential policy and intra-group dynamics: The effects of reserve requirements in Brazil. *Journal of Corporate Finance*, 71, 102096.

Benigno, P., & Nisticò, S. (2020). Non-neutrality of open-market operations. *American Economic Journal: Macroeconomics*, 12(3), 175-226.

Chang, C., Liu, Z., Spiegel, M. M., & Zhang, J. (2019). Reserve requirements and optimal Chinese stabilization policy. *Journal of Monetary Economics*, 103, 33-51.

Cloyne, J., Ferreira, C., Froemel, M., & Surico, P. (2018). *Monetary policy, corporate finance and investment* (No. w25366). National Bureau of Economic Research.

Glocker, C., & Towbin, P. (2012). Reserve requirements for price and financial stability-when are they effective?

Mishkin, F. (2021). *The Economics of Money, Banking and Financial Markets*, eBook. Pearson Higher Ed.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Махмудов А.З.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: мазкур мақолада аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш усуллари орасида молиявий инструментлар орқали қўллаб қувватлашнинг фискал ва монетар инструментлари, баҳолар механизми ва давлат инвестициялари орқали қўллаб қувватлаш аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан тартибга солишнинг солиқ механизми самарадорлиги таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, давлат томонидан тартибга солиш, фискал ва монетар инструментлар, солиқ механизми, солиқ ставкаси, солиқ базаси.

Аннотация: в данной статье раскрывается значение государственного регулирования аграрной сферы через фискальные и монетарные инструменты, механизма оценки и поддержка через государственные инвестиции. Также проводится анализ эффективности налогового механизма государственного регулирования сельскохозяйственных товаропроизводителей.

Ключевые слова: сельское хозяйство, государственное регулирование, фискальные и монетарные инструменты, налоговый механизм, налоговая ставка, налоговая база.

Abstract: this article reveals the importance of state regulation of the agrarian sector through fiscal and monetary instruments, evaluation mechanisms and support through public investment. An analysis of the effectiveness of the tax mechanism of state regulation of agricultural producers is also carried out.

Key words: agriculture, state regulation, fiscal and monetary instruments, tax mechanism, tax rate, tax base.

1. Кириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётнинг тизимли ривожланиши унинг тармоқлари, мавжуд иқтисодий субъектлар фаолиятини ўзаро уйғунликда тараққиёти натижасида таъминланади. Ушбу уйғунликдаги ривожланиш жараёни давлат, бозор ва бизнес субъектлари кесимида фаолиятни тизимли равишда тартибга солиш орқали таъминланади. Барча тармоқлар каби қишлоқ хўжалигининг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси тармоқ ички хўжалик муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмларига асосланади.

Гарчи, солиқлар мамлакат иқтисодиётида яратиладиган миллий даромадни давлат марказлаштирилган пул фондларига қайта тақсимлашнинг самарали

инструментларидан бирини ўзида мужассамлаштирса-да, солиқ механизмининг муҳим элементлари ҳисобланган солиқ ставкалари ва имтиёзлар орқали аҳоли ва хўжалик субъектларининг истемол ва жамғариш меёрларига таъсир кўрсатиш асосида улардаги истеъмол иштиёқлари ва инвестицион фаолликка давлат томонидан самарали таъсир кўрсатиш инструменти ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиёти мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг мувозанатли ривожланишига боғлиқ бўлиб, бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш орқали таъминланади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари орқасида молиявий инструментлар орқали қўллаб қувватлаш асосий ўринга эга бўлиб унда фискал ва монетар инструментлари, баҳолар механизми ва давлат инвестициялари орқали қўллаб қувватлаш марказий аҳамият касб этади.

Иқтисодчи А.В.Дудник (2011) бу борада ўз фикрларини баён қилиб, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг прагматик парадигмасида пухта ўйланган аграр протекционизм муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Америкалик иқтисодчилар З.Боди ва Р.Мертонлар (2006) молиявий қўллаб қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, молиявий қўллаб қувватлаш тизими сифатида- маълум объектларга нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма кетлиги эканлигини илгари суришган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади.

Иқтисодчи С.В.Барулин (2010), молиявий қўллаб қувватлаш тизимини икки томонлама жараён сифатида кўриб ўтади. Унинг фикрича молиявий қўллаб қувватлаш тизими, алоҳида иқтисодий агентларни молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқлитклар шароитида оптимал таъминлашни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Иқтисодчи И.В.Зиятковскийнинг (2020) фикрича, молиявий қўллаб қувватлаш яхлит тизим сифатида- жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимидир. Т.В.Соколская (2019) қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди. В.М.Опариннинг (2001) фикрича, маълум соҳаларни молиявий қўллаб қувватлаш тизими мавжуд молиялаштириш тизими базасида амалга оширилади. Уни уч асосий шакллари мавжудлигини эътироф этиб ўтган. Булар: ўзини ўзи молиялаштириш, кредитлаш тизими ва ташқи молиялаштиришнинг бошқа бозор ва нолбозор шакллари. Молиявий қўллаб қувватлашнинг ушбу шаклларида фойдаланиш жамият ривожланишининг у ёки бу босқичларида ташкил қилинадиган оптимал муносабатларга таянади.

“Молиявий қўллаб қувватлаш” тизими борасида иқтисодчилар Л.В. Дикан ва Ю.О.Холублар (2007) қуйидаги муҳим фикрларни тизимлаштиришган “.... корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб қувватлаш кенг маънода такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий хажми учун зарурий харажатларни молиявий таъминлаш орқали корхонанинг барқарор ривожланишини мувофиқлаштирадиган чора тадбирлар ва шарт шароитлар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради”. Демак, ушбу таърифда молиявий қўллаб қувватлаш тизими маълум тадбиркорлик субъектлари кесимида

барқарор фаолияти учун етарли молиявий таъминотни шакллантирувчи молиявий фаолият билан боғлиқ чора тадбирлар эканлигига аниқлик киритилган. Ушбу ёндашувни А.Е. Хутз (2007) ҳам илгари суриб, молиявий қўллаб қувватлаш тизимига маълум иқтисодий субъектлар меёрадаги фаолияти учун зарурий молиявий ресурслар билан таъминлаш имконияти сифатида аниқлик киритади.

Э.Барклей (2020) қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб қувватлаш тизими тармоқ тадбиркорлик субъектларини барқарор фаолияти учун қулай молиявий муҳит ва ресурсларни шакллантиришга йўналтирилган давлат тадбирлари мажмуаси эканлигини илгари суриб, ушбу жараён фискал, монетар ва бошқа молиявий инструментлар воситасида амалга оширилишига аниқлик киритган. В. Элдон Балл, Роберто Фанфани ва Лучано Гутеррезлар (2010) эса, қишлоқ хўжалиги давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлашда фискал ва монетар инструментлар, давлат субсидияларига алоҳида эътибор бериб ўтишган.

Иқтисодий адабиётда тартибга солишнинг шакл, усул ва инструментлари тўғрисида маълум тизимли аниқлик мавжуд эмас. Хусусан, бу борада россиялик иқтисодчи Н.А.Новинчихина (2014) тартибга солиш жараёнидаги субъектнинг объектга таъсирининг умумий йўналишларига тартибга солиш шакллари деб аниқлик киритади.

Аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш маълум қоидалар ва назарий тамойиллар асосида объект билан боғлиқ жараёнларни англаш, тушуниш ва унга таъсир этиш усулари тизими назарда тутилади (А.П.Курносов, 2010). А.А.Халяпин (2010) тадқиқотларида, тартибга солиш усуллари тўхталиб, уларни иқтисодий ва дастурли индикатив турларга туркумлайди. Иқтисодий усулларга эгилувчан ёки билвосита бозор инструментлари воситасида тартибга солиш усуллари тўхталиб, уларга: молиявий, пул-кредит, баҳолар, солиқлар, экспорт-импорт, валюта инструментларини келтириб ўтади.

И.С.Поддубева (2016) аграр соҳани давлат томонидан тартибга солишга оид илмий қарашларни умумлаштирган ҳолда, унинг ташкилий-иқтисодий механизми моделини умумлаштирган. Натижада, барча усуллар таркибига кирувчи инструментларни икки асосий гуруҳга ажратиб ифодалаган бўлиб, уларни: иқтисодий (субсидиялар, суғурталаш, солиқ механизми, субсидияланган кредитлар) ва ташкилий (мақсадли комплекс дастурлар, баҳоларни тартибга солиш, лицензиялаш, сертификатлаш) каби туркумларга ажратган.

Юқоридаги берилган таърифлар синтези асосида таъкидлаш мумкинки, *молиявий қўллаб қувватлаш тизими- иқтисодий агентларнинг молиявий эксплуатацион эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ва мақсадли молиялаштириш учун давлат томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тўплаш билан боғлиқ тизимли жараёндир.*

3. Тадқиқот методологияси.


Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усулларида ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил, иқтисодий-математик каби эмпирик усуллардан кенг фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

2019 йилдан бошлаб олиб борилаётган янги солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ солиқ юкини изчил пасайтириш орқали иқтисодиётда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари рентабеллик кўрсаткичларини барқарорлаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Лекин ялпи фискал юкнинг 2015 йилги 27,0 фоизини 2021 йилги 26,7 фоизга ўсиши асосан иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари яширин даромадларни легаллаштириш

натижасидаги солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига кузатилган. Ушбу жараён соф солиқ юкининг 2015 йилги 20,9 фоизлик даражасидан 2021 йилга келиб 22,4 фоизга ортишида ҳам кузатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги тармоғини солиққа тортиш тизимида ҳам солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, солиқларни қисқартириш, солиқ юкини пасайтириш устувор аҳамият касб этиб, ушбу ислохотлар вектори натижасида бюджетга тушумлардаги йўқотишлар солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига таъминланиши прогноз қилинган.



1-расм. Лаффер эгри чизиги орқали солиқ ставкалари, солиқ базаси ва бюджетга тушумлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чизмаси¹

1-расм асосида кўришимиз мумкинки, солиқ ставкаларини пасайтириш (TR_{n-1}) ва солиқлар сонини камайтириш орқали бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ трансакцион харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджетга потенциал солиқ тушумларидаги йўқотишлар ($\Delta R_b = R_{bmax} - R_{bl}$) кузатилса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун қулай фискал муҳитни яратилиши ҳисобга солиқдан қочиш ҳолатларини камайтириш ва яширин даромадларни легаллаштиришга имконият яратади. Чунки, солиқ юкининг пасайиши ҳисобига қулай ишбилармон муҳитнинг яратилиши юқори фискал босим шароитида солиқ мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан яширин даромадларни легаллаштиришга иштиёқни вужудга келтиради. Натижада, яширин даромадларни легаллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги тармоғидаги солиқ базасининг кенгайиши ($\Delta T_b = T_{bn} - T_{bn-1}$) ҳисобига бюджетга солиқ тушумлари компенсация қилинади ва ҳаттоки тушумлар ўсишини таъминлайди. Солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳисобига солиқ ислохотларининг тармоқ ривожланиши учун фискал ва иқтисодий самарадорлигининг (μ_{Rb}) оптимал мезони қуйидаги ҳолатларда таъминланади:

$$\mu_{Rb} = \frac{v(\Delta R_b)}{v(\Delta T_b)} \leq 1 \quad (1)$$

Демак, солиқ ставкалари ва солиқларни оптималлаштириш орқали солиқ юкининг пасайиши ҳисобига бюджетга солиқ тушумларидаги йўқотишларнинг қиймат эквиваленти ($v(\Delta R_b)$) солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига бюджетга қўшимча солиқ тушумларининг қиймат эквивалентидан ($v(\Delta T_b)$) паст бўлганда

¹ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантирига қаратилган солиқ сиёсати самарали ҳисобланади.

2015-2021 йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги лушуши пасайиб борган бўлса-да (2015 йилда ЯИМда 29,2 фоиздан, 2021 йилга келиб 25,1 фоизга қадар), тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматда хўжалик субъектлари томонидан тўланган солиқларнинг улуши нисбий ўсишни таъминлаган.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тўланган солиқлар солиқларнинг номинал қийматлар келтирилган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланган жами солиқлар таркибида фермер хўжаликлари томонидан тўланган солиқларнинг номинал қиймати 2015 йилда 126740 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 357846 млн. сўмга етган. Жами тўланган солиқларнинг таҳлил қилинаётган давр боши ва охирига қадар номинал миқддордаги ўсиши 299122 млн. сўмни, нисбий кўрсаткичларда эса 300,7 фоизни ташкил қилган бўлса, фермер хўжаликлари томонидан тўланган солиқлар ўсишининг номинал қиймати 231105 млн. сўмга ёки нисбий кўрсаткичлардаги ўсиш 282,3 фоизни ташкил қилган. Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари томонидан тўланган солиқларнинг ўсиши 20325 млн. сўмни ёки нисбий ўсиш 2082,2 фоизни ташкил қилган. Худди шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб боровчи хўжалик субъектлари томонидан тўланган солиқларнинг ўсиши 324,0 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги ҳолатларни Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланган солиқлар орқали ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал

Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланган солиқлар тўғрисида маълумот (жамига нисбатан фоизда)²

Хўжаликлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Фермер хўжаликлари	74,5	79,3	47,0	53,4	74,8	84,8	85,7
Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	0,6	0,4	0,6	1,0	0,5	0,3	0,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	24,9	20,3	52,4	45,6	24,6	14,9	13,7
Жами тўланган солиқлар	100	100	100	100	100	100	100

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Тошкент вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланган солиқларда фермер хўжаликлари асосий салмоқни ташкил қилиб, таҳлил қилинаётган даврда ўсиш тенденциясини (2015 йилда жамига нисбатан -74,5 фоиз, 2021 йилда 85,7 фоиз) намоён қилган.

Аксинча деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари томонидан тўланган солиқлар улуши ўзгаришсиз қолган ва Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тўланган солиқларнинг жамига нисбатан улуши эса 10,2 фоиз пунктга пасайган.

Демак, хулоса қилиш мумкинки,

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият олиб боровчи хўжалик субъектлари томонидан тўланган солиқларда фермер хўжаликлари етакчилик қилмоқда. Лекин жами тармоқ корхоналари томонидан тўланган солиқларнинг динамик ўсишига фермер хўжаликлари томонидан тўланган солиқларнинг таъсири пасайтириш самарасига эга бўлмоқда. Ушбу тенденция кейинги йилларда фермер

² Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.


хўжаликлари томонидан етиштириладиган пахта ва ғалла маҳсулотлари учун ерларнинг қисқартирилиши, томорқа хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ерларнинг ажратилиши натижасидаги деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликларининг фаолиятини янада ривожлантиришга эътиборнинг кучайтирилиши билан боғлиқ бўлган.

Иккинчидан, деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилинаётган даврда янада ривожлантириш, улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини оширилиши ҳисобига даромадларнинг кескин ортиши бевосита улар томонидан тўланадиган солиқларнинг номинал қийматини кескин ортишига сабаб бўлган.

Натижада, таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланган жами солиқлар таркибида ўзгаришлар кузатилган. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2-расмдан кўришимиз мумкинки, жами тўланган солиқлар таркибида фермер хўжаликлари томонидан тўланган солиқларнинг улуши 2015-2021 йилларда 97,1-80,5 фоиз диапазонида тебранган. Таҳлил қилинаётган давр бошида ушбу кўрсаткич 80,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015-2019 йилларда умумий тенденцияда ўсиш кузатилиб, 2019-2021 йилларда пасайиш кузатилган ва 2021 йилда 91,9 фоизга етган.

Деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари томонидан тўланган солиқлар эса 2015 йилда жами тармоқ хўжалик субъектлари томонидан тўланган солиқлар таркибида 0,45 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,69 фоизга етган.



2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланган солиқлар таркибий улуши тўғрисида маълумот³.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тўланган солиқларда ҳам таҳлил қилинаётган даврда солиқ тушумларининг улуши жами солиқ тўловчилар таркибида 2021 йилда 6,4 %ни ташкил қилган. Ушбу солиқ тўловчилар категорияси бўйича жами солиқ тушумларида 2015-2019 йилларда пасайиш кузатилган бўлиб, 2019-2021 йилларда 2,78 фоиздан 6,4 фоизгача ўсиш кузатилганлигини кўришимиз мумкин.

³ ЎзРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан хулоса қилишимиз ҳам мумкинки, жами қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хўжалик субъектларига томонидан тўланган солиқларда мулкчилик шакллари бўйича фермер хўжаликлари давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий фискал фактор ролини бажарувчи ролини бажарган.

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланган солиқларнинг йиллик ўзгариш динамик таҳлили⁴, ўтган йилга нисбатан фоизда

Хўжаликлар/йиллар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Фермер хўжаликлари	140,3	88,5	197,3	330,6	109,8	106,8
Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	193,1	114,7	100,4	96,9	969,5	150,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	83,5	81,2	92,8	156,2	186,6	152,5
Жами	129,7	87,8	184,6	319,6	113,1	109,4

Юқоридаги фикримизни тасдиғи сифатида, солиқ тушумларининг йиллик ўсиш динамикасини кўрадиган бўлсак, фермер хўжаликларида йиллик солиқ тушумларининг ўсиши 2021 йилда кузатилган бўлиб, бунга солиққа тортиш режимидаги 2020 йилдан бошлаб жорий этилган ўзгаришлар самарадорлиги асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилган. Бу жами солиқ тушумларининг йиллик 148,8 фоизлик ўсишига таъсир кўрсатган. Чунки, юқорида таъкидаганимиздек, фермер хўжаликлари томонидан тўланган солиқларнинг жами қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари томонидан тўланган солиқлардаги юқори вазни, ушбу хўжаликлар томонидан тўланган солиқларнинг жами солиқ тушумлари йиллик ўсишига кучли таъмирини юзага келтирган.

Солиқ тушумлари таркибида юқори йиллик ўсиш тенденцияси 2020 йилда кузатилган бўлиб, деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари томонидан тўланган солиқлар 2019 йилга нисбатан қарийиб 7,6 баробарга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатга таъсир этувчи омиллар қаторида шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш давлат сиёсати натижаси ўлароқ солиқ тўловчилар сонини ортиши ва солиқ баасининг кенгайиши асосий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Солиқ солишнинг умумбелгиланган тизимида (Фойда солиғи, ҚҚС ва бошқалар) солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 7500 нафарни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу солиқ тўловчилар категорияси 145434 нафарни ташкил қилиб, 19,4 баробарга ортган.

Ушбу тенденцияни кузатилишига асосий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қишлоқ хўжалигида фаолият олиб боровчи хўжалик субъектлари учун муқобил солиқ солиш режимининг жорий қилишини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, 2020 йилдан қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилардан олинadиган асосий солиқ тури ҳисобланган ҳамда ерларнинг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ягона ер солиғини бекор қилиниши натижасида йиллик айланманинг 1 млрд. сўм миқдоридagi мезонларга асосланган муқобил солиққа тортиш тизимининг жорий қилиниши келтириб ўтиш мумкин.

Ягона ер солиғини ер солиғи билан бирлаштириш бир қатор омилларга боғлиқ бўлган:

Биринчидан, ягона ер солиғи соддалаштирилган солиқ солиш тизимида рента тавсифидаги солиқ ҳисобланиб асосан ернинг нормати қиймати асосида ундирилган. Ушбу солиқ орқали фойдаланишдаги ер ресурсларига эгалик қилиш

⁴ ЎЗРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.


имкониятларига асосланган. Ягона ер солиғини ҳисоблаш жараёнида қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг бошқа даромадлари деярли инобатга олинмаган.

Иккинчидан, кейинги йилларда фермер хўжаликларининг кўп тармоқли равишда ривожланиши уларни солиққа тортишда нафақат тасарруфидаги ер ресурслари балки, фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича олинган даромадларни ҳам солиққа тортиш тизимини жорий қилинишини назарда тутди. Қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва уларни қайта ишлашга оид бўлмаган фаолиятни амалга оширганда, хусусан техник хизматлар кўрсатилганда фермер хўжалиги ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритиши зарур бўлиб, параллел равишда ягона солиқ тўловини ҳам тўлашга мажбур эдилар.

Учинчидан, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агар ўзи етиштирган маҳсулотларни қайта ишласа ва сотиш операцияларини бажарга тақдирда ҳам ягона ер солиғи тўловчиси сифатида солиқ мажбуриятларини бажарган. Ушбу ҳолат фермер хўжаликларини кўп тармоқли ва универсал ривожланишига фискал стимулни вужудга келтирмаган.

Тўртинчидан, иссиқхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари сифатида ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган. Гарчи уларнинг ялпи даромадлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни қайта ишлаш, сотиш, асосий воситаларни ижрага бериш ва бошқа диверсификациялашган универсал фаолият юритиш шароитида даромад, мулк қийматликлар ва айланмадан олинадиган солиқлар муқобил вариантлари оптимал ҳисобланади.

Умуман ер солиғи учун ҳам асос ҳисобланувчи экин майдонларининг норматив қиймати уларни ишлаб чиқариш ресурси эканлигига асосланган ҳолда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.



3-расм. Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари меъёрий қийматини аниқлаш кўрсаткичлари⁵.

Ушбу кўрсаткичлар асосида ернинг меъёрий қиймати қуйидаги тартибда аниқланиши белгиланган:

⁵Қаранг: “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон Қарорига илова // <https://lex.uz/docs/2448660>

$$M_{y(1\text{гКХЭ})} = M_{x(КХЭ)} * H_{КХМ} \quad (2)$$

$M_{y(1\text{гКХЭ})}$ - бир гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг меъёрий унумдорлиги;

$M_{x(КХЭ)}$ - қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрий ҳосилдорлиги;

$H_{КХМ}$ - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача бозор нархи;

Турли сифат хусусиятига эга бўлган суғориладиган ерлар учун ҳисоблаб чиқиладиган фойда (Φ_x , минг сўм/га) қуйидагича аниқланиши белгиланган⁶:

$$\Phi_x = \sum_{n=1}^n \frac{\sum_{n=1}^n \frac{M_{y(1\text{гКХЭ})n} * \sum M_n * \Phi(\%)_n}{100}}{\sum_{n=1}^n \sum M_n} \quad (3)$$

Бу ерда,

$\sum M_n$ - экин майдонлари (гектар)

$\Phi(\%)$ -тупроқ сифатига боғлиқ ҳолда турли экинлардан олинадиган фойданинг ишлаб чиқилган миқдори, фоизларда.

Юқоридаги формула орқали, 1 гектар суғориладиган ерлардан фойданинг ҳисобланган миқдорини қиймат эквивалентиди аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткич асосида турли сифат хусусиятига эга бўлган ерлар ҳар гектари учун меъёрий қийматни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$K_m = \frac{\Phi_x * K_1 * K_2 * K_3}{K_{\%}} * 100 \quad (4)$$

Бу ерда,

K_m - суғориладиган ҳайдов ерларнинг меъёрий қиймати, минг сўм/га;

$K_{\%}$ - фойданинг капитализация фоизи;

K_1 - хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлиги даражасини ҳисобга олган ҳолдаги минтақавий коэффициент;

K_2 - суғориш тизимини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_3 -ҳосилнинг нобуд бўлишини ҳисобга олувчи коэффициент

Солиқ солиш мақсадида ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш бўйича ушбу услубиёт фикримизча, ер ресурслари ва кўчмас мулкларнинг кадастр ҳисоби ва уларнинг реал бозор қийматини баҳолаш учун кадастр ва солиқ органлари ягона маълумотлар банкини шакллантириш ва интеграциялаш амалдаги 2 туркум солиқлар базасида (ер солиғи ва мол мулк солиғи) ягона кўчмас мулк солиғини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш билан боғлиқ трансакцион харажатларни минималлаштириш бўйича юқори самара бериши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари йиллик айланмаси 1 млрд. сўмгача бўлса айланмадан солиқ тўлашлари белгиланган бўлиб, ушбу солиқнинг ставкаси 4 фоиз миқдорда ўрнатилган. Айланмадан олинадиган солиқ татбиқ этилиши учун асосий мезонлардан бири сифатида улар эгалик қиладиган ер майдонларининг ҳажми 50 гектар қилиб белгиланган. Хусусан, айланмадан олинадиган солиқ 50 гектар ва ундан кўп бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Айланмадан олинадиган солиқнинг жорий этилиши бир томондан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган солиқларнинг улар ялпи даромадларига асосланишини ўзида мужассамлаштиради. Ушбу муқобил солиқ режимининг жорий қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш тизимидаги мавжуд рента тавсифидаги солиқлар

⁶ “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон Қарорига илова // <https://lex.uz/docs/2448660>.

ва реал солиқлар билан боғлиқ фундаментал муаммоларни олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг категорияси ва балл бонитетига асосланадиган ерларнинг норматив қиймати асосида 0,95 фоизлик ставкада солиққа тортилиб, амалдаги ер солиғида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари бўйича бир қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, фермер хўжаликларининг юқори агротехник тадбирларни қўллаш орқали томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган ер участкаси қисми жорий қилинган ойдан бошлаб 5 йил муддатга солиқдан озод қилиниши солиқ тизими орқали чув ресурсларидан интенсив фойдаланишни рағбатлантиришнинг муҳим фискал инструменти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун янги ўзлаштирилган ерларни ва мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерларни 5 йил муддатга солиқдан озод қилиниши, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имкониятлар яратади. Шунингдек, янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлардан иборат ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишидан қатъий назар 3 йил муддатга солиқдан озод қилиниши бўйича мақсадли имтиёзлақишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш учун самарали рағбатлантириш тизими ҳисобланади.

Мол мулк солиғи бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш мақсадлари учун хўжалик субъектлари балансида бўлган мол мулкларни солиқ солиш базасидан чиқарилиши бўйича имтиёзлар маҳсулотнинг таннархини минималлаштириш ва хўжаликлар рентабеллик кўрсаткичларини оширилишига таъсир кўрсатади. Иккинчидан ушбу солиқларнинг реал солиқлар сифатидаги хусусиятларига асосланиладиган бўлинса, берилган имтиёзлар рентабеллик кўрсаткичнинг даврий тебраниши шароитида солиқ қарздорлигини олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Ресурс солиқларида марказий аҳамият касб этувчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқда шўрланган ерларни ювиш учун сувдан фойдаланиш ва сув истемоли соҳасидаги тегишли органлар тасдиқлаган шўрларни ювиш нормалари бўйича фойдаланиладиган сувларга солиқ солинмайди.

Балиқчилик хўжаликлари томонидан имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида сунъий сув ҳавзаларидан самарасиз фойдаланилган ҳолатларда мавжуд ер солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиш ва юқори солиқ ставкаларини жорий қилиш белгиланган.

Суғориш тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш мақсадида коллектор-дренаж тармоқларидан фойдаланиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидан чегириб ташланиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясидан (агар ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлари жами даромаднинг 90 фоиздан кўпроғини ташкил этса) олган фойдасига фойда солиғи бўйича ноль фоизли ставкани белгиланиши⁷, уларни рентабеллигини билвосита солиқлар орқали қўллаб қувватлашнинг муҳим инструменти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаши лозим бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони элик гектардан йигирма беш гектаргача пасайтирилмоқда. Ушбу ҳолат ҚҚС орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун қўшилган қиймат

⁷ Қаранг: ЎзРСК, 337-модда. Солиқ ставкалари // <https://lex.uz/docs/4674902>

занжирини яратишда тенг молиявий шарт шароит яратиш учун имкониятлар берилди.

Фермер хўжаликлари маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти жараёнларини рағбатлантиришда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича имтиёзлар белгиланди. Хусусан, фермер хўжаликлари экспорт айланмаси учун ҚҚС ноль ставкада ҳисобланиб, улар ҚҚС бўйича ортиқча суммасини давлат бюджетидан қайтариб олиши ҳуқуқига эга бўлдилар.

5. Хулоса ва таклифлар.

Амалга оширилган эмпирик тақиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тизимлаштирилди:

Кейинги йиллардаги (асосан 2018 йилдан бошлаб) глобал масштабдаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини белгиланиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш билан боғлиқ ислохотлар давлат томонидан тармоқни қўллаб қувватлаш сиёсатида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлар интенсив ривожланишини таъминлаш мақсадида уларнинг моддий техник базасини модернизациялашга қаратилмоқда.

Фермер хўжаликлари асосан пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида фаолият юритиб, ушбу маҳсулотларга нисбатан давлат буюртмалари ва харид нархларининг белгиланиши ишлаб чиқаришни бозор муносабатларида ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларни яъни баҳолар диспаритетининг мавжудлиги шароитида улар барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятларини чеклаб қўйган. Натижада, фермер хўжаликлари молиявий барқарорлиги, рентабеллик кўрсаткичларининг паст даражаси тармоқнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, давлат томонидан кенг спектрдаги молиявий қўллаб қувватлаш тизимида эҳтиёжни вужудга келтирган.

Таҳлиллар тасдиқладики, давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлаш тизими самарадорлиги биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ички хўжалик механизмини реал бозор талаблари асосида такомиллаштириш тизимида боғлиқ бўлган. Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизими чуқур таҳлиллар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Фикримизча, амалдаги ресурс солиқларининг асосий турларидан бири бўлган ер солиғини пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ердан унумли фойдаланишни рағбатлантириш тавсифида такомиллаштириш зарур. Хусусан, фермер хўжаликлари тасарруфидаги пахта майдонлари учун мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу ерлар бўйича тупроқ унумдорлиги (балл бонитетларини йиллик солиштириш асосида) оширилга тақдирда ер солиғи бўйича қуйидаги регрессив солиқ механизми жорий қилиниши мақсадга мувофиқ:

- балл бонитет йиллик солиштирилиши натижасида 3 баллгача ошганда амалдаги ер солиғи ставкасини 25 фоизга пасайтириш;

- балл бонитет йиллик солиштирилиши натижасида 3 баллдан юқори даражада ошганда 50 фоизгача чегирма бериш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги, ер солиғи бўйича белгиланган регрессион солиқ ставкалари пахта майдонларида ҳосилни етиштириш жараёнида тупроқ унумдорлигини оширишни рағбатлантиришнинг манзилли бозор механизмини ўзида мужассамлаштиради.

Адабиётлар:

- Andrew Barkley (2020) Principles of Agricultural Economics 3rd Edition.
- Eldon Ball V., Roberto Fanfani, Luciano Gutierrez. The Economic Impact of Public Support to Agriculture. 2010.
- Bodi, Zv., Merton R.K. (2013). Finance. – Moscow, Publishing House “Williams”, 2013.
- Bolshakov, S.V. (2006). Finance companies. Theory and practice. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
- Barulin, S.V. (2010). Finance. – Moscow, KNORUS, 640 p.
- Dikan, L.V., Holub, Yu.O. (2007). Financial support for the enterprise: the nature and source. Economy Development, issue 3 (43), p. 65–68.
- Hutz, E.E. (2007). Provision of farm financial resources in a time of change and stabilization. Economy AIC, issue 3, p. 46-53.
- Oparin, V.N. (2001). Finance (general theory). – Kyiv, Kyiv National Economic University, 240 p.
- Sokolska, T.V. (2019). Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness, issue 1, p. 140-146.
- Zyatkovsky, I.V. (2020). The financial support of business – Ternopol, Economic thought, 215 p.
- Дудник А.В. (2011) Концептуальные основы экономической политики аграрного протекционизма в современной России // Аграрный вестник Урала №5 (84), сс.76-78
- Курносов А.П. (2010) Оптимизация параметров развития сельскохозяйственных предприятий в условиях государственного регулирования АПК // Монография.- Воронеж: ФГОУ ВПО Воронежский ГАУ, 191 с
- Новинчихина Н.А. (2014) Теоретические аспекты государственного регулирования сельского хозяйства // Современные проблемы науки и образования.- №5. с.358.
- Поддубева И.С. (2016) Основные элементы модели организационно-экономического механизма государственного регулирования сельского хозяйства региона//Проблемы и перспективы экономики и управления: материалы IV Международного науч. пр. конф. Санкт Петербург, С.41-44.
- Халяпин А.А. (2010) Инструменты государственного экономического регулирования аграрного сектора экономики: Автореферат дис. к.э.н:08.00.05 / Халяпин А.А. Кубанский государственный аграрный университет.-Краснодар, 24 с.



САВДО ХИЗМАТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

Мукимова Ў.Т.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Ушбу илмий мақолада электрон тижорат усуллари ва воситаларини савдо хизматлари самарадорлигини оширишда қўллаш имкониятлари ўрганилган. Тадқиқот давомида электрон тижоратнинг "G2C", "B2C", "B2B", "G2B", "G2G", "C2C" каби моделлари алоҳида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: савдо, электрон савдо, "G2C", "B2C", "B2B", "G2B", "G2G", "C2C", интернет, электрон бошқарув.

Abstract: This scientific article explores the possibilities of using e-commerce methods and tools to increase the efficiency of trade services. During the study, models of electronic commerce such as "G2C", "B2C", "B2B", "G2B", "G2G", "C2C" were analyzed separately.

Keywords: trade, e-commerce, "G2C", "B2C", "B2B", "G2B", "G2G", "C2C", internet, e-government.

Аннотация: В данной научной статье исследуются возможности использования методов и инструментов электронной коммерции для повышения эффективности торговых услуг. В ходе исследования отдельно анализировались модели электронной коммерции, такие как «G2C», «B2C», «B2B», «G2B», «G2G», «C2C».

Ключевые слова: торговля, электронная коммерция, «G2C», «B2C», «B2B», «G2B», «G2G», «C2C», интернет, электронное правительство.

1. Кириш.

Ҳозирги кунда иқтисодиётда, айниқса тадбиркорлик соҳасида эришилаётган ютуқлар негизида айнан ахборот технологиялари турли сегментларнинг юқори даражада ривожланганлиги ва самарали қўлланиши ётади. Республикамиз иқтисодиёти ҳам бундай ҳолатдан мустасно эмас, албатта. Чунки ахборот технологияларини ривожлантириш янги иқтисодий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикамиз иқтисодиётининг ҳам босқичма-босқич ривожланиши оқибатида бизнес фаолияти юртишнинг янги принциплари, айниқса электрон тижоратнинг аҳамияти жуда ошди. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига юқори даражада интеграциялашуви электрон тижоратни биз учун ажралмас ҳолга келтиради. Шу боис мамлакат раҳбарияти ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратишга интиломда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-майдаги "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори[1] билан 2018-2021-йилларда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Хужжатда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қулай шарт-шароитлар яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро ҳамкорлик ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли ўртасида электрон тижоратни рағбатлантириш ва оммалаштириш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар назарда тутилган.

Шунингдек, электрон тижоратнинг жадал ривожланишини ҳисобга олиб, 2018 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон электрон тижорат уюшмаси ташкил этилди. Унинг асосий мақсадлари иқлимни яхшилаш, бизнес вакиллари ва аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш, тадбиркорларга янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қўмаклашишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунга қадар уюшмада 60 га яқин электрон тижорат субъекти рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича яхши кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2019-йилда 6,7 баробарга ўсди, бу асосан мамлакатда интернет ва электрон савдо майдончаларининг кенгайиши ҳисобига ўсди.

2019-йилда Интернет тармоғи орқали товар айирбошлаш ҳажми 275,3 миллиард сўмни (ўсиш суръати – 6,7 баробар) ташкил этди, бу республика умумий савдо ҳажмининг 0,11 фоизини (2018 йилда – 0,02 фоиз) ташкил этди [2].

Шу жиҳатдан олганда ҳам, мавзуни кенг ва чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Савдо соҳасини ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий қонуниятлари бир қатор олимлар томонидан ўрганилди. Ф.Мисиаг (2008) томонидан ўтиш даври иқтисодиётида савдонинг макроиқтисодий функциялари назарияси 2002 йилда аниқланган. Ушбу муаллиф савдони икки даражада аниқлаш имкониятидан бошлайди, хусусан:

- макродаража - савдо деганда товарлар ишлаб чиқариш соҳасидан ишлаб чиқариш истеъмолига ёки якуний истеъмолга ўтиладиган халқ ҳўжалиги саноати тушунилади;

- ва микродаража - савдо деганда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизматлар алмашинувини амалга оширадиган савдо фирмаси ёки муассаса тушунилади.

Электрон тижорат ёки электрон тижорат ўтган асрнинг охирида ва айниқса 1971 йилда пайдо бўлган янги тушунчадир. Бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олишни англатади. Шунингдек, у сотувчидан озиқ-овқат сотиб олиш каби интернетдан ташқари операцияларни ҳам ўз ичига олади. Аслида, электрон тижорат интернетдан кенг фойдаланишдан кейин пайдо бўлди. У мобил телефонлар, телевизорлар, ИТ ва компьютерлар каби технология ва алоқанинг ҳар қандай туридан фойдаланиши мумкин. Шу сабабли ҳам, савдо назариясида “электрон тижорат” йўналиши вужудга келди ва у йилдан-йилга кенгроқ тадқиқ этила бошлади.

Жумладан, Л.К.Терешченко (2001) ва И.Ю.Алексеев (2000) бир вақтнинг ўзида ўз қамровини фақат Интернет глобал компьютер тармоғида операцияларни амалга ошириш билан чеклайди, А.В.Сигарев (2013) - электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операцияларни электрон тижорат деб атайди.

Бироқ, бошқа тадқиқотчилар таҳлил қилинган тушунчаларни фарқлаш зарурлиги ҳақида гапиришади. “Электрон тижорат” субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқа электрон шаклда амалга ошириладиган ва ресурсларни етказиб бериш ёки

маҳсулотларни жисмоний етказиб бериш билан бирга бўлган бизнес жараёнининг ҳар қандай шаклидир. Савдо жараёнига тегишли бўлган электрон тижорат электрон тижоратнинг бир қисми бўлиб, Интернетда энг фаол ривожланмоқда. А.А.Тедеевнинг (2002) сўзларига кўра, “савдо” “тижорат”га қараганда торроқ тушунчадир ва шунинг учун электрон савдони электрон тижоратнинг алоҳида ҳолати сифатида кўриб, бу тушунчаларни фарқлаш керак.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида электрон тижоратнинг “G2C”, “B2C”, “B2B”, “G2B”, “G2G”, “C2C” каби моделлари, уларнинг вазифалари ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқот давомида умумий хулосалар тақдим этиш учун илмий абстракциялаш усулидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Иқтисодий адабиётларда электрон савдо ва электрон тижоратнинг моҳиятига, ҳисоб-китоб ва ўзаро муносабатларига кўра 4 та моделга ажратган ҳолда кўрсатиб ўтилган (“G2C”, “B2C”, “B2B”, “G2B”), лекин кенгроқ ёндашадиган бўлсак, уларнинг 6 тасини кўрсатиш мумкин:

- **“G2C”** (government to consumers) – давлат ва истеъмолчи(аҳоли) ўртасидаги алоқа. Булар солиқларни тўлаш, ер ва транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳукумат ва унинг фуқаролари ёки истеъмолчилари ўртасида амалга ошириладиган ахборотни билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олган электрон тижорат фаолияти. Ушбу платформалар бўлишига қарамай, ҳукумат ўз фуқароларига зарур хизматлардан самарали фойдаланади. Ушбу платформалар орқали жамоат мулки бўлиши керак бўлган маълумотлар минимал нархларда етказилади.

G2C шунингдек, истеъмолчиларни ташвишга соладиган жавоблар ёки давлат хизматлари ва маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш орқали ҳукумат ва унинг истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларга ишора қилади. Бундай хизматларга ерларни қидириш, ҳақиқий лицензияларни тасдиқлаш ва транспорт воситаларига эгалик ҳуқуқини қидириш киради. Солиқни тўламаслик ёки солиқни қайтариш каби низолар ҳукумат платформаларида онлайн қўллаб-қувватлаш орқали ҳал этилади.

- **“G2B”** (government to business) – давлат ва бизнес субъектлари ўртасидаги алоқа ва савдо. “G2B” - бу давлат бошқаруви ташкилотлари (субъектлари) ва корхоналар ўртасидаги муносабатларни билдирадиган атама. Электрон бошқарувнинг асосий моделларидан бири сифатида давлат бошқаруви субъекти ва корхоналар ўртасидаги ҳар қандай муносабатлар учун ишлатилиши мумкин.

G2B моделида ташаббус давлат ташкилотидан келиб чиқади ва корхоналар мақсадли гуруҳ ҳисобланади.

Ушбу модел бизнес ва ҳукумат ўртасида ҳар қандай маълумотларнинг электрон алмашинувини ўз ичига олади, одатда Интернетдан фойдаланади, шунинг учун ҳамкорлик ёки алоқа одатда Интернетдан ташқарида бўлганидан кўра самаралироқ. G2B да давлат идоралари ва бизнес веб-сайтлар, харидлар бозорлари, дастурлар, веб-хизматлардан фойдаланади.

Ўзаро муносабатлар ҳар қандай ҳаётий вазиятда корхоналардан маълумот олиш талабини ёки қонуний органга расмий ҳужжатни топширишни назарда тутиши мумкин.

Модел одатда бундай алоқани электрон шаклга ўтказадиган АКТ ечимига мурожаат қилиш ёки давлат бошқаруви ва корхоналар ўртасидаги алоқани соддалаштирадиган ечимни тавсифлаш учун ишлатилади.

G2B / B2G хизматларининг намуналари:

- давлат буюртмаси;

- электрон харидлар бозорлари;
- электрон ким очди савдоси;
- электрон таълим;
- электрон бирлашма шакллари;
- корпоратив маълумотларни янгилаш;
- тўлдирилган электрон шаклларни юбориш (масалан, солиқ шакллари, ижтимоий суғурта шакллари)
- электрон тўловларни юбориш;
- жавобларни электрон шаклда юбориш / қабул қилиш;
- онлайн учрашувлар;
- лойиҳаларни бошқариш бўйича ҳамкорлик¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам G2B тизимининг норматив-ҳуқуқий асослари шакланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунида келтирилганидек, давлат хариди – товар (иш/хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш. Электрон давлат харидлари — электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усули. Давлат буюртмачиси эса давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахсдир².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган «Хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низом»да ўз аксини топди. Ушбу Қарорда тендер савдолари 100 минг АҚШ долларидан юқори суммадаги савдолар учун амалга оширилиши, ғалиб тендер комиссияси қарори билан аниқланиши, 1 млн. АҚШ долларидан юқори суммада савдо амалга оширилганда тендер комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилиши белгиланди (У.Ўроқов, 2019).

- **“B2C”** (business to consumers) – бизнес субъектлари ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқа ва савдо. “Бизнесдан истеъмолчига” (**B2C**) атамаси маҳсулот ва хизматларни тўғридан-тўғри бизнес ва унинг маҳсулотлари ёки хизматларининг охириги фойдаланувчилари бўлган истеъмолчилар ўртасида сотиш жараёнини англатади. Тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотадиган компанияларнинг кўпини **B2C** компаниялари деб аташ мумкин.

B2C 1990-йилларнинг охиридаги дотсом портлаши даврида жуда машҳур бўлиб, у асосан Интернет орқали истеъмолчиларга маҳсулот ва хизматларни сотадиган онлайн чакана савдо корхоналарига мурожаат қилиш учун ишлатилган.

Бизнес-модел сифатида бизнесдан истеъмолчига бизнес ва бизнес моделидан сезиларли фарқ қилади, бу икки ёки ундан ортиқ бизнес ўртасидаги тижоратни англатади³.

- **“B2B”** (business to business) – бизнес ва бизнес субъектлари ўртасидаги алоқа ҳамда савдо. Ушбу атама бошқа бизнесга йўналтирилган маҳсулотлар ва хизматларни яратадиган барча компанияларни қамраб олади. Бунга SaaS маҳсулотлари, B2B маркетинг фирмалари ва умумий бизнес таъминот компаниялари кириши мумкин.

B2B компаниялари бошқа корхоналар ишлаши ва ривожланиши учун зарур бўлган нарсаларни таклиф қиладиган қўллаб-қувватловчи корхоналардир. Иш ҳақи

¹ <https://managementmania.com/en/g2b-government-to-business>

² <https://uzex.uz/uz/pages/public-procurement-FAQ>

³ <https://www.investopedia.com/terms/b/btoc.asp>

процессорлари ва саноат етказиб берувчилари бунга иккита мисолдир. Бу тўғридан-тўғри индивидуал харидорларга сотиладиган "бизнесдан истеъмолга" моделлари ва фойдаланувчилар бизнес учун (масалан, мижозлар шарҳлари ёки таъсирчан маркетинг каби) хизматларни таклиф қиладиган моделларидан фарқ қилади. B2B компаниялари бутунлай бошқа мақсадли аудиторияга эга: Улар бошқа корхоналар ишлаши, ўсиши ва фойда олишлари учун зарур бўлган хом ашё, тайёр қисмлар, хизматлар ёки маслаҳатларни таклиф қилишади.

- **"G2G"** (government to government) – давлат ташкилотлари ўртасидаги алоқа ва савдо. Ҳукуматдан ҳукуматга (G2G) - бу давлат идоралари, ташкилотлари ўртасида маълумотлар ва ахборот тизимларини электрон алмашиш. G2G-нинг мақсади алоқа, маълумотларга кириш ва маълумотлар алмашинувини яхшилаш орқали электрон ҳукумат ташаббусларини қўллаб-қувватлашдир.

G2G ташаббуслари, шунингдек, бюджет ва маблағ ҳисобидан амалга оширилмоқда. Маълумотлар ва тизимларни алмашиш орқали ҳукуматлар АТ-харажатларини камайтиришга қодир, давлат идоралари фуқароларнинг Интернет орқали маълумот олишларига имкон бериб, янада самарали ва тартибларни соддалаштириши мумкин. Шунингдек, улар лойиҳага қараб, грант маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин⁴.

- **"C2C"** (consumer to consumer) – аҳоли ва аҳоли ўртасидаги алоқа ва аукцион савдо. Истеъмолчидан истеъмолчига ёки C2C - бу хусусий шахслар ўртасида тижоратни осонлаштирадиган бизнес модели. Товарлар ёки хизматлар учун бўлсин, электрон тижоратнинг ушбу тоифаси одамларни бир-бири билан бизнес қилиш учун боғлайди.

C2C-нинг мақсади харидорлар ва сотувчиларнинг бир-бирларини топишига ёрдам бериб, ушбу муносабатларни фаоллаштиришдир. Мижозлар маҳсулот рақобатидан фойда олишлари ва акс ҳолда топиш қийин бўлиши мумкин бўлган маҳсулотларни осонгина топишлари мумкин⁵.

Мамлакатимизда C2C тизимидаги электрон савдоларни олиб борувчилар жумласига OLX, uybor.uz, fvtobor.uz, avtoelon.uz каби лойиҳа ва сайтларни келтириш мумкин. Ушбу турнинг асосий ютуқларидан бири савдо жараёнида воситачилар аралашувини қисқартириб, нархларнинг пасайишида муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий даврда, ижтимоий тармоқларда саҳифалар очиб, онлайн савдо билан шуғулланаётган ва яхши даромад қилаётганларни учратиш мумкин. Аммо йирик ҳўжалик юритувчи субъектларларнинг интернет орқали савдони амалга оширишида ижтимоий тармоқлар қўшимча бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги пайтларда оммалашаётган онлайн савдо платформаси эса мессенжерлар ҳисобланади. Улар ботлар асосида амалга оширилмоқда.

Бот – интернетдаги робот бўлиб, у сизнинг ўрнингизга савдони амалга ошириши, маҳсулотларни таклиф қилиши мумкин. Бироқ бот дам олмасдан, овқатланмасдан, ойлик маош сўрамасдан ишлайди. Шунчаки уни текшириб туриш лозим. Масалан, Telegram мессенжерида ботлар ёрдамида савдо қилиш анча оммалашмоқда. Шу билан бирга дунёдаги энг оммабоп Facebook ижтимоий тармоғининг мессенжерида ҳам ботлар ишга туширилган.

Онлайн савдодаги энг катта муаммолардан бири – бу мамлакатимизда онлайн савдонинг кенг ҳажмда эмаслиги. Таклифлар қанча кўп бўлса ва тарғибот тўғри қилинса, унга талаб ҳам ортиши аниқ. Чунки онлайндаги ҳамюртларимиз сони бугунги кунда жуда кўпчилиكنи ташкил этади. Бу ўз навбатида эркин савдонинг амалга ошириш имкониятини бериши аниқ. Бундан ташқари, кўпчиликда онлайн тушунчалар ҳақида билим ва маълумотларнинг камлиги ҳам энг катта

⁴ <https://whatis.techtarget.com/definition/government-to-government-G2G>

⁵ <https://www.businessnewsdaily.com/5084-what-is-c2c.html>

камчиликлардан биридир. Шунинг учун жамоатчиликда онлайн савдо ва тижоратлар борасидаги оммавий ахборот воситалари кўрсатувлари ва эшиттиришларини жорий қилиш, оммавий семинарлар ташкил қилиш каби натижа берадиган кенг кўламли ишларни амалга ошириш лозим.

Бугунги кунда **Start up Mix** лойиҳаси ташкил қилинган бўлиб, унда онлайн бизнесни йўлга қўяётганлар ўз лойиҳалари ҳақида сўзлашади. Айнан шу лойиҳани Республикамизнинг барча жойларида кенг оммага жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади ва албатта ижобий натижа беради. Шунингдек, малакатимиз фуқаролари учун электрон фонд, валюта биржаси савдоларида кенг қатнашиш имконияти яратилиши ҳам онлайн тижорат савдонинг ривожланишига ўзининг кенг таъсирини кўрсатади деб ҳисоблайман.

Юқоридагилар билан бирга, электрон тижоратнинг афзалликлари ва камчиликларини ҳам келтириб ўтиш зарур.

Электрон тижоратнинг афзалликлари (Goldfarb, 2014):

Кўп йиллар давомида электрон тижоратдан бизнесни амалга ошириш учун яхши танлов сифатида фойдалангандан сўнг, электрон тижоратни жисмоний дўконлар учун энг яхши алтернатив қиладиган кўплаб афзалликлар мавжуд.

Электрон тижоратнинг биринчи афзаллиги вақтни бошқаришдир. Сўнгги пайтларда вақт - бу пул ва уни мукамал жадвалда бошқариш керак. Электрон тижорат вақтни тежаш ва масофани нолга айлантириши мумкин.

Бундан ташқари, битта экран орқали харидор сон-саноқсиз товарларни кўриб чиқиши ва қидириши мумкин, чунки сотувчи бир саҳифада санаб бўлмайдиган товарлар ва маҳсулотларни кўрсатиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, веб-саҳифа орқали маҳсулотларнинг шакли ёки услубининг жозибadorлиги, бу истеъмолчиларни жалб қилиши мумкин, чунки бу уларга ўзларининг сеvimли маҳсулотларини кўриш ва танлашда афзаллик беради.

Онлайн харид қилиш ҳар доим истеъмолчи учун мақбул нарх ва чегирмаларни тақдим этади. Об-ҳаво ёки масофа туфайли жисмоний бозорга чиқа олмайдиган одамларга онлайн харид қилиш қўшимча ёрдам бериши мумкин.

Электрон тижоратнинг камчиликлари:

Бироқ, электрон тижорат фойдаланувчиларга баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Муаммолардан бири шундаки, электрон тижорат фойдаланувчилар учун тўлиқ хавфсизликни таъминламайди. Шундай қилиб, банк операциялари ёки Интернет томонидан тақдим этилган ҳар қандай хизматлар электрон тижоратнинг баъзи турлари хакерлар томонидан осонликча ҳужум қилади. Шунинг учун, пароллар ёки шахсий файллар каби пул ва шахсий маълумотларни йўқотиш хавфи юқори.

Электрон тижоратни бошқариш осон эмас. Шу сабабли, дунёнинг кўплаб ҳукуматлари электрон тижоратга қарши қатъий қоидаларни ўрнатдилар, бу эркин савдони кечиктиради, чунки ҳукумат хавфсиз электрон тижоратни таъминлашни хоҳлайди. Баъзида кўплаб ҳукуматлар бозорни назорат қилиш қоидаларини ишлаб чиқади, бу эса электрон тижорат ёрдамида иқтисодиётни яхшилашни кечиктиради.

Шунингдек, веб-сайтларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш бўйича жаҳон бозоридаги технологик ўзгаришларнинг тезлиги, уларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш ушбу сайтларнинг узлуксизлиги ва у орқали электрон тижорат муваффақияти олдида турган энг муҳим муаммолардан биридир. Бундан ташқари, тил ва маданият кўплаб мижозлар ва кўплаб веб-сайтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тўсқинлик қиладиган бошқа муҳим муаммолардир. Шу сабабли, матнларни мижозлар тушунадиган тилларга таржима қилишни таъминлайдиган дастурий таъминотни ишлаб чиқишга шошилиш эҳтиёж бор.

5. Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунга келиб, Республикамиз давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда кенг қўлланиладиган қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпаратив сектор фаол рол ўйнаши лозим;
- электрон тижоратга нисбатан давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилиши лозим;
- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида аралашиши мумкин;
- электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;
- электрон тижорат жараёни маъмурий-худудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда глобал қўламда содир бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, электрон тижорат саноат ва технологик инқилоб билан бирга келган энг катта инновациялардан биридир. Бу сотиш ва сотиб олишни бошқариш учун технологиядан фойдаланишни англатади. High-Tech атамаси компьютерлар, интернет ва мобил телефонлар, сотувчи машиналар ва бошқалар каби бошқа ақлли қурилмаларни билдиради. Электрон тижоратнинг тўртта асосий тури мавжуд: B2B ёки бизнесдан бизнесга электрон тижорат, B2C ёки бизнесдан истеъмолчига электрон тижорат, C2B ёки истеъмолчидан бизнес электрон тижорат ва C2C ёки истеъмолчидан истеъмолчига электрон тижорат. Бу турларга қўшимча равишда, яқинда B2E бизнесдан ходимга, G2G ҳукуматдан ҳукуматга, G2E ҳукуматдан ходимга, G2B ҳукуматдан бизнесга, B2G бизнесдан ҳукуматга, G2C ҳукуматдан фуқарога, C2G истеъмолчидан ҳукуматга каби янги турлар пайдо бўлди. Бу турларнинг барчаси бутун дунё бўйлаб кўплаб турли соҳаларда электрон тижоратнинг кенг қўлланилишидан далолат беради. Рақобатни рағбатлантириш ва миқдорлар эҳтиёжларига тезкор жавоб бериш электрон тижоратдан фойдаланишнинг қўшимча афзалликлари ҳисобланади. Бироқ, электрон тижоратдан фойдаланиш натижасида махфийлик, хавфсизлик, пул йўқотиш хавфи, ҳукумат қоидалари, тиллар ва технологик ривожланиш тезлиги каби баъзи хавфлар мавжуд.

Шундай қилиб, электрон тижорат одамлар ҳаётида катта муваффақиятга эришишнинг энг яхши усулларида биридир, ҳатто ўтирган ҳолда ҳам, электрон тижорат ҳамма жойда, уйда, офисда ёки чет элда бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

Goldfarb (2014), Avi. "The Internet Killed Distance. Mobile Phones Brought It Back." Technology Review 117.1: 62-63. Academic Search Complete.Web. 27 Jan. 2014.

Misiąg F., (2008) Regionalne zróżnicowanie wykorzystania narzędzi rynku pracy, a ograniczanie bezrobocia, Warszawa.

Алексеев И.Ю. (2000) Электронная торговля: правовые проблемы предпринимательской деятельности в Интернете // Юрист, № 3. С. 43.

Сигарев А. В. (2013) Электронная коммерция: вызовы и перспективы в условиях экономической нестабильности // Вестник Московского университета МВД России. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/elektronnaya-kommertsiya-vyzovy-i-perspektivy-v-usloviyah-ekonomicheskoy-nestabilnosti> (дата обращения: 29.01.2023).

Терещенко Л.К. (2001) Правовое регулирование электронной коммерции // Юридический мир. № 10. С. 36—42.

Тедеев А.А. (2002) Электронная коммерция (электронная экономическая деятельность): Правовое регулирование и налогообложение. М.: Приор. С. 224.

Ўроқов У. (2019) Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-economy-uz/4051-davlat-xaridlari-tizimi-kecha-va-bugun>

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон. <https://lex.uz/docs/3744594>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ИМИДЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Мусабеков У.Ж.

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва илмий асослари» илмий тадқиқот маркази

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция стратегиясини шакллантириш масалалари муҳокама қилинади. Давлатнинг инвестиция стратегияси жаҳон бозорларида давом этаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда микро-мезо ва макро даражаларда содир бўлаётган кўплаб жараёнлар таъсири остида шаклланади. Инвестицияларга талаб турли омиллар таъсири остида шаклланади. Мамлакатнинг инвестиция стратегияси инвестицияларни жалб қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган бўлиши керак.

Калит сўзлар: йирик инвестиция, тармоқлар, ҳудудлар, инвестиция жараёнлари, хусусий мулк, лойиҳа бошқариш, Project Management Body of Knowledge, PRINCE II, халқаро стандартлар, smart-технологиялар, ҳоқимият органлари, инвестицион имиджи, инвестиция муҳити, стратегик мақсадлар, замонавий стратегиялар, барқарор рақобат.

Аннотация: Вданной статье рассматриваются вопросы формирования инвестиционной стратегии. Инвестиционная стратегия государства формируется под влиянием многих процессов, происходящих на микро-мезо- и макроуровнях, с учетом происходящих изменений на мировых рынках. Спрос на инвестиции формируется под влиянием различных факторов. Инвестиционная стратегия страны должна быть направлена на создание благоприятного инвестиционного климата с целью привлечения инвестиций и повышения конкурентоспособности национальной экономики.

Ключевые слова: крупные инвестиции, отрасли, территории, инвестиционные процессы, частная собственность, управление проектами, совокупность знаний по управлению проектами, PRINCE II, международные стандарты, смарт-технологии, органы власти, инвестиционный имидж, инвестиционная среда, стратегические цели, современные стратегии, устойчивая конкуренция.

Annotation: This article discusses the issues of forming an investment strategy. The investment strategy of the state is formed under the influence of many processes taking place at the micro-meso- and macro levels, taking into account the ongoing changes in world markets. The demand for investments is formed under the influence of various factors. The country's investment strategy should be aimed at creating a favorable investment climate in order to attract investment and increase the competitiveness of the national economy.

Keywords: large investment, industries, territories, investment processes, private property, project management, Project Management Body of Knowledge, PRINCE II, international standards, smart-technology, authorities, investment image, investment environment, strategic goals, modern strategies, sustainable competition.

1. Кириш.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишига назар ташласак, уларда инвестицион фаолликни ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирини ташкил қилади. Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш жараёнида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини техник қайта қуrollантириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда инвестицияларни жалб этиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Охирги даврдаги дунё бозоридаги нобарқарорлик шароитида халқаро инвестициялар оқимининг камайиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини секинлаштиришга олиб келди. “Тўғридан-тўғри инвестициялароқими 2020 йилда 35 фоизга камайиб, 1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Европада жами тўғридан-тўғри инвестициялароқими 80 фоизга камайиб, 73 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Букўрсаткич Буюк Британияда 57 фоиз, Францияда 47 фоиз ва Германияда 34 фоизга камайди. АҚШда инвестициялар оқими қайта инвестиция қилинган даромадларнинг камайиши ҳисобига 40 фоизга камайиб, 156 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган”¹.

Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясида мамлакатни халқаро рақобатбардошлигини ошириш учун самарали инвестиция сиёсатини олиб боришини тақозо этмоқда. оширишда Бунда, аввало, инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, асосий капитални технологик қайта ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда инвестиция механизмларини такомиллаштиришнинг макроиқтисодий масалаларига алоҳида еътибор қаратилмоқда, шу муносабат билан мақсад, “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш”га алоҳида еътибор қаратилмоқда (Фармон, 2022). Мазкур вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш механизмнинг такомиллаштириш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш аҳамияти сезиларли даражада ошмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Замонавий стратегиялар уларда муайян миллий иқтисодиётнинг ривожланиш шароитларини мунтазам ҳисобга олишга, улар олдида турган вазифаларнинг англаб етилишига асосланади. Инвестиция стратегияларига назарий ёндашувлар қуйидаги илмий йўналишларида ўз аксини топган:

ривожланиш мақсади ва вазифаларини қўйиш, ички ва ташқи муҳитнинг салоҳиятини баҳолашни ташкил этиш, стратегияни танлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш (И.Ансофф, 1989);

стратегик мақсадлар, уларни акс эттирувчи параметрлар ва прогноз қилинаётган натижаларга эга бўлиш омиллари ўртасидаги сабабли-оқибатли боғланишларга асосланган (Р.Каплан, Д.Нортон, 2003);

¹World Investment Report-2021: Investing in sustainable recover. UNCTAD/WIR/2021.https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf.

барқарор рақобат устунликларини яратиш стратегиялари (М.Портер, 2007); инвестиция жараёнларига ва бошқарув қарорларини қабул қилишга турли омилларни таъсирини урганишга асосланган ёндашув (Я.Тинберген, 1980; Я.Поллак 1950; Ф.Модильяни 1958);

хусусий секторга жалб қилинаётган инвестицияларни рағбатлантиришга давлат тарафидан кредит, солиқ, амортизация, қайта молиялаштириш ставкалари ва бошқа дастаклар орқали таъсир қилиш.

Давлатнинг инвестиция стратегияси жаҳон бозорларида давом этаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда микро-мезо ва макро даражаларда содир бўлаётган қўплаб жараёнлар таъсири остида шаклланади. Инвестицияларга талаб турли омиллар таъсири остида шаклланади. Мамлакатнинг инвестиция стратегияси инвестицияларни жалб қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган бўлиши керак.

Инвесторнинг инвестиция қилишга тайёрлигига инвестиция муҳити, инвестиция объектининг инвестицион жозибадорлиги ва ҳудуднинг инвестицион салоҳияти каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

Г.Марченко, О.Мачульская (2014) мамлакатнинг инвестиция салоҳияти-бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг олдинги фаолияти давомида тўпланган ва жорий фаолиятни сезиларли даражада бузмасдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча мавжуд ресурсларнинг максимал миқдори билан белгиланади.

Бошқа олимлар, А.Мозгоев (2012) “инвестицион жозибадорлик инвестиция объектининг ташқи ва ички муҳитининг инвестиция ресурсларининг чегаравий ўтиш имкониятини белгилайдиган хусусиятлари тўплами билан белгилайди.

В.А.Машкина (2017), инвестиция жозибадорлиги “муайян инвестиция” объектини танлашда инвесторнинг афзалликларини таъсири бундай инвестиция шароитлари мавжудлигини англатади. Шунини таъкидлаш керакки, мавжуд илмий ишларда “инвестиция муҳити” атамасини аниқлаш бўйича консенсус мавжуд эмас. Жаҳон банки маълумотларига кўра, инвестиция муҳити “бу ҳар бир ҳудудга хос бўлган омилларнинг комбинацияси бўлиб, улар компанияларнинг имкониятларини белгилайди ва уларга самарали инвестициялар киритиш, иш ўринлари яратиш ва фаолиятини кенгайтириш учун рағбатларни шакллантиради.

3. Тадқиқот методологияси.


Стратегик режалаштириш, монографик кузатув, контент-таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш, электрон рақамлаштириш, прогнозлаш усулларидадан фойдаланилади.

4. Таҳлил ва натижалар.

Инвестиция жозибадорлигини аниқлаш бўйича хориж тажрибаси бирқанча услублар билан белгиланади, мисол учун бунда Гарвард Бизнес мактабининг, International Country Risk Guide (ICRG) тадқиқот маркази ва “BERI” (Германия), Standard & Poor's (АҚШ), Moody's (АҚШ) услублари, “Euromoney”, “Fortune” (АҚШ), “The Economist” (Англия) да келтирилган ёндашувлар ва бошқа ҳисоблаш усуллари мавжуд. Бу ёндашувларда инвестиция жозибадорлигининг эксперт баҳолаш қуйидаги гуруҳлар билан таснифланади: хорижий ва миллий инвесторлар учун қонунчилик шарт-шароитлари; сармояни олиб чиқиш имконияти; миллий валюта барқарорлиги; сиёсий вазият; инфляция даражаси; миллий сармояни ишлатиш имконияти (R.B.Stobaugh, 1969).

Барча бозор субъектларининг иқтисодий интеграциясининг замонавий шароитида инвестиция имиджи (reputation) миллий иқтисодиётнинг барқарор

ривожланиши нуқтаи назаридан муҳим манбага айланади. Мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги инвестиция имиджини (reputation) шакллантириш учун асос бўлиб, қуйидаги объектив омиллар ва шароитлар билан тавсифланади (1 расм.).



1-расм. Инвестиция муҳити ва мамлакат имиджи (reputation) ўртасидаги муносабатлар матрицаси²

Инвестицион жозибadorлик ва инвестиция имиджи (reputation) биргаликда мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясининг миқдорий ва сифатли баҳосини акс эттириши асосланган.

Рақобатбардош иқтисодийётнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан

² Муаллиф томонидан тузилган

мамлакатдаги инвестиция жараёнларини тартибга солиш самарадорлиги ва унинг инвестиция имиджининг (reputation) ўсиши билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2025 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 28-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 459-сонли қарори ижроси доирасида ушбу муаммоларни муҳокама қилиш алоҳида аҳамиятга эга. инвестиция сиёсати ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Шундай қилиб, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион имиджини (reputation) шакллантириш давлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоалар, хусусий сектор ўртасида янги даромад манбаларини яратиш ва бандликни ошириш, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва шериклик механизмларини яратишни талаб қилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Инвестицион жозибадорлик ва инвестиция имиджи (reputation) ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардир:

тармоқ минтақавий инвестиция форумларини ташкил етиш, унинг мақсади менежерлар ва мутахассислар, республика ва минтақавий ижро етувчи ҳокимият органлари, вазирлик ва идоралар, ИТ мутахассислари, илмий ва таълим тизими, халқаро инвестиция бизнеси, республикада аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари ва бошқалар учун инвестиция жараёнларини ривожлантириш бўйича мунозарали платформани шакллантиришдан иборат;

тармоқлар ва ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ривожлантириш бўйича индекслар (рейтинглар) миллий тизимини шакллантириш: Ўзбекистон Республикасининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш, тармоқлар ва ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини халқаро стандартларга мувофиқ рейтинг (индекс) баҳоларини тузиш;

йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш бизнес ҳамжамиятини ривожлантириш: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик еҳтиёжлари учун янги инвестиция имкониятларини ривожлантириш; бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш; лойиҳаларни бошқариш механизмларини жорий етиш;

инвестиция жараёнлари ҳолатини мониторинг (monitoring) қилиш ва баҳолаш методологияси ва воситаларини ҳамда статистик (шу жумладан очиқ маълумотлар платформасидан фойдаланган ҳолда) ва бошқа маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, тақдим етиш ва тарқатиш технологиясини такомиллаштиришга ёрдам берадиган ахборот-таҳлил тизимини жорий етиш, илмий, услубий, статистик нашрларни нашр етиш тўпламлар ва бошқа материаллар;

инвестиция фаолиятини давлат ва минтақавий тартибга солиш, стратегик менежментни, минтақалараро муносабатларни ривожлантиради ,давлат-хусусий инвестиция шериклиги асосида инвестиция инфратузилмасини ривожлантиришга имкон беради (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, ауцорсинг, краудсорсинг ва бошқаларни жорий етиш асосида);

хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг асосий Қонунчилик базасини яратиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормалар ва қоидалар билан максимал даражада уйғунлаштириш, шунингдек суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодий, мулкӣ ва бошқа низоларни ҳал қилиш, уларни ҳакамлик суди ва суд тизими орқали амалга оширишга ўтиш;

иштирокчилар инвестицияларни жалб қилиш соҳасида замонавий тушунча ва

воситаларга ега бўлган ва миллий, минтақавий ва тармоқ миқёсидаги лойиҳаларни амалга оширишга қодир жамоаларни шакллантириш ва ўқитиш;

лойиҳаларни бошқариш соҳасида юқори малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш учун замонавий таълим технологиялари (шу жумладан smart-технологиялар асосида) асосида янги ўқув-услугий базани яратиш (Project Management Body of Knowledge, PRINCE II ва бошқа халқаро стандартлар асосида инвестицион лойиҳаларни бошқариш ўқув курсларини ташкил қилиш).

Адабиётлар:

Pollak J.J. and Tinbergen J. (1950) The Dynamics of Business Cycles: Study in Economic Fluctuation. Chicago:

Robert B. Stobaugh (1969) How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review, p.89. www.raexpert.ru/researches/regions/investclimate

Ансофф И. (1989) Стратегическое управление: Сокр. Пер. с англ. / Науч. ред. и авт. предисл. Л. И. Евенко. – М.: Экономика, 129 с.

Каплан Р., Нортон Д. (2003) Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. М.: Олимп, с.254.,

Марченко Г., Мачульская О. (2014) Исследование инвестиционного климата регионов России: проблемы и результаты. // Вопросы экономики - № 9 - с. 69-79.

Машкин В.А. (2017) Управление инвестиционной привлекательностью реального сектора экономики региона // Север промышленный. № 9.

Мозгоев А. (2012) О некоторых терминах, используемых в инвестиционных процессах // Инвестиции в России. № 6. С. 48.

Модильяни Ф., Миллер М. (1958) Стоимость капитала, финансы корпораций и теория инвестиций Пер. с англ. «Америкэн экономике».

Портер М. (2007) Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. – М.: Альпина Бизнес Букс, 635 с.

Тинберген Я. (1980). Пересмотр международного порядка. М.: Пер. с англ. «Прогресс», с. 61, 93.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон.



ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ МЕНЕДЖМЕНТ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ - ВАЖНЫЕ ЗАДАЧИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА

д.э.н. (DSc), доцент Носиров И.А.

Ферганский политехнический институт

Аннотация: В данной статье подчеркивается, что в развитии экономики важно учитывать влияние факторов окружающей среды, в связи с этим обращено внимание на то, что пренебрежение экологических факторов социально-экономического развития, закономерностей регулирующих взаимодействия природы и общества может привести к неожиданным экономическим и социальным последствиям. Показано, что, подчиняясь и являясь первым и необходимым условием соблюдения законов природы и общества в закономерностях управления экологических отношений между природой и обществом, происходит проявление их единства и прежде всего, определяется законами природы и выражается в общих принципах природопользования. Освещены закономерности экологического управления, законы воспроизводства природных ресурсов, а также формирование и развитие природных ресурсов во взаимосвязи, характерной своеобразной особенностью эколого-экономической сферы, как самостоятельной деятельности.

Ключевые слова: Окружающая среда, природоэксплуатация, экологическое управление, атмосфера, вода, природные ресурсы, экологическая интеграция, экономический конфликт.

Abstract: This article emphasizes that in the development of the economy it is important to take into account the influence of environmental factors, in this regard, attention is drawn to the fact that the neglect of environmental factors of socio-economic development, the laws governing the interaction of nature and society can lead to unexpected economic and social consequences. It is shown that obeying and being the first and necessary condition for observing the laws of nature and society in the laws of managing environmental relations between nature and society, their unity is manifested and, above all, is determined by the laws of nature and is expressed in the general principles of nature management. The regularities of environmental management, the laws of reproduction of natural resources, as well as the formation and development of natural resources in the interrelation, a characteristic peculiar feature of the ecological and economic sphere, as an independent activity, are highlighted.

Key words: Environment, nature exploitation, ecological management, atmosphere, water, natural resources, ecological integration, economic conflict.

1. Введение.

Высокий уровень экономического роста, характерный для стран мира в конце XX и начале XXI веков определяется ведением деловой активности бизнеса, который затрагивает все аспекты общества и играет важную роль в экологическом

менеджменте, являющемся одним из элементов социальной ответственности хозяйствующих субъектов. Бизнес, ставшей причиной повышения значения экологического менеджмента, имея непосредственную связь с материальным и духовным благополучием населения, создает базу для удовлетворения материальных, социальных и интеллектуальных потребностей индивидов, сокращает экономическое неравенство и ликвидирует безработицу. В этом смысле экологический менеджмент направлен на создание оптимальной социально-экономической среды для ведения хозяйства. В современных условиях сложившееся критическое состояние окружающей среды в Республике Узбекистан обусловлено возросшими масштабом и силой воздействия природо эксплуатирующего комплекса на природную среду. Экологические и социально-экономические противоречия усугубляют характер и проявление причинно-следственных связей. Менеджмент как вид профессиональной деятельности, имеющий целью управления людьми и организации их совместной деятельности, носит всеобщий характер: потребность в нём возникает всегда, лишь появляется потребность в целенаправленной совместной человеческой деятельности.

В результате исследования подчеркивается, что в развитии экономики также важно учитывать влияние факторов окружающей среды, в связи с этим обращено внимание на то, что пренебрежение экологических факторов социально-экономического развития, закономерностей, регулирующих взаимодействия природы и общества может привести к неожиданным экономическим и социальным последствиям. Показано, что, подчиняясь и являясь первым и необходимым условием соблюдения законов природы и общества в закономерностях управления экологических отношений между природой и обществом, происходит проявление их единства и прежде всего, определяется законами природы и выражается в общих принципах природопользования. Освещены закономерности экологического управления, законы воспроизводства природных ресурсов, а также формирование и развитие природных ресурсов во взаимосвязи, характерной своеобразной особенностью эколого-экономической сферы, как самостоятельной деятельности. В этой связи предлагаются следующие два метода развития в сфере системы управления природопользованием и его защиты: во-первых, внедрить общее управление экологическим менеджментом, которое представляет собой единство взаимоотношений управления между природой и обществом; во-вторых, необходимо решить весь набор личных взглядов, связанных с социально-экономическими характеристиками менеджмента в развитии общества.

2. Обзор литературы.

Использование природных ресурсов и природы в целом является многоаспектной проблемой, которую изучают экономисты, экологи, философы и социологи. Идеи гармоничного и равностороннего взаимодействия между обществом и природой основаны на работах ученых-экономистов. Из зарубежных стран можно отметить работы таких ученых, как И.Ансофф (1997), Диксон Дж., Бэккес Ж. (2000) и другие.

Некоторые аспекты эффективного использования и экономической оценки природных ресурсов представлены в работах ученых, таких как Н.Агапов, А.В.Шевчук (1999), Т.А.Акимова, А.П.Кузьмин, В.В. Хаскин (2001), А.П.Воронцов (2000) и другие. Эти исследования служат теоретической основой для анализа общих проблем экологического менеджмента. Проблемы использования природных ресурсов в странах, находящихся на разных стадиях развития, рассмотрены в работах отечественных ученых, таких, как А.Абдуганиев (2004), Хакимов Р. (2009), Б.Салимов (2013), и др. Результаты их исследований посвящены таким аспектам,

играющих важную роль в социально-экономической жизни нашей страны, как проблемы охраны окружающей среды, развития общего и отраслевого менеджмента.

3. Методология исследования.

Хотя эти исследования являются основным научным и методологическим ресурсом, принципы и методы формирования и развития экологического менеджмента в сфере использования трудовых ресурсов еще не в полной мере освещены. Исходя из этого, с учетом всестороннего анализа научных и практических аспектов, форм и методов деятельности экологического менеджмента в сфере использования трудовых ресурсов в нашей стране была выбрана данная тема исследования.

В статье уделяя большое внимание на задачах экологического менеджмента, раскрывает своеобразные особенности его и подчеркивает, что использование природы, законов организации, влияния человека, научной основы для надлежащего использования природных ресурсов, прогнозирование изменений, происходящих в природе в экономической деятельности человека, влияние атмосферы, воды, сложная биогеохимическая циркуляция с участием растительного, животного мира, производства и других природных факторов и явлений, должны способствовать анализу ключевых экономических показателей и их адаптации к экономической деятельности человека. В результате этого делается вывод о необходимости изучения его экономических и правовых деталей в постоянной зависимости от процессов, происходящих в рыночных отношениях, как объект менеджмента природными ресурсами.

Таблица 1

Эколого-экономический баланс территорий административного органа

Показатели	Расходы	Результат
	Рыночные резервы	
Земля	Урбанизация, изъятие земли из сельскохозяйственного оборота	Собственники ресурса и прибыль утерянная населением
Вода	Избыточное загрязнение, сверх нормативное потребление воды	Расходы на охрану воды, млн. сум.
Воздух	Расход топлива по норме, загрязнение сверх нормы	Выделение расхода на защиту воздуха, млн. сум.
Биота	Потеря урожайных площадей	На гектарга млн. сум/ в ед земли
Рекреация	Прибыль, потери за качества рекреации для отдыха (выгода)	Затраты на оздоровление населения, млн. сум.
Нерыночные резервы		
Биологическое разнообразие	Сокращение охраняемых районов.	Косвенная оценка биоразнообразия. млн. сум.
Эстетическое качество окружающей среды	Снижение привлекательности среды обитания	Снижение гедомической цены
Глобальные экосистемы	Выбросы углерода, превышающие национальную (региональную) квоту	Обесценение углеродного баланса в результате вырубки лесов (стоимость улавливания углерода), млн. сум
Уникальные объекты	Любая форма ущерба	Стоимость определяется методом готовности к оплате и с участием экспертов или исключается из оценки

Природные ресурсы – это такие средства, которые людям необходимо в их жизни, и эти средства не влияют напрямую на сообщества, а через производительные силы и средства производства. В контексте развития науки и техники спрос на природные ресурсы растет, а потребление постоянно

увеличивается. Однако в настоящее время экологические условия и ресурсы в экономике часто считаются свободными, и обычная стабильность благосостояния воспринимается как бесплатный дар. Произведенное богатство рассматривается как результат конкуренции с природой. Другими словами, природа бесценна, где экология и экономика тесно переплетаются и развиваются, а экологические факторы являются важнейшими экономическими категориями.

Сегодня, когда природные комплексы на разных этапах поднялись до высокого уровня, воздействие человечества на природу, проблема предотвращения деградации окружающей среды имеет решающее значение. Устойчивое развитие предполагает ограничение потребления как товаров, так и услуг в регионах страны. В этой связи важно составлять экологический и экономический баланс с учетом региональные характеристики (таблица 1).

4. Анализа и результатов.

Особенно важно подчеркнуть, что развитие производительных сил как результат эколого-экономических отношений между людьми и природой являются эколого-экономические системы различного вида и масштаба. Эколого-экономические системы - это экономическая и экологическая интеграция, представляющая взаимосвязанные и взаимообусловленные движения социальных процессов и естественные процессы в природе. Взаимодействие, регулирование и контроль обмена веществ между природой и обществом с точки зрения природопользования является особым составным элементом деловых эколого-экономических отношений.

Эколого-экономические отношения – это особые отношения возникающие между людьми при использовании природных ресурсов и условий их защиты, их переработки, размножения и защиты, использования отходов и вторичных ресурсов, а также экологизации при производстве чистой продукции. В то же время основным источником развития производственных связей является серьезный экологический и экономический конфликт между использованием и охраной природы. Основное внимание в исследовании уделяется характеру и типам факторов и условий экологического менеджмента, которые влияют на эффективное использование природных ресурсов в новой геополитической среде в контексте диалектического единства и взаимодействия объективных экологических и экономических потребностей общества.

Эколого-экономические отношения – это особые отношения возникающие между людьми при использовании природных ресурсов и условий их защиты, их переработки, размножения и защиты, использования отходов и вторичных ресурсов, а также экологизации при производстве чистой продукции. В то же время основным источником развития производственных связей является серьезный экологический и экономический конфликт между использованием и охраной природы. Основное внимание в исследовании уделяется характеру и типам факторов и условий экологического менеджмента, которые влияют на эффективное использование природных ресурсов в новой геополитической среде в контексте диалектического единства и взаимодействия объективных экологических и экономических потребностей общества.

С ранних этапов человеческого развития между природой и экономикой имеется взаимная связь, в результате которой люди в той или иной мере используют все материальные ресурсы, необходимые для выживания. Поиск и использование искусственных материалов, которые могут заменить первичные природные ресурсы, становятся необходимостью в условиях ограниченности средства для удовлетворения их потребностей. Поэтому решение проблем

сохранения природных ресурсов, широкого использования вторичных ресурсов и содействия переходу к воспроизводству природных ресурсов может быть одной из важнейших проблем, стоящих перед человечеством. Нахождение путей решения этих проблем в последние годы имеет решающее значение в менеджменте реального сектора, что связано с формированием и развитием экологического менеджмента. Сегодня в нашей стране имеется 32 млн. га земли. Площадь орошаемых земель составляет 4,2 млн. га, в том числе 3,30 млн. га земли плодородная, орошаемая территория. Из этих орошаемых земель получено более 97% сельскохозяйственной продукции республики. Из-за нехватки воды практически невозможно расширить орошаемые земли. В этом исследовании было показано, что наиболее эффективное использование сельского хозяйства, в частности использование земельных ресурсов, в обеспечении продуктами питания для растущего населения имеет решающее значение.

Уникальной особенностью почвы, основанной на применении экологического менеджмента, является то, что на основе эффективного мышления может быть достигнута поддержка, восстановление, улучшение и защита плодородия, повышение продуктивности пастбищ и других земельно-водных ресурсов, рациональное использование и защита, а также обеспечение эффективного контроля над всеми землевладельцами и землепользователями. В то же время объем средств, выделяемых на цели улучшения мелиорации земель через целевые фонды, увеличивается с каждым годом в Узбекистане. В частности, средства, выделенные на рекультивацию орошаемых земель за счет их целевых фондов в Узбекистане, увеличился в 2016 году до 412,5 млрд. сумов. Темпы роста составили 17,6% по сравнению с 2015 годом. Эти средства были направлены на строительство и реконструкцию, ремонтные работы, ремонт и закупку мелиоративного оборудования, капельного орошения, формирование экологического фонда и других целей. Вместе с тем большое внимание уделяется очистке канализационных сетей внутреннего водного транспорта, а также межхозяйственным связям, которые способствует каждый год промывать соленые почвы, в результате которого дефицитная ирригационная вода используется экономически оправданным.

В целях повышения рентабельности земельных и водных ресурсов целесообразно ускорить улучшение земельных отношений и углубить решение вопросов либерализации. Для этого необходимо определить стоимость земли и сумму сборов и налогов. Следует также учитывать, что необходимо уделить внимание на требования законодательства о рыночной экономике, включая ограничение земельных участков, невоспроизводимое, состояние, качество, близость к потребителям, наличие производственных мощностей и инфраструктур.

Улучшение статуса мелиорации орошаемых земель в управлении, экологический менеджмент можно рассматривать как приоритетные направления. В результате этого произошло освоение 1 миллиона 700 тысяч гектаров орошаемых земель. Произведено ремонт коллекторно-дренажных участков на земельной площади, которая на 2 метра ниже уровня земли, объем снизился почти на 500 тысяч гектаров. В стране началась экологическая структурная политика. В частности, состав земли, принадлежащей сельским поселениям, вносит значительный вклад в структуру земель, используемых в сельском хозяйстве (рис. 1).



Рис. 1. Структура земли во владении сельских населенных пунктов Республики Узбекистан (на 1 января 2018 года)

Как видно из рисунка по состоянию на 1 января 2018 года доля земли, используемой в сельском хозяйстве, составляет 63,31%, а общая площадь используемых земель составляет 15,12%. В сухих климатических условиях, характерных для Узбекистана, поливные земли имеют бесценное значение. Эти земли обеспечивают около 95% всех культур, произрастающих в стране, продукции растениеводства, занимая 21% площади суши. Одной из наиболее важных задач сегодняшнего дня является эффективное использование каждой части из орошаемых земель, их устойчивая продуктивность и недопущение выбытия земли из обращения.

Земельные ресурсы используются в основном для производства продуктов питания. Продуктивность сельскохозяйственных земель зависит, прежде всего, от естественного плодородия почв, которые определяется запасами в них питательных веществ, тепла и влаги. Среди многообразия типов почв области лучшими по этому показателю считаются плодородные земли, которые пригодны для всех возделываемых культур. Именно такие земли почти все распаханы и дают высокие урожаи. Высокая освоенность земель приводит к развитию многих негативных процессов: водной и ветровой эрозии, переувлажнению и засолению почв в районах орошения.

Несмотря на то, что ежегодно в сельскохозяйственное производство вовлекаются неудобные земли, т.е. каменистые места, малопродуктивные закустаренные почвами и другие земли, в целом же площадь сельхозугодий уменьшается в связи с изъятием их под промышленные объекты, расширением населенных пунктов, строительством дач, дорог, каналов и т.д. Для сохранения высокого уровня обеспеченности земельными ресурсами Ферганской области требуется проведение таких мелиоративных работ, при которых бы не допускалось снижение содержания гумуса в почвах и предотвращалось развитие вредных процессов.

5. Выводы и предложений.

По результатам исследований экологического менеджмента использование природных ресурсов сделаны следующие выводы и предложений:

1. В деятельности Государственного комитета по охране природы необходимо обратить внимание на охрану и использование природных ресурсов в социально-экономическом развитии, как приоритетного направления. При этом с учетом этого необходимо выделить средств из республиканских и местных бюджетов в качестве дополнительного финансирования на 8-10%, в результате которого производства продукции в реальных хозяйствах увеличивается на 15-20%, осуществить поставки экологически чистых продуктов для потребителей, в целях обеспечения устойчивого экономического роста.

2. Экологически приемлемое экономическое развитие, это один из приоритетов охраны окружающей среды, эффективного использования природных ресурсов путем внедрения и широкого применения инвестиционной политики в формировании структуры бизнеса, позволяющие сэкономить земельно - водные ресурсы.

3. Экологизация экономики, основана на принципе охраны природы, и при этом конечный результат является важным. Для этого, любой ресурс, в том числе с использованием возможности природных ресурсов, которые позволяют строить программные целевые вертикальные подходы.

4. В целях институционального обеспечения поддержки биоразнообразия и улучшения использования природных ресурсов важно обеспечить развитие всех аспектов практического применения закона, который будет служить для поддержки изменений и дополнений в правила, связанные с анализом экологического менеджмента. Необходимо внедрить современные методы менеджмента отходами, разработать пути оптимизации воздействия отходов на окружающую среду.

5. На основе анализа развития направлений, форм и методов государственного регулирования экологического менеджмента в сфере использования природных ресурсов в Республике, подтверждена объективная необходимость государственной поддержки в сфере использования природных ресурсов, в том числе и по отношению к формированию материально-технической базы. При этом недопустимо использование мер, снижающих ответственность сельскохозяйственных товаропроизводителей за результаты их деятельности, искажающих механизмы свободы и конкуренции. Исследования показали, что относительно государственной поддержки развития в сфере использования природных ресурсов к допустимым нормам относятся меры по финансированию научного обеспечения отрасли, экономической поддержке реструктуризации технической базы, технологической модернизации производства, поддержке инвестиционных проектов, соответствующих главным направлениям развития региона.

Литературы:

Абдуғаниев А. (2004) Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: дарслик. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 302 б.;

Агапов Н.Н., Шевчук А.В. (1999) Экономика природопользования и охраны окружающей среды. - М.: Классика плюс, 287 с.

Акимов Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. (2001) Экология. Природа-Человек-Техника.—М.:ЮНИТИ—ДАНА,—366с.;

Ансофф И. (1997) Стратегическое управление. - М.: Проспект, 519 с.;

Воронцов А.П. (2000) Рациональное природопользование. -М.: ЭКМОС, 304с.;

Диксон Дж., Бэккес Ж. (2000) Новый взгляд на богатство народов. — М.: «Вита», 175 с.;

Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. (2013) Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 24 б.

Хакимов Р. (2009) Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 292 б.;



ЗАМОНАВИЙ СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯСИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

Нурматов Ш.Р.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази*

Аннотация: Мақолада солиққа тортиш назариясида солиқ имтиёзларининг илмий назарий кўриниши бўйича тадқиқот олиб борилган. Мавзу доирасида хорижлик иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, солиқ имтиёзларининг таснифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, солиқ имтиёзлари бўйича таҳлилий ишлар амалга оширилган бўлиб, якунида хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқ тўловчи, солиқ сиёсати, солиқ иммунитет, солиқ амнистияси, солиқ таътиллари.

Аннотация: В статье проведено исследование научно-теоретического взгляда на налоговые льготы в теории налогообложения. В рамках темы были изучены исследования зарубежных экономистов, разработана классификация налоговых льгот. Также была проведена аналитическая работа по налоговым льготам, по итогам которой сделаны выводы.

Ключевые слова: налоговая ставка, налоговая льгота, налогоплательщик, налоговая политика, налоговый иммунитет, налоговая амнистия, налоговые каникулы.

Abstract: In the article, research was conducted on the scientific theoretical view of tax benefits in the theory of taxation. Within the scope of the topic, the researches of foreign economists were studied, and the classification of tax benefits was developed. Analytical work on tax benefits was also carried out, and conclusions were drawn at the end.

Key words: tax rate, tax relief, taxpayer, tax policy, tax immunity, tax amnesty, tax holidays.

1. Кириш.

Солиққа тортиш давлат даромадларининг асосий манбаларидан бирини ташкил этади, агар у тўғри қўлланилмаса ва бошқарилмаса, ишлаб чиқариш корхоналарига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳаддан ташқари солиққа тортиш бизнесни юритишнинг юқори нархининг асосий омилларидан бири бўлиб, кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ушбу муаммога дуч келади ва юқори солиқ ставкасидан икки баравар кўп солиққа тортилиши кўп бора кузатилмоқда. Юқори солиқ ставкалари ишлаб чиқарувчиларни келажакда жамғариш, кенгайтириш ва инвестиция қилиш учун рағбатлантирмайди, чунки бу ишлаб чиқарувчиларни қайта инвестиция қилиш

учун камроқ пул қолдиради. Бу охир-оқибат унумдорликни, инвестицияларни сусайтиради ва ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқариш даражасини пасайишига олиб келади. Демак, ҳукумат иқтисодиётини ривожланишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларини тақдим этиши керак, бу эса бандликни ошишига ва иқтисодиётни яхшилланишига олиб келади.

Солиқ имтиёзлари инфратузилманинг етишмаслиги, мураккаб қонунлар, бюрократик мураккабликлар ва солиқ соҳасидаги заиф маъмурият каби инвесторлар дуч келиши мумкин бўлган бошқа камчиликларни қоплайди. Тегишли чора-тадбирлар энди амалдаги солиқ қонунчилигини ислоҳ қилишдан иборат бўлиб, улар номутаносибликларни келтириб чиқаради ва инвесторлар учун қулай муҳитни таъминлаш учун зарур рағбатлантирувчи маъмурий имкониятлар ва инфратузилмага асосланади.

Солиқ назарияси таркибини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаги солиқ маъмурчилигидан, айниқса қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигидан кейинги мураккаб назария бу-солиқ имтиёзлари назариясидир. Чунки мамлакатда солиқ имтиёзларини бериш қанчалик иқтисодий жиҳатдан асосланиб берилса, бу мамлакатда тадбиркорлик ривожланади, жорижий инвесторларни кўпроқ жалб этиш имконияти ошади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлиб, бозорда рақоботбордош бўлишлиги таъминланади. Шунингдек, солиқ имтиёзларини бериш орқали солиққа тортишнинг рағбатлантириш функцияси ва адолатлилик принциплари намоён бўлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

У.Х.Номурзаев (2022) илмий ишларида солиқ имтиёзларини “Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти” деб эътироф этиш ҳамда “солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус идентификация кодини берган ҳолда амалга ошириш кераклигини мақсадга мувофиқ” - деб ҳисоблайди.

О.О.Юшкова (2017) илмий ишларида солиқ имтиёзларини қуйидагича талқин қилади: “Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида солиқ имтиёзлари давлат солиқ сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга эришишга қаратилган”.

В.Г.Пансковнинг (2013) фикрича, муайян фаолият турларига нисбатан қўлланиладиган имтиёзлар субсидиялар тўлашга тенг бўлиб, ташкилотларнинг фаоллигини оширишга ва уларнинг самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин.

Ф.Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир”.

Солиқ имтиёзлари - бу иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ёки бўлинмаларини уларнинг маҳсулдорлик даражасини оширишга рағбатлантириш учун ҳукумат томонидан белгиланадиган энг муҳим пакет. У иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш учун мўлжалланган, бу эса мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ошириши керак. Солиқ имтиёзларини иқтисодиётнинг айрим имтиёзли тармоқларига инвестицияларни рағбатлантириш учун мўлжалланган рағбатлантириш сифатида тавсифлаш мумкин, баъзан улар иқтисодиётнинг жадал

ривожланиши учун ички етказиб беришни тўлдириш учун валюта оқимини жалб қилишга қаратилган (Ibraheem A.A., 2020).

У.О.Бассейга (2013) кўра, солиқ имтиёзлари - бу солиқ тўловчиларга маълум фаолият турлари билан шуғулланишни рағбатлантириш сифатида давлат томонидан тақдим этиладиган даромад ёки солиқ мажбуриятидан махсус истиснолар, имтиёзлар ёки чегирмалар.

Хукумат уларни муайян йўл билан тутишга ундаш учун ҳар хил турдаги рағбатларни таклиф қилади. Солиқ имтиёзларига мисоллар: капитал қўшимчалари, инвестиция имтиёзлари, инвестиция солиғи кредити, солиқсиз дивидендлар, зарарни қоплаш, солиқ таътиллари, паст солиқ ставкаси, айрим кредитлар бўйича фоизлардан озод қилиш (Арогундейд Дж.А., 2005).

Солиқ имтиёзлари қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, нефть-газ ва бошқалар бўйича берилади ва улар, айниқса, солиқ ислохотлари ва солиқ қонунчилигига ўзгартишлар киритиш жараёнида мунтазам қайта кўриб чиқилади. Шунингдек, Г.Иҳе (2012) фикрига кўра, солиқ имтиёзлари иқтисодий тартибга солиш ва стратегия бўлиб, унда ҳукумат баъзи компаниялар ёки жисмоний шахслардан ривожланишни рағбатлантирадиган маълум иқтисодий сабабларга кўра камроқ ёки умуман солиқ тўламасликни сўрайди. Нефть ва газ соҳасида солиқ имтиёзлари зарур, чунки сектор ҳозирда мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади (Аньянву С., 2015).

Л.Марис (2023) қарашларида солиқ имтиёзлари қуйидаги белгилар билан таснифланади:

1. Солиқ имтиёзи - бу асосий (норматив) солиқ тузилмасидан четга чиқиш.
2. Солиқ имтиёзлари алоҳида солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлардир.
3. Солиқ имтиёзи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш воситасидир.

З.Курбанов ва Ф.Акрамов (2015) “солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

- солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
- солиқдан чегирмалар;
- солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)”.

О.С.Беломытцева (2022) ёзишича, “солиқ имтиёзлари солиқ сиёсатининг кенг тарқалган воситасидир. Умуман олганда, солиқ имтиёзлари давлат ёки минтақавий ҳокимият томонидан берилган имтиёз остида солиқ тўловчиларнинг маълум бир тоифаси учун солиқ юкини камайтиришдир”.

Ж.Ж.Урмонов (2018) томонидан: “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти”.

Ф.И.Исаев (2019) фикрича эса, “солиқ имтиёзлари – юридик шахсларнинг айрим тоифаларини солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш, ёки солиқларни камроқ миқдорда тўлаш учун берилган имкониятлардир”.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада солиқ имтиёзлари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, индукция, дедукция, илмий абстракция ва таққослама таҳлиллар, диаграммалар асосида илмий натижалар олинган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ имтиёзларни ўрганишда унинг таснифланиши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу борада ҳам иқтисодчиларнинг қарашлари турлича.

Солиқ имтиёзларини таснифлаш – бу маълум бир чегараловчи (таснифлаш) белгиси асосида тузилган ва тизимлаштириш ва таққослаш мақсадлари билан шартланган солиқ имтиёзларини муайян гуруҳларга ажратишдир.

П.Кузнецов (2023) “солиқ имтиёзларини Россия Федерацияси Солиқ кодексига асосан солиқдан озод этиш, солиқ базасини пасайтириш ва солиқ кредит беришга ажратади”.

В.А.Тарасченко (2013) “солиқ имтиёзларини Украинанинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ иммунитети, солиқ амнистияси ва солиқ таътилларига ажратишни таклиф этган ва уларга таъриф берган”.

Солиқ иммунитети – халқаро ва (ёки) миллий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ алоҳида имтиёзли мавқега ёки тегишли мақомга эга бўлган айрим тоифадаги шахсларни солиқ тўлаш мажбуриятдан озод қилиш. Бундай имтиёз солиқ имтиёзлари эмас, агар биз дипломатик характердаги иммунитет ҳақида гапирадиган бўлсак, халқаро шартномалар ва конвенциялар шартларига мувофиқ имтиёзлар берилиши солиқ талабидир. Аммо миллий манфаатларга асосланган ва меъёрий талаблардан четга чиқишни ташкил этувчи иммунитет имтиёз сифатида белгиланиши керак. Хусусан, бир қатор мамлакатларда музейлар, театрлар, хайрия фондлари, фанлар академиялари ва бошқалар солиқ иммунитетига эга;

Солиқ амнистияси — муайян ҳуқуқбузарликларга нисбатан олий ҳокимият органининг актига мувофиқ амалга ошириладиган, жазоловчи солиқ санкцияларини ва (ёки) умидсиз солиқ қарзларини бир марталик бекор қилишни (ҳисобдан чиқаришни) назарда тутувчи имтиёздир. солиқ тўловчилар тоифаси;

Солиқ таътиллари - бу қонун билан чекланган муддат белгиланишини назарда тутувчи имтиёз бўлиб, унинг давомида солиқ тўловчиларнинг муайян тоифаси муайян солиқни тўлаш мажбуриятдан озод қилинади.

Юқоридаги таснифларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларининг таснифини ишлаб чиқдик (1-расм).

Мамлакатимизда ҳам хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда солиқ имтиёзларининг турли шакллари амалиётда қўлланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

1.1-расмни кўриб чиқадиган бўлсак, солиқ имтиёзларининг таснифланиши келтирилган бўлиб, таъминлаш шаклига кура имтиёзли режимлар, имтиёзлар, чегирмалар, кечиктиришлар, бўлиб-бўлиб тўлаш, кредитлар. Солиқ элементларига боғлиқ бўлмаган имтиёзлар ва боғлиқ бўлган имтиёзлар (солиқ тўловчига, солиқ солиш объектига, солиқ солинадиган базага, солиқ ставкаси бўйича, тўлов муддатларигача) тарзида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармонида асосан, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар бўйича имтиёзлар, агар уларнинг ўзида ушбу солиқдан озод қилиш тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, ижтимоий солиққа нисбатан татбиқ этилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслардан сотиб олинadиган ишлар (хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар - норезидентлар томонидан амалга ошириладиган ишлар (хизматлар)га татбиқ этилмаслиги белгиланди.

ТАЪМИНЛАШ ШАКЛИ имтиёзли режимлар, имтиёзлар, чегирмалар, кечиктиришлар, бўлиб-бўлиб тўлаш, кредитлар	СОЛИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН 1. Боғлиқ бўлмаган имтиёзлар, 2. Боғлиқ бўлган имтиёзлар: - солиқ тўловчига; - солиқ солиш объектига; солиқ солинадиган базага; солиқ ставкаси бўйича; тўлов муддатларига	БОШҚАРУВ ДАРАЖАСИГА МАНСУБЛИК - Республика, - маҳаллий имтиёзлар	ТАЪСИРНИНГ МУРАККАБЛИГИ Бир солиқ (элемент) га таъсир қилувчи имтиёзлар, Солиқлар элементлар мажмуасига таъсир қилувчи имтиёзлар
ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ - шартли имтиёзлар - шартсиз имтиёзлар	ТАЪМИНЛАШ ПРЕДМЕТИ Фақат хўжалик юритувчи субъектларга фақат жисмоний шахсларга барчага бериладиган имтиёзлар		КИРИШ МАҚСАДИНИНГ ТАБИАТИГА КЎРА иқтисодий фойда; ижтимоий; умумий.

1-расм. Солиқ имтиёзларининг таснифи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон Фармони қабл қилинди. Ушбу Фармон билан рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкини пасайтириш мақсадида қабул қилинган. Монополияга қарши курашиш қўмитасига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш вазифаси юклатилди:

солиқ имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив ҳуқуқлар шаклида кўрсатилаётган давлат кўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш, хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгилаш, шунингдек янги ҳуқуқлар, шу жумладан эксклюзив ҳуқуқларни бериш, имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлиги мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда имтиёз ва преференциялардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини шакллантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори тасдиқланди. Мазкур қарор билан Давлат солиқ


қўмитасига бошқарув ходимлари штатининг умумий чекланган сони доирасида қўшилган қиймат солиғи тўловчилар махсус рўйхатдан ўтказилишида солиқ хавфини таҳлил қилувчи ҳамда солиқ имтиёзлари ҳисобини юритувчи алоҳида махсус таркибий бўлинмалар ташкил этиш;

асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олишни таъминлайдиган "Е-актив" автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этиш;

солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус рўйхатдан ўтказиш инсон омили чекланган (қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) тўлиқ автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилишини таъминлаш;

г) 2021 йил 1 декабрга қадар:

мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзлари кодлари тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига етказиб бериш амалиётини жорий этиш вазифаси юклатилди.



2-расм. 2022 йилда берилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича улуши, фоизда

2-расмда имтиёз қўлланилган солиқ турлари бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, 2022 йилда берилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича улуши 100 фоизлик улушда энг катта имтиёзга ҚҚС 79,7 фоиз, фойда солиғи 9,6 фоиз, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 2,4 фоиз ва энг кам улушга имтиёз улуши сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 0,02 фоизга тўғри келганлигини кўришимиз мумкин.

1-жавдалда 2022 йилда берилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича улуши, млрд сўм келтириб ўтсак.

1-жадвал

**2022 йилда берилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича улуши,
млрд сўм**

№	Солиқ тури	Имтиёз суммаси
жами		34 518,1
1.	ҚҚС	27 510,6
	шу жумладан:	
1.1	Молиявий ва суғурта хизматлари	14 139,6
1.2	Дори воситалари ва тиббий хизматлар	6 058,4
1.3	Қолганлари	7 312,6
2.	Фойда солиғи	3 308,2
3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	840,5
4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5,9
5.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	801,9
6.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	949,0
7.	Ижтимоий солиқ	1 017,7
8.	Айланмадан олинадиган солиқ	84,3

Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда солиқ имтиёзлари суммаси 34,5 трлн сўмни, шу жумладан Солиқ кодексига мувофиқ – 29,0 трлн сўмни ёки жами имтиёзлар ҳажмига нисбатан 84%ни ташкил қилди. Солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида ҚҚС ҳисобига 27,5 трлн сўм тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, 2022 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкани қўллаш натижасида экспорт ва унга тенглаштирилган хизматлардан 29,5 трлн сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган. Солиқ кодексига мувофиқ молиявий хизматлар бўйича тижорат банклари, суғурта ташкилотлари эса суғурта хизматлари бўйича қўллайдилар. 2022 йилда мазкур институтларга берилган имтиёзлар суммаси 14,1 трлн сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга, тижорат банклари 2022 йил 1 апрелдан банк хизматлардан қисман ҚҚС тўлай бошладилар. Бундан ташқари, ҚҚС бўйича 2022 йилда муддати узайтирилган солиқ имтиёзлари (гўшти (мол, қўй), тирик ҳайвонларни (мол ва қўй) ҳамда уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошкани реализация қилиш бўйича айланма ҳамда ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш) ҳисобига тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 2,7 трлн сўм маблағлар қолдирилди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот асосида шаклланган хулосамиз шуки, солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Солиқ имтиёзлари ҳукуматлар томонидан муайян иқтисодий тармоқларга инвестицияларни жадаллаштириш ва мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантириш учун сиёсат воситаси сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ташкилотнинг инвестиция қарорига ижобий таъсир кўрсатади ва солиқ имтиёзлари сиёсий барқарорлик билан биргаликда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга олиб келади.

Солиқ имтиёзлари одатда давлат даромадларининг камайишига олиб келади, аммо иқтисодий ривожланиш ва муваффақиятли натижаларлар билан қопланади. Солиқ имтиёзлари саноат корхоналари учун барқарор айланма маблағларни келтириб чиқаради. Агар солиқ имтиёзлари яхши қўлланилса, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали тўлиқ бандликка эришиш мумкин. Тақдим этилган солиқ имтиёзлари билан маҳаллий саноатлар технология ва ишлаб чиқариш бўйича

хорижий ҳамкасблари билан рақобатлаша оладиган даражада яхши жиҳозланиши мумкин.

Адабиётлар:

- Anyanwu, S. (2015). Companies Income Tax Act. Abuja: Federal Government Press.
- Arogundade, J. A. (2005). Nigerian income tax and its international dimension. Ibadan: Spectrum Books Ltd
- Bassey, U.O. (2013). Companies taxation in Nigeria. Lagos: The CIBN Press Ltd.
- Business Day (Newspaper) 26th August
- Ibraheem, Abdullahi Aderemi, Olaitan, Wasiu Abiodun, Oyetola, Daud Olawale, Omoniyi, Oyelowo Oyetade, Amolegbe, Sikiru Adesola (2020) Impact of Tax Incentive on Industrial Growth and Development. International Journal of Academic Management Science Research (IJAMSR) ISSN: 2643-900X Vol. 4, Issue 7, July – 2020, Pages: 171-179 www.ijeais.org/ijamsr 171
- Ihe, G. (2012). Industrial Development Income Tax Relief Act. Abuja: Federal Government Press
- Беломытцева О.С. (2022) Оценка эффективности налоговых льгот для частных инвесторов на рынке ценных бумаг: методология и инструментарий. Автореферат диссертации по специальности 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит.
- Исаев Ф.И. (2019) “Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш”. и.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 116 бет.
- Кузнецов П. (2023) Виды налогов и налоговых льгот <https://xn--b1aasedeuba5ai.xn--p1ai/blog/vidy-nalogov-i-nalogovyh-lgot>. 25.02.2023.
- Курбанов З., Акрамов Ф. (2015) “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9
- Марис Лиёпа (2023) Определение базовой (нормативной) структуры налога и налоговых льгот. https://bstudy.net/941870/ekonomika/opredelenie_bazovoy_normativnoy_struktury_naloga_nalogovyh-lgot. 25.02.2023.
- Нормурзаев У.Х. (2022) Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати..
- Пансков В.Г. (2013) Налоги и налоговая система Российской Федерации. [Текст] / В.Г. Пансков. — М.: Финансы и статистика, 478.
- Рахматуллаева Ф. (2016) “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли” Молия илмий журнали №2. 108 бет
- Тарасченко В.А. (2013) Теоретико-методические подходы к классификации налоговых льгот в украине. Вопросы современной экономики. 2013 июль. DOI:10.24194/21318.
- Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон.
- Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон Фармони.
- Урмонов Ж.Ж. (2018) Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.
- Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва

қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 595-сон.

Юшкова О.О. (2017) Влияние налоговых льгот на эффективность предпринимательской деятельности Российской Федерации. Наука XXI века №4.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТГА СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ойматова Г.М.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий ва хорижий олимларнинг солиқ юки, унинг оптимал даражаси, унга таъсир қилувчи омиллар, солиқларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти борасидаги турли қарашлари назарий жиҳатдан ўрганилган, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар мисолида сўнги йилларда иқтисодиётга солиқ юки даражаси қўриб чиқилган ва шу асосда иқтисодиётга солиқ юкини оптималлаштириш бўйича илмий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ юки, ЯИМ, солиқ ставкалари, консолидациялашган бюджет, Лаффер эгри чизиғи, амортизация ислоҳоти, солиқли тушумлар.

Аннотация: В данной статье теоретически исследовано различные взгляды отечественных и зарубежных ученых на налоговое бремя, его оптимальный уровень, факторы, влияющие на него, и значение налогов в экономике, рассмотрен уровень налогового бремени на экономику в последние годы на примере Узбекистана и зарубежных стран, и на этой основе сформированы научные выводы и предложения по оптимизации налоговой нагрузки на экономику.

Ключевые слова: налоговое бремя, ВВП, налоговые ставки, консолидированный бюджет, кривая Лаффера, амортизационная реформа, налоговые поступления.

Annotation: In this article, it is theoretically investigated the tax burden, its optimal level, factors affecting it, various opinions of domestic and foreign scientists regarding the importance of taxes in the economy, the level of tax burden on the economy in recent years are considered on the example of Uzbekistan and foreign countries, and on this basis are formed scientific conclusions and proposals for optimizing the tax burden on the economy.

Keywords: tax burden, GDP, tax rates, consolidated budget, Laffer curve, depreciation reform, tax revenues.

1. Кириш.

Солиқ тизими солиқ тўловчилар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига маълум бир миқдорда молиявий юк юклайди. Мазкур юкни солиқ юки сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу тушунча том маънода муайян солиқ тўловчининг мамлакат иқтисодиётига умумий таъсир кўрсаткичини ўзида мужассамлаб, унинг даромадларидан солиқлар ва солиқ тўловлари шаклида давлатга тўланадиган улуш сифатида қаралади. Иқтисодиётда солиқ юки атамаси ҳам муайян солиқ тўловчига, ҳам давлатнинг алоҳида субъектига, ҳам фаолият соҳаларига, ҳам бутун мамлакат иқтисодиётига нисбатан қўлланилади, яъни бу

иқтисодий категория микродаражада, мезодаража ва макродаража кўриб чиқилади. Макроиқтисодий даражада ёки миллий иқтисодиёт даражасида солиқ юки бутун мамлакат иқтисодиётига, унинг барча тармоқларига ва бутун аҳолига нисбатан аниқланади.

Хўш солиқ юки нима ва бу тушунча ўзи қачон пайдо бўлган?

Солиқ юки – бу солиқ тўловчи томонидан давлат бюджетига тўланган жами солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардир. Солиқ юки тушунчаси солиқлар тушунчаси пайдо бўлиши билан бир вақтда пайдо бўлган. Хусусан, солиқ юки ҳақида XVIII асрда Адам Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш» асарида тўхталиб ўтган бўлиб, унда муаллиф солиқ юки даражаси ва давлат бюджетига маблағлар тушиши ўртасидаги муҳим иқтисодий боғлиқликни кўрсатиб берган.

2. Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йигирма йил ичида микро ва макродаражадаги солиқ юки масаласи иқтисодий адабиётларда жуда кенг ёритилган. Солиқ юкини ҳисоблаш муаммолари ва уларни бартараф этиш усуллари кўплаб ғарб олимларининг асарлари ва илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзининг «Солиқлар» номли изоҳли луғатида иқтисодчи олимимиз Т.Тошмуродов (2013) солиқ юкига шундай таъриф беради: «Солиқ юки – хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг даромадга нисбатидир. Солиқ юки солиқлар, йиғимлар ва тўловлар йиғиндисининг хўжалик юритувчининг молиявий аҳволига қанчалик таъсир кўрсатиши билан тавсифланади».

Т.Маликовнинг (2022) таъкидлашича мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбати солиқ юки дейилади. Унга бошқачароқ таъриф ҳам бериш мумкин: солиқ юки – давлат харажатларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати. Бироқ солиқ юкини фақат мамлакат миқёсида эмас, балки алоҳида олинган тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар ёки хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун солиқ юки оғирлигини ўлчашнинг алоҳида тартибига риоя қилиш керак.


Қ.Яҳёев (2003) берган таърифга кўра эса, солиқ юки — солиқ тўловчининг бюджетга тўланадиган ҳамма солиқлари ва йиғимлари йиғиндисидир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

Таниқли иқтисодчи А.Лаффер (2012) солиқ тушумлари ва солиқ ставкалари ўртасидаги боғлиқликни ўзининг Лаффер эгри чизиғи деб номланган график тасвирида акс эттирган бўлиб, унда бюджетга солиқ тушумларини максимал даражага ошириш имконини берувчи солиққа тортишнинг оптимал даражаси мавжудлиги назарда тутилади. Ушбу назарияга кўра солиқ юкини камайтириш солиқ тўловчилар сони кўпайишига олиб келади. Яъни, бундай вазиятда кам даромадли одамлар ҳам солиқ тўлай олади, солиқ солинадиган база кенгаяди, жамиятнинг иқтисодий фаол аъзолари сони ортади. Ставкаларнинг ошиши эса, аксинча, кутилмаган салбий оқибатларга олиб келади. Зеро VII асрда яшаб ўтган таниқли ислом олими Ибн Халдун шундай ёзган эди: «Сулолалар тарихининг бошида солиқлар кам, ғазна тўла бўлган. Ҳокимият инқирозга юз тутганда эса, солиқлар кўп, ғазна эса бўшаб қолган».

Юқори солиқ ставкалари бир томондан давлат бюджетига тушумлар ортишини таъминлайдигандек кўриниши мумкин, аммо амалда бу аксинча ҳолатни келтириб чиқаради, яъни бюджетга солиқли тушумларни камайтиради. Сабаби, солиқлар

ошгани сайин, одамларнинг меҳнатга ва сармоя киритишга бўлган қизиқишлари пасаяди ва ўз-ўзидан улар камроқ ишлаб чиқарадилар ва камроқ истеъмол қиладилар, натижада бюджетга солиқ тушумлари камаяди. Бунинг тескари таъсири солиқ юкининг камайиши бўлиб, бу жамғармаларнинг кўпайишига, инвестициялар, бандлик ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади.

П.Ю.Буряк ва С.Л.Лондар (2002) солиқ юки камайтирилганда, аввалига, бюджетга солиқ тушумлари тушиши қисқа муддатга камайиши, бироқ кўп ўтмай уларнинг экспоненциал ўсиши рўй беришини асослаб беришган (1-расм). Бунда асосий ғоя шундан иборатки, солиқ ставкаси ошганида солиқ тушумларининг қисқа муддатли ошиши ва кейинчалик солиқ солинадиган базанинг қисқариши ҳисобига узоқ муддатга даромадларнинг камайиши кузатилади. Солиқ ставкасини пасайтирилгандаги вазият эса аксинча. Бу 1-расмда аниқ кўрсатилган.



1-расм. Лаффер эгри чизиғи «Солиқ тушумлари – вақт» координатларида; а - солиқ юки камайганда; б - солиқ юки ортганда. Бу ерда $F(x)$ – бюджетга солиқ тушумлари, t – вақт

С.Фишер (2001) солиқ юки солиқ тўловчилар билан бир қаторда шу маҳсулотни харид қилувчи истеъмолчиларга ҳам тушишини ва бу солиқ ҳисобига фирманинг фойдаси камайиши ва якуний истеъмолчи даромадининг бир қисми харид қилинган товарга қўшимча маблағ тўлашда ўз ифодасини топишини айтади.

Юқорида номлари тилга олинган муаллифларнинг ҳар бири ўз асарида солиқ юкига ўзига хос таъриф берган ва уни ҳисоблашнинг мавжуд услубий воситаларини таҳлил қилиб, уларнинг ижобий ва салбий томонларини очиқ берган ҳамда уларни қўллаш бўйича ўз фикрларини баён этиб, кўплаб таклифлар билдирган. Тавсия этилган усуллар ҳисоблаш формуласига киритилган солиқ тўловларининг таркиби, солиқ харажатларини тан олиш усули (ҳисоблаш усули ёки касса усули асосида), шунингдек солиқлар солиштириладиган кўрсаткич билан фарқланади.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада иқтисодий тадқиқ этиш методикаси, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, таққослаш каби усуллардан фойдаланилди, «солиқ юки» бўйича тизимли адабиётлар таҳлили амалга оширилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, «солиқ юки» иқтисодий тушунча, молиявий кўрсаткич сифатида турли адабиётларда «солиқларнинг ЯИМдаги улиши», «иқтисодиётга солиқ юки», «солиқ оғирлиги» тушунчалари сифатида ҳам ўрганилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Умуман олганда иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш энг аввало солиқ тўловчиларга солиқ юкини камайитиришдан бошланади, яъни макродаражадаги

солиқ юкининг асосини шубҳасиз микродаражадаги солиқ юклари йиғиндиси ташкил этади. Шуни инобатга олган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, яъни бюджетдаги солиқли даромадларининг асосий қисмини таъминлайдиган солиқ тўловчиларнинг солиқ юкини аниқлаш масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган. Қайси иқтисодчи олим томонидан солиқ юки мавзуси кўтарилмасин бундан кўзланган мақсад шубҳасиз давлат бюджетининг солиқли тушумларини камайтириб юбормаган ҳолда солиқ тўловчиларга солиқ юкини камайтириш йўлларини таҳлил қилиш ва улар орасидан энг мақбулини таклиф қилиш бўлган. Шу ниятда улар авваламбор солиқ юки даражасини тўғри аниқлашга уринишган ва солиқ юкини ҳисоблаш бўйича ўз усулларини ишлаб чиқишган.

Ҳозирги вақтда солиқ тўловчилар учун солиқ юкини ҳисоблашнинг жуда кўп усуллари мавжуд, улар қуйидаги икки жиҳатга кўра бир-биридан фарқ қилади:

- биринчидан, солиқ юкини ҳисоблашга киритиладиган солиқлар таркиби турлича;

- иккинчидан, кўплаб усулларда тўланган солиқ ва йиғимлар миқдори нисбат қилиб олинadиган кўрсаткич ҳар хил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 декабрдаги «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги 1-сонли қарорида солиқ юкини аниқлаш тартиби қуйидагича кўрсатилган:

$$B = T \times 100\% / \ln$$

Бунда:

В — солик юки;

T — солиқ даври давомида тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси;

In — солиқ даврида товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромад.

Бу усулда ҳисобланган солиқ юки кўрсаткичи ялпи тушумда солиқларнинг таркиби ҳисобга олинмаслиги сабабли солиқларнинг молиявий ҳолатга таъсирини кўрсатиб беролмасда, бироқ тўланган солиқларнинг ялпи тушумдаги улушини аниқлаб беради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йиллар учун ЯИМ ва унга нисбатан давлат бюджети даромадларининг улуши¹, млрд сўм

	2018 й.		2019 й.		2020 й.		2021 й.		2022 й., прогноз	
	сумма	ЯИМ'га нисбатан %	сумма	ЯИМ'га нисбатан %	Сумма	ЯИМ'га нисбатан %	сумма	ЯИМ'га нисбатан %	Сумма	ЯИМ'га нисбатан %
ЯИМ	406 648		529 391		602 551		734 588		839 989	
Консолида- циялашган бюджет даромадлари	107 035	26,3%	137 057	25,9%	156 249	25,9%	196 405	26,7%	254 583	30,3%

Турли хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юки даражаси субъектга боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган қатор ички ва ташқи омиллар натижасида бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Барча тадбиркорлик субъектлари бўйича ўртача солиқ юкини

¹ <https://www.norma.uz/oz/raznoe/soliq> tizimi muammolar va istiqbollar1

ҳисоблаш илғор технологияларнинг ҳаётимизга кириб келганига қарамай ҳанузгача мураккаб иш бўлгани сабабли солиқ тўловчиларга солиқ юкини камайтиришда асос қилиб макроқўрсаткич – иқтисодиётга солиқ юки даражасини олиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМга нисбатан консолидациялашган бюджет даромадлари бўйича ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бироқ бунга сабаб солиқ ставкаларининг ошиши эмас балки солиқ тўловчилар сонининг ва солиқ базасининг ортишидир. Зеро сўнгги йилларда юртимизда бир нечта солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари сезиларли даражада камайди ва айнан шунинг ҳисобига солиқ тўловчиларнинг тадбиркорликка қизиқиши ортди, ҳамда сояли иқтисодиётдан чиқиш ҳолатлари кўпайди. Шу муносабат билан солиқларнинг ЯИМ'даги улуши ҳам ортди.

2-жадвал

Беларус Республикасида 2018-2022 йиллар учун ЯИМ ва унга нисбатан давлат бюджети даромадларининг улуши², млрд Беларус рубли

	2018 й.		2019 й.		2020 й.		2021 й.		2022 й., прогноз	
	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	Сумма	ЯИМ'га нисбатан %да
ЯИМ	121,6		134,7		147		173,2		186,7	
Консолидациялашган бюджет даромадлари	31,4	25,8%	33,0	24,5 %	39,4	22,7%	39,4	22,7%	47,2	25,3%

3-жадвал

Буюк Британияда 2018-2022 йиллар учун ЯИМ ва унга нисбатан давлат бюджети даромадларининг улуши³, млрд доллар

	2018 й.		2019 й.		2020 й.		2021 й.		2022 й., прогноз	
	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да	сумма	ЯИМ'га нисбатан %да
ЯИМ	2 900,79		2 878,67		2 756,90		3 186,86		3 380,0	
Бюджет даромадлари	838,4	34,6%	877,6	32,8%	840,5	32,8%	918,4	34,7%	1254	37,1%


²Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

³ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Дунёнинг бошқа давлатлари иқтисодиётига назар соладиган бўлсак МДҲ давлатларида солиқ юки даражаси бизникдан жуда катта фарқ қилмайди, аммо ривожланган, хусусан ғарб мамлакатларида бу кўрсаткичнинг бизникдан анча юқорилигини кўришимиз мумкин.

А.Лаффер 2019 йил Ўзбекистонга ташрифи вақтида берган интервьюсида шундай деган эди: «Ривожланаётган давлатлар ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилишлари керак, уларнинг бугунги амалиётига эмас»⁴. Дарҳақиқат бугунги амалиётнинг натижаси эртага кўринади, шундай экан солиқ сиёсати соҳасида бошқа давлатлар амалиёти таҳлил қилинганда, асосий эътиборни уларни бугунги натижага олиб келган ислохотларига қаратиш, муваффақиятларини олиш, самарасизларидан эса хулоса чиқариш лозим.

Бу ерда Белоруссия тажрибасига қаралса солиқ юки 2018-2021 йилларда камайиш тенденциясига эга (2-расм), 2022 йил ҳақида эса ҳали йил якуни бўйича ҳисобот тақдим этилмагани учун аниқ хулоса чиқариб бўлмайди.



2-расм. 2018-2022-йиллар кесимида Ўзбекистон, Белоруссия ва Буюк Британияда солиқ юкининг ўзгариши⁵

Мамлакатда иқтисодиётга солиқ босимининг камайишига таҳлил қилинган даврдан олдин ички солиқ тизимидаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар таъсир кўрсатган, жумладан: айланмадан солиқ бекор қилинган, кўчмас мулкка солиқ солиш объектидан асосий воситаларнинг фаол қисми чиқариб ташланган, деярли барча маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бекор қилинган, соддалаштирилган солиққа тортиш тизими бўйича солиқ ставкалари пасайтирилган ва бошқа бир қатор муҳим янгиликлар киритилган. 2012-йилда даромад солиғи ставкасининг 24 фоиздан 18 фоизга туширилиши, «амортизация мукофоти»нинг жорий этилиши, зарарларни келгусидаги фойдага ўтказилиши, маҳаллий ишлаб чиқаришининг инновацион ва юқори технологияли маҳсулотларининг рағбатлантирилиши Беларус Республикаси иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини ва унинг рақобатбардошлигини оширишда солиқ юки янада оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қаторидандир (А.С.Владыковский, 2012).

⁴ Рейган ва Тетчерга маслаҳатчи бўлган иқтисодчидан қимматли сабоқлар: Катта солиқ юки ғазнани тўлдирмайди. <https://kun.uz/uz/85393573>

⁵ Юқоридаги жадваллар асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2022 йилгача Беларус Республикасида қуйидаги республика даражасидаги солиқлар амалда эди: қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фойда солиғи, доимий ваколатхона орқали Беларус Республикасида ишламайдиган хорижий ташкилотларнинг даромадларига солиқ, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи, табиий ресурсларни қазиб олганлик учун солиқ; оффшор йиғими; герб йиғими; консуллик йиғими; давлат бож; патент божлари; божхона божлари, божхона йиғимлари ва шахсий фойдаланиш учун товарларга нисбатан божхона тўловлари; утилизация йиғими.

Солиқлар мамлакат бюджетининг энг катта молиявий таркибий қисми бўлганлиги сабабли, бу даромадни ошириш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо ҳар қандай солиқ тўловчининг истаги бунинг тескараси – ўзига тушадиган солиқ юкини максимал даражада камайтиришга эришиш. Бунинг эса ҳар қандай солиқ тўловчи корхона фақат оқилона молиявий стратегия тузиш орқали уддасидан чиқиши мумкин.

Бироқ пухта молиявий стратегия тузиш ва уни амалга ошириш ҳамма корхонанинг ҳам қўлидан келавермайди ва кўпинча ташқи омиллар бунга жуда катта тўсқинлик қилади. Оқибатда солиқ тўловчи тўлаётган солиқлар ва тўловлар миқдори у олаётган фойда олдида жуда катта бўлиб кўринди ва солиқ тўловчи бу солиқларни тўлашдан қочиш ва уларни тўламаслик йўлини излай бошлайди. Мана шу ерда саҳнага хуфиёна иқтисодиёт чиқиб келади.

Яширин иқтисодиётга қарши кураш жаҳоннинг кўплаб давлатларида кузатилади. Хусусан бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам яширин сектор кенг қулоч ёзган бўлиб, у солиқ юкининг даражасига ҳар доим салбий таъсир кўрсатиб келган, чунки у солиқ юкининг солиқларни йиғишга таъсирини аниқ баҳолашга ва мамлакат иқтисодиётига нисбатан реал солиқ юки даражасини аниқлашга имкон бермайди.

Мамлакат иқтисодиётга нисбатан солиқ юки даражасини пасайтириш чоратадбирларини икки хил йўналишда амалга ошириш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Солиқ юкини камайтириш йўналишлари

Солиқ юкини камайтиришнинг қонунчилик йўналиши	Молиявий воситаларни тенг тақсимлаш йўналиши
1. Асосий солиқ турларининг солиқ ставкаларини пасайтириш	1. Яширин иқтисодиёт сектори улушини камайтириш
2. Солиққа тортишни универсаллаштириш	2. Солиқ интизомини мустаҳкамлаш
3. Солиқлар сонини камайтириш	3. Солиққа тортиладиган базани кенгайтириш

Асосий солиқ турларининг солиқ ставкаларини пасайтириш, шубҳасиз, солиқ юкини камайтиришнинг энг тезкор усулидир, аммо бу ечим давлатнинг солиқли тушумларини кескин камайишига олиб келади, шунинг учун ҳам бу йўлни танлаш осонгина қабул қилинадиган қарор бўлмаслиги, аксинча жуда чуқур таҳлилларга асосланиши керак.

Шу жиҳатдан баъзи вақтларда давлатлар солиқ юкини камайтириш чоратадбирларини олиб бораётганига қарамай муайян солиқ турлари бўйича солиқ ставкасини ошириши ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан, Россияда 2019 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 18 фоиздан 20 фоизга оширилди, чунки бу солиқ солиқли тушумларни шакллантиришнинг асосий моддаларидан бири бўлиб, сўнги йилларда унинг улуши давлат федерал бюджетининг камида 35 фоизини ташкил этмоқда.

Солиққа тортишни универсаллаштириш мамлакат солиқ тизими томонидан муайян солиқ тўловчининг ҳўжалик юритиш самарадорлигига унинг мулкчилик шакли, солиққа тортиш субъектидан, унинг қайси тармоққа ёки йўналишга мансублигидан қатъи назар бир хил талабларни қўйиши кераклигини англатади. Универсаллаштириш тамойили даромад манбаи ва даромадларни шаклланиш жойи ёки солиққа тортиш объектидан қатъи назар, солиқларни ҳисоблашда бир хил ёндашувни таъминлашни назарда тутлади.

Иқтисодиётнинг яширин сектори улушини камайтириш мамлакатнинг солиқ юкини камайтиришнинг энг самарали воситаси бўла олади, чунки маҳаллий иқтисодчиларимизнинг кузатишларига кўра, Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиётнинг улуши сўнги йиллардан мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 40-50%и миқдорида бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг хуфиёна сектори кўламини қисқартиришга эса қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- солиқ қонунчилиги бўйича жарималарни ошириш;
- яширин иқтисодиётдан ихтиёрий чиқишни рағбатлантириш;
- солиқ тўловчиларнинг хуфиёна секторга ўтиб кетишидан олиб қоладиган алоқалар ва иттифоқларни яратиш.

Умуман олганда сўнги йилларда Ўзбекистонда бу йўналишларнинг барчаси бўйича қатор ишлар амалга оширилди, жумадан Солиқ кодекси қайтадан кўриб чиқилиб, тегишли ўзгартиришлар киритилди, солиқлар турлари камайтирилди ва солиқ ставкалари муайян солиқ турлари учун пасайтирилди, солиққа тортиладиган база кенгайтирилди ва хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар қўлланди. 2020 йил 30 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон фармони ҳам шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон қарорига 1-иловада Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси белгиланди ва унинг асосий йўналишларидан бири сифатида Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш ва шу мақсадда солиқ юкини оптималлаштириш (камайтириш ва бараварлаштириш) белгилаб қўйилди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Амалга оширилаётган ислохотлар йилдан йилга мамлакатимиз иқтисодиётини ижобий томонга силжишига ёрдам бераётган бўлсада, бироқ ҳали бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ имтиёзларининг мақбул даражасини белгилашда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш, яъни товар ишлаб чиқарувчининг манфаатларини биринчи ўринга чиқариш керак. Тадбиркорлик муҳитига солиқ юкининг юқори даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархининг ошиши билан бир вақтнинг ўзида бозорда товар ва хизматлар таклифининг пасайишига ҳам олиб келади.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

1) инвестициялар ва инновациялар учун мақсадли солиқ имтиёзлари рўйхати ва кўламини кенгайтириш.

2) мамлакатда амортизация ислохотини ўтказиш. Барча ҳудудларда жадаллаштирилган амортизация қўллашга ўтиш даромад солиғи тўланадиган умумий фойда қисмини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Тадбиркорликка солиқ юкини камайтиришнинг ушбу усулидан фойдаланиш орқали давлат инвестициялар учун даромад солиғи кўринишидаги бюджет тушумларидан кўра бир неча баробар кўпроқ қўшимча молиявий ресурсларни қўлга киритиши мумкин.

Адабиётлар:

Буряк П.Ю., Лондар С.Л. (2002) Влияние налоговой ставки на доходы бюджета // Финансы Украины. № 1. С. 41–44.

Владыковский А.С. (2012) Пути снижения налоговой нагрузки на экономику Республики Беларусь //СБОРНИК научных статей студентов, магистрантов, аспирантов Выпуск 9 – МИНСК: ИЗДАТЕЛЬСТВО «ЧЕТЫРЕ ЧЕТВЕРТИ» С. 27-29

Зобова И.Ю. (2012) Налоги и налогообложение в странах с исламской экономикой: Учеб. пособие. – КАЗАНЬ: С. 154

Кадушин А.Н., Михайлова Н.М. (2005) Насколько сильно налоговое бремя в России (попытка количественного анализа) // Финансы. №7. С. 15-21

Кирова Е.А. (1998) Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты // Финансы. №9. С. 32

Литвин М.И. (1998) Налоговая нагрузка и экономические интересы предприятий // Финансы. №5. С. 29.

Маликов Т. (2022) Агар огоҳсен... Илмий-оммабоп монография – Т.: Иқтисод-молия. 410 б.

Пансков В.Г., (2016) Налоговая нагрузка на экономику: Нужен налоговый маневр. №5. С. 130–138

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон (<https://lex.uz/docs/4415356>)

Тошмуродов Т. (2003) Солиқлар изохли луғати – Тошкент: «Меҳнат». 116 –бет.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон (<https://lex.uz/docs/5073459>)

Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. (2001) Экономика: Пер с англ. 2-го изд. – М.: Дело. 829 с

Яхёев Қ.А. (2003) Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.:Фан ва технологиялар нашриёти. 247 б.



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАДАГИ РОЛИ

Сабиров М.М.

Тошкент ахборот технологиялари университети

Аннотация: Ушбу илмий мақолада ахборот-коммуникация технологияларнинг роли, Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми тадқиқ этилган, АКТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахслар сони Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига мувофиқ ҳолда таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), рақамли технологиялар, электрон тижорат, алоқа корхоналари, АКТ хизматлари, АКТ савдоси.

Abstract: In this scientific article, the role of information and communication technologies, the amount of gross added value created in the fields of information economy and e-commerce, and the number of legal entities operating in the field of ICT were analyzed in the regions of the Republic of Uzbekistan. Proposals and recommendations have been formulated in accordance with the results of the conducted research.

Keywords: information and communication technologies (ICT), digital technologies, electronic commerce, communication enterprises, ICT services, ICT trade.

Аннотация: В данной научной статье проанализирована роль информационно-коммуникационных технологий, объем валовой добавленной стоимости, созданной в сферах информационной экономики и электронной коммерции, а также количество юридических лиц, осуществляющих деятельность в сфере ИКТ в регионах Республика Узбекистан. По результатам проведенного исследования сформулированы предложения и рекомендации.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), цифровые технологии, электронная коммерция, предприятия связи, услуги ИКТ, торговля ИКТ.

1. Кириш.

Ҳозирги пайтда юзага келган иқтисодий вазиятда корхоналар фаолияти самарадорлиги энг муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Ахборот технологияларини қўлламасдан туриб хизмат кўрсатиш рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишнинг имкони йўқ эканлиги шак-шубҳасиздир. “Gardner компаниясининг таҳлилчиларига кўра, 2023 йилда глобал миқёсда электроника ва гаджетларга бўлган талаб пасайишда давом этади. 2022 йилга нисбатан пасайиш 5,1% ни ташкил қилиши ва якуний натижа 685,6 млрд. долларни ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ИТ саноатининг бошқа барча сегментлари ўсишни намоиш этади. Умуман олганда, 2023 йилда АКТ бозорининг ҳажми 4,5 трлн. долларни ташкил қилиши мумкин, бу 2022 йилга нисбатан тахминан 2,4% га ўсишни кўрсатмоқда”¹.

Хорижий компанияларнинг бой тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот коммуникацион технологиялар соҳасидаги сўнгги ишланмалар ва уларни корхоналарда жорий этиш, замонавий инновацион технологияларни соҳага жалб қилиш, соҳадаги кадрларнинг малакаси ва кўникмаларини ошириш, иқтисодиётнинг рақамлаштирилишига замин яратиш, инвестицион лойиҳаларни соҳани ривожлантиришга йўналтириш ва бунда янги усул ҳамда механизмлардан фойдаланиш катта эътибор қаратиш лозим бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида соҳадаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётида рақамли технологияларнинг қўлланилишини кенгайтириш ва мамлакатда ахборот-коммуникацион технологияларнинг экспортини ошириш Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. “Ахборот соҳасини тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Фуқароларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш. Туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш” (Фармон, 2022). Хусусан соҳанинг ривожланиши мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишдан ташқари янги технологияларнинг жорий қилиниши ҳамда мавжудларининг модернизацияланишига олиб келиши кутилмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий кўрсаткичлар ва технологик тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг яхши тасдиқланган назарияларида чуқур илдиз отган. Масалан, Р.Солоунинг (1957) ўсиш модели иқтисодий ўсишга технологик ўзгаришларни жадаллаштириш орқали иқтисодиётда эришиш мумкинлигини кўрсатади. Кейинчалик П.Ромер (1990) томонидан ишлаб чиқилган эндоген ўсиш назарияси ва А.Сеннинг (1985) имкониятлар назарияси технологик тараққиётнинг иқтисодий ривожланиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди.

АКТни жорий этиш суръати йилдан-йилга ортиб бораётганига қарамай, замонавий тадқиқотчилар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва ҳаётнинг турли соҳаларида рақамли технологияларни жорий этишни назарда тутувчи рақамлаштириш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга унчалик аҳамият бермаяпти. Ғарб тадқиқотчилари АКТ ривожланишини мамлакатларнинг фаол ривожланишининг асосий омили, рақамли технологияларга асосланган ва электрон тижорат билан боғлиқ бўлган рақамли юқори самарали иқтисодиёт уфқларини яқинлаштирувчи асосий омил сифатида белгилайдилар (Д.Белл, 1973).

Янги маҳсулотлар ва хизматлар яратилган ва ишлаб чиқилганда, навбат патент талабномалари билан ифодаланадиган интеллектуал мулкка келади. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда интеллектуал мулкнинг қиймати эмпирик далиллар билан кўрсатилган. Бундай далилларнинг бир мисоли Ҳ.Зҳанг (2012) тадқиқоти бўлиб, патентга берилган аризалар сони иқтисодий ўсиш билан ижобий боғлиқдир.

¹ <https://www.tadviser.ru/index.php>

Хорижий нашрларда АКТ ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун кўрсаткич сифатида АКТга инвестициялар ҳажмидан фойдаланишни учратиш мумкин. Шундай қилиб, бир қатор шунга ўхшаш ишлар АКТга қўйилган инвестициялар ҳажми ва ЯИМ ўсиши ўртасидаги боғлиқликни очиб берди, иккинчисини маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг учта асосий омилидан бири сифатида белгилайди (Ю.Билан, 2019).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда илмий абстракция, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, прогнозлаш ва бошқа стандарт усуллардан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Хизмат кўрсатиш жараёнида тезкор қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган режалаштирилган кўрсаткичлардан четга чиқишлар содир бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга.

Қарорларни қабул қилишда янги илмий билимларни ўз ичига олган илмий-техник маълумотлар, ихтиролар, ўз компаниясининг, шунингдек рақобатчи фирмаларнинг техник янгиликлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли роль ўйнайди.

Бу доимий равишда тўлдириб бориладиган умумий фонд ва билим ва техник ечимлар салоҳияти бўлиб, улардан амалий ва ўз вақтида фойдаланиш компаниянинг юқори рақобатбардошлигини таъминлайди.

Ахборот тегишли маърузаларни, ҳисоботларни, тегишли қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сўм)²

Кўрсаткичлар	2010	2015	2019	2020	2021
Хизматлар – жами	27127	78 530,4	193698	219978	284165
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	2 080,2	5 181,5	10 892	13 852,3	17 755,1
молия хизматлари	2 643,7	8 206,7	34 037	45 783,0	59 733,3
транспорт хизматлари	10524	26 817,3	54 473	53 662,9	67 238,6
шу жумладан: автотраспорт хизмати	5 124,0	16 032,1	25 527	28 474,1	36 249,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	292,7	890,6	5 933,6	5 431,7	8 375,4
савдо хизматлари	6 620,8	21 366,9	48 748	57 572,7	72 483,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	809,3	2 757,3	5 950,7	6 016,9	8 081,1
таълим соҳасидаги хизматлар	763,1	2 681,4	7 164,9	8 539,4	12 021,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	258,0	1 100,4	3 104,3	3 386,7	5 105,9
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	548,0	1 801,6	3 733,5	4 149,0	5 351,0
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	624,2	1 724,5	3 200,1	3 347,8	4 680,5
шахсий хизматлар	756,5	2 366,5	4 575,6	5 032,2	6 764,1
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	299,2	841,0	4 543,1	4 907,5	6 306,8
бошқа хизматлар	906,7	2 794,7	7 342,0	8 296,4	10 268,5

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 2021 йил 2010 –йилга нисбатан ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар 8,53 баробарга ошган бу кўрсаткич ошганига сабаб қилиб Республика миқёсида алоқа соҳасининг шиддат билан жадал ривожланганлиги келтириб ўтиш мумкин. Молия хизматлари 2010 йилда 2643,7 млрд.сўм ни, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 59733,3 млрд.сўм ни ташкил қилди.

Шахсий хизматларга тўхталадиган бўлсак 2010 йилда 756,5 млрд.сўмни, 2021 йилда эса 6 764,1 млрд.сўм ни ташкил қилди. 2021 йил 2010 йилга нисбатан 8,94 баробарга ошган. 2022 йил якунларига кўра, шахсий хизматлар ҳажми 7059,5 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўриб чиқиладиган даврда жами кўрсатилган шахсий хизматлар ҳажмида сартарошхона ва гўзаллик салонлари хизматларининг улуши 64,9 %ни ташкил этди. Бошқа шахсий хизматлар улуши 23,6 % бўлди. Ўз навбатида, тўқимачилик ва мўйнали буюмларни ювиш ва кимёвий тозалаш бўйича хизматларининг улуши 6,5 %га етди. Жадвалдан кўриниб турибдики, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 2010 йилда 299,2 млрд.сўм)ни, 2021 йилда эса 6 306,8 млрд.сўм ни ташкил қилди. 2021 йил 2010 йилга нисбатан 21,07 баробарга ошган. Соҳасидаги хизматлари ҳажми 4646,3 млрд. сўмни, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати эса 113,5 % ни ташкил этди. Ушбу хизматлар бўйича энг юқори ўсиш Навоий вилоятида қайд этилди – 38,9%. Бошқа хизматлар тўхталадиган бўлсак 2010 йилда 906,7млрд. сўм)ни, 2021 йилда эса 10 268,5 млрд.сўм ни ташкил қилди. 2021 йил 2010 йилга нисбатан 11.32 баробарга ошган. Аҳолининг ички бозоридаги товарлар ва хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш учун тижорат ва турли хизматларни кўрсатиш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш корхонанинг асосий мақсадидир.

2-жадвал

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми³

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	3876,3	4967,7	6377,8	7934,0	8701,4	11121,8	17455,5
Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) сектори	3581,7	4575,3	5849,0	7059,0	7508,4	9 399,3	12012,8
АКТ хизмат кўрсатиш	141,7	127,2	238,3	307,3	283,7	551,2	642,0
АКТ савдоси	140,8	228,0	281,6	240,4	299,0	261,8	380,3
АКТ хизматлари	3299,2	4220,1	5329,1	6511,3	6925,7	8 586,3	10990,5
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	294,6	392,4	518,7	767,7	928,3	1 120,6	1 498,2
Электрон тижорат			10,1	107,3	264,7	602,0	3 944,5

Алоқа корхоналарининг алоқа хизматида тушган тушуми таркиби, жамига нисбатан фоизда почта хизматларини кўрсатиш соҳасида 2010 йилда алоқа жами 100% дан 3,9 %ни ташкил қилган бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 3,1 %ни ташкил

³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

қилган ва почта алоқаси улуши 0,8%га тушганини кўриш мумкин, бу йиллар оралиғида бошқа алоқа соҳалари ривожланишини сабаб қилиш мумкин.

Телеграф хизмати 2010 йилда 0,0% бўлган бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 0,03%ни ташкил қилган, бу хизматнинг замон ривожланиши ва техника тараққиётининг янги турлари кашф қилинганлиги ҳамда аналог частотадан рақамлига ўтганлигини сабаб қилиб олиш мумкин.

3-жадвал

Алоқа корхоналарининг алоқа хизматидан тушган тушуми таркиби⁴ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Алоқа - жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Почта	3,9	4,2	3,5	3,3	2,4	2,9	2,8	3,1
Телеграф	0,0	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,01	0,03
Махсус алоқа	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2
Шаҳарлараро ва халқаро телефон	11,2	11,1	9,7	12,7	16,1	14,2	13,7	12,4
Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги телефон	3,1	1,8	1,7	1,4	1,2	1,4	1,3	1,0
Радио частоталарни рўйхатга олиш, назорат ва ҳимоя қилиш	2,5	1,1	1,0	1,0	1,3	1,4	1,8	2,1
Мобил	70,6	58,3	58,8	54,2	49,0	43,0	39,2	38,2
“Интернет” тармоғи	5,4	15,8	17,0	21,4	22,9	26,0	30,2	34,1
Маълумот узатиш тармоғи	2,2	5,5	6,1	3,9	4,8	8,5	7,9	6,3
Телевидения дастурларини узатиш ва қабул қилиш	0,3	1,4	1,5	1,5	1,6	1,6	1,8	1,8
Радио дастурларини узатиш ва қабул қилиш	0,2	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2
Алоқанинг бошқа турлари	0,5	0,6	0,5	0,4	0,4	0,7	1,0	0,6

Махсус алоқа хизмати 2010 йилда 0,1%ни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 0,2%ни ташкил қилган. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасида 2010 йилда 11,2%ни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 12,4%ни ташкил қилган ва 1,2%га ошганини кўриш мумкин бунга сабаб фойдаланувчилар сонининг ошганлигини десак бўлади. Шаҳар ва қишлоқ жойларидаги телефон алоқасида 2010 йилда 3,1%ни ташкил қилган бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 1,0%ни ташкил қилгани ва бунга изоҳ берадиган бўлсак 2,1%га камайган бунга сабаб мобил телефон алоқасини ривожланиши билан боғлиқ.

Қуйида келтирилган 4-жадвалда АКТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахслар сони Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичлар Республика бўйича бу кўрсаткич 2015 йилда 33 413 нафарни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 50 157 нафарни ташкил қилган, ўтган йиллар мобайнида 16 744 нафарга ошганини кўришимиз мумкин бунга сабаб мамлакатимизда АКТ соҳасидаги компанияларнинг кўпайгани ва хусусий корхоналарнинг ташкил топгани аҳоли томонидан талабнинг ошиб борганини ҳамда аҳоли сонининг ошгани ва аҳоли яшаш турмуш тарзининг яхшилангани билан боғлиқ деб келтиришимиз мумкин.

4-жадвал

⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

АКТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони⁵ (нафар)

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	33413	34478	37958	40248	47697	50157
Қорақалпоғистон Республикаси	1 040	1 051	1 134	1 031	1 233	1 302
Андижон	1 416	1 279	1 413	1 397	1 560	1 702
Бухоро	1 315	1 417	1 428	1 506	1 693	1 770
Жиззах	465	563	636	731	1 012	1 113
Қашқадарё	891	785	887	927	1 152	1 052
Навоий	1 059	1 003	1 112	1 219	1 175	1 328
Наманган	1 049	989	1 086	1 234	1 303	1 491
Самарқанд	1 222	1 143	1 364	1 503	1 603	1 871
Сурхондарё	735	758	855	855	1 063	1 031
Сирдарё	686	624	624	211	721	776
Тошкент	1 518	1 472	1 746	1 865	1 933	2 713
Фарғона	2 338	2 661	1 959	2 341	2 442	2 661
Хоразм	925	873	1 015	1 039	1 133	1 205
Тошкент.ш	18754	19860	22699	24389	29674	30142

Ўзбекистонда ахборот инфратузилмасининг ривожланмаганлиги. Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиши ўтиш иқтисодиёти учун умумий бўлган бир қатор сабаблар билан чекланган. Улар орасида қуйидагилар мавжуд:

- қонунчилик базасининг номукамаллиги;
- электрон тўловлар соҳасида банк хизматларининг ривожланмаганлиги;
- тармоқдаги транзакциялар хавфсизлиги муаммоси;
- Ўзбекистон ҳудудларида маълумотлар узатиш каналларининг етарли даражада ўтказмаслиги ва Интернетнинг Ўзбекистон сегментига уланишнинг нисбатан юқори нархи;
- мамлакат иқтисодиётида логистика соҳасининг заифлиги.

Электрон бизнес соҳаси миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу сабабли, ахборот ва телекоммуникация технологияларининг халқаро стандартларига асосланган давлат стандартлари тўплами шаклида инфратузилманинг меъёрий-техник базасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Бундай ишларни амалга оширишда авваламбор “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонасининг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш ва керакли ечимларга келиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиши ўтиш иқтисодиёти учун умумий бўлган бир қатор сабаблар билан чекланган. Улар орасида қуйидагилар мавжуд:

- қонунчилик базасининг номукамаллиги;
- электрон тўловлар соҳасида банк хизматларининг ривожланмаганлиги;
- тармоқдаги транзакциялар хавфсизлиги муаммоси;
- Ўзбекистон ҳудудларида маълумотлар узатиш каналларининг етарли даражада ўтказмаслиги ва Интернетнинг Ўзбекистон сегментига уланишнинг нисбатан юқори нархи;

⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

– мамлакат иқтисодиётида логистика соҳасининг заифлиги.

Электрон бизнес соҳаси миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу сабабли, ахборот ва телекоммуникация технологияларининг халқаро стандартларига асосланган давлат стандартлари тўплами шаклида инфратузилманинг меъёрий-техник базасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Адабиётлар:

Bell D. (1973) *The Coming of Post-Industrial Society: A Venture of Social Forecasting*. N.Y., Basic Books.

Romer P.M. (1990) Endogenous technological change. *J. Polit. Econ.* 98 (5), 71–102.

Sen A. (1985) Well-being, agency and freedom: The Dewey lectures 1984. *J. Phil.* 82 (4), 169–221.

Solow R.M., (1957) Technical change and the aggregate production function. *Rev. Econ. Stat.* 39 (3), 312–320.

Yuriy Bilan (2019) ICT and economic growth: links and possibilities of engaging // *Intellectual Economics*. № 13(1). — С.93–104.

He, J., Song, W., Zhang, L. (2012) *Empirical Research on the Relationship between Scientific Innovation and Economic Growth in Beijing*. University of Science and Technology of China. 168-173. China: Hefei.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон.



ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИ

PhD, доцент Сатторов А.Х.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мазкур мақолада Осиёнинг ривожланган мамлакатларининг аудиторлик фаолияти, аудиторлик фаолиятини таъминловчи органлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб берилган. Хусусан, Хитой, Япония, Жанубий Корея, БАА ва Сингапур давлатларида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, мажрубий аудитнинг асосий мезонлари ва аудиторларга қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аудиторлик фаолияти, аудитор, аудиторлик ташкилотлари, турдош хизматлар, назорат қилувчи органлар, аудит жамоат бирлашмалари.

Аннотация: В данной статье рассмотрена аудиторская деятельность развитых стран Азии, органы, регулирующие аудиторскую деятельность, и их особенности. В частности, в Китае, Японии, Южной Корее, ОАЭ и Сингапуре были проанализированы правовые основы аудиторской деятельности, основные критерии обязательного аудита и требования к аудиторам.

Ключевые слова: аудиторская деятельность, аудитор, аудиторские организации, сопутствующие услуги, контролирующие органы, аудиторские общественные объединения.

Abstract: In this article, the audit activity of the developed countries of Asia, the bodies that promote the audit activity and their specific features are highlighted. In particular, in China, Japan, South Korea, the UAE and Singapore, the legal basis of audit activity, the main criteria of a mandatory audit and the requirements for auditors were analyzed.

Keywords: audit activity, auditor, audit organizations, related services, supervisory bodies, audit public associations.

1. Кириш.

Жаҳонда мустақил ва холис аудиторлик фаолиятининг ўрни беқиёсдир. Сўнгги йилларда дунё мамлакатларида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этувчи давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциациялар фаолияти такомиллашиб бормоқда ва ушбу соҳада фаолият юритаётган аудиторлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, —Сертификатланган жамоат бухгалтерлари ассоциацияси (The Chartered Association of Certified Accountants-ACCA) 178 дан ортиқ давлатларда 700 мингта¹, —Америка сертификатланган жамоат

¹ www.accaglobal.com халқаро ахборот сайти

бухгалтерлари институти (American Institute of Certified Public Accountants AICPA) 143 дан ортиқ давлатларда 450 мингта², —Халқаро ички аудиторлар институти (The Institute of Internal Auditors, IIA) 150 дан ортиқ давлатларнинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш жараёнида фаол иштирок этувчи жамоатчилик ташкилотлари, шу билан бирга, ички аудит соҳасида банд бўлган 180 мингдан ортиқ аъзони бирлаштиради³.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли ваколатли орган ва жамоат ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотлари аудит текширувининг иш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, аудиторлик текширувларини ташкил этиш самарали механизмларини таркиб топтириш, мазкур тизимдаги турли поғоналар ўртасидаги функционал боғлиқлик ва изчилликни таъминлаш, давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциацияларнинг иш фаолияти меъёр ва стандартлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, бозор иқтисодиётининг турли шароитларида аудиторлик ташкилот ва идоралари ўртасидаги устуворлик ҳамда бўйсунувчанлик тамойилларининг самарали ишлашини таъминловчи дастакларни йўлга қўйиш, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизими концепциясини ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотларида иш сифатини таъминловчи ички стандартларни қўллашни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олим Р.Д.Дусмуратов (2008) ўзининг докторлик диссертациясида қуйидагича келтирган: Айрим ривожланган мамлакатларида аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий – меъёрий тартибга солишнинг либерал тизими шаклланган. Бу тизимда профессионал жамоат ташкилотлари етакчи бўлиб, улар аудиторларни аттестациялаш, аудиторлик текширувлар сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти стандартлари ва меъёрларини ишлаб чиқадилар.

А.А.Терехов (2001) тадқиқотларига кўра: АҚШ ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида аудитор бўлиб ишлашга лицензия олиш учун номзод университет маълумоти (камида бакалавр даражаси) ва аудиторлик ташкилотида маълум амалий иш стажига эга бўлиши ҳамда малакавий имтиҳон топшириши лозим. Унинг мутахассислик бўйича иш стажини, унга айнан қайси штатда лицензия берилишига ва маълумотига боғлиқ бўлиб, аммо бу даъвогар одатда аудиторлик ташкилотида аудитор ассистенти бўлиб ишлаган бир неча йилдан иборат.

Иқтисодчи олим К.Ахмеджанов (2016) фикрига кўра, АҚШнинг қонун ҳужжатларида аудитнинг қуйидаги турлари ажратилган: ички аудит, давлат аудити, бошқарув аудити ва тартибга солувчи органлар аудити. Ички аудит мустақил аудиторларнинг хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларида амалга ошириладиган, хўжалик юритувчи субъектлар ишини текшириш ва баҳолашга қаратилган фаолиятидир.

Австралияда дипломли бухгалтер-аудиторлар институти ташкил этилган бўлиб, у ўз аъзолари сафига Осиё, Малайзия, Сингапур давлатларида, Гонконг фуқаролари ҳам унинг аъзоси бўлиши мумкин. Ҳамда ушбу институт томонидан Осиё мамлакатлари вакилларида Австралияда ички аудит касбига ўқитиш ва тайёрлаш, малака имтиҳонларини топшириш ва тегишли унвонларни беришда ҳам

² <https://en.wikipedia.org/> халқаро ахборот сайти

³ www.hocktraining.com халқаро сертификациялаш дастури бўйича ахборот сайти

ёрдам кўрсатилади» (Т.В.Ножкина, 2007).

Ж.П.Расселл (2007) фикрича, бошқарув ва операцион аудит тушунчаларини бирлаштиради ва қўшимча қилиб “натижалар аудити” тушунчасини қўллайди, унинг моҳиятини “Унумдорлик ва самарадорликни баҳолаш мақсадида корхона фаолияти тартибот ва усулларининг ҳар қандай исталган қисмини текшириш”.

А.К.Ибрагимовнинг (2002) фикрича “Ички аудит бу ҳўжалик фаолияти ҳақидаги ахборотни беради ва ҳўжаликлар ҳисоботларининг ишончилигини тасдиқлайди. Ушбу аудит, асосан, ресурслар, нобудгарчиликларнинг олдини олиш ва корхона ичида зарурий ўзгаришларни амалга ошириш учун зарурдир”.

М.В.Мельникнинг (2003) фикри алоҳида эътиборга молик бўлиб, унинг таъкидлашича, «... аудит – бу ҳўжалик юритувчи субъектларда уни бошқариш органларининг манфаатларига мувофиқ ташкил этиладиган ва унинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, ички назорат тизимининг алоҳида таркибий қисмлари ишончилиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида ушбу субъект ишини текшириш ва баҳолаш бўйича фаолиятдир».

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Японияда аудиторлик хизматлари бозорини Сертификатлаштирилган жамоатчилик бухгалтерлари институти бошқаради. У ўзини-ўзи бошқарувчи уюшма сертификатлаштирилган жамоатчилик бухгалтери учун ягона ташкилот ҳисобланади: амалий фаолият билан шуғулланишни мақсад қилган малакали мутахассислар сертификатлаштирилган жамоатчилик бухгалтери номини олиб, мазкур институтга аъзо бўлишлари шарт. Бундан ташқари ҳар бир аудиторлик текшируви натижаларига кўра, тегишли хулосалар келтирилган ҳисоботлар шу институтга тақдим этиб борилади⁴.

Японияда аудиторлар фаолияти Молия вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади. Хусусан, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Молия вазири аудиторнинг исталган шахсдан тегишли маълумотни олишда йўл қўйган ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ тергов текширишларини олиб боришга мажбур.

Текширишни олиб боришда вазир барча манфаатдор шахсларнинг фикрларини тинглаши ва улардан ёзма кўрсатмаларини олиши шарт, зарур ҳолларда экспертиза ўтказиш, тасдиқловчи барча ҳужжатларни талаб қилиш ва аудитор ишлаган фирмаларнинг ҳужжатларини кутилмаганда тафтиш қилиш ҳуқуқига эга. Гувоҳлар ва экспертларнинг барча сарф-харажатлари Молия вазирлиги томонидан тўланади.

Молия вазирлиги жазо сифатида аудиторга ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан 1 йилгача бўлган муддатга тақиқ қўйиши мумкин, бунда унинг аудиторлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқини берувчи рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Бундай вазиятда, тақиқ муддати тугаганидан сўнг, аудитор машаққатли ва узоқ давом этадиган рўйхатдан ўтиш жараёнини яна қайта бошидан кечиришига тўғри келади (Т.В.Ножкина, 2007).

Жанубий Кореяда Аудиторлар институти европача моделларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Жанубий Кореядаги кўпгина бизнес-институтлар сингари у япон амалиёти тажрибасидан ўзлаштирилган (С.К.Кон, 2007).

⁴ www.hocktraining.com халқаро сертификациялаш дастури бўйича ахборот сайти

1990 йиллар ўрталарига келиб, қонунга мувофиқ, фақат давлат иштирокидаги кам сонли компанияларнинг бошқарув тузилмасида ташқи директорлар жалб қилиниши шарт бўлган. Бунда алоҳида рўйхатга киритилган компанияларгина ташқи аудиторларга эга бўлиши керак бўлиб, уларнинг корпорацияларни бошқаришдаги роли аниқ бўлмаган.

Ҳозирги вақтда Жанубий Кореядаги корейс бухгалтерия ҳисоби стандартлари (СФАС) молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) мос келади (С.К.Кон, 2007). Бундан ташқари Жанубий Корея Республикаси корейс Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини (2015) ишлаб чиқди (МСФО-К). Айнан 1997 йилги Осиё молиявий инқирозидан кейин Жанубий Корея Республикасининг Молиявий тартибга солиш Давлат комиссияси (Financial Services Commission) ХВФ ва Жаҳон банкининг Корейс бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартларини халқаро қоидаларга мувофиқ равишда бутунлай ўзгартириш бўйича таклифларини қабул қилди. Умуман олганда, Жанубий Кореянинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими ташқи аудит ҳамда бухгалтерия ҳисобининг ички назорат тизимини ўз ичига олади. Ташқи аудит компания ҳисоботлари ва маърузаларининг ташқи аудитор томонидан кўриб чиқилишини англатади. Ташқи аудит сиёсати ташқи текширувлар акциядорлар, кредиторлар, ишчилар ва бошқа манфаатдор томонлардан ҳимоя қилиш учун мустақил равишда ўтказилиши ва компаниянинг соғлом ривожланишига кўмаклашиш учун ташкил қилинган. Акциядорлик жамиятларида “Ташқи тафтишни ўтказиш тўғрисида”ги қонун асосида, аудиторлар корхоналардаги молиявий ҳисоботлар қайси йўл билан тузилганини, улар корпорация молиявий ҳисоби стандартларига ва мамлакат қонунчилигига қанчалик мувофиқлигини текширишлари керак.

Молиявий йил бошланганидан кейин биринчи тўрт ой давомида компаниялар аудиторларни танлаши керак. Ҳар олти ойда мустақил аудитор ҳисобот тайёрлайди ва уни Директорлар кенгаши ҳамда Аудиторлик қўмитасига жўнатади. Акциядорлик жамиятларида “Ташқи тафтишни ўтказиш тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида корпорацияларда ташқи аудит мажбурий тартибда ўтказилиши шартлиги назарда тутилган.

Тижорат кодексида Аудиторлик қўмитаси аъзоларини ва ташқи аудиторларни сайлайдиган орган аниқ кўрсатилмаган, бунини бошқа қўмиталарга ҳам аъзоларни сайлайдиган Директорлар кенгаши бажаради (SKFS, 2015).

Бошқарув ҳисобининг ички сиёсати молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган. Жанубий Корея Республикасининг Тижорат кодексига мувофиқ, Аудиторлик қўмитаси худди ички аудитор (2015) сингари директорларнинг ўз мажбуриятларини мувофиқ равишда бажараётганларини текшириши керак. Ушбу функция амалиёт аудитига мос келади.

Илмий тадқиқот шуни кўрсатдики, 1997-1998 йилларда Жанубий-шарқий Осиё давлатларида молиявий инқироз юз берди. Бу инқироз Жанубий Корея давлатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Жанубий Корея давлати молиявий инқироз сабабли аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилишга киришди ва Халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг миллий стандартларини ишлаб чиқди. Аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида корпоратив аудит ўрнига аудит комиссияси пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Жанубий Кореяда молиявий назорат аудити ва бошқарув самарадорлигини ўз ичига олган ички назорат асосий масаласи кўтарилди.

Бирлашган Араб Амирликларида бизнес юритиш шарт-шароитлари дунёдаги энг қулай шароитлардан бири бўлиб, бу ерда солиқлар ва экспорт-импорт божлари деярли йўқ (эркин иқтисодий ҳудудларда товарлар ҳаракатида), бюрократик тартиб-таомиллар минимал даражада, аудит ўтказиш ва бухгалтерия ҳисоботи

тартиб-таомиллари бошқа мамлакатларга қараганда анча соддалаштирилган. Лекин, шунга қарамасдан, бу ерда оффшор компаниялар молиявий ҳисоботи ва аудитига маълум талаблар мавжуд (оффшор компаниялар учун бухгалтерия ҳисоботи йўқ). Ва бу талабларни бажариш учун худди шу хизматларни амалга оширадиган синовдан ўтган компаниялар бор.

Бирлашган Араб Амирликларида бизнес юритаётган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар молиявий/бухгалтерия ҳисоботини – ҚҚС бўйича солиқ декларациясини, шунингдек, даромадлар ва харажатлар бўйича барча маълумотларни ўз ичига олган ҳар йилги аудиторлик ҳисоботини тақдим этиши шарт, бу ҳисобот араб ёки инглиз тилида топширилиши мумкин.


Таъкидлаш лозимки, БАА Федерал солиқ хизмати вақти-вақти билан мамлакатда бизнес юритаётган юридик шахсларнинг солиқ қонунчилигига мувофиқ ишлаётгани юзасидан солиқ аудитини ўтказиши мумкин. Бундай аудит бизнес юритаётган жойи ёки бухгалтерия ҳисоботлари сақланаётган жойи бўйича солиқ аудити ўтказилиши белгиланган юридик шахс олдиндан хабардор этилганидан кейингина ўтказилади. Солиқ аудитори аудит предмети бўлган жойни (масалан, омбор ёки дўконни) тегишли ҳисобот текширувларини ўтказиш учун 72 соатгача бўлган муддатга ёпишга ҳақли.

Одатда, Бирлашган Араб Амирликларида аудиторлик хизматлари, бухгалтерия ҳисоби хизматлари, ҚҚС бўйича декларация ва ҳисобот топшириш хизматларини кўрсатади.

Авваламбор таъкидлаш жоизки, БААда рўйхатдан ўтган оффшор компаниялар мустақил аудитор тайинлаши мажбурий. Айнан шу мустақил аудитор аудиторлик ҳисоботини тайёрлаши лозим. Бунда, агар компания фаолият олиб бормаётган бўлса ҳам, барибир, ҳисоботни топшириши зарур – фақат “ноль” натижа билан белгиланади. Аудиторлик компанияси тайинланганидан кейин, у, давлат рўйхатидан ўтказувчига уни мижоз-компания сифатида рўйхатдан ўтказишлари сўралган махсус хатни жўнатади. Тақдим этилган молиявий ҳисобот аудити берилган маълумотларни мустақил равишда холис баҳолаш имконини беради, бу эса давлат солиқ органлари томонидан молиявий ҳисоботга қўйилган барча талабларнинг бажарилишига гаров бўлиб хизмат қилади.

Бирлашган Араб Амирликларида компаниялар аудит текширувларидан ўтишни афзал кўрадилар. Чунки амалиётда компаниялар томонидан аудиторлик ташкилотларга тўйиқ ишонч мавжудлигини кўриш мумкин.

1995 йил 1 январда “Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни” эълон қилинди. Давлат тафтиш органлари ва унинг аудиторлари учун ўзига хос функциялар, ҳуқуқлар, мақсадлар, аудит тафтишлари стандартлари ва аудит жараёнлари расмий равишда белгилаб қўйилган. Қонуннинг эълон қилиниши аудитни қонуний асосга келтирди. Унинг нашр этилиши Хитойнинг режали иқтисодиёт давридаги аудит тизимининг собиқ чигал вазиятига расман барҳам берди. “Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни” (1995) аудитнинг 3 та асосий тамойилини белгилаб берди. Булар:




1-расм. Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни” аудитнинг асосий тамойилини⁵

Аудиторлар ишида бюджет, ижтимоий жамғармалар ва иқтисодий жавобгарликни тафтиш қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Мос равишда, қонунда

⁵ Муаллиф томонидан тузилган

давлат тафтишининг қуйидаги асосий белгилари ўрнатилди: давлат тафтиш тизимининг мустақиллиги, компетентлиги, мажмуавийлиги ва мажбурийлиги.

1994 йил 1 январда Хитойда ХКП Марказий Қўмитаси “Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар тўғрисидаги қонун”ни эълон қилди. Ушбу қонун сертификатланган бухгалтерлар учун қатор қоидалар белгилаб берди. Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар уюшмаси қонун талаби билан ташкил этилган. Қонунда сертификатланган юқори малакали бухгалтер қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматларини кўрсатиши мумкинлиги белгиланди:



2-расм. Сертификатлаган малакали бухгалтер томонидан кўрсатиладиган бухгалтерия ва аудит хизматлари

Хитой аудит хизматлари бозорида ҳали ҳам “катта тўртлик” вакиллари – KPMG, Deloitte, Ernst&Young ва Pricewaterhouse Coopers ҳукмронлик қилмоқда. Хитойнинг 5600 дан ортиқ аудиторлик компанияларидан фақат 70 тасигина рўйхатга олинган листинг корхоналарга профессионал хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Деярли барча компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботларини йиллик аудитдан ўтказадилар, у ўз ичига даромад ва зарарлар, баланс ва пул маблағларининг оқими тўғрисидаги ҳисоботларни текширишни ўз ичига олади. Гарчи бу жараён оғир бўлса-да, у компанияларга солиқ самарадорлигини, молиявий тузилма ва жараёнларни, шунингдек, фирибгарликнинг олдини олиш учун ички назорат механизмларини оптималлаштириш учун ички молиявий текширув ўтказиш имкониятини яратади.

Аудит қонунига кўра, аудиторлик хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи сертификатланган юқори малакали бухгалтерларнинг хулосалари ишончли бўлиши керак.

Табийки, турли қонунлар аудитнинг ҳар хил турлари учун жавобгардир. “Хитой Халқ Республикасининг аудит тўғрисидаги қонуни” давлат тафтишини ўтказиш тартибини белгилайди ва “Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар тўғрисидаги қонун” ва “Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар тўғрисидаги аудит стандартлари” ташқи аудитнинг ўтказилиши учун жавобгардир. “Ички аудит тўғрисидаги қонун” ва “Ички аудит стандартлари” ташкилотларда ички назоратни ўтказиш қоидаси ҳисобланади.

Аудитнинг янги ҳуқуқий тизими мажбурий аудитга қўйиладиган миқдорий талабларни, аудиторларга қўйиладиган талабларни, шунингдек, аудиторлик фаолияти сифатини назорат қилишни оширади, бу эса, аудит бозорига салбий таъсир кўрсатилишига, аудиторлар ва аудиторлик фирмалари сонининг қисқаришига олиб келди. Лекин, бошқа томондан, қатъийроқ ва аниқроқ қоидалар ҳамда қонунчилик иқтисодиёт ва аудитни ривожлантириш учун соғлом муҳитни яратишга ёрдам берди.

Аудиторлик фаолияти стандартларини йилдан йилга такомиллаштириб борилмоқда. 1991-1993 йилларда Хитой Сертификатланган бухгалтерлар институти (CICPA, The Chinese Institute of Certified Public Accountants) 7 та стандартни ўз ичига олган “Бухгалтер ва аудитор учун бухгалтерия ҳисоботлари текшируви ва аудити қоидалари”ни нашр этди. 1996 йил 1 январда биринчи “Хитой аудит стандартлари” (CSA) кучга кирди. Қоидалар 45 та стандартдан иборат эди. 1996 йилдан 2005 йилгача аудит стандартлари доимий равишда такомиллаштириб борилди. 2006 йил

15 февралда қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган “Хитой аудит стандартлари” Хитой Сертификатланган бухгалтерлар институти томонидан нашр этилган бўлиб, аввалгиси 3 та стандарт билан тўлдирилиб, жами 48 та стандарт шаклига келди. 2011 йил 1 январдан кучга кирган янги “Хитой аудит стандартлари” жами 37 та стандартдан иборат. 2016 йил 12 декабрда Хитойнинг сертификатланган бухгалтерлар институти яна бир янги стандартни қўшди ва ҳозирги вақтда “Хитой аудит стандартлари” 38 та стандартдан иборат[17].

2021 йил якунига келиб республикада 8605 та аудиторлик фирмаси ва 237203 нафар аудиторлар фаолият юритган. Хитой ҳукумати бухгалтерлар орасида CPA (Certified Public Accountants – сертификатланган жамоат бухгалтерлари) аъзолари сонининг кўпайишини рағбатлантирмоқда. Хорижий бухгалтерия фирмалари Хитой аудит бозорининг тахминан 10%ини эгаллаган.

Ҳозирги вақтда Хитойда аудит бозорининг тузилиши “4-10-200-8000” схема каби ифодаланади. Яъни, халқаро “катта тўртлик”, йирик мураккаб компанияларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган кўпмиллатли операцияларга эга 10 та “катта” миллий аудиторлик фирмалари, йирик компанияларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган 200 та “ўрта” аудиторлик фирмалари ва ўз фаолиятини маҳаллий бўшлиқларга қаратган 8000 та “кичик” ихтисослаштирилган аудиторлик фирмалари ҳисобланади.

Осиёнинг энг ривожланган давлатлар бири Сингапур иқтисодиётида аудит ўзига хос ўрин тутади. Барча ташкилотлар Сингапурнинг аудит қоидаларига риоя қилишлари шарт. Сингапурда аудит текширувлари қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда ўтказилади. Улар молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қийматлар тўғри ва ҳаққоний бўлишини таъминлаш учун амалга оширилади. “Сингапур компаниялари тўғрисида”ги қонун компанияларни аудитдан ўтказишни талаб этади. Компаниялар тўғрисидаги қонунга кўра, ташкилотлар минимал талабларга жавоб берса, аудитор ёллашлари зарур.

Сингапурда аудит ўтказиш, агар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ озод қилинмаса, мажбурий ҳисобланади. Бизнес Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA) томонидан белгиланган қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Мунтазам текширувлар ўтказадиган ташкилот Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA)га бўйсунди.

Агар ташкилот аудит ўтказиши мажбурий бўлса, у ACRA талабларига жавоб бериши керак. Аудит ўтказиши керак бўлган ташкилотлар учун ACRA махсус қоидаларни ўрнатган. Сингапурда аудит ўтказишда қуйидагиларни эътиборга олиш керак:




3-расм. Сингапурда аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар⁶

Сингапур компаниялари тўғрисидаги қонунга кўра, компания аудиторни тайинлаши керак. Агар компания Сингапурда текширилиши керак бўлса, бу талаб мажбурийдир. Аудиторларни тайинлаш ACRA қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

⁶ Муаллиф томонидан тайёрланган

Агар компаниялар ушбу талабдан озод қилинган бўлса, унда аудиторни тайинлаш шарт эмас.




4-расм. Сингапурда аудиторлик текширувидан озод қилинадиган компаниялар турлари⁷

Аудиторлар аудитни диққат билан ўтказишлари керак. Бундан ташқари, аудиторлар халқаро аудит стандартларига риоя қилишлари керак. ACRA томонидан стандартларни амалиётга жорий этиш органи ҳисобланади.

Гарчи барча субъектларда аудит ўтказилиши мажбурий бўлса-да, аудитдан озод этилган муайян субъектлар бор. Аудит ўтказилишига ҳаққи йўқ ташкилотларга қуйидагилар киради:

Кичик компаниялар - Сингапурнинг компаниялар тўғрисидаги қонун билан ҳар бир компания маълум бир давр давомида аудит ўтказиши шарт. 2014 йилда Компаниялар тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилгани муносабати билан, Сингапур ҳукумати ва ACRA айрим компанияларни аудитдан озод қилди.



5-расм. Сингапурда юридик шахсни кичик компания сифатида таснифлаш учун бажарилиши лозим бўлган талаблар⁸

Шунинг учун, агар компания юқорида келтирилган мезонларга жавоб берса, Сингапурда у аудит ўтказилишидан озод қилинади.

Компаниялар гуруҳи (кичик компаниялар) - Сингапур компаниялари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, гуруҳ компаниялари бош компания таркибига киради. Гуруҳ компаниясининг аҳамияти Сингапурнинг Компаниялар тўғрисидаги қонунига мувофиқ холдинг компания (бош компания) ва гуруҳ таркибининг бир қисмини ташкил этувчи шўъба корхоналар сифатида мавжуд. Назорат даражаси бош компания ва унинг шўъба корхоналари ўртасидаги муносабатларни белгилайди.

Харакатсиз компания - Сингапур аудитига кўра, рўёхатдан ўтган вақтидан буён бирорта ҳам битимни амалга оширмаган компания ҳаракатсиз компания ҳисобланади.

Сингапурда аудит бўйича марказий тартибга солувчи орган Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA) ҳисобланади. Сингапурда барча юридик шахслар аудит текширувларини тақдим этишлари шарт. Бундан ташқари, Сингапур компаниялари тўғрисидаги қонун Сингапурда мунтазам

⁷ Муаллиф томонидан тузилган

⁸ Муаллиф томонидан тузилган

аудитлар ўтказиш Низомини тартибга солади. Агар компанияга аудит талаб этиладиган бўлса, компания Сингапурда аудит ўтказишга ихтисослашган ташкилотни белгилаши керак. Буни компания рўйхатдан ўтгандан кейин уч ой ичида амалга ошириш керак. Компанияни текшириш учун ACRAга мувофиқ зарур кўникмаларга эга бўлган бухгалтер тайинланиши мумкин.

Аудитор ўз вазифаларини ACRA талабларига мувофиқ бажариши керак. Аудитор қуйидаги мажбуриятларга эга бўлиши керак:

Аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларига риоя этиши шарт.

Аудитор ташкилот ҳулқ-атвор кодексига мувофиқ иш олиб бориши зарур.

6-расм. Сингапурда аудиторларнинг мажбуриятлари⁹

Аудитор компаниянинг молиявий ҳисоботларини ҳам текшириши керак. Бундан ташқари, аудитор компания ҳисобларининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида асосли фикр билдириши керак. Шунингдек, улар раҳбариятга ҳисоботларни тақдим этишлари шарт.

1-жадвал

Осиё давлатларида аудиторлик фаолияти ва текширувларини ташкил этиш тизими¹⁰

Кўрсаткичлар	Хитой	Япония	Жанубий Корея	Бирлашган Араб Амирликлари	Сингапур
Асосий қонун ва норматив ҳужжатлар	“Хитой Халқ Республикаси нинг аудит тўғрисидаги қонуни”	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун	Тижорат кодекси	Барча амирликлар учун ягона қонун мавжуд эмас	Компаниялар тўғрисидаги қонун
Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар	Хитой Сертификат- ланган бухгалтерлар институти	Молия вазирлиги	Аудит кенгаши	Молия вазирлиги, Савдо саноат вазирлиги	Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA)
Аудит стандартлари	Миллий	Миллий	Миллий	ХАС	Миллий
Стандартни тасдиқловчи ташкилот	Хитой Сертификат- ланган бухгалтерлар институти (The Chinese Institute of Certified Public Accountants)	Молия вазирлиги	Сертифика- тланган бухгалтер- лар институти	Молия вазирлиги, Савдо саноат вазирлиги	Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA) Сингапур бухгалтерия институти (ISCA)
Назорат қилувчи ва лицензиялаш органи	Иқтисодиёт вазирлиги ва Хитой Сертификат- ланган бухгалтерлар институти	Молия вазирлиги	Сертифика- тланган бухгалтер- лар институти	Молия вазирлиги, Савдо саноат вазирлиги	Бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив тартибга солиш органи (ACRA)

⁹ Муаллиф томонидан тузилган

¹⁰ Тадқиқотчи томонидан тузилган.

Ташқи сифат назоратини ўтказиш даври	3 йил	3 йил	2 йил	5 йил	2 йил
Ташқи сифат назоратини ўтказиш муддати	10 кун	10 кун	15 кун	20 кун	15 кун
Мажбурий аудитнинг қўлланиши	Йиллик даромад 30 млн юандан ошган ёки йиллик зарар 100 000 юандан ошган	Устав капитали 500 млн иен; умумий мажбуриятлари 20 млрд иен,	активларининг баланс қиймати 7 млрд вон миқдоридан ортиқ, йиллик айланмаси 10 млрд вон, ходимлари 100 ортиқ бўлса.	Эркин иқтисодий ҳудудда жойлашган айрим компаниялардан ташқари, барча ташкилотлар молиявий ҳисобот аудитининг ҳулосасига эга бўлишлари шарт	Йиллик айланма маблағлар 5 млн сингапур доллардан ошган; акциядорлари 20 нафардан ошган
Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторни ротация қилиш даври	Кетма-кет 5 йил	Кетма-кет 6 йил	Кетма-кет 5 йил	Кетма-кет 10 йил	Кетма-кет 7 йил
Асосий турдош хизматлар	Солиқ, пул оқимлари, даромад ва зарар бўйича ҳисоботлари ва бухгалтерия	Ҳуқуқ, солиқ, бошқарув	Бухгалтерия, солиқ	Молиявий ҳисобот, солиқ, бухгалтерия	Менежмент, молиявий ҳисобот, солиқ, бухгалтерия
Аудиторларга қўйиладиган талаблар	“Сертификатланган юқори малакали бухгалтерлар” сертификатланган шахслар	Олий маълумотли, малака имтиҳонларини топширган шахслар	Олий маълумотли, малака имтиҳонларини топширган шахслар	Бухгалтерия бўйича олий маълумот ёки унга тенглаштирилган квалификацияга эга бўлган шахслар	Иқтисодиёт бўйича олий маълумотга эга бўлиш, аудит соҳасида 3 йиллик иш стажига ёки иқтисодиёт соҳасида 5 йиллик иш стажига эга бўлиш

5. Хулоса ва тавсиялар.

Ривожланган мамлакатларининг аудиторлик фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, куйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин:

1. Осиё мамлакатлари аудиторлик фаолиятининг асосий бўғинлари қонунлари, назорат қилувчи органлари, стандартлари, аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий шакллари, аудиторлик ташкилотларининг тавсифланиши ва аудиторларга қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиб берилди. Шунингдек, ушбу минтақаларнинг энг ривожланган мамлакатлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти, уларнинг тузилиши ва ҳуқуқий мақоми, аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф қилинадиган турдош хизматлар, шунингдек, аудиторларга қўйилган талаблар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

2. Осиё давлатларида аудиторлик текширувлари халқаро аудит стандартлари ёки давлатнинг миллий қоидалар талабларига мувофиқ тузилади. Хозирги кунда аудиторлик ташкилотлари томонидан компаниядаги рискларни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича аудит текширувларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

3. Осиё мамлакатларининг профессионал аудитини ўзгартиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги таҳлил қилинди: аудитга оид миллий қонунчилик ва ҳуқуқий муҳитни такомиллаштириш, аудиторларнинг касбий малакасини ошириш, аудит сифатини назорат қилишни ташкил этиш, аудиторларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш.

4. Осиё давлатларида аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётини тадқиқ қилиш натижасида ҳуқуқий-назорат қилиш тизими иккига: давлат томонидан назорат қилиш ва жамоат бирлашмалари ҳамда аудит институтлари томонидан тартибга солиш тизимларига ажратилди.

5. Ривожланган мамлакатларнинг жамоат бирлашмаларининг аудиторлик фаолиятидаги ўрни, мақоми, вазифалари ва ваколатлари тадқиқи қилинди, мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлар республика жамоат бирлашмалари фаолияти ўзаро солиштирилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар:

Commercial Act. (2011) No.10696. [Электронный ресурс]
URL:<http://www.law.go.kr/eng/>

IFRS (2012) Adoption and Implementation in Korea, and the Lessons Learned. //IFRS

Kon Sik Kim (2007) Transplanting Audit Committees to Korean Soil: A Window into the Evolution of Korean Corporate Governance. //Asian-Pacific Law and Policy Journal. - №1 [Электронный ресурс] URL:

http://blog.hawaii.edu/aplpj/files/2011/11/APLPJ_09.1_kim.

Russell J.P. (2007) The Internal Auditing Pocket Guide: Preparing, Performing, Reporting and Follow-up. Second Edition Spiral-bound, 205 pg.;

SKFS (2015) Statements of Korea Financial Standards. //Korean Accounting Standards Board Library. [Электронный ресурс] URL:<http://eng.kasb.or.kr/>

Statements of Korea Financial Standards (2015) //Korean Accounting Standards Board Library. [Электронный ресурс] URL:<http://eng.kasb.or.kr/>

Ахмеджанов К.Б. (2016) Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш – иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси/ Тошкент

Закон (1995) «Закон об аудите Китайской Народной Республики» Утв. Постоянный комитет ВСНП от 01 января 1995.

Дусмуратов Р.Д. (2008) Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш – иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация

Ибрагимов А.К. (2002) Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. – 185 б.

Ножкина Т.В. (2007) Международный аудит [текст]: учебное пособие. - Петропавловск-Камчатский: Камчат ГТУ, 127 с.

Терехов А.А. (2001) Аудит: перспективы развития. М.:«Финансы и статистика»,– 560 с.



ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Туловов Э.Т.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Аннотация: Мақолада қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобининг амалдаги ҳолати тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қурилиш, қурилиш ташкилоти, молиявий натижалар, даромад, харажат, тушум, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Аннотация: В статье исследовано современное состояние учета финансовых результатов на строительных предприятиях. В ходе исследований разработано предложение по совершенствованию учета финансовых результатов на основе международных стандартов.

Ключевые слова: строительства, строительная организация, финансовый результат, доход, затрат, выручка, международные стандарты финансового отчетности.

Abstract: The article explores the current state of accounting for financial results in construction companies. In the course of the research, a proposal was developed to improve the accounting of financial results based on international standards.

Keywords: financial result, income, costs, revenue, international financial reporting standards.

1. Кириш.

Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари молиявий ҳисобот ахборотларидан манфаатдор томонларнинг доимий қизиқиш доирасида бўлади. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХҲС)га мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш шароитида миллий стандартлар қайта кўриб чиқилиб, халқаро стандартлар талабларига мослаштирилмоқда. Бироқ халқаро даражада ҳам стандартлар такомиллашиб бормоқда. Хусусан, бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан ҳисобланган молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва тушумни тан олиш бўйича талабларни кўриб чиқиш мақсадида “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МХҲС қабул қилинган.

Мазкур стандартни қўллаш иқтисодиётнинг барча тармоғи каби, қурилиш соҳасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Қурилиш ташкилотлари тушумни тан

олишда мажбуриятларни бажариш учун бизнес юритиш усуллари қайта кўриб чиқиши лозим бўлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш масалалари иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг ёритилган.

Хусусан, А.З.Авлокулов (2019) таъкидлашича, “молиявий натижалар ҳисобининг тўғри юритилиши ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан ҳисоб принципларининг ўз вақтида, тўғри ҳамда аниқ қўлланилишига боғлиқ. Аввало, фаолиятнинг узлуксизлиги, ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги, олинган даромадларнинг сарфланган харажатларга мос келиши ҳамда эҳтиёткорлик принциплари молиявий натижалар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади”.

М.Б.Калонов (2019) фикрича, “корхоналар ҳисоб сиёсатида даромадлар ва харажатлар ҳамда улар ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалаларнинг акс эттирилиши, маҳсулот таннархини ташкил этувчи ҳамда давр харажатларини оптималлаштириш имкониятини бериб, даромадларни ошириш ҳамда натижада корхона фойдасини кўпайтиришга хизмат қилади”.

Бошқа бир иқтисодчи олим “ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг манфаатларини қондириш мақсадида молиявий натижалар таҳлилин мунтазам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Жаҳон мамлакатлари амалиётида молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг жорий этилиши таҳлил услубиятини яна бир бор кўриб чиқишни тақозо этмоқда” (М.М.Исмаилова, 2021), деган хулосага келган.

З.Марилена ва Т.Алиса (2012) фикрича, “фойда ёки даромад - бу фаолият натижаси сифатида даромаднинг пулдаги ифодасидир ва даромад олишнинг асосий ғояси даромадли иқтисодий фаолиятдир. Молиявий натижа даражаси ҳар қандай менежер учун самарадорликни ўлчаш усулини англатади. Молиявий натижа ҳар бир фаолият турлари бўйича қандай олинганлигини ифодаб, бутун фирма фаолиятини мувофиқлаштириш учун бошқарув даражасида қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади”.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар “молиявий натижалар ҳисоби молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асосий маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади” (М.Раду ва бошқалар, 2015), деган хулосага келишган.

Мариана Ман ва Лиана Гадау (2010) таъкидлашича, “молиявий натижалар, айниқса, унинг рентабеллиги ҳақидаги маълумотлар келажақда корхона назорат қилиши мумкин бўлган иқтисодий ресурсларнинг мумкин бўлган ўзгаришларини баҳолашга ёрдам беради”.

Умуман олганда юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асарларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган бўлсада, бироқ қурилиш соҳасида унинг хусусиятлари тўлиқ ёритиб берилмаган.

3. Тадқиқот методологияси.

Қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этиш қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бухгалтерия ҳисобининг илмий-методологик аппаратини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар

ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, таққослаш, миқдор ва сифат кўрсаткичларни ҳисоблаш каби усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Харидорлар билан тузилган шартномада кўрсатилган шартлар даромадлар, харажатлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда очиб беришда тушумни тан олиш тартибига жиддий таъсир қилади.

“Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХСга биноан тушумни тан олиш бешта босқичдан иборат бўлиши белгилаб берилган (1-расм).



1-расм. Тушумни тан олиш бешта босқичлари¹

Қуйида ушбу босқичларга тўхталиб ўтамыз.

1. Шартнома шартларини аниқлаш. Мазкур босқичда қурилиш ташкилотлари учун муаммоли жиҳатлар бўлмаслиги керак. Битим тузишнинг асосий шarti иқтисодий фойда олишга ишонч ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу ишонч нафақат қисқа муддатда, балки узоқ муддатли истиқболда ҳам эришиладиган бўлиши керак.

“Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС қуйидаги масалаларни очиб беради:

томонлар шартномани маъқуллаган ва унинг шартларини бажариши шарт;

ташкилот шартнома бўйича берилган ва бошқа томон ушбу шартнома бўйича сотиб оладиган товарларга (ишларга, хизматларга) нисбатан томонларнинг ҳар бирининг ҳуқуқларини белгилаши мумкин;

ташкилот товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш тартибини белгилаши мумкин;

шартнома тижорат мазмунига эга бўлиб, унинг бажарилиши натижасида нафақат унинг муддати ва рискларга, балки ташкилотнинг келажақдаги пул оқимлари ҳам ўзгаради;

харидорга берилган товарлар ёки хизматлар эвазига тўловни корхона олиши эҳтимоли мавжуд.

¹ “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

2. Шартнома шартларини бажариш бўйича мажбуриятларни белгилаш. Мазкур босқичнинг номи шартнома тушум тан олинадиган ягона мажбурият эмаслигидан далолат беради. Хусусан, битта шартномада бир нечта хизматлар, ишлар ёки уларнинг харидорга ўтказилиш муддати турли босқичларга бўлиниши мумкин. Шу сабабли, “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС шартномани бажариш шартларини алоҳида мажбуриятларга бўлишни таклиф қилади.

Шартномада белгиланган муддатда қурилиш ташкилоти буюртмачининг топшириғига биноан маълум бир объектни қуриш ёки қурилиш сифатида тавсифланган бошқа ишларни бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, кейин уларнинг натижасини қабул қилиш ва маълум бир нархни тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур ҳолатда, шартнома объектни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ҳам, ўрнатиш, ишга тушириш ва қурилиш объекти билан узвий боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш учун ҳам тузилади. Шунга кўра, бундай қурилиш шартномаси бўйича алоҳида товарлар ва хизматлар бўйича мажбуриятларни ажратишнинг ҳожати йўқ, чунки натижа бир хил - объектни қуриш, реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашдир.

3. Битим нархини аниқлаш. Тушумни тан олиш учун ушбу мезон муҳим аҳамиятга эга, айнан у пул қийматида ифодаланган даромад миқдорига таъсир қилади. Агар “Тушум” номли 18-сон БҲХС ва “Қурилиш шартномалари” номли 11-сон БҲХСда тушум миқдори ҳаққоний қиймат бўйича аниқланиши аниқ кўрсатилган бўлса, “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХСда ҳаққоний қиймат концепцияси қайта кўриб чиқилган ва натижада алоҳида сотиш нархини қўллаш таклиф этилган.

Битим нархини аниқлашда қурилиш ташкилотлари қуйидагиларни баҳолашлари керак бўлади: дебиторлик қарзларини ундириш; ўзгарувчан иш ҳақининг таъсири, пулнинг вақт қиймати, шартли тўлов миқдори, пулсиз шаклда мукофот олиш ва мижозга ҳақ тўлаш.

Пудрат шартномаларида мижозлардан нақд пул олиш муддатлари бўйича тушумни тан олиш вақтига тўғри келмайдиган шартлар бўлиши мумкин. Агар молиялаштириш таркибий қисми муҳим бўлса, “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС яширин молиялаштириш таъсирини акс эттириш учун тузатишни талаб қилади.

Харидор томонидан молиялаштириш билан боғлиқ вазият, аслида, тескари ҳолатдир, лекин мазкур жараён бухгалтерия ҳисобида бутунлай бошқача тарзда акс этади. Шу сабабли “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС узоқ муддатли шартномалар бўйича яширин молиялаштириш мавжудлиги учун олдиндан бўнак тўловларини баҳолашни талаб қилади. Агар бўнак тўловлари ва савдо тушумларини тан олиш ўртасидаги вақт оралиғи бир йилдан кам бўлса, унда бундай тўловлар яширин молиялаштириш сифатида тан олинмайди, мазкур ҳолатда сотувчи харидордан қарз олади. Бироқ, агар молиялаштириш мавжудлиги тан олинса, бўнак тўловлари молиявий харажатларга ва кечиктирилган тушумнинг ошишига олиб келади.

Мазкур ёндашув муҳим молиявий таркибий қисмни ўз ичига олган операцияларни икки қисмга, яъни товарларни сотиш ва молиялаштириш бўйича битимга бўлинишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, яширин молиялаштириш операцияларини аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш учун зарур бўлган қурилиш ташкилотининг ички қоидаларини ташкил этиш нуқтаи назаридан оқибатлар сезиларли бўлиши мумкин.


4. Бажарилиши лозим бўлган битим нархини тақсимлашни амалга ошириш.

Битим нархини аниқлагандан сўнг, уни илгари ажратилган барча мажбуриятларга ажратиш керак.

5. Тушумни тан олиш. Мазкур босқич тушум вақтини аниқлаш концепциясини ўзгартиради. Шартнома мажбурияти, агар буюртмачига (харидорга) ушбу шартномада назарда тутилган товар (хизмат, иш) устидан назорат берилса, бажарилади. Назорат деганда қурилиш ташкилоти фойдадан фойдаланиш, бошқариш ва олиш қобилияти, шунингдек, рискларни товарларга (ишларга, хизматларга) ўтказиш тушунилади.

“Тушум” номли 18-сон БҲХСда тушумни тан олиш вақти фақат риск ва фойдани активга ўтказишга қаратилган. Янги концепция мижозлар билан тузилган шартномалар бўйича тушумни тан олиш мезонларини тушуниш нуқтаи назаридан анча кенгроқ бўлиб, маҳсулот (хизмат, иш) учун фойда ва рискларни ўтказиш унинг фақат битта жиҳати ҳисобланади.

“Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХСга биноан тушумни тан олишнинг қуйидаги мезонлари мавжуд (2-расм).



2-расм. Тушумни тан олиш мезонлари²

Қурилиш соҳасида тушумни тан олишнинг янгиланган моделида учинчи ва бешинчи босқичларни амалга ошириш мавжуд бухгалтерия тартибини қайта кўриб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

Қурилиш ташкилотлари учун битим нархини аниқлашнинг учинчи босқичини амалга оширишда иккита асосий омил муҳим аҳамиятга эга - ўзгарувчан товон миқдори ва муҳим молиявий таркибий қисм. Ўзгарувчан товон миқдори омилини ҳисобга олиш учун узоқ муддатли қурилиш шартномаларини амалга оширувчи ташкилотлар биринчи марта аванс тўловларини молиялаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўриб чиқишлари керак. Бунда узоқ муддатли шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни ҳал қилиш жуда қийин бўлади.

Янги моделнинг бешинчи, якуний босқичига мувофиқ, қурувчилар (мижозлар) ҳам стандартда белгиланган учта мезондан бири бажарилган тақдирда маълум вақт ичида тушумни тан олишлари керак.

Хусусан, сотувчи шартноманинг барча босқичларида шу кунгача бажарилган иш учун ҳақ олиш ҳуқуқига эгаллигига аниқлик киритиш керак. Бунинг учун ҳар бир

² “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

шартноманинг муайян шартларини синчковлик билан ўрганиш талаб қилинади, бу эса харидорга шартноманинг мавжуд шартларини қисқартириш, бекор қилиш ёки ўзгартириш имконини беради. Мазкур ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билишни тақозо этади.

Бухгалтерия ҳисобида тушумни ҳисобга олишнинг “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХСда белгиланган модель ва қурилиш ташкилотларида молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг мавжуд амалиёти ўртасидаги қуйидаги энг муҳим фарқлар мавжудлигидан далолат беради:

1. “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС нафақат қурилиш соҳасидаги, балки барча ташкилотларга нисбатан ҳам амал қилади. Қурилиш тармоғининг ҳар бир субъекти молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва тушумни тан олишда ушбу моделни қўллаши керак. Узоқ муддатли шартномалар бўйича ишлайдиган қурилиш пудрат ташкилотлари учун тушумни қурилиш объекти тайёр бўлганда тан олиш учун энди ҳар бир шартномани маълум бир давр мобайнида юқорида тавсифланган учта тан олиш шартларидан камида биттасига мувофиқлигини баҳолаш керак.

2. Агар тегишли «актив» устидан, яъни шартномада мавжуд бўлган товар ёки хизмат бўйича назорат буюртмачига ўтказилса, шартнома мажбурияти бажарилади.

3. Муайян вақт давомида стандартда белгиланган учта мезондан камида биттасининг талабини бажариш қурилиш компанияларида тушумни тан олишга мажбур қилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

1. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талаблари асосида ислоҳ қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари ва йирик солиқ тўловчилар томонидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар талаблари асосида тузилиши уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

2. Қурилиш ташкилотлари ҳам ўз фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб катта миқдорда инвестицияларни жалб этишга эҳтиёж сезади. Шу боисдан мазкур тармоқда ҳам бухгалтерия ҳисоби ишларини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш замон талаби ҳисобланади.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Айниқса, бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим объектлари ҳисобланган даромад ва харажатлар ҳисобини ҳам халқаро стандартлар асосида ташкил этиш зарурдир. Қурилиш ташкилотларида тушумни тан олишда “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХСнинг қўлланиши молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

Radu Marginean, Delia Corina Mihaltan, Nicolae Todea. (2015) Structure ratios of Profit and Loss Account - source of information for performance analysis. //Economics and Finance 26, 396-403.

Mariana Man, Liana Gădău (2010) The profit and loss account in different approaches: advantages and disadvantages. //Annales Universitatis Apulensis Series Oeconomica, 12(1).

Zuca Marilena, Tinta Alice. (2012) The profit and loss account major tool for the analysis of the company's performance. // Social and Behavioral Sciences 62, 382-387.

Авлокулов А.З. (2019) Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Тошкент, -72 б.

Калонов М.Б. (2019) Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 72 б.

Исмаилова М.М. (2021) Акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 54 б.



БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН МУАССАСАЛАРДА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛИШ ТАҲЛИЛИ

и.ф.н., Турабов Б.Т.

Давлат бошқарув академияси тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомига риоя қилиш таҳлили бўйича тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унинг муаммоларини ҳолати таҳлили қилинган ҳамда хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бюджетдан молиялаштириладиган муассаса, бюджет интизоми, бюджет ижроси, молия тизими, давлат харажатлари, мониторинг.

Аннотация: В статье проведены исследования по анализу соблюдения бюджетной дисциплины в учреждениях, финансируемых из бюджета, оценка текущего состояния контроля за использованием бюджетных средств и соблюдением бюджетной дисциплины Республики Узбекистан и проведен анализ его проблем и сделаны выводы.

Ключевые слова: бюджетное учреждение, бюджетная дисциплина, исполнение бюджета, финансовая система, государственные расходы, мониторинг.

Abstract: In the article, research was carried out on the analysis of compliance with budget discipline in the institutions financed from the budget, the assessment of the current state of control over the use of budget funds and compliance with budget discipline of the Republic of Uzbekistan and the analysis of its problems were made, and conclusions were drawn.

Key words: budget-financed institution, budget discipline, budget execution, financial system, public spending, monitoring.

1. Кириш.

Бугунги кунда жаҳон молия тизими, молия бозорлари фаолиятининг беқарорлиги, барча мамлакатларда давлат харажатларини оптималлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш талабларининг кескинлашуви, бюджет барқарорлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Давлат молиясини самарали ва масъулиятли бошқариш тамойилларини қўллаш заруратининг халқаро миқёсда тан олинishi бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда ҳам бюджет жараёнини амалга оширишда янги ёндашувлардан фойдаланишга олиб келади. Бюджет жараёнини амалга ошириш ва зарур бюджет ислохотларини амалга ошириш,

молиявий барқарорлик ва давлат харажатлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатли бюджетни режалаштиришдан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланиш натижалари учун масъулиятни оширишни тақозо қилмоқда.

Ҳукумат бюджет интизомини яхшилашга қаратилган учта ҳуқуқий ҳужжатга эга, яъни ташқи ва ички назорат, яхши бошқарув ва ҳисоб (молия, солиқ, бухгалтерия каби) маълумотлари. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджетни суиистеъмол қилиш, молиявий ресурслардан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари, шу жумладан шаффофликнинг йўқлиги, жавобгарлик аниқ белгиланмаганлиги ва бюджет интизومي ҳукуматда бюджетлаштиришнинг мантиқийлигини ва самарали бошқарувни шунингдек, давлат бюджети ўртасида сезиларли ижобий муносабатлар мавжудлигини шубҳа остига қўяди. Шунинг учун бюджет қоидаларига қатъий риоя қилиш, аynиқса, бюджет жараёнидаги интизом, шаффофлик ва жавобгарликка тааллуқли бўлганлиги сабабли бюджет интизомига риоя қилиш ва уни бузилмаслигини таъминлаш тавсия этилади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Янжул И.И. (2002) тадқиқотларида “Молия ва уларни ташкил этиш жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бутун давлат тузилмаси ва бошқарувига нафақат билвосита, балки бевосита таъсир кўрсатади. Фақат бу эмас: бошқарув шакллариининг ўзи маълум даражада молиявий ташкилот ва давлатнинг молиявий эҳтиёжлари билан белгиланади”.

Европалик тадқиқотчилар В.Кикерт ва Л.Рандма (2015) фикрига кўра, “Буюк турғунликдан сўнг давлат молияси ва бюджет назорати ҳолати сиёсат кун тартибининг энг юқори қисмига кўтарилди ва молиявий интизомни белгиловчи омилларга қизиқиш қайта тикланди. Европа Иттифоқининг ўзига хос мисолида, яқинда бир қанча давлатлар суверен дефолтлардан қочиш учун бюджетни кескин қисқартиришди”.

Ю.Касперская ва Р.Хифрени (2020) қарашларида “Бюджетни тўғри бажариш кўпроқ бюджет қарорларини қабул қилувчиларнинг таҳлилий салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолди; бироқ уларнинг ушбу кўникмаларни амалга оширишига бюджет жараёнининг хусусиятлари ёрдам бериши ёки тўсқинлик қилиши мумкин”.

С.Сантису ва М.Вареа (2013) фикрича, “қонун чиқарувчи ҳокимият парламент назорати орқали ҳукуматларни жавобгарликка тортишнинг муҳим фискал миссиясига эга. Буни самарали амалга ошириш учун қонун чиқарувчи орган тегишли бюджет маълумотларига, жумладан, барча давлат секторларини қамраб оловчи йиллик бюджет, ўрта муддатли бюджетлар, бюджетдан ташқари харажатлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқаларга эга бўлиши керак”.

К.Р.Эдеми ва Н.С.Нкалунинг (2017) таъкидлашича, “бюджет ижроси режаларининг номутаносиблиги, бюджет маблағларининг ажратилмаслиги ва бюджет ижроси мониторингининг йўқлиги бюджет ижросининг ёмонлиги билан боғлиқ”.

А.Х.Фариддединнинг (2015) таъкидлашича, “Молиявий интизомнинг мақсади бюджет муаммоларини юзага келишидан олдин олдиндан кўришдир. Ташкилот ўтган йил давомида бирон бир бюджет йилида бюджетни ошириб юбориш эҳтимоли бор-йўқлигини баҳолаши ва кейин буни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тақлиф қилиши керак. Молиявий интизом ва пул интизومي иқтисодий интизомнинг иккита муҳим жиҳати бўлиб, уларнинг давлат-хўжалик режимида йўқлиги жуда таъсирли бўлиб, уларни давлат-иқтисодиёт режимининг ўзига хос ва табиий атрибути деб ҳисоблаш мумкин, чунки бюрократия ва давлат бюрократияси органида уларнинг йўқлиги доимо кучли сезилиб келган”.

Л.Вакловас ва Г.Лукас (2012) бюджет маблағларини самарали бюджет назорати ва интизомини амалга оширишда ички назоратга урғу қаратишиб, “Ички назоратнинг умумий жиҳатлари ишончли ва самарали назорат вазифаси ҳар томонлама маълумотни таъминлаш, мулк ва ҳужжатларни ҳимоя қилиш, самарали иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, бухгалтерия ҳисоби тамойилларига риоя қилиш ва ишончли молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, қонунлар ва ижроия ҳужжатларига, корхона қоидаларига риоя қилишни ўз ичига олади” деб унинг аҳамиятини баҳолашган.

С.Диттемер ва П.Касати (2014) ўз тадқиқотларида ички назоратнинг аҳамиятига асосланган: “Ички назорат ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги, фаолияти натижадорли ва самарали эканлиги ҳамда фаолияти амалдаги қонунлар ва қоидаларга мувофиқлиги ҳақида оқилона ишончни таъминлаш учун амалга оширадиган қоидалар, сиёсат ва жараёнлар тўпламини ўз ичига олади”.

Тадқиқотчи С.Л.Кево (2017) ўз мақоласида “Ички назорат тизимини жорий қилиш ташкилотнинг молиявий жавобгарлигини менежерлар томонидан қарорлар қабул қилишни яхшилашга ёрдам беради, чунки давлат секторидаги ички назоратни жамиятдаги бошқарув самарадорлигини яхшилашга қаратилган ҳаракатлардан ажратиб бўлмайди”.

Юқорида хорижий ўрганишлар асосида иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларини ўргандик ва бугунги кунда бюджет интизоми масаласи барча мамлакатлар учун катта муаммолардан бири эканлиги асосланиб. Улар томонидан ечим борасида турли хил тадқиқотлар олиб борилганлигини кўриш мумкин.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада таққослама таҳлил қилиш методикаси қўлланилган бўлиб, бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомига риоя қилиш таҳлил қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унинг муаммоларини аниқлаш учун, дастлаб, таҳлил ишлари амалга оширилаётган йиллар давомида бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз керак. Бизнинг назаримизда, ана шундай тасаввурни шакллантиришда бизга шу йиллар давомида амалга оширилган назорат ишларига тегишли бўлган маълумотлар ва уларни таҳлил қилиш ёрдам беради. Ана шундай маълумотларнинг дастлабкилари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган назорат ишларига хос бўлган баъзи бир умумий тенденцияларни аниқлашимиз мумкин. Таҳлил қилинаётган йилларда тафтиш ва текширишлар ўтказилган муассасалар ва ташкилотларнинг умумий сони ўсиш тенденциясини кўрсак, 2018 йилда пасайиш тенденцияси кузатила бошланади, яъни 2018 йил 7 047 та, 2019 йил 10 334 та, 2020 йилда 6 944 та ва 2021 йилда 9 414 тани ташкил этаётганлигини кўриш мумкин. Текширишларнинг энг кўпи 2015 йилга бориб тақалса, 2020 йилда эса 6 944 тани ташкил этганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган назорат ишлари¹

(та бирлик)

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1. Тафтиш ва текширишлар ўтказилган жами муассасалар сони	16157	18963	21043	26225	25531	14295	7047	10334	6944	9414
2. Молия органларида маҳаллий бюджетни тузиш ва ижро этишни таъминлаш юзасидан ўтказилган текшириш ва тафтишлар	167	173	179	185	191	26	131	17	49	28
3. Республика бюджетидан маблағ олувчи муассасаларда ўтказилган текшириш ва тафтишлар	1443	1531	1620	1709	1798	932	1060	1864	594	1360
4. Маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда ўтказилган текшириш ва тафтишлар	14319	17306	18151	23121	22947	11693	4384	6193	4135	5745
5. Хўжалик субъектларида (мулкчилик шаклидан қатъий назар) ўтказилган текшириш ва тафтишлар	780	1060	1428	1602	990	1102	471	791	682	617
6. Молия вазирлиги қошидаги Жамғармалардан бериладиган маблағларни белгиланган мақсадларга ишлатилиши юзасидан ўтказилган текширишлар	1058	597	1464	1502	1594	542	1001	1469	1533	1664

¹ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар²

(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммаси - жами	246795,0	249392,9	589951,5	797350,4	812498,2	534140,1	539280,8	488292,9	1178997,4	2618812,2
<i>шу жумладан,</i> бюджет муассасаларида аниқланган сумма	45394,6	64548,4	76635,5	165522,1	151630,4	91079,3	68104,1	142591,9	245956,4	1072119,5
Шу жумладан:										
1. Пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади ва ўзлаштирилиб юборилган суммаси - жами	91552,4	58783,0	86792,4	130345,2	232235,4	75343,6	130220,5	161128,1	245635,0	341825,5
<i>шу жумладан,</i> бюджет муассасаларида аниқланган сумма	7254,2	7600,2	14457,3	41387,8	28867,1	22397,0	15608,9	30348,6	81354,2	124562,0
2. Ноқонуний сарфланган моддий бойликлар ва пул маблағлари суммаси- жами	155242,5	190609,9	503159,1	667005,2	580262,8	458796,5	409060,4	327164,8	933362,4	2276986,7
<i>шу жумладан,</i> бюджет муассасаларида аниқланган сумма	38140,4	56948,2	62178,1	124134,3	122763,2	68682,3	52495,2	112243,3	164602,2	947557,6

² Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html

Эътиборлиси, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган назорат ишларини 2012-2015 йиллар оралиғида амалга оширилган назорат ишлари сонининг йилдан-йилга ошиш тенденциясига эга эканлиги бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомининг талаб даражасида эмаслигидан ҳам дарак беради. Бюджет интизомига риоя этишнинг пастлиги ёки унинг талаб даражасида эмаслиги назорат-тафтиш ишлари сонининг йилдан-йилга ошишини тақозо этганлиги шубҳасиздир. Акс ҳолда, бундай кўлам (масштаб)даги ишларни амалга оширишга ҳожат қолмаган бўлур эди.

2018-2021 йил оралиғида эса текширишлар сонининг олдинги йилларга нисбатан анчайин камайганлигини кўришимиз мумкин. Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унинг муаммоларини аниқлаш учун 1-жадвал маълумотлари муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бизнинг фикримизча, улар мавжуд муаммолар хусусида умумий тасаввур ҳосил қилишгагина ёрдам бериши мумкин. Улар тўғрисида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун эса, фикримизча, таҳлил жараёнига юқорида келтирилган ёки қайд этилган тафтиш ва текширишларда бюджет интизомига риоя этмасдан аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар тўғрисида ҳам маълумотларга эга бўлишимиз керак. Ана шу маълумотлар биз томонимиздан 2-жадвалда келтирилган.

Ушбу 2-жадвалда келтирилган маълумотлар бюджет интизомига риоя этишнинг аҳволини аниқлаш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишларда бюджет интизомига риоя этмасдан аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар тўғрисида умумий тасаввур бериш имконига эгадир. Айниқса, улар бюджет интизомига риоя этмаслик оқибатида вужудга келган ноқонуний харажатлар ва зарарлар масштабининг кўлами республикамызда қандай эканлигини яққол кўрсатяпти. Шу муносабат билан шу ўринда тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммаси таҳлил қилинган йилларнинг айримларида ошиб кетганлигини қайд этиб ўтишимиз керак.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади ҳамда ўзлаштирилиб юборилган суммаси ошиши ва ноқонуний сарфланган моддий бойликлар ва пул маблағлари суммаси эса мос равишда ошганлиги, шу жумладан, бюджет муассасаларида аниқланган сумма ҳам ошиб кетиши назорат тадбирларини ўтказишга бўлган заруратни оширмоқда.

Тафтиш ва текширишларда бюджет интизомига риоя этмаслик оқибатида аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда фақат абсолют рақамлар шаклида келтирилганлиги учун улар яқуний хулоса чиқариш учун етарли эмасдир. Чунки бу ерда рақамларнинг даражасига бир неча омиллар, жумладан, инфляция омили ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун юқоридаги маълумотларни нисбий кўринишда ҳам таҳлил қилиб чиқиб, ундан сўнг тегишли хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Бу маълумотлар биз томонимиздан 3-жадвалда акс эттирилди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармаси томонидан 2012-2021
йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишларда аниқланган
ноқонуний харажатлар ва зарарлар³

Кўрсаткичлар	(% да)									
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммаси - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан, бюджет муассасаларида аниқланган сумма	18,4	25,9	13,0	20,8	18,7	17,1	12,6	29,2	20,9	40,9
Шу жумладан:										
1. Пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомоди ва ўзлаштирилиб юборилган суммаси – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
- уларнинг аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммасига нисбатан салмоғи	37,1	23,6	14,7	16,3	28,6	14,1	24,1	33,0	20,8	13,1
- улардан бюджет муассасаларида аниқланган сумма	7,9	12,9	16,7	31,8	12,4	29,7	12,0	18,8	33,1	36,4
2. Ноқонуний сарфланган моддий бойликлар ва пул маблағлари суммаси – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
- уларнинг аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммасига нисбатан салмоғи	62,9	76,4	85,3	83,7	71,4	85,9	75,9	67,0	79,2	86,9
- улардан бюджет муассасаларида аниқланган ноқонуний сарфланган моддий бойликлар ва пул маблағлари	24,6	29,9	12,4	18,6	21,2	15,0	12,8	34,3	17,6	41,6

³ Жадвал тадқиқотчи томонидан 2-жадвал маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикаимиз миқёсида 2012-2021 йиллар давомида тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасининг мунтазам равишда қарийб 1/5 қисми бюджет муассасаларида аниқланган суммаларга тўғри келган.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, бюджет интизомининг аҳволига баҳо бериш учун ўтказилган тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси ўзининг таркибий тузилишига кўра икки қисмдан иборат бўлиб, тафтиш ва текширишларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг бюджет муассасаларида аниқланган суммаси 2012 йилда 18,4 %ни ташкил этса, 2021 йилда 40,9 %га ошиб, деярли 1/5 умумий нисбатни ½ қисми бюджет муассасаларида аниқланган суммаларга тўғри келганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи қисмда, аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммасига нисбатан салмоғи 2012 йилда 62,9 %дан 2021 йилда 87 %га ошганлигини, улардан бюджет муассасаларида аниқланган ноқонуний сарфланган молиявий маблағлари 24,6 %дан 2021 йилда 41,6 %га ошиши бюджет маблағларининг талон-тарож қилиниши нисбатида ўзгаришлар салбий томонга юрганлигини кўриш мумкин.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унинг муаммоларини аниқлашни тафтиш ва текширишлар натижаси бўйича кўрилган чора-тадбирларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун, қуйида диққат-эътиборимизни масаланинг ана шу жиҳатига қаратамиз. Бу вазифани бажаришга бизга 4-жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдам беради.

4-жадвалда 2012-2021 йиллар маълумотларга асосланадиган бўлсак, бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижаси бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини ифодаловчи ҳолатлар абсолют рақамлардан берилган бўлиб, ҳозирги шароитда уларнинг айнан шу кўринишда таққосланиши ҳамма вақтда ҳам тўғри ва етарли даражада асосланган хулосаларни чиқариш имконини бермаса-да, уларнинг барчаси ана шу ҳолат хусусида умумий тасаввурни шакллантиришда, барибир ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Лекин бу ердаги бир кўрсаткич абсолют рақамларда берилган бўлишига қарамасдан мамлакатимиздаги бюджет интизомига риоя қилиш аҳволининг қандай эканлиги тўғрисида маълум бир хулосаларни чиқариш имконини беради. Гап бу ерда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар сони ҳақида кетяпти.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012-2021 йиллар оралиғида бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижаси бўйича, амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ равишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар сони 2012 йилда 4 433 тадан 2015 йилда 8 262 та, 2016 йилда 8 754 тага етган ёки 2012 йилга нисбатан 2 баробардан кўпроқ мартага ошган. 2017 йилда 5 422 та камайиш кузатилган бўлса-да, 2021 йилда 7 333 тага етиб, яна ўсиш кузатилган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижаси бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари⁴

(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар мазмуни	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар сони	4433	6482	5968	8262	8754	5422	3751	5818	4535	7333
а) аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси улардан:	224798	200751	146277	688782	614550	408931	481855	465051	1111849	2556788
- бюджет муассасалари бўйича аниқланган суммаси	39976	57863	64355	142144	122367	85970	60127	129622	239535	1047550
2. Аниқланган зарар суммаларидан ундирилгани улардан:	128993	85699	161144	217508	261709	150003	85173	162339	211442	1497752
бюджет муассасаларида	38664	48319	60142	134199	116707	72153	51094	129139	168771	931204
шу жумладан,										
а) мансабдор ва айбдор шахслардан камомад ва ўзлаштиришни қоплашга ундирилган миқдори	6179	5689	11346	33556	22219	17743	11710	27485	55824	108190
б) ноқонуний сарф қилинган маблағларнинг ундирилган миқдори	32486	42630	48796	100643	94489	54410	39384	101654	112947	823014
3. Молия вазирлиги қошидаги Жамғармаларга тикланиши лозим бўлган маблағлар	32396	74566	333848	330350	360637	298133	245769	151120	488633	851961
шу жумладан, тиклангани	25913	39798	231055	160454	240083	214675	218585	90824	283805	722799
4. Бюджетга қўшимча ҳисобланган даромадлар суммаси	18986	23015	15100	24364	27959	21597	45122	35926	35549	434472
- шундан, ундирилгани	15531	23015	15100	24364	27959	21597	45122	35926	35549	434472
5. Мансабдор шахсларга (дан)										
- қўлланилган жарималар	462	398	643	882	789	170	124	291	36	28,6
- ундирилган жарималар	432	361	542	725	676	151	117	288	36	28,6

⁴ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html

Шуниси эътиборлики, бу кўрсаткичнинг ошиш даражаси таҳлил қилинаётган йиллар давомида узлуксизлик характериға эгадир. Унга қараб туриб, бизнингча, икки томонлама хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, бу кўрсаткичнинг 2012-2021 йиллар давомида узлуксиз ошиб бориши мамлакатимизда шу йилларда бюджет интизомига риоя қилиш масалаларига жиддий эътибор берилаётганлигидан далолат берса, иккинчидан эса, бюджет интизомига риоя этиш масалаларига жиддий эътибор берилаётганлигига қарамасдан субъектлар (жумладан, бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда ҳам) доирасида бюджет интизомини кескин яхшилашнинг иложи бўлмаётганлигини кўрсатяпти. Бундай ҳолатнинг мавжуд эканлиги бу ерда ҳал этилиши лозим бўлган жиддий муаммоларнинг борлигидан далолат беряпти. 4-жадвалда келтирилган бошқа маълумотлар ҳам юқоридаги фикримизнинг тўғри эканлигини абсолют кўринишларда яққол тасдиқлайди. Нима учун бундай вазият вужудга келганлигининг сабабларини аниқлаш учун 5-жадвал маълумотларига мурожаат қилайлик.

5-жадвалда ўз ифодасини топган маълумотларни таҳлил қилиш шундан дарак берадики, 2012-2021 йилларда аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасининг таркибида бюджет муассасаларида аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасининг салмоғи йиллар давомида ўзгарувчан бўлган, унинг даражаси 2012 йилларда 17,8 %дан 2021 йилда 41 %гача ўсган ёки ўртача 12,5 – 44 % оралиғида тебранган. Ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг ундирилганларида бюджет муассасаларига тегишли қисмининг салмоғи 2012 йилларда 96,7 %дан 2021 йилда 88,9 %гача ўсган ёки ўртача 83,5 - 99,6 % оралиғида тебранган.

Ноқонуний харажатлар ва зарарлар ундирилганларининг бюджет муассасаларига тегишли суммаси таҳлил қилинганда, 100 фоизлик нисбатда олганимизда унда мансабдор ва айбдор шахслардан камомад ва ўзлаштиришни қоплашга ундирилган сумманинг салмоғи 2012 йилда 16 %, юқори ўсиш йиллари 2015 йилда 25 %, 2020 йилда 33,1 % бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 11,6 %ни ташкил этган.

Бюджетга қўшимча ҳисобланган даромадлар суммасида ундирилганларининг салмоғи 2012 йилда 81,8 %да қолган 2013-2021 йилларда 100 %га етганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, мансабдор шахсларга солинган жарималарда улардан ундирилган қисмининг салмоғи 2012 йилда 93,4 %, 2019 йилда 98,9 % бўлса. 2020-2021 йилларда 100 %га етганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Умуман олганда, 5-жадвалда келтирилган маълумотлар бюджет интизомининг аҳволини аниқлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишларнинг самарадорлигини характерлаб, унинг даражаси бўлиши керак даражада эмаслигини кўрсатяпти. Демак, бу ерда ҳам ана шундай вазият вужудга келишининг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, улар, оқибат натижада, мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашга тегишли бўлган муаммоларнинг мавжудлигидан дарак беряпти.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижаси бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги⁵

(% да)

Кўрсаткичлар мазмуни	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1. Аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2. Уларнинг таркибида бюджет муассасаларида аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасининг салмоғи	17,8	28,8	44,0	20,6	19,9	21,0	12,5	27,9	21,5	41,0
3. Аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасида ундирилганларининг салмоғи	57,4	42,7	110,2	31,6	42,6	36,7	17,7	34,9	19,0	58,6
4. Ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг ундирилганларида бюджет муассасаларига тегишли қисмининг салмоғи	96,7	83,5	93,5	94,4	95,4	83,9	85,0	99,6	70,5	88,9
5. Ноқонуний харажатлар ва зарарлар ундирилганларининг бюджет муассасаларига тегишли суммаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
а) унда мансабдор ва айбдор шахслардан камомад ва ўзлаштиришни қоплашга ундирилган сумманинг салмоғи	16,0	11,8	18,9	25,0	19,0	24,6	22,9	21,3	33,1	11,6
б) унда ноқонуний сарф қилинган маблағларнинг ундирилган суммаси салмоғи	84,0	88,2	81,1	75,0	81,0	75,4	77,1	78,7	66,9	88,4
6. Молия вазирлиги қошидаги Жамғармаларга тикланиши лозим бўлган маблағларда тикланганларининг салмоғи	80,0	53,4	69,2	48,6	66,6	72,0	88,9	60,1	58,1	84,8
7. Бюджетга қўшимча ҳисобланган даромадлар суммасида ундирилганларининг салмоғи	81,8	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
8. Мансабдор шахсларга солинган жарималарда улардан ундирилган қисмининг салмоғи	93,4	90,8	84,2	82,3	85,7	88,7	94,4	98,9	100,0	100,1

⁵ Тадқиқотчи томонидан 4-жадвал маълумотлари асосида тайёрланган.

Мамлакатимизда бюджет интизомининг аҳволини аниқлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар самарадорлигининг қандай эканлигини бошқачароқ тарзда ёндошиб ҳам аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун маълум бир даврда ўтказилган тафтиш ва текширишларнинг умумий сони, унинг таркибида ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган ҳамда аниқланмаган тафтиш ва текширишларнинг сони, аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг умумий суммаси, ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг ўртача даражаси, тафтиш ва назорат ишларида иштирок этган ўртача битта ходимга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар тўғрисидаги маълумотларни таққослаб, таҳлил қилиб чиқишимиз керак. Амалга оширилган таҳлил натижалари 6-жадвалда ўз аксини топган.

6-жадвалда мамлакатимиз Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишларнинг таҳлили келтирилган.

Ўтказилган текшириш ва тафтишларнинг умумий 2012 йилда 16 157 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 9 414 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, Ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланмаган текшириш ва тафтишлар сони 2 593 тани, салмоғи 16,8 % бўлса, 2021 йилда 2 548 та, салмоғи 27,1 %га ошганлигини кўриш мумкин.

Ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган текшириш ва тафтишлар сони 2012 йилда 13 654 тани, салмоғи 84 %ни, 2021 йилда 6 866 тани, салмоғи 73 %га ижобий ўзгарганлигини кўриш мумкин. Аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг умумий суммаси 2012 йилда 246 795,0 млн.сўмни, 2021 йилда эса 2 618 812,2 млн.сўмни ташкил этган. Жумладан, ўртача битта ўтказилган текшириш ва тафтишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси 2012 йилда 15,3 млн.сўмни, 2021 йилда эса 278,2 млн.сўмни ташкил этган.

Мамлакатимизда бюджет интизомининг аҳволини аниқлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар самарадорлигининг қандай эканлигини бюджет муассасаларига нисбатан ҳам аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун маълум бир даврда ўтказилган тафтиш ва текширишларнинг умумий сони, унинг таркибида ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган ҳамда аниқланмаган тафтиш ва текширишларнинг сони, аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг умумий суммаси, ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг ўртача даражаси, тафтиш ва назорат ишларида иштирок этган ўртача битта ходимга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар тўғрисидаги маълумотларнинг бюджет муассасаларига тегишли қисмларини таққослаб, таҳлил қилиб чиқишимиз керак.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тафтиш ва текширишлар ҳамда уларнинг натижалари⁶

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1. Ўтказилган текшириш ва тафтишларнинг умумий:										
- сони	16157	18963	21043	26225	25531	14295	7047	10334	6944	9414
- салмоғи, %да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2. Ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланмаган текшириш ва тафтишлар:										
- сони	2593	3361	4564	3251	2832	1492	1172	2306	1554	2548
- салмоғи, %да	16,0	17,7	21,7	12,4	11,1	10,4	16,6	22,3	22,4	27,1
3. Ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган текшириш ва тафтишлар:										
- сони	13564	15602	16479	22974	22699	12803	5875	8028	5390	6866
- салмоғи, %да	84,0	82,3	78,3	87,6	88,9	89,6	83,4	77,7	77,6	72,9
4. Аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг умумий суммаси, млн. сўмда	246795,0	249392,9	589951,5	797350,4	812498,2	534140,1	539280,8	488292,9	1178997,4	2618812,2
5. Ўртача битта ўтказилган текшириш ва тафтишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар, млн.сўмда	15,3	13,2	28,0	30,4	31,8	37,4	76,5	47,3	169,8	278,2
6. Тафтиш ва текширишларда иштирок этган ходимлар сони	994	994	994	994	994	633	633	540	494	412
7. Ўртача битта ходимга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар, млн. сўмда	248,3	250,9	593,5	802,2	817,4	843,8	851,9	904,2	2386,6	6356,3

⁶ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармаси томонидан 2012-2021 йилларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар ҳамда уларнинг натижалари⁷

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1. Ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган текшириш ва тафтишлар:										
- сони	13564	15602	16479	22974	22699	12803	5875	8028	5390	6866
- салмоғи, %да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан, бюджет муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар:										
- сони	12311	14505	14553	20835	20725	11510	4744	6616	3861	5380
- салмоғи	90,8	93,0	88,3	90,7	91,3	89,9	80,7	82,4	71,6	78,4
2. Аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг умумий:										
- суммаси	246795,0	249392,9	589951,5	797350,4	812498,2	534140,1	539280,8	488292,9	1178997,4	2618812,2
- салмоғи	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан, бюджет муассасаларига тегишлисининг										
- суммаси	45394,6	64548,4	76635,5	165522,1	151630,4	91079,3	68104,1	142591,9	245956,4	1072119,5
- салмоғи	18,4	25,9	13,0	20,8	18,7	17,1	12,6	29,2	20,9	40,9
3. Ўртача битта ўтказилган текшириш ва тафтишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар, млн. сўмда	3,7	4,5	5,3	7,9	7,3	7,9	14,4	21,6	63,7	199,3
4. Тафтиш ва текширишларда иштирок этган ходимлар сони	994	994	994	994	994	633	633	540	494	412
5. Ўртача битта ходимга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар, млн. сўмда	45,7	64,9	77,1	166,5	152,5	143,9	107,6	264,1	497,9	2602,2

⁷ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html

7-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012-2021 йиллар давомида ноқонуний харажатлар ва зарарлар аниқланган тафтишларнинг бюджет муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар таркибида уларнинг асосий қисми, яъни 2012 йилда 91 %ни, 2015 йилда 91,3 %ни ва 2021 йилда 78,4 %ни ташкил этган бўлса, уларнинг сони 2012 йилда 12 311 тадан 2021 йилда 5 380 тага камайганлигини кўриш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, бюджет муассасаларида аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар жами аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларга нисбатан 2012 йилда 18,4 %ни, 2013 йилда 25,9 %ни, 2014 йилда 13 %ни, 2015 йилда 21 %ни, 2016 йилда 18,7 %ни, 2017 йилда 17,1 %ни, 2018 йилда 12,6 %ни, 2019 йилда 29,2 %ни, 2020 йилда 21 %ни ва ниҳоят, 2021 йилда эса 41 %ни ташкил этган.

Ўртача битта ўтказилган текшириш ва тафтишларга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси 2012-2021 йиллар оралиғида 3,7 млн. сўмдан 199,3 млн. сўм оралиғида тебранган бўлса, худди шу йиллар оралиғида ўртача битта ходимга тўғри келувчи аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммаси эса 45,7 млн. сўмдан 2602,2 млн. сўмгачани ташкил этган.

Шундай қилиб, бу рақамлар ҳам 6-жадвал маълумотларидек, бюджет интизомига риоя қилиш устидан назорат ишларини амалга ошириш борасидаги ишларни сира тўхтатмаслик кераклигини яна бир бор кўрсатяпти. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг фикримизча, юқорида таъкидлаганимиздек, бу рақамларнинг даражаси ҳам назорат органлари томонидан ўтказилган тафтиш ва текшириш ишларининг қанчалик самарали эканлигини тўлиқ кўрсатиб беролмайди. Бунинг сабаби, юқорида қайд этганимиздек, ўша назорат ишларини амалга ошириш учун керак бўлган харажатлар суммасини тўлиқ аниқлаб бўлмаётганлиги ёки масаланинг бу томонига амалиётда ҳанузгача етарли даражада эътибор берилмаётганлиги билан белгиланади.

Энди юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларига ва жадвалларда акс эттирилган маълумотларга суянган ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволи ва муаммоларига тегишли бўлган асосий ҳолатларни белгилашга ва тегишли хулосаларни чиқаришга ҳаракат қилайлик. Дастлаб, шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволини, кейинги йилларда бу соҳага нисбатан жиддий ишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, қониқарли даражада деб бўлмайди. Бу нарса, бизнинг фикримизча, ўзини қуйидагиларнинг систематик равишда мавжудлиги орқали намоён этапти:

молия органларида маҳаллий бюджетни тузиш ва ижро этишни таъминлаш, республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ олувчи муассасаларда, хўжалик субъектларида ҳамда Молия вазирлиги қошидаги Жамғармалардан бериладиган маблағларни корхоналарда кўзланган мақсадларга ишлатилиши ва ҳоказолар юзасидан тафтиш ва текширишлар шаклида мунтазам равишда бюджет интизомига риоя этиш бўйича бюджет назорати амалга оширилиб келинаётган бўлишига қарамасдан аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарларнинг суммаси ҳамон катта миқдорни ташкил этапти ва уларни кескин қисқартиришнинг иложи бўлмаяпти;

аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасининг сезиларли қисми бюджетдан тўлиқ молиялаштирилаётган бюджет муассасаларининг ҳиссасига тўғри келяпти;

бюджет интизомига риоя этишнинг нисбатан пастлиги ёки унга етарли даражада риоя этилмаётганлиги оқибатида бюджетдан ажратилаётган пул

маблағлари ва моддий бойликларнинг камомадига йўл қўйиляпти ёки улар у ёки бу шаклда ўзлаштирилиб юбориляпти;

бюджет маблағларининг маълум бир қисми ноқонуний сарфланган моддий бойликлар ва пул маблағларининг ҳиссасига тўғри келяпти;

аниқланган ноқонуний харажатлар ва зарарлар суммасини тўлиқ тиклашнинг ёки айбдорлардан ундириб олишнинг иложи бўлмаяпти, мансабдор ва айбдор шахслардан камомад ва ўзлаштиришнинг қопланиши (ундирилиши) паст даражададир, ноқонуний сарф қилинган маблағларнинг ундирилишига нисбатан ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин;

Молия вазирлиги қошидаги Жамғармаларга тикланиши лозим бўлган маблағларнинг тўлиқ тикланишига эришиб бўлмаяпти;

бюджет интизомига риоя этмаслик ёки уни бузиш эвазига бюджетга қўшимча ҳисобланган даромадларни республика бюджетига ёки маҳаллий бюджетга тўлиқ туширишнинг иложи бўлмаяпти;

бюджет интизомининг бузилишига сабабчи бўлган мансабдор шахслардан уларга нисбатан қўлланилган жарималар тўлиқ ундирилмаяпти.

5. Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳолатларнинг барчаси бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратнинг ҳозирги аҳволини характерлайди ва ундаги мавжуд муаммоларни белгилаб беради. Шу боис мамлакатимизда бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустақкамлаш йўналишлари белгиланаётган ва тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиляётган пайтда улар, албатта, инobatга олинмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида юқорида чиқарилган хулосалар ва аниқланган ҳолатлар мамлакатимизда бюджет интизомининг қаерда бузиляётганлиги, қаерда нисбатан пастлиги ва қаерларда унга умуман риоя этилмаяётганлиги билан боғлиқ бўлган масалаларга ойдинлик кирита олмайди. Бунинг учун шу масалани тармоқлар, бюджет муассасалари ёки субъектлар кесимида таҳлил қилмоқ зарур.

Маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви ички назорат тизимини кучайтириши керак. Бироқ, фирибгарлик ёки коррупцияни минималлаштириш ва хатоларни имкон қадар ҳисобот бериш учун мавжуд назоратга риоя қилишни таъминлаш учун барча даражадаги маҳаллий ҳукумат ходимларини малака даражаларини оширишга катта эҳтиёж бор.

Бугунги кундаги хато ва камчиликларга йўл қўйган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини баҳоланмаслиги кузатилмоқдаки, ходимлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни муҳокама қилиб бориш ва эҳтимол, уларни ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш учун маҳаллий ҳокимият ходимларини баҳолаш ва уларнинг вазифаларини ажратиш зарурати мавжуд.

Адабиётлар

Dittmeier, C., & Casati, P. (2014). Evaluating Internal Control Systems. A comprehensive model for system management. Florida: The institute of internal auditors research foundation (IIARF).

Edeme, K. R., & Nkalu, N. C. (2017). Budget for Development: Lessons from 2013 budget implementation in Nigeria. *Journal of Economics and International Finance*, 9(4), 30-35.

Fariddedin, A.H. (2015). Financial Discipline in the Governmental Organizations. *Journal UMP Social Sciences and Technology Management*, 3(3), 429-432.

Kickert, W. and Randma-Liiv, T. (2015), *Europe Managing the Crisis: The Politics of Fiscal Consolidation*, Routledge, Oxford.

Kasperskaya, Y. and Xifré, R. (2020), "The analytical capacity of budgetary administrations: the case of the Euro area", *Journal of Public Budgeting, Accounting & Financial Management*, Vol. 32 No. 3, pp. 379-398. <https://doi.org/10.1108/JPBA-FM-07-2019-0113>

Kewo, C. L. (2017). The Influence of Internal Control Implementation and Managerial Performance on Financial Accountability Local Government in Indonesia. *Implementation internal control system will improve the financial issues*, 7(1), 293-297.

Santiso, C. and Varea, M. (2013), "Strengthening the capacities of parliaments in the budget process", *Inter-American Development Bank Institutional Policy Brief*, IDB-PB-194 (October)

Vaclovas, L., & Lukas, G. (2012). The Concept of internal control system: Theoretical Aspect. *EKONOMIKA*, Vol. 9(2), 142-152.

Янжул И.И. (2002) Основные начала финансовой науки. Учение о государственных доходах. М.: Статут, С. 35.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
mf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ